**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

# ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ

**Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги
бўйича таълим олаётган
талабалари учун**

**Тошкент - 2001**

**Китоб Очиқ Жамият институти - Кўмак жамғармасиниг Ўзбекистондаги ваколатхонаси кўмагида чоп этилган.**

**Юридик фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Х.Б. Бобоев ва юридик фанлари доктори, профессор М.Х. Рустамбоевларнинг умумий таҳрири остида.**

**Масъул муҳаррир: ю.ф.д. М.Б. Усмонов**

Муаллифлар таркиби:

Усмонов М.Б. ю.ф.д. (Кириш,VIII боб), Рустамбоев М.Х. ю.ф.д., проф. (VII бобнинг 4§), Холмуминов Ж.Т. ю.ф.д. (IX, XIII боблар), Нигматов А.Н. г.ф.д. (I, X, XVI боблар, XVII боб Н.К. Скрипников билан ҳаммуаллифликда), Файзиев Ш.Х. ю.ф.н. (II, III, VI боблар), Бозоров У.Б. ю.ф.н., доц. (IV, XV боблар), Аюбов У.Т. ю.ф.н. (V, XIV боблар, VII бобнинг 1,2,3,5,6§лари), Намазов Ф.С. ю.ф.н. (XI, XII боблар), Скрипников Н.К. ю.ф.н., доц. (XVII боб А.Н. Нигматов билан ҳаммуаллифликда).

Экология ҳуқуқи: Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалари учун//Усмонов М.Б., Рустамбоев М.Х., Холмуминов Ж.Т. ва бошқ.; Масъул муҳаррир М.Б. Усмонов/. -Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 2000. - 465 б. Сарл. Олдида.: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, Тошкент Давлат юридик институти

1. Усмонов М.Б. ва бошқ.

© Тошкент Давлат юридик институти, 2000 й.

# ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ

**Дарслик Тошкент Давлат юридик институти ўқув дастури асосида ёзилган. Унда Экология ҳуқуқининг предмети ва тизими, манбалари, табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқи, экология соҳасида бошқарув, экологик назорат, экологик экспертиза, экологик хавфсизлик, экологик ҳуқуқий жавобгарлик, ерларнинг, сувларнинг, ер ости бойликларининг, ўрмонларнинг ҳуқуқий ҳолати, ҳайвонот оламидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ҳолати, атмосфера ҳавосини ҳуқуқий муҳофаза қилиш, табиий қўриқхоналарнинг ҳуқуқий ҳолати, саноат, транспорт, энергетика тармоқларида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалигида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, фуқароларнинг табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи каби масалалар ёритилган.**

**Ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалар, шунингдек аспирантлар, ўқитувчилар учун мўлжалланган.**

## Мундарижа

**Кириш.................................................................................................3**

**Умумий қисм**

**I боб. Табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро боғлиқлик..................6-29**
1§. Табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг тушунчаси, асосий йўналишлари ва шакллари.
2§. Табиатни муҳофаза қилишнинг ижтимоий иқтисодий асослари.
3§. Атроф табиий муҳитнинг ҳолати: кеча, бугун, эртага.
4§. Экологик муаммолар ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари.

**II боб. Экология ҳуқуқининг тушунчаси, предмети ва тизими.....30-46**
1§. Экология ҳуқуқининг тушунчаси, хусусиятлари ва умумий экология тизимида тутган ўрни.
2§. Экология ҳуқуқи фанининг ривожланиш тарихи.
3§. Экология ҳуқуқининг асосий йўналишлари ва предмети.
4§. Экология ҳуқуқи фанининг тизими.

**III боб. Экология ҳуқуқининг манбалари........................................47-56**
1§. Экология ҳуқуқи манбаларининг тушунчаси, хусусиятлари ва тизими.
2§. Экология ҳуқуқининг конституциявий асослари.
3§. Экологик қонунчилик ҳужжатлари тизими:

а) Ўзбекистон Республикаси қонунлари - экология ҳуқуқининг махсус манбаи сифатида
б) қонун ости меъёрий ҳужжатларнинг экология ҳуқуқидаги аҳамияти.

**IV боб. Табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқи....................57-65**
1§. Табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқининг тушунчаси ва хусусиятлари.
2§. Табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқининг объектлари ва субъектлари.
3§. Табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқининг мазмуни.

**V боб. Экология соҳасида давлат бошқаруви............................66-80**
1§. Экология соҳасида давлат бошқаруви тушунчаси, хусусиятлари ва тизими.
2§. Экология соҳасида умумий ваколатли давлат бошқарув органлари ва уларнинг ваколатлари.
3§. Экология соҳасида махсус ваколатли давлат бошқарув органлари ва уларнинг ваколатлари.

**VI боб. Экология назорати ва экспертизасининг ҳуқуқий ҳолати.81**
1§. Экология назоратининг мақсади, тамойиллари, шакллари.
2§. Экология назоратининг тизими:
а) экология мониторинги
б) давлат экология назорати
в) идоравий экология назорати
г) ишлаб чиқариш экология назорати
д) жамоат экология назорати
3§. Экология экспертизасининг тушунчаси, мақсади, тамойиллари ва объектлари.
4§. Экология экспертизаси тизими:
а) давлат экология экспертизаси
б) давлат санитария экология экспертизаси
в) жамоатчилик экология экспертизаси.

**VII боб. Экология қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик.96-124**
1§. Экологик қонунчилик бузганлик учун жавобгарлик тушунчаси, хусусиятлари ва турлари.
2§. Экологик қонунчиликни бузганлик учун интизомий жавобгарлик.
3§. Экологик ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.
4§. Экологик жиноятлар учун жиноий жавобгарлик.
5§. Атроф табиий муҳитга етказилган зарарни қоплаш тартиби.

**Махсус қисм.**

**VIII боб. Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолати.........................................................................125-149**
1§. Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқий ҳолатининг тушунчаси ва хусусиятлари.
2§. Ягона давлат ер фонди ва унинг таркиби.
3§. Ерлардан фойдаланиш ҳуқуқининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари.

4§. Ерга эгалик қилувчилар ва фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.
5§. Ерларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари.

**IX боб. Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолати..................................................150-172**
1§. Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқий ҳолатининг тушунчаси ва хусусиятлари.
2§. Давлат сув фонди ва унинг бошқарув органлари.
3§. Сувдан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчаси ва турлари. Сувдан фойдаланиш ҳуқуқининг пайдо бўлиш ва бекор бўлиш асослари.
4§. Сувлардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
5§. Сувларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари.
**X боб. Ер ости бойликларининг ҳуқуқий ҳолати........................173-189**
1§. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш ҳуқуқий ҳолатининг тушунчаси ва хусусиятлари.
2§. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш юзасидан давлат бошқаруви.
3§. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчаси, объектлари, субъектлари ва мазмуни.
4§. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқининг пайдо бўлиш ва бекор бўлиш асослари. Фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари.
5§. Ер ости бойликларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари.

**XI боб. Ўсимлик дунёсидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ҳолати...........................................................................190-202**
1§. Ўсимлик дунёсидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш ҳуқуқий ҳолатининг тушунчаси ва хусусиятлари.
2§. Ўсимлик дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқий турлари, мазмуи. Фойдаланиш ҳуқуқининг пайдо бўлиш ва бекор бўлиш асослари.
3§. Ўсимлик дунёсидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
4§. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари.

**XII боб. Ўрмонлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ҳолати.........................................................................................203-229**
1§. Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчаси.
2§. Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи субъектлари.
3§. Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи мазмуни.
4§. Ўрмонларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари.

**XIII боб. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолати.............................................230-245**
1§. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқий ҳолатининг тушунчаси ва хусусиятлари.
2§. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқи ва турлари. Фойдаланиш ҳуқуқининг пайдо бўлиш асослари.
3§. Ов қилиш ва балиқ овлашни ҳуқуқий тартибга солиш.
4§. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқининг бекор бўлиш асослари.
5§. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари.

**XIV боб. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ҳолати..............................................................................................246-256**
1§. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ҳууқий ҳолатининг тушунчаси ва хусусиятлари.
2§. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари.
3§. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш юзасидан экология назорати тизими.
4§. Атмосфера ҳавоси қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик.

**XV боб. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳуқуқий ҳолати........................................................................257-282**
1§. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳуқуқий ҳолатининг тушунчаси ва хусусиятлари.
2§. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг асосий турлари:
а) давлат табиат қўриқхоналари
б) давлат миллий боғлари
в) давлат буюртма қўриқхоналари
г) давлат табиат ёдгорликлари
д) алоҳида муҳофаза этиладиган бошқа табиат объектлари.
3§. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик.

**XVI боб. Антропоген ўзгарган табиий муҳитни ҳуқуқий муҳофаза қилиш......................................................................................283-306**
1§. Антропоген ўзгарган табиий муҳитни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тушунчаси, асосий турлари ва хусусиятлари.
2§. Шаҳарларда атроф табиий муҳитни ҳуқуқий муҳофаза қилиш.
3§. Аграр теграларида атроф муҳитни ҳуқуқий муҳофаза қилиш.
4§. Саноат теграларида атроф муҳитни ҳуқуқий муҳофаза қилиш.

**XVII боб. Атроф табиий муҳитни халқаро ҳуқуқий муҳофаза қилиш..........................................................................................307-336**
1§. Атроф табиий муҳитни халқаро ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг тушунчаси, тамойиллари ва хусусиятлари.
2§. Атроф табиий муҳитни халқаро муҳофаза қилиш манбалари.
3§. Атроф табиий муҳитни халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилиш объектлари.
4§. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ташкилотлар.
5§. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро конференцияларнинг аҳамияти.

# Кириш.

Экология муаммоси давримизнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолди. Унинг хавфи ҳатто ядро хавф-хатаридан ҳам дахшатлироқ бўлиб, бутун ер шари халқларини ташвишга солмоқда. "Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси,- деб ёзади И.А.Каримов,- жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш - ўз-ўзини ўлимга махкум этиш билан баробардир"[1].

Мутахассисларнинг маълумотига кўра, бугунги кунда планетамизда ҳар хил ёқилғиларни ёқиш сабабли ҳар йили 10,1 млрд.тонна кислород сарф бўлмоқда, қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг 70 фоизи, чучук сувларнинг 20 фоизи ўзлаштирилиб фойдаланилмоқда, ўрмонлар эгаллаган майдонлар йилдан-йилга камайиб бормоқда, чўл зоналарининг майдони ошиб бормоқда, ҳаво ҳарорати йилдан-йилга кутарилмоқда. Бунинг устига, дунё аҳолиси ҳар йили ўсиб бориб, табиий заҳиралардан хўжалик мақсадларида янада кўпроқ фойдаланишга тўғри келмоқда. Шунингдек техниканинг, саноат корхоналарининг ривожланиши ҳам атроф-табиий муҳитга жиддий зарар етказмоқда. Буларнинг оқибати ўлароқ дунёда экологик муҳитнинг ёмонлашуви билан боғлиқ турли хил касалликлар келиб чиқмоқда. Планетанинг тақдири учун инсон томонидан ўтган асрдаёқ бонг урилган, ҳозирги юз йилликда эса атроф-табиий муҳитга нагрузкани ортиб кетиши натижасида дунё экологик тизими инқироз даражасига етди. Атроф табиий муҳитни ифлослантириш, табиий ресурсларни ишдан чиқариш, экотизимдаги экологик алоқаларни бузиш глобал муаммо бўлиб қолди. Агар инсоният ҳозирги тарраққиёт йўлидан боришни давом эттирса унинг ҳалокати икки-уч авлод яшаб ўтгандан сўнг юз бериши эҳтимолдан холи эмас. "Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир"[2].

Маълумотлар шундан далолат берадики, табиат билан жамият бир-бири билан ўзаро узвий алоқа, чамбарчас боғлиқликда бўлади. Бу узвийлик, ўзаро таъсир табиатнинг умумий қонуниятларига мос келиши, ўзаро тенг мувазанатда бўлишликни талаб этади. Акс ҳолда бу мувозанатнинг бузулиши салбий ҳолатларни келтириб чиқариб, тирик мавжудоднинг яшашига хавф солади. Шу сабабдан, табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, ундан оқилона фойдаланиш, уни муҳофаза этиш лозимдир. Табиат объектларидан фойдаланишда шундай воситаларни топиш, уларни қонунларда ўрнатиш, амалиётга қўллаш лозимки, бу бир томондан, хўжалик фаолияти тараққиётини таъмин этсин, иккинчи томондан, табиатни муҳофаза қилиш муносабатларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга хизмат қилсин. Шуни айтиш керакки, табиатни муҳофаза қилиш баҳонасида ишлаб чиқариш манфаатларига жиддий зарар етказишга ҳам йўл қўйиш яхши ҳолат эмас.

---

[1] Каримов И.А. Ызбекистон буюк келажак сари.-Т.: Ызбекистон, 1999, 505-бет.
[2] Каримов И.А. Ызбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ызбекистон, 1999, 507-508-бетлар.

Шунингдек иқтисодни ривожлантириш учун табиий ресурслардан интенсив фойдаланишга кенг йўл очиб бериш, иқтисодиёт ва экология манфаатларини бир бирига қарама-қарши қўйиш ҳам мумкин эмас. Саноатни, қишлоқ хўжалигини бошқа соҳаларни табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш вазифаларини ҳал этиш асосида тараққий эттиришни таъминлаш лозим. Муаммони шундай тартибда ҳал этиш керакки, бунда биринчидан, табиий ресурслардан фойдаланишда экологиянинг ҳам, иқтисоднинг ҳам манфаатлари ҳисобга олинсин, иккинчидан, уларнинг узвийлигини таъминлаш мумкин бўлмаса, устуворлик экологияга берилиши керак. Ҳудди шундай принцип Ўзбекистон давлати олиб бораётган экологик сиёсатда, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган табиий атроф муҳитни муҳофаза этишга бағишланган қонунларда ўз ифодасини топган. Бунинг юридик ифодаси сифатида экологик экспертизани, хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга оширишда экологик талабларни, экологик талабларга жавоб бермайдиган корхоналар ва объектларни фойдаланишга киритиш ман қилинишини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон давлатининг атроф-табиий муҳитни соғломлаштириш чора-тадбирлари бўйича амалга ошираётган ишларига қарамасдан экологик муносабатлар ҳали ҳам табиат ва жамият учун номутаносиб даражада ривожланишни давом эттирмоқда. Буни биз, биринчидан, табиатдан фойдаланишда соҳавий ёндошишни, яъни ҳар бир ташкилот фақат ўз манфаатини устун қўйиб табиий ресурслардан фойдаланиши ва, иккинчидан, табиатга фақат ресурс сифатида қарашни, яъни табиатдан фойдаланиш биринчи даражали, уни ҳимоя этиш эса иккинчи даражали сифатда қарашда кўрамиз.

Табиатни муҳофаза этиш турли хил восита ва усуллар ёрдамида амалга оширилади. Шулардан энг муҳими - табиатни ҳуқуқий муҳофаза этишдир, яъни табиатни қонунлар ёрдамида ифлосланишдан, хўжасизларча фойдаланишдан, заҳарланишдан ҳимоя қилишдир. Демак, табиатни муҳофаза қилишда ҳуқуқ алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у юридик ва жисмоний шахсларга табиатдан оқилона фойдаланиш ҳамда муҳофаза этиш тартиб қоидаларини белгилаб беради. Ҳаракатдаги табиатни муҳофаза қилишга бағишланган қонунлардаги экологик талабларга риоя этилишини, уларни амалиётда тўғри тадбиқ қилинилишини таъминлашда экология қонунчилигини мукаммал билиш зарур бўлади. Чунки, экологик нохушликлар кўпинча ушбу қонунларни билмаслик ҳамда уларга риоя этмаслик оқибатида келиб чиқади. Шу сабабдан, соғлом табиий атроф муҳитни сақлаш кўп жиҳатдан мансабдор шахслар ва фуқароларнинг экология қонунчилиги тўғрисида қай даражада хабардорлиги ва унга амалда риоя этишлигига боғлиқ бўлади.

Шундан келиб чиққан ҳолда ушбу ўқув дарслигининг асосий вазифаси бўлажак ҳуқуқшунос мутахассисларни, шунингдек бу муаммога қизиқувчиларни экологик қонунчилик асосларини ўргатишдан иборатдир. Ушбу дарслик бўлажак юрист мутахассисларни экология ҳуқуқини, экологик ҳуқуқий тартибга солиш амалиёти назарий асосларини ва уларни ишлаб

чиқариш амалиётида қўллаш механизмини амалга оширишни ўрганишга хизмат қилади. Дарслик умумий ва махсус қисмлардан иборат бўлиб, унда табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабат, экология ҳуқуқи тушунчаси, предмети, манбалари, объектлари, субъектлари, экологик муносабатлар, экология соҳасида давлат бошқаруви, экологик экспертиза, экологик ҳуқуқий жавобгарлик, табиий объектларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби каби масалалар ёритилган.

# *Умумий қисм*

## I-боб. Табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро боғлиқлик.

### *1§. Табиат ва жамият, улар ўртасидаги ўзаро муносабат шакллари.*

***Табиат*** - кенг маънода - бутун борлиқ, олам ва унинг хилма-хил шакллари; тор маънода - кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш манбаи бўлган атроф табиий муҳит. Жамият ва табиат тизимини кўриб чиқаётганда иккинчи тор маънодаги тушунча қўлланилади. Чунки инсон ўзининг ҳаёти давомида бутун борлиқдан эмас, балким уни ўраб турувчи ва унинг таъсири доирасида турган атроф табиий муҳитдан фойдаланиши мумкин.

Шу тариқа инсоният тарихида жамият билан табиат ўртасида тўхтовсиз ва хилма-хил ўзаро таъсирлар рўй бериб келган. Аммо табиат инсонларсиз бу моддий дунёда ҳукм суриб келган, лекин инсонлар табиатнинг бир бўлаги бўлиб, улар табиатсиз ҳаёт кечира олишмайди. Инсонлар ўз ҳаёти учун зарур бўлган ҳамма нарсани табиатдан олади. Масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-бош учун хом ашё, қурилиш учун бинокорлик материаллари, нафас олиш учун атмосфера ҳавоси, ичиш учун сув, дам олиш учун гўзал ландшафтлар ва ҳ.к. Шундай қилиб инсон ҳаёти давомида фойдаланилган ҳамма нарсалар табиий модда ва кишилар фаолиятининг маҳсулидир.

***Инсон*** - тирик организмлар туркумига кирувчи мураккаб ижтимоий ва меҳнат фаолиятини юргазувчи индивид. Инсон тарихий - жамоат жараёни субъекти бўлиб, у Ер куррасидаги моддий ва маънавий-маданий ривожланишнинг асосчисидир. Инсон бошқа турдаги тирик мавжудотлар билан генетик боғланган ҳолатда, лекин улардан онгининг юқорилиги, меҳнат қуролларини ишлаб чиқара олиши, нутқнинг ривожланганлиги, ижодий фаоллиги, ҳамда аҳлоқий, маънавий ва руҳий ўз ўзини англай олиши билан ажралиб туради.

***Жамият*** - кенг маънода инсонларнинг тарихан қарор топган биргаликдаги фаолиятлари мажмуи ёки тор маънода - ижтимоий муносабатларнинг конкрет типи. Шундай қилиб, ақлий меҳнат фаолиятига

эга бўлган инсонлар йиғиндиси бўлган жамият атроф табиий муҳит билан *пассив (суст)* эмас, балким *актив (фаол)* таъсир доирасида бўлиши мукаррардир.

Инглиз олими Ч.Дарвиннинг таълимотига кўра инсонлар ҳайвонларнинг маълум бир турларини меҳнат фаолияти активлашуви, яъни кенгайтирилиши ва чуқурлатирилиши мобайнидаги эволюцион ривожланиш маҳсули дейди. Лекин фан ва техника ютуқлари бундай таълимотнинг мутлоқ тўғри эмаслиги ҳақидаги маълумотларга эга ва бошқа гипотезаларни олдинга сурмоқдалар. Нима бўлганда ҳам кишилар жамияти мана бир неча миллион йилдирки Ер куррасида табиат билан ўзаро узвий боғланган ҳолда яшаб келмоқдалар ва бу боғлиқлик кундан кунга кучайиб бормоқда.

Мутахассислар маълумотларига кўра, Ер юзида содир бўлаётган табиий жараёнларнинг **9/10** қисмида инсон фаолиятининг маҳсули акс этмоқда. Бу жараёнлар доимо ҳам ижобий деб бўлмайди. Чунки ***экологик хавфсиз муҳит***, яъни инсонларнинг муҳим ҳаётий манфаатлари ва аввалам бор тоза, соғлом, қулай табиий шароитга эга бўлиш талабини тўла қондиришга қодир бўла оладиган атроф табиий ва ижтимоий муҳит ҳолати инқироз ва талофат томон интилиб бормоқда (1-расм).

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон XXI бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва ривожланиш кафолатлари" деган асарида *"Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш ўз-ўзини ўлимга махкум этиш билан баробардир"*[1] *деган эдилар.*

Агарда жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларга инсон ҳаётининг тарихи нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, уларни қуйидаги муносабат шаклларига ажратсак бўлади: *оддий, оддий-иқтисодий, иқтисодий, иқтисодий-экологик, экологик*.

Жамият ва табиат ўртасидаги *оддий муносабат шакли - кишиларни экологик тизимни бузмайдиган соддалаштирилган ҳаёт тарзи. Экологик тизим (экотизим)* - тирик организмлар мажмуи ва уларнинг яшаш муҳити йиғиндиси бўлиб, тирик организмлар ўзаро ва атроф табиий муҳит билан узвий алоқадорлик қонунияти асосида бўлган ҳолати. Бу шакл кишиларнинг ибтидоий жамоа тузумидаги ҳаёт тарзига, яъни инсоният тарихининг илк ижтимоий-иқтисодий формацияси даврига хосдир. Бу давр ўз ичига одамларнинг Ер куррасида пайдо бўлиши (3-4 млн. йил аввал) давридан то синфий жамият юзага келгунига қадар муддатни ўз ичига олади. Ибтидоий одамларда ишлаб чиқариш кучлари ва қуроллари ниҳоятда паст даражада бўлганлиги туфайли уларнинг ҳаёт тарзи табиатнинг ажралмас бир оддий бўлаги сифатида намоён бўлган. Атроф табиий муҳит ҳолати эса тирик организмлар учун нисбатан қулай - экологик хавфсиз муҳит дейиш мумкин.

Ибтидоий жамоа бўлиб яшаш даврида ҳам инсонлар ўзларининг фаолияти табиатга қандай таъсир этаётганлиги ҳақида ўйлаб кўрганлар ва

---

[1] Каримов И.А. Ызбекистон XXI аср быса\асида: хафсизликка иащдид, бар=арорлик шартлари ва ривожланиш кафолатлари. - Т.: Ызбекистон, 1997.

уларнинг ҳаётий зарур эҳтиёжлари бўлган табиий объектларни сақлаб қолишга уринганлар. Мевали ўсимликларни сақлаш, ҳайвонларнинг ов қилиш меъёрий белгилашни ёзма равишда эмас, балким оғзаки равишда келишиб олганлар. Бундай оғзаки қоидаларни бузганларни жамоа бошлиғи томонидан ўлимгача маҳкум этганлар.

Синфий жамият шакллана борган сари, кишилар сони ва ишлаб чиқариш қуролларининг сифати ўсиб бориши билан табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг янги шакли - *оддий-иқтисодий* кўриниши намоён бўлган. Натижада, *кишиларнинг ҳаёт тарзи табиий муҳитни маълум бир кичик майдон ва макон бўйича экологик хавфсизлик даражасини кескунлашувига* олиб келган. Бундан "локал" кўринишдаги бузилган майдонлар кишиларни жамоа бўлиб тўпланган ерларга хос бўлган. Лекин улар атроф муҳитнинг экологик хавфсизлик даражасига тўлиғича таъсир эта олмаганлар.

Кўпгина эколог олимлар[1] жамият ва табиат ўртасидаги муносабат шаклларини уч кўринишда ифо этадилар - оддий, иқтисодий, экологик. Лекин, жамиятда, айниқса табиатдаги қонуниятларни вақт мобайнида ўзгариб бориши революцион ҳолатда эмас, балким эволюцион ҳолатда кечади[2]. Шунинг учун ҳам табиат билан жамият ўртасидаги муносабатлар секин-асталик билан шакллана борган ва у бир шакл иккинчи бир шаклга босқичма-босқич ўтгандир.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида оддий-иқтисодий шакл ибтидоий жамоа тузумининг сўнги даври ва қулдорлик тузуми даврига тўғри келади. Эрамиздан аввал 12-15- минг йилликлардан бошлаб (мезолит даври) маҳаллий аҳолининг ишлаб чиқариш қуроли сифатида найза, камон, айланма ейларни пайдо бўлиши ҳайвонот дунёсининг камая боришига, метал омоч ва белкуракларни яратилиши - ерларни ўзлаштириш ва деҳқончиликни пайдо бўлишига ва улар ўз навбатида ерларнинг ҳолатига таъсир этишни бошлади. Ирригацион шахобчаларни оддий кўринишдаги "туғон" усули - обикор (суғорма) деҳқончиликни дарё ўзанларида "лиман" услубини пайдо бўлишига ва дарёларнинг табиий сув режимини ўзгаришига сабаб бўлди. Уй ҳайвонларининг кўпайиши Чирчиқ, Зарафшон, қуйи Амударё, Сирдарё дарёлари водийларида ўсимлик дунёсининг табиатига таъсир этди.

Жамият ва табиат ўртасидаги оддий-иқтисодий муносабат шакли табиий муҳитнинг энг асосий элементлари - ер ва сувнинг экологик тизимдаги кичик айланишига таъсир этди. Лекин бундай ижтимоий муҳит ҳолати экологик тизимларнинг *буферлик* (қарши туриш ва тикланиш) хусусиятига салбий таъсир қила олмаган эди.

С.А.Семеновнинг[1] хулосаларига кўра деҳқончиликнинг қадимий ўчоқлари аввалам бор Олд ва Ўрта Осиёда юзага келган, сўнгра Хитой, Ҳиндистон ва Шимолий Африка мамлакатларида жадал суръатларда

---

[1] Петров В.В. Экологическое право России. - М.: Бек, 1997.
[2] Вернадский В.И. Химическое строение биосферы Земли и ее окружения. - М: Наука, 1965.
[1] Семенов С.А. Происхождение земледелия. - М.: Наука, 1974.

ривожланиб кетган. Эрамиздан 4-5 минг аввал Кавказ ва Кичик Осиё орқали Европа қитъасига ҳам ўтиб олган.

Кишилар фаолиятининг табиатга оддий-иқтисодий таъсири даврида маълум бир ҳудудларда сезиларли даражада экологик хавфсиз муҳитга таъсир этгани учун ҳам қадимги ёзув ва қонун кучига эга бўлган китобларда табиатга нисбатан инсонларнинг эҳтиёткорона муносабатда бўлишлари кўрсатилиб ўтилган. Масалан, *Зардуштларнинг "Авесто" китобига биноан* болалар ёшлигиданоқ дарахт кўчатини ўтказишлари шарт бўлган. Инсон бутун умри давомида сув, тупроқ, олов, умуман дунёдаги жамики яхши нарсаларни пок ва бус-бутун асрашга бурчлидир. Ер, сув, ҳаво, оловни асраш қоидаларини бузган киши 400 қамчи жазосига маҳкумдир. Лекин бу китобда экологик жазо сифатида бир турдаги табиий объектни бузгани учун иккинчи бир турдаги табиий объектдан қутилишни ҳам меъёр қилиб қўйиганлар. Сувни ифлос қилган ёки ов итини ўлдирган киши 10 минг руҳиатни тетиклаштирадиган ўсимлик барги териши, 1000 эчкиэмар, 1000 та сув қўнғизи ва касаллик тарқатувчи пашшани ўлдириб, гуноҳини ювиши лозим бўлган.

қадимги Вавилонда шох Хаммурапи томонидан "Ўрмонлар муҳофазаси"га оид қонун бор йўғи шохнинг тириклик даврида (эрамиздан аввал 1792-1750 йиллар) ҳукм сурган холос. Худди шундай ҳолат эр. аввал III асрда Ҳиндистон императори Ашоки қарорига "Ҳайвонот дунёсини овлаш қоидалари" ҳам таъллуқлидир.

Жамиятда ишлаб чиқарувчилар ва амалдорлар синфининг шакллана бориши ва иш қуролларининг такомиллашиб давлатлар орасидаги низоларнинг кенгайиши феодализм ва илк бозор муносабатлари юзага келган капитализм даврларида *иқтисодий муносабат шакли* юзага келди ва ривожланди. Жамият ва табиат ўртасидаги иқтисодий муносабат шакли - *фақатгина иқтисодий маданиятлашган кишиларнинг ўз иқтисодий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учунгина атроф табиатни <u>истеъмолчилик психологияси</u> позициясидан туриб фойдаланиши* натижасида атроф муҳит ифлосланиши, ресурслар камайиши ва табиат тизимларининг ўзгаришига олиб келадиган инсонларнинг ҳаёт тарзи. Экологик тизимлар катта майдонларда ва кенг миқёсда (глобал) бузилиши кузатилади. Бу даврда гарчи инсоният тарихида илк бор ҳуқуқий элементларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳамда диний ва бошқа ҳуқуқ институтлари манбаларининг пайдо бўлишига қарамасдан инсонларнинг экологик онги, билими ва маданияти жуда паст эди. Тавротда ҳам, қуръони Каримда ҳам, Инжилда ҳам одамзоднинг қиёмат кунларини табиат билан боғлаш бежиз бўлмагандир. Мисрдаги *Хеопса пирамидаларидаги тошлардан бирига,* - *"Инсонлар табиат кучларидан фойдалана ололмасликлари ва моддий дунёнинг асл моҳиятини тушунмасдан ҳалок бўладилар",* - деб битилгани бежиз эмас.

Ўзоқ тарихий муддатни ўз ичига олган ва ханузгача ривожланаётган мамлакатларда ўз асоратини сақлаб келаётган иқтисодий муносабат шакли иқтисодни ҳар қандай экологиядан устувор ва экологик сиёсатдан мутлақо ҳолилигини намоён этмоқдалар. Гарчи бундай ўлка ва мамлакатларда

табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш борасидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар етарли бўлсада, уларни амалий тадбиғи ишлаб чиқилмаган ёки талаблар давлат миқёсда тарғиб қилинмагандир. Акс ҳолда қандай тушуниш мумкин-ки, ҳақиқий демократия ва адолат мезонининг ўчоғи бўлмиш Америкада XIX аср иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи ярмида сон-саноқсиз бўлган бизонлар ёппасига қириб ташланди, ўрмонлар майдони 2 баробарга, емирилган ва ювилган ерлар 40 млн.га етган, қишлоқ хўжалиги оборотидан 50 % тупроқли ерлар чиқиб кетган.

Илмий- техника ютуқлари у даврда экологик хавфсиз муҳитни сақлаб қолишга эмас, балки глобал миқёсда қуролли тўқнашувларда ва совуқ урушларда ғолиб чиқиш, маълум бир қатламдаги аҳолини бойитишга хизмат қилган. Шунинг учун ҳам Ж.Б.Ламарк 1820-1960 йилларни "Инқилобий саноат юксалиш" даври экологик хавфсизликни кескин равишда инқирозга томон судраган даври бўлди деб айтган эди.

Шундай қилиб экологик хавфсиз муҳит инқирози кишилар фаолиятининг атроф муҳитга антропоген таъсирининг уч оқибатлар мужмуи - табиий ресурслар камайиши, атроф муҳит ифлосланиши ва экологик тизимларни бузилиши махсулидир.

*Табиий ресурслар камайиши* - кишиларнинг хўжалик ва бошқа ҳаётий фаолияти манбаи бўлган табиий объектларни йўқола боришидир. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра "инсон цивилизацияси" даврида, тўғрироғи иқтисодий маданиятлашган кишиларни изчил фаолияти даврида Ер куррасидаги ўрмонларнинг 2/3 қисми кесилиб кетди, 250 хил турдаги ҳайвон ва ўсимликлар йўқ бўлиб кетди, 3-4 млрд. гектар ер қишлоқ хўжалик оборотидан чиқазиб юборилди, атмосфера ҳавосидаги кислороднинг заҳираси 10 млрд.тонна камайди. Кейинги 100 йил ичида, француз олими А.Геррэннинг маълумотларига кўра, тупроқ эрозияси ва техноген бузилиши 2 млрд. гектар ерни унумдорлигини йўқотиб юборган. Шу кунларда Ер куррасида 1 дақиқада 20 га ўрмон кесилмоқда, кунига бир турдаги ҳайвонот ёки ўсимлик тури қизил китобга киритилмоқда.

Табиий ресурсларни камайиб боришидан ташқари атроф *табиий муҳитнинг ифлосланиши* экологик тизимларнинг бузилишига, модда ва энергия алмашувининг табиий ҳолатда кечишига кескин таъсир қилмоқда. Атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши деб табиий моддалар (тупроқ, сув, ер ости бойликлари, атмосфера ҳавоси...) таркибининг физик ва кимёвий ўзгаришига айтамиз. Агарда бундай ўзгариш инсон ҳаётининг фаолияти билан кечса - *антропоген ифлосланиш*, унинг иштирокисиз кечса - *табиий ифлосланиш* дейилади.

Атроф табиий муҳитнинг антропоген ифлосланиши иқтисодий муносабат шаклида умумий ифлосланишнинг 90-97% ни ташкил этади. Табиий моддаларнинг физик ва химик ўзгариши шаҳарларда асосан транспорт ва саноат ҳисобига (80-85 %) бўлса, аграр теграларда қишлоқ хўжалигини (70-85%) химиялаштириш, механизациялаш, мелиоратив ва ирригацион иншоотлар қуриш хаддан ташқари чорва моллари туёқ сонини

маълум бир майдонларда ошиб кетиши ҳисобига амалга ошмоқда. Саноат теграларида ифлосланиш металлургия ва энергетика тармоқларида жуда юқори даражададир.

Атроф муҳитнинг табиий ифлосланиши инсон фаолиятини бевосита иштирокисиз кечадиган табиатдаги жараён ва ҳодисалар: қуёш-космик (метеоритларнинг тушуши, магнит бўрони); иқлим - гидрологик (тайфун, бўрон, сув тошқини, ҳаво-температураси ва ёғин ёғишларнинг кам қайтариладиган аномал ўзгаришлари...); геологик - геоморфологик (зилзила, цунами, вулканнинг отилиши, сел кетиши, қор кўчиши, сурилма, ўпирилиш ва тош тушиши, музликларнинг бостириши...); геохимик (ер ости табиий газларнинг портлаши, шўрланиш, ботқоқликлардан захарли газлардан чиқиши, сунъий материалларни коррозицияси...); биологик (ёппасига зараркунанда ҳашорат ва қумурсқаларнинг кўпайиши, ўрмонларнинг қуриб кетиши натижасидаги ёнғинлар...). Уларнинг экологик хавфсиз муҳитга таъсири иқтисодий шаклда 3-10% ташкил этади. Лекин табиатга антропоген таъсирнинг кучайиши билвосита атроф муҳитнинг табиий ифлосланиш даражасини кундан кунга ортириб юбормоқда. С.М. Мягковнинг[1] маълумотларига кўра бу ўзгаришнинг йиллик коффициенти - 02,-0,3 бўлиб, бу кўрсатгич жараён ва ҳодисаларнинг турига қараб ўзгариб боради.

Табиий ресурсларни камайиб ва йўқолиб бориши ҳамда табиий объектларнинг ифлосланиши экологик тизимларнинг бузилишига ва экологик инқирозларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Чунки кичик ва катта экологик тизимларнинг айланиши занжирида турган бирон бир табиий объектнинг йўқолиши ёки унинг экологик хусусиятини ифлосланиш натижасида камайиб қолиши табиатни ўз-ўзини асраш, ташқи кучларга қарши туриш (буферлиги) ва қайта тикланиш хусусиятларини йўқотиб қўяди. *Экологик инқироз* - жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабат мувозанатининг барқарор равишда бузилиши натижасида атроф табиий муҳит ҳолатини ёмонлашиб бориши, давлат бошқарув ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг юзага келган ҳолатдан чиқа олмасликлари ҳамда экологик тизимларни тиклаш имкониятларининг йўқолиши, яъни табиий муҳит инқирози ва ижтимоий муҳит фалокати.

Экологик инқирозга мисол бўлиб Орол денгизи ва унинг атрофидаги ҳолатни олсак бўлади. қачонлардир дунёда энг катта кўллар тоифасига кирган Орол денгизи 30-40 йил ичида энг шўр, ифлосланган ва халқ хўжалиги аҳамиятига кам эга бўлган ўртача кўллар тоифасига кириб қолди. Бунинг асосий сабабларидан бири Амударё ва Сирдарё сув режимини кескин ўзгариш, яъни 1982-1983 йилларга келиб уларнинг Оролга сув қўйишининг 12-13 баробарга камайиб кетишидир. Натижада сув сатҳи 16 метрга, сув юзаси 2 баробарга, сув ҳажми 4 баробарга камайиб кетди. Сувдан қуриган юза 3.3 млн.гектарни ташкил қилгани ҳолда дефляция (шамол эрозияси) натижасида тузлар минглаб километргача бўлган масофада атроф муҳитни ифлослантирди, натижада Амударё ва Сирдарё сувларини оғир металлар,

---

[1] Меняющийся мир: географический подход к изучению. Советско- американский проект. Москва - Аризона, 1991.

пестицид, гербицид каби кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва шўрланиши натижасида уларнинг сувиниичимлик суви сифатида фойдалана бўлмаслигини мутахассислар исбот қилиб беришди. қачонлардир баликчилик ва ов қилиш маскани бўлган қўйи Амударё қуриган қолдиқ кўллар ва шўрланган тупроқлар масканига айланиб қолди.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси ва Марказий Осиё давлатларининг биргаликдаги сайил-ҳаракатлари туфайли 1995-1997 йилларда келиб Оролга сув қўйилиши 15-17 куб км.гача кўпайтирилди. Ёпиқ хавзанинг сув тақсимоти халқаро шартнома ва декларациялар орқали тартибга солинмоқда.

Жамият ва табиат ўртасидаги иқтисодий муносабат шакли фанда янги таълимотни - "*Экология*"ни юзага келтирди. Биринчи бор "экология" сўзини (грекчада "oikos" - уй, яшаш жойи, "logos" - фан, таълимот) фанга немис биолог олими Эрнест Геккель томонидан олиб кирилган. Чарльз Дарвиннинг тирик организмларнинг эволюцион ривожланиш қонуниятларини кенг тадбиқ қилган Э.Геккель 14 сентябр 1866 йил "Умумий морфология" китобининг сўз бошида экология ҳақидаги фикрларни баён этган. Бу фан соҳаси айнан XIX асрнинг иккинчи ярмида Европа қитъасининг энг ривожланган қисмида биолог олимлар томонидан эътироф этилиши бежиз эмас эди, чунки ўша вақтда айни саноати буркираб ривожланган Германияда атроф табиий муҳит ҳолатининг кескин равишда ёмонлашуви Рур хавзасида экологик инқирозли вазиятини юзага келиши, кишилар ва тирик организмлар ҳаёти билан шуғулланувчи айнан биологларни ташвишга солишга ва янги фанни олға сурушга асос бўлди.

Шундай қилиб "*Экология*" тор маънода - *уйимиз ҳақидаги таълимот бўлса*, кенг маънода - *тирик организмлар яшайдиган макон ҳақидаги таълимотни англатади. Шу кунда* бу фан соҳаси *тирик организмларнинг ўзаро ва улар атрофини ўраб турувчи табиий муҳит билан муносабатлар ёки алоқадорлик қонуниятини ўрганади*.

Хўш савол туғилади, иқтисодий муносабат шаклида экологик қонунлар бўлганми? Бўлган бўлса, нима учун улар бундай инқирозларни олдини олмаган? Биз айтиб ўтдикки жамият ва табиат ўртасидаги иқтисодий муносабат шакли инсоният тарихи даврининг жуда катта қисмини ўз ичига олади. қадимги диний ва мистик китобларда атроф табиат инсоннинг яшаш макони ҳақидаги фикр ва мулоҳазалар, хаттоки мажбурий меъёрий кўрсатмалар бўлиб келгани ҳақида маълумотлар беради. Ундан ташқари, юзлаб экологик қонунларни ўз ичида акс эттирган Совет қонунчилиги тизимида[1] ҳам табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш нормалари кўрсатилган эди. Лекин инсонларнинг иқтисодий тафаккурлари ёки сиёсий талаблари ҳар қандай экологик талабдан юқори эди. Шунинг учун ҳам экологик қонунлар ўз йўлида, инсонларнинг ёки давлатларнинг рақобат, боскинчилик, бойиш ва қўшимча бозорларни эгалаш сиёсати ўз йўсинида кетар эди.

---

[1] Об охране окружающей среды. Сборник документов партии и правительства 1917-1981 гг. - М.: Политическая литература, 1981.

Иқтисодий муносабат шакли даврига хос экологик қонунлардан Мазовларнинг XIII-XIV асрларда "Ўрмон, тур, зубр ва тарпанларни муҳофазаси", литва князи Сигизмунд-II нинг "Волок низоми"да балиқларнинг урчиш даврида ов қилиш ман этилган. XIV асрда Францияда "Сувлар ва ўрмонлар" махсус бошқармаси тузилган бўлиб, унинг вазифаси ўрмонларни муҳофаза қилиш эди. қадимги Вильгельм подшохлиги даврида кийик, ёввойи чучқа ва хаттоки қуёнларни ўлдирганлари учун кишиларга ўлим жазоси белгиланган. Аммо бу қонунлар умумий атроф табиий муҳитни эмас, балким феодал мулкни сақлаб қолиш ва муҳофаза қилишга қаратилган эди.

Табиатни ҳудудий муҳофазалаш тўғрисида чора тадбирлар XVI асрда Дания қироли Христиан-III қарорига биноан амалга оширилган. Худди шундай денгиз бўйидаги қумларни кўчишидан сақловчи қонунлар Пруссияда, Нидерландияда, Францияда ҳам қабул қилинган. XIX ва XX асрнинг биринчи ярмида ҳам алоҳида бир табиий объектлар ёки интеграл-ҳудудий объектлар бўйича юзлаб қонунлар ва шунга асосан бошқарув ва назорат органлари ташкил этилди. Лекин уларнинг бошқарув ва назорат функциялари сиёсий ахволга караб ўзгариб турар ва улар айрим мулк эгаларига хизмат қилар эди холос.

Ер куррасида экологик инқирозли объект ва ҳудудларнинг кенгайиши, оммавий касалликларни кўпайиши XX-асрнинг иккинчи палласига келиб кишилар эътиборини табиатга қарашга мажбур этди. Европа, Айрим Осиё ва Шимолий Америка мамлакатларида нафақат табиатдан самарали фойдаланиш, балким уни асрашга бағишланган бир қатор қонунлар қабул қилинди ва ўша асосида экологик чора тадбирлар амалга оширилди. Натижада табиат билан жамият ўртасида янги муносабат - иқтисодий-экологик шакл юзага келди.

Жамият ва табиат ўртасида *иқтисодий-экологик муносабат шакли - мавжуд экологик тизимни сақлаб қолиш даражасидаги кишиларнинг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишга қаратилган ҳаёт тарзи.*

Америка қўшма штатлари, Япония, Швецария, Германия, Швеция каби мамлакатлар экологик қонунчилик тизими экологик муносабат шаклига мослаштирилган бўлиб, давлат томонидан кишиларнинг ҳар қандай экологик чора-тадбирлари тўлиғича қўллаб қувватланилади. Табиий ресурсларни камайтириш, табиатни ифлослантириш нафақат фуқароларга, балки давлат идоралари ходимларига ҳам на моддий ва на маънавий фойда келтирмайди. Масалан, АқШ "Атроф табиатни муҳофаза қилиш миллий сиёсати" (НЕПА) қонунига биноан ҳамма жисмоний ва юридик шахслар (давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳам) бирон бир табиий объектдан фойдаланишларидан аввал турли кўринишдаги тест синовларидан ўтишади ва табиатга кўрсатиши мумкин бўлган "Ариза"ни топширадилар. Бу тест синовлар натижасининг бошидаёқ 10 % "Аризалар" судлар иш фаолиятига кириб қолади. Президент ижроия кўмитаси қошидаги табиатни муҳофаза қилиш Кенгаши ҳар ойда Кенгашга келиб тушган "Аризалар" рўйхати ва судларнинг қабул қилган

қарорлари тўғрисида очиқ маълумотномалар эълон қилади. Ундан ташқари табиатни муҳофаза қилиш бўйича ҳар бир Америка штати ўзига яраша қонун қабул қилиш имконига эга. Чунки штатдаги экологик ҳолат аввалам бор маҳаллий аҳолига таъсир қилиши қонунчилик тизимни белгилаб беради.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг илк бор қабул қилган қонунларидан бири "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни. Бу қонун 9 декабр 1992 йил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан бир қаторда қабул қилинган бўлиб, ундаги принцип ва меъёрлар табиат билан жамият муносабатлари ўзаро уйғунлашган ҳолда бўлишини тақазо қилади. Мамлакатимиз ёш, тез суратлар билан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига томон олға бораётган давлатлар тоифасига киради. Иқтисодий ривожланиш, вақтинчалик, жуда бой (100 га яқин минерал хом ашё туридан фойдаланилади) табиий ресурслардан фойдаланишга суянган ҳолда амалга ошмасдан иложи йўқ. Шунинг учун ҳам миллий қонунчилигимиз орқали табиат иномларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш шакли иқтисодий-экологик кўринишдадир. қабул қилинган экологияга оид 20 зиёд қонунлар табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қила олади, лекин бу қонун меъёрларини ҳаётга тадбиқ қилишнинг иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш шу куннинг долзарб масалалари туркумига киради.

Табиий муҳитни инқирозга, ижтимоий муҳитни фалокатга олиб келмаслик учун биз яқин келажакда экологик муносабат шаклига ўтиб олишимиз керак.

Жамият ва табиат ўртасидаги *экологик муносабат шакли* деб биз *кишиларни табиат ресурслардан ўта самарали фойдаланишга, қайта тиклаш ва табиатни муҳофаза қилишга қаратилган ҳаёт тарзини* тушунамиз. Бундай ҳаёт тарзи мавжуд экологик тизимни соғломлаштиришга олиб келади. Экологик муносабат шаклида давлатнинг бошқарув тизими аввалам бор экологик нобоп ҳудуд ва объектларни тиклашга қаратилган бўлади. Бу ерда ишлаб чиқариш технологияси биринчи навбатда кам чиқитли ёки ёпиқ ҳолда бўлишни талаб этади. Экологик онг ва маданият кишиларнинг жамиятда тутган ўрнини белгиловчи мезон омили бўлиб қолади. Экологик қонунлар ва норматив хужжатлар нафақат бевосита, балки билвосита ҳам экологиялаштирилган ва амалий тадбиқи механизмига тўлиқ асосланган бўлишини талаб қилади. Табиий ресурслардан фойдаланишни чеклаш ва табиий объектлар "реконструкцияси" бир мамлакат миқёсида эмас, балким экологик хавфли ҳудудлар бўйича амалга оширилади ва улар давлат томонидан алоҳида муҳофаза этиш объектига киришини тақазо қилади.

## *2§. Жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларга нисбатан қарашлар тизими (концепциялар).*

Бизнинг фикримизча миллий ва халқаро экологик-ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқишдан аввал уч асосий масалани аниқлаштириб олиш даркор. ***Биринчиси*** - *табиатга нисбатан жамиятнинг* (конкрет давлат ҳокимиятининг*) муносабат шаклини аниқлаб олиш*; ***иккинчидан*** - *жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларга нисбатан концепциясини ишлаб чиқиш*; ***учинчиси*** - *шу муносабатларни амалга оширишнинг асосий принциплар (қоидалари)ни белгилаш*. Бу баён этилган уч вазифаларни бажармаслик экологик-ҳуқуқий меъёрларни ягона бир мақсадга хизмат қилмаслигига, ва оқибатда қонунларни тез-тез ўзгариб туришига, экологик меъёрларнинг амалий тадбиқи қийинлашувига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, биз табиат ва жамият ўртасидаги турлича муносабат шаклларини кўриб чиқдик. Лекин, инсонларнинг табиатга нисбатан дунёқарашлари, уларнинг характерига ўхшаб, турлича бўлиши табиий ҳолдир. Инсонларнинг дунёқараши, - деган эди Абу Наср Фаробий, - уларнинг ташқи кўринишига ўхшаб турлича бўлади ва бу фазилат уларнинг илмига, ҳаёт тарзига, яшаш муҳитига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Биз ҳам улуғ ўрта аср файласуфи А.Н. Фаробий фикрига тўлиғича қўшилиб экология борасидаги қарашлар тизимини кўриб чиқамиз. Буюк рус эколог олими Н.Ф. Реймерс[1] экология кенг маънода "инсонларни яшаб кетиши ҳақидаги таълимот" деб бежиз айтмаган. Чунки инсонларнинг чегараланган Ер куррасида яшаш муддати уларнинг экологик дунёқараши ва бу дунёқарашларнинг амалиётда тадбиқ қила олиш имконияти билан белгиланади.

***Экологик концепция*** - *табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсири тўғрисидаги қарашлар тизими, яъни жамият қонунлари билан табиат қонунларининг ўзаро ҳаракат йўналишлари ўрни, аҳамияти ва моҳияти ҳақидаги дунёқараш* (2-схема).

*Жамият қонунлари* - кишиларнинг ҳатти-ҳаракатларини ёки бирон бир объектга нисбатан муносабатини белгилайдиган ҳуқуқий-меъёрлар йиғиндиси.

*Табиат қонунлари* - кишиларни ўртаб турувчи табиий муҳитда кечаётган воқеа, ҳодиса, жараёнларнинг жамият қонунларига бўйсинмайдиган ва кишилар фаолиятисиз намоён бўла оладиган кечинмаси. Табиат қонунларига: табиий омилларнинг биргаликда ҳаракат қилиши, табиий модда (сув, энергия, кислород, углерод...)ларнинг катта ва кичик айланиши, модда ва энергия сақланиши, табиий ресурсларни камая бориши, эволюцион тезланиш, тирик организмларнинг эволюцион ривожланиши ва ҳ.қ.

Таниқли эколог-ҳуқуқшунос олим В.В. Петров[1] шу кунгача бўлган экологик дунёқарашларнинг моҳияти ва мазмуни бўйича ўн кўринишини ажратади: натуралистик, истеъмолчилик, алармизм, экологик инқироз сабаблари, ҳаракатлар стратегияси, ўсиш ва органик ривожланиш, глобал

---

[1] Реймерс Н.Ф. Надежды на выживание человечества. Концептуальная экология. -М.: ИЦ "Россия Молодая" - Экология, 1992.

[1] Петров В.В. Экологическое право России. -М.: Бек, 1997.

бошқариш, экологик революциялар назарияси, муҳофаза қилиш ва ривожланиш, социалистик.

*Натуралистик концепция* - жамиятдан устун турувчи табиатни илоҳий куч, доно яратувчи, идеал борлиқ деб қарайдиган фалсафий оқимлар ва мактаблар. Бундай қарашлар тизими табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг оддий ва оддий-иқтисодий шакли давридаги кишиларга ҳос дунёқараш. Шунинг учун ҳам уларнинг худоси сув, олов, ер ва бошқа табиат объектлари ёки ҳодисалари бўлиб келган. Улар шу муҳитда табиатнинг бир бўлаги сифатида яшаб келганлар ва ўзгача яшашни тушуна олмайдилар ҳам.

қадимги афсоналарга биноан[1] ер океан қаъридан чиқиб келган ва бу ер юзасида инсонлар пайдо бўлган. Шунинг учун ҳам қадимги Хитой мифологиясида сув ҳаётнинг она боши, ер эса унинг маҳсули-эркаси деб айтилган. Улар бу иккала табиат объектини худо қилиб кўрсатишган, уларга итоат этганлар ва сиғинганлар.

Натуралистик концепциясига қарама-қарши дунёқараш *истеъмолчилик концепцияси* - жамият қонунларини табиат қонунларидан устун ёки кишиларни табиат устидан ҳукмронлик ғоясини илгари сурадиганлар. Бундай ғоя намоёндалари жамиятни иқтисодий муносабат шаклига олиб келганлар. Бу оқимга кирувчилар асосан бозор муносабатлари шаклланишни бошлаган капитализмнинг бошланғич даврида турган "янги бизнес" соҳибларидир. Улар ҳақида буюк американлик ёзувчи Джек Лондон ўзининг ўлмас асарларида акс этган ва олтин орқасидан қувиб бутун борлиқ табиатни фақатгина уларнинг иқтисодий талабларини қондириш манбаи деб қарайдиганлар. Ҳозирги кунда Россиядаги "нефть" ва "газ баронлари" ҳам буларга яққол мисол бўла оладилар. Улар учун бойлик бирламчи, табиат ва инсонлар ҳаёти иккиламчидир.

Кишилар ва табиат ўртасидаги иқтисодий муносабат шакли бундан 20-30 йил аввал кескин экологик инқирозларга олиб келди. Бунинг ҳаммаси аҳоли орасида давлатнинг бошқарув сиёсатига нисбатан қарама-қарши ҳаракатларини юзага келтирди. Атроф табиий муҳитни ёмонлашуви ва спид каби оғир касалликларни пайдо бўлишидан ваҳимага ва ташвишга тушган кишилар экологик партия ва жамоат ҳаракатлари, уюшмаларини туздилар. Улардан бири *"Алармизм"*чилар, яъни "alarm" немис ва инглиз тилида ташвиш, ваҳима, ҳавотир деган маънони англатади. Улар асосан ривожланган мамлакатларда (Германия, Англия, Франция, Австрия, Россия, АқШ, Испания...) фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Мақсадлари - табиий муҳитда кечаётган салбий жараён, ҳодиса ва воқеаларни моҳиятини очиб ташлаш ва ноэкологик сиёсатга қарши очиқдан-очиқ курашиш. Алармизм намоёндалари ўзларининг дунёқарашлари бўйича икки оқимга бўлинадилар: *пессимистик қарашлар* - кишиларнинг яшаш муҳитини жуда мудҳиш кўрсатиб, ҳозирги цивилизация сўзсиз экологик инқирозга олиб келади,

---

[1] Мифы народов мира. Энциклопедия. № 1. - М.: Энциклопедия, 1991.

деганлар; *оптимистик қарашлар* - фақат демократик (фуқаролар) жамияти ва эркин бозоргина экологик инқирознинг олдини олиши мумкин, деганлар.

Алармизм намоёндалари маълум бир ягона партияга бирлашмаганлар ва аниқ бир дунёқарашга ҳам эгамаслар, лекин экологик инқирозни олдини олишга бор куч ва билимларини сарф қилаётган олимлар, ишчилар, маиший-хизмат ва спорт соҳасида ишлайдиган турли касб соҳиблари бўлиб, улар "Гринпис", "Яшиллар партияси", "Кедр" каби оқимларга бирлашганлар. Уларнинг сони 10 дан ошиб кетган ва ўз сафларига 30 млн.дан ошиқ кишиларни бирлашгандирлар.

Алармизмчиларга яқин бўлган дунёқараш - *экологик инқироз сабаблари концепцияси*. Улар ҳам экологик инқирозни келиб чиқиш сабабларини илмий-техник тараққиёт ва аҳоли сонининг тез суръатларда ўсиб кетиши деб биладилар. Цивилизация ва демографик портлаш экологик хавфсизлик даражасига тескари пропорционал равишдадир ва экологик инқироз ҳолатидан чиқиб кетиш учун демографик ҳолатни бошқариш ва табиий ресурсларга нисбатан аҳоли сонини уйғунлаштириш керак деганлар. Бундай тадбирларни олиб бориш ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичлари, табиий шароити ва ресурслари имкониятларига монанд равишда олиб борилиши кераклигини эътироф этадилар.

Илмий-техник революция ва демографик портлаш оқибатидан чиқиб кетишни тавсия қилувчи ғарб социологларининг *ҳаракатлар стратегияси* намоёндалари уч йўлни маъқул кўряптилар. Бу йўлдаги дунёқарашлар тизими: *табиатга аралашмаслик; муаммоси бор табиат қонунларига хужум қилиш ёки аралашиш; атроф муҳитга кишиларни мослаштириш орқали кишилик жамиятини бошқариш.*

*Табиатга аралашмаслик* - концепциясини ҳаракатсизликлар стратегиясига киргазиш мумкин. Чунки, биринчидан, - экологик тизимларни айрим ҳудуд ва минтақаларда бузунганлигига бефарқ, аралашмасдан қараб туриб бўлмайди. Иккинчидан, - Ер куррасида яшаётган 6 млрд. аҳолини моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга мажбурмиз. Табиатга аралашмаслик принципини алоҳида бир муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар - биосфера қўриқхонаси ва қўриқхоналарда амалга оширса бўлади, лекин оммавий тарзда табиатдан ажралган ҳолда инсонларнинг ҳаётини тассавур қилиш қийиндир.

*Муаммоси бор табиат қонунларига ҳужум қилишни* ёқлаб чиқадиганлар фикрлари аралашмаслик концепциясидаги фикрларга қарама-қарши бўлиб, улар табиат қонунларини, илмий-техник революция ютуқларидан фойдаланилган ҳолда, инсон ҳаёти учун хизмат қиладиган даражада ўзгартиришни таклиф қиладилар. Афсуски бу оқим намоёндалари табиат қонунларини жамият қонунларидан аввал шаклланганини, тирик организмлар эса ана шундай табиат жараёнлари орқали пайдо бўлганликлари ва ривожланганликларини инкор этиш, ҳозирги кўринишдаги тирик мавжудод (шулар қатори инсон)ларни генетик ўзгартириб юборишдир. Бундай ҳолат кинокўрсатувларда кенг намойиш қилинаётган "мутант"

одамларни ва ҳайвонларни юзага келтиради ва табиий тизимларни ишдан чиқаради.

*Атроф табиий муҳитга кишиларни мослаштириш* орқали экологик инқироздан чиқиб кетишни тавсия этаётганлар бир томонлама экологик тизимларни ташқи кучларга нисбатан қарши туриш (буферлик) ва ўз-ўзини тиклаш қонуниятларига ишонган ҳолда инсонларни ҳаракат доирасини шунга монанд равишда олиб боришни тавсия этсалар, иккинчи томондан кишиларни тарихан атроф муҳитга мослашиб боришининг эволюцион жараёнларини жадаллаштиришни ёқлаб чиқадиганлар. Бу концепция намоёндалари табиат қонунларини жамият қонунларига кўчиришга уринаётганлар десак муболаға бўлмайди. Афсуски бу қонунлар ҳозирги инсоният тарихи босқичида кўпинча бир-бирига зид ва бири иккинчисини инкор этиши мумкин. Масалан, атом энергиясидан кенг миқёсда фойдаланиш ва космик тадқиқотларни чуқурлаштириш дастурлари экологик тизимларни сақланиш қонуниятлари билан зид бўлган ҳаракатлар тоифасига киради. Инсонларни ўзгараётган табиий муҳитга мослашиши революцион тарзда эмас эволюцион тарзда, табиий танлаш орқали амалга ошиши бу жараён эмас, балким қонуниятдир. Табиат инсоннинг бир бўлаги эмас, балким инсон табиатнинг бир бўлаги эканлигини ҳеч қачон инкор қилиби бўлмайди.

*Ўсиш чегараси* ва *органик ривожланиш концепцияси* намоёндалари Ер курраси ресурслари имкониятларига монанд равишда, илмий-техник ва инсонларни ўсиш чегарасини белгилаш ёки бундай илмий асосланган ўсишни чегаралаш маълум бир регион (минтақа), ҳудуд ёки маъмурий чегарада амалга оширишни тавсия этади.

Афсуски, илмий-техник ривожланмасдан туриб ҳали бери тез суръатларда ўсиб бораётган аҳолини ҳаётий эҳтиёжларини қондириб бўлмайди. Илм-фанни "консервация" қилиш ва инсонларни ўсишини "ноль" вариантга тушириш 5-10 йиллик тадбир эмас. Бу жараён узоқ ва катта куч талаб қиладиган тадбирлардандир. Чунки бу масалани биринчи навбатда аҳолиси тез ўсиб бораётган ва мусулмон диний этиқоди кучли бўлган давлатларда амалга ошириш керак бўлади ва бу жуда мушкул ишдир. Лекин "Рим клуби" аъзоларининг модели (бунинг филиали "Тошкент клуби") жаҳон иқтисодиётининг маълум бир типдаги регионларда илмий-техник ютуқларни ҳаётга кенг тадбиқ қилиш ва оилани режалаштиришни шу ердаги иқтисодий, маданий, тарихий, маънавий ҳолат даражасига қараб туриб ўсиш ва органик ривожланишни чеклашни тавсия этадиганлар.

*Глобал бошқарув концепцияси* - атроф табиий муҳит компонентлари ягона бир тизимда ҳаракат қилади ва улар ажралмасдир деган ғояни олға сурувчилар. Шунинг учун ҳам атроф табиий муҳитни сақлаб қолиш маълум бир ҳудуд ёки мамлакат доирасида эмас, балким халқаро миқёсда, бутун дунё ҳамжамиятининг биргаликдаги тадбири орқали амалга оширишини ёқлаб чиқадиганлар. Уларнинг намоёндалари табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш учун давлатлар устидан турувчи ягона бир ташкилотни тузишни ва бу ташкилот нафақат бошқарув, балким назорат ваколатига эга бўлишини ёқлаб чичқадилар. Уларнинг фикрича, БМТнинг

ЮНЕП, ЮНЕСКО, ВОЗ, МОП деган ташкилотлари, ҳозирги кунда фақатгина давлатларнинг экология борасидаги фаолиятини кузатадилар ва фактларни келтирадилар, дейдилар. Афсуски бундай оқим намоёндалари Ер куррасидаги ҳамма давлатларнинг суверен ҳуқуқи бўлмиш табиий ресурслардан ўз қонунларига биноан фойдаланиш имкониятларини осонликча бериб қўймасликларини инобатга олишмаяпти. Лекин, бизнинг фикримизча, экологик глобал бошқарув тизимига инсоният олдинми ёки кечми албатта етиб боради. Чунки маълум бир жойдаги экологик инқироз (Орол денгизи муаммоси, Чернобил АЭС фалокати, Охота денгизининг радиоактив моддалар билан заҳарланиши) маҳаллий экологик инқироз эмас, балким глобал таъсир кучга эга бўлган инқироз эканлиги ҳаммамизга аёндир.

*Муҳофаза қилиш ва ривожланиш концепцияси* намоёндалари жамиятнинг экологик талабларини иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш талабларига мослатиришни таклиф қиладилар. Бу оқим қарашларини ривожланган "катта еттилик" давлатларида кенг тарғиб қилинаяпти. Ҳақиқатдан ҳам, бизнинг фикримизча[1], экологик тадбирлар - иқтисодлашгандир. Мисол тариқасида яна бир бор Орол денгизи муаммосига келиб тўхталамиз. Пахта яккаҳокимчилигидан Ўзбекистонда олинган даромад (1960-1987 йй.), Орол денгизи ва унинг атрофидаги экологик инқирозни тугатишга кетадиган сарф-ҳаражатдан кўра 7-10 баробар камдир. "Экологик инқирозни олдини олиш,- дейди немис эколог олими Б.Гржимек,- унга қарши курашдан кўра доимо бир неча чандон арзонроқдир"[2].

*Экологик революциялар концепцияси* - сиёсий тузум ва кишиларни экологик дунёқарашларини кескин равишда - революцион йўл билан истеъмолчилик психологиясидан экологик талаблар доирасига ўтказиш. Аммо бу таклиф қанчалик яхши бўлмасин, бир қоидани эсдан чиқармасликка ундайди - кишилик жамиятида (табиатдаги сингари) революцион йўл билан бирон бир тадбирни амалга ошириш уларда салбий оқибатларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Лекин ҳозирги экологик инқироз ҳолати экологик онг, маданият, ўқув ва тарбияни кенг миқёсда ва жадал суръатларда олиб боришни таказо қилади. Акс ҳолда "табиатдаги тизимларни эволюцион ривожланишини орқага қайтариб бўлмайди" деган табиат қонуни ўзининг салбий кўринишларини сақлаб қолиши ва эски ижобий тизимни тиклаш имконияти бўлмаслиги мумкин.

*Социалистик концепция* асосчилари К. Маркс ва Ф. Энгельс томонидан кенг таърифланган дунёқараш атроф табиий муҳит ҳолатини инобатга олиб жамият кучларини бир меъёрда режали ривожлантиришни ёқлаб чиқадиганлар. Албатта бу дунёқараш амалда (70 йил Совет тузуми ҳукм сурганда) ўз ифодасини топа олмади. Табиатни бирон бир мамлакатда режали муҳофаза қилиш ёки ундан фойдаланиш экологик ҳолатга эмас, балким иқтисодий -ижтимоий, сиёсий ҳолатга қараб олиб борилишини исбот қилди. Табиий ресурсларни аниқ ҳисобини олиш ва улардан режали

---

[1] Нигматов А.Н., Нигматова Г.Н. Атроф мухофазасида иктисодий механизм.// Иктисод ва хисобот, 10-сон, 1997.

[2] Экологические очерки о природе и человеке. (Под ред. Б.Гржимека). - М.: Прогресс, 1988.

фойдаланниш бирон бир ҳудуд ёки мамлакатда эмас, балким бутун бир регион ёки Ер курраси бўйича глобал ҳолда амалга ошириш мумкин бўлади.

Юқорида санаб ўтилган экологик концепциялардан ташқари дунёнинг турли жойларида, турли дунёқарашга эга бўлган қарашлар тизимидаги партиялар, оқимлар, ҳаракатлар, кенгашлар, жамғармалар мавжуд. Лекин, бизнингча, ***экологик концепция*** - *табиат қонунлари билан жамият қонунларини ўзаро уйғунлашган ва илмий асосланган ҳолда ривожланишини ёқлаб чиқадиган қарашлар тизимидир*. Акс ҳолда бошқача қарашлар тизими ноэкологик концепциялар тизимига киради.

## *3§. Табиатни муҳофаза қилиш принциплари (қоидалари).*

Табиат ва жамият ўртасидаги муносабат шакллари ва концепцияларидан келиб чиқадиган ҳамда экологик қонунларни мақсади ва моҳиятини белгилаб берадиган учинчи қадам - кишиларнинг жамиятдаги экологик муносабатларида амал қилиши керак бўлган асосий *принциплари* ёки *қоидалари*. Бу принциплар табиат қонуниятларига асосланган бўлиб улар қуйдагилардан иборатдир:

***1. Табиий ҳодиса ва жараёнлар кўпқирраликдир.*** Шунинг учун ҳам улар ҳар томонлама объектив баҳоланиши керак. Бу деган сўз ҳар бир табиий ҳодиса ёки объектга халқ хўжалигининг соҳавий заруриятига қараб ёндошиш керак. Лекин бу соҳавий ёндошув аввалам бор экологик тизимларни сақлаб қолиш ва уларни қайта тиклаш нуқтаи назардан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўрта Осиё шароитида ўрмон - қурилиш ёки химик хом ашё манбаи эмас, балким экологик тизим ёки ландшафтларни бир меъёрда ушлаб турувчи элемент сифатида қаралиши керак. Чунки бу минтақада бор йўғи умумий майдоннинг бир фоизидан ошмайдиган сийрак дарахтзор ва бутазорлар сув ва тупроқ муҳофазасида "яшил қалқон", иқлимни мўътадиллаштирадиган компонент, аҳолини маданий дам олишини таъминлайдиган объект сифатида қарашни тақазо этади.

Сув фондидаги дарёлар Ўрта Осиё шароитида суғориш ёки рекрация манбаи эмас, аввалам бор ичимлик суви ва аҳолини маиший хизмати учун мўлжалланиши керак. Чунки иссиқ иқлимли арид (қуруқ) шароитда сув аҳоли учун ҳаёт манбаидир. Сибирь, Узоқ Шарқ каби совуқ ёки нам иқлимли минтақалар учун дарёлар аввалам бор аҳолини транспорт хизматини бажарувчи ва арзон энергетика манбаидир. Дарёлар инсонларнинг ҳаёти учун билвосита қишлоқ хўжалиги, металлургия, тоғ-кон саноати, химия каби сувни кўп талаб қилувчи халқ хўжалиги тармоқлари орқали хизмат қилади. Асосийси табиат компонентлари турли чиқитлар ёки ахлатлар ташлайдиган табиий объект бўлиб қолмаслиги керак.

Хулоса қилиб айтганда, табиий ҳодиса ва жараёнларнинг кўпқирралик принципи маълум бир табиий объектдан турли хил халқ хўжалиги соҳаларида улардан фойдаланишни инкор этмайди, лекин фойдаланишда

экологик тизимларни сақлаб қолиш ёки тиклаш нуқтаи назардан устувор (приоритет) соҳаларни белгилашни тақазо қилади.

***2. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш минтақавийдир***, яъни маҳаллий шароитларни инобатга олган ҳолда экологик тадбирларни олиб бориш кераклиги принципи. Мамлакатимиз иқтисодий ривожининг таянчи бўлган табиат бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш уларни ҳар томонлама (иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий) баҳолашни, истиқболли йўналишларини аниқлашни, маҳаллий ва экологик шароитларини инобатга олган ҳолда амалга оширишни талаб қилади. Чунки Ўзбекистон Республикасида (умуман Ер куррасида) табиий объектларнинг сон ва сифат кўрсатқичлари майдон ва макон бўйича бир текисда жойлашмаган. Бирон бир минтақада маълум бир табиий объект ёки ресурснинг мўллиги иккинчи бир минтақада унинг етишмаслигини қоплаб бера олмайди ёки бирон бир минтақада экологик хавфсиз муҳит шароити иккинчи бир минтақанинг экологик инқирозини бартараф этишга асос бўла олмайди.

***3. Табиий ҳодисалар ва жараёнлар ўзаро узвий боғлангандир***. Биринчи экологик минтақавий принципни давоми сифатида шуни айтиш керакки табиатнинг маълум бир объектини муҳофазалаш ёки уни бузиш қолган табиий объектларга ўз ижобий ёки салбий таъсирини албатта ўтказади, яъни "занжир реакцияси" усулида ишлайди.

Табиатда дарё ва кўлларни муҳофазалаш ўз ўзидан ундаги балиқларни ва сув ўтларни муҳофазалашга олиб келади. Ўрмонларни асраш аввалам бор улардаги ҳайвонот дунёсини сақлашга, сўнгра атмосфера ҳавосининг ва сувларнинг тозалигини ушлаб туришга, тупроқнинг унумдорлик хусусиятларини сақлаб қолишга имкон беради. Аксинча, тупроқ унумдорлигини йўқотиш, ўсимлик дунёсини сийраклашувига ва сўнгра, уларда яшовчи ва озиқланувчи ҳайвонот дунёсини камайишига ёки қирилиб кетишига олиб келади. Экологик тизимда бир объект муҳофазасини иккинчиси орқали амалга ошириш қонуниятини шакллантиради.

4. "Занжир реакцияси" қонуниятининг давоми, лекин учинчи табиат принципига қарама-қарши бўлган қоида - ***бирон бир табиий объект муҳофазаси иккинчи бир табиий объектнинг зарари бўлиши ҳам мумкинлиги***. Масалан, Африка қитъасидаги миллий боғларда ташкил этилган қўриқхоналарда филлар сонининг кўпайиб кетиши у ердаги ўсимлик дунёсини сийраклашувига ва тупроқ унумдорлигини пасайишига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам маълум бир объект муҳофазасига қаратилган экологик тадбирни қолган табиий объектлар имкониятларига монанд равишда ва илмий асосланган тарзда амалга оширишни тақазо қилади.

5. Юқорида зикр этилган тўрт экологик принцип бизлардан табиат муҳофазасига ***комплекс ёндошув принципини*** тадбиқ қилишни тақазо қилади. Табиатни муҳофаза қилиш ва шу билан бир қаторда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни бирон бир соҳа ёки йўналиш бўйича тўлиқ амалга ошириб бўлмайди, балки комплекс соҳалараро бошқарув ва назорат асосида амалга оширишни талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси

Табиатни муҳофаза қилиш Давлат кўмитасининг фаолияти худди шу комплекслилик принципига асослангандир.

Умуман олганда, табиатни муҳофаза қилиш бир қараганда табиий ресурслардан фойдаланишга қарама-қарши йўналишга ўхшайди. Лекин, экологик тизимдаги катта ёки кичик доирадаги модда ва энергия алмашуви ҳам табиий объектларнинг бири иккинчисига таъсир этиши, яъни фойдаланиши ва муҳофаза қилиши асосида бўлади. Хеч қайси бир тирик мавжудод (ҳайвонот дунёси, ўсимликлар, инсонлар) атроф табиатдан фойдаланмасдан туриб ҳаёт кечира олмайди. Маълум бир экологик меъёрдаги бу ҳаракатлар экологик тизимларни ушлаб турувчи зарурий ҳодиса ва жараёнлар туркумига киради. Бундан ***бир вақтнинг ўзида табиатни муҳофаза қилиш ва фойдаланиш*** принципи келиб чиқади.

Шундай қилиб, жамиятнинг табиатга нисбатан йўналтирилган ҳаракатлари экологик принципларга ёндошган ва чуқур илмий асосланган бўлишни талаб қилади. Чунки инсон табиатнинг бир бўлаги, лекин акси эмасдир.

## *4§. Ўзбекистоннинг экологик сиёсати.*

Ер куррасида юзага келаётган экологик нобоп муҳитнинг чуқурлашувида озми-кўпми Ўзбекистон Республикасининг иштироки бор. Истиқомат қилаётган 24 млн.дан зиёд аҳолининг ярмидан кўпроғи экологик хавфсиз бўлмаган муҳитда истиқомат қилмокда. Орол денгизи ва унинг атрофида рўй берган экологик инқироз ҳолати Совет даврининг ноэкологик аграр ва иқтисодий сиёсатининг натижасидир. Шунинг учун ҳам давлатимиз, шахсан Президент И.А.Каримов, экологик масалаларни иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислоҳотлар билан уйғунлаштирган ҳолда олиб боришни лозим деб топмоқдалар[1] .

XX аср охирига келиб Ўзбекистонда қуйидаги тактик ва стратегик йўналишлар ишлаб чиқилган: "2005 йилгача бўлган даврда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишнинг Давлат дастури", "Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланишнинг экологик таъминлашнинг миллий ҳаракатлар режаси", "Ўзбекистон Республикасида атроф муҳит гигиенаси бўйича миллий ҳаракатлар дастури", "Биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича миллий стратегия ва режа". Бу хужжатларда давлатимизнинг жамият ва табиат ўртасидаги муносабат шакли, ҳозирги кунда ва келажакда қандай бўлиши, Ўзбекистоннинг экологик концепцияси, мақсади ва принциплари белгилаб берилган. Экологик мақсад ва вазифаларни амалга оширишнинг тактик ва стратегик ҳаракатлар дастури ва йўналишлари кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси ***экологик сиёсатиниг асосий мақсади*** - *кишиларнинг ҳаётий зарур бўлган экологик хавфсиз муҳитини таъминлаш учун табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали*

[1] Каримов И.А. Узбекистон буюк келажак сари. - Т.: Узбекистон, 1998.

*фойдаланиш, яъни табиат билан жамият ўртасидаги иқтисодий -экологик муносабат шаклини қўллаш.*

Биз биламизки, мустақиллик давргача Ўзбекистон ҳудуди Чор Россияга сўнгра, Совет Иттифоқининг хом-ашё етиштириб берадиган чекка ўлкаси бўлиб ҳисобланган. Шунинг учун ҳам табиий ва минерал хом-ашё захираларидан максимал ҳолда экстенсив усулда фойдаланилган, яъни иқтисодий муносабат шаклда бўлган. Бундай тоталитар тузумдаги муносабат шаклидан бирданига экологик муносабат шаклига, жамиятда на иқтисодий, на ҳуқуқий, на ижтимоий-маданий асоси яратилмай туриб ўтишни, хаттоки назарий жиҳатдан ҳам амалга ошириб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси танлаган йўли табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларни иқтисодий-экологик шакли, яъни босқичма-босқич экологик муносабат шаклга ўтишга асос бўлмоғи даркор.

29 август 1997 йилда қабул қилиган Ўзбекистон Республикасининг "Миллий хавфсизлик Концепцияси тўғрисида"ги қонунида мамлакатимизнинг экологик концепцияси берилган бўлиб, унда қуйидагиларга эътибор берилган[1]:

- шахснинг ҳаётий зарур эҳтиёжи бўлган кишиларни соғлигини муҳофаза қилиш ва инсонларнинг турмуши учун оптимал ҳолатдаги экологик шароитларни яратиб бериш;

- жамиятнинг ҳаётий зарур эҳтиёжи бўлган оилани ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш, мўтадил экологик вазиятни ташкил этиш, аҳолининг соғлигини таъминлаш, жисмоний бақувват авлодни шакллантириш;

- давлатнинг ҳаётий зарур эҳтиёжлари бўлган барқарор ривожланиш, минтақавий иқтисодий ҳолатни муътадиллаштириш, соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш.

Шундай қилиб Ўзбекистон учун ягона бўлган шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий зарур эҳтиёжларидан бири - *экологик хавфсиз муҳит миллий хавфсизликнинг ажралмас бир бўлагидир*. Республикамиз экологик сиёсатининг асосий мақсадини бажармоқ учун органик ривожланиш билан бир қаторда муҳофаза қилиш ва ривожланиш концепциясини қўллашни маъқул деб топган. Бу деган сўз шахс, жамият ва давлатнинг экологик талабларини минтақалар бўйича иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш талабларига мослаштириш керак.

И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" деган асарида ҳамда "2005 йилгача бўлган даврда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишнинг Давлат дастури"да юқорида айтилган мақсад ва концепцияларни амалга оширишнинг асосий чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

- экологик технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш. халқ хўжалик тармоқларидаги табиий жараёнларнинг кескин бузилишига олиб келадиган барча заҳарли кимёвий моддаларни қўллаш устидан қаттиқ

[1] Национальный доклад "О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан". -Т.: Chinor ENK, 1998.

назорат ўрнатиш. Атмосфера ҳавоси ва сувларни инсоннинг ҳаётий фаолияти учун зарарли ёки салбий таъсир этадиган моддалар билан ифлослантиришни тўхтатиш;

- қишлоқ хўжалик экинларини, энг аввало, ғўзани суғоришда сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш. Коллектор-зовур сувларини дарёлар ва сув омборларига ташлашни тартибга солиш ва оқава сувларни чиқариб юборишни батамом тўхтатиш зарур;
- саноат корхоналарида атмосферага ҳавосига сув ҳавзаларига ва тупроққа ифлослантирувчи ҳамда зарарли моддаларни ташлаганлик учун солинадиган махсус солиқдан кенг фойдаланган ҳолда масъулиятни ошириш даркор. Уларда замонавий, самарали тозалаш қурилмалари тизимини жорий этиш керак. Бошланғич хом ашёдан тайёр, пировард маҳсулот олганга қадар комплекс фойдаланишга имкон берадиган янги, замонавий, экологик жиҳатдан самарали ускуналарни ўрнатиш лозим;
- қайта тикланадиган захираларни қайта ишлаб чиқаришнинг табиий равишда кенгайишини таъминланган ҳамда қайта тикланмайдиган захираларни қатъий мезон асосида истеъмол қилган ҳолда табиий захираларнинг ҳамма турларидан оқилона фойдаланиш даркор;
- фойдали қазилмалардан оқилона фойдаланиш керак. Бошланғич хом ашёдан тўлиқ фойдаланишни таъминлаш даркор ва унинг учун эскирган ускуналарни алмаштириш, янги технологияларни жорий этиш, айрим цехлар, участкалар ва корхоналарни реконструкция қилиш асосида фойдали қазилмаларни саноат усулида янада тўлиқ ва оқилона қазиб олиш муҳим вазифадир. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш учун тоғ-кон саноатининг чиқиндиларини ўзлаштиришни янада кенгайтириш ҳамда бузилган ерларни қайта яроқли ҳолга келтириш (рекультивация қилиш) муҳим аҳамиятга эга;
- кенг майдонлардаги табиий шароитларни табиий захиралардан самарали ва комплекс фойдаланишни таъминлайдиган даражада аниқ мақсадли, илмий асосланган тарзда ўзгартириш (дарёлар оқимини тартибга солиш ҳамда сувларни бир ҳавзадан иккинчисига ташлаш, ернинг сув-физик хусусиятларини яхшилаш, сув чиқариш тадбирларини ва шунга ўхшаш тадбирларни амалга ошириш) лозим;
- жонли табиатнинг хилма-хиллигини сақлаш, табиий генофондни маданий экинлар ва хайвонларнинг янги турларини кўпайтириш ҳисобига бошланғич база сифатида сақлаб қолиш керак;
- қурилиш ва ободонлаштиришни режалаштиришнинг илмий асосланган, ҳозирги замон урбанизациясининг барча салбий оқибатларини бартараф этадиган тизимини жорий этиш йўли билан шаҳарларда ва аҳоли пунктларда экологик хавфсиз муҳитни таркиб топтириш;
- жаҳон жамоатчилиги эътиборини минтақанинг экологик муаммоларига қаратиш лозим. Орол муаммоси бугунги кунда чинакам кенг кўламли, бутун сайёрамизга дахлдор муаммо бўлиб қолганлигини, унинг таъсири ҳозирнинг ўзидаёқ биологик мувозанатни бузаётганлигини, бепоён ҳудудларда аҳолининг генофондига ҳалокатли таъсир кўрсатаётганлигини назарда тутиш лозим;

- халқаро тузилмаларнинг захиралари, имкониятлари ва инвестицияларини ана шу муаммоларни ҳал қилишга жалб этиш - биринчи даражали вазифадир.

Экологик хавфсизликни таъминлаш ва юқорида айтиб ўтилган мўлжалланган тадбирларни амалга ошириш учун "Табиатни муҳофаза қилишнинг Миллий Дастури"да қуйидаги принципларга амал қилишни тавсия этилган:

- давлат экологик ислоҳотларнинг йўлбошловчиси бўлмоғи даркор;
- экологик ҳаражатларни молиялаш ва унинг янги схемаларини жалб қилиш;
- макроиқтисодий ва соҳавий экологик сиёсатни такомиллаштириш;
- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни экологиялаштириш;
- атроф табиий муҳит сифатини яхшилаш мақсадини қўйиш ва стандартлаштириш;
- ишлаб чиқаришнинг экологик талабларини чуқурлаштириш ва ҳ.қ.

Ўзбекистон Республикасининг юқорида айтиб ўтилган экологик сиёсатини амалга оширувчи табиат ва жамият ўртасидаги муносабат шакли, табиат қонуниятларига жамият қонунларини мослаштириш, экологик чора-тадбирлар ва асосий танланган тамойилларнинг ҳаётга тадбиқ қилиш механизми ишлаб чиқилса ва амалиётда улар ўз тадбиғини топса, сўзсиз, бизнинг мамлакатимиз яқин келажакда экологик муносабат шаклига ўтиб олиши мумкин. Бундай сиёсат шахснинг, жамиятнинг ва давлатнинг ҳаётий зарур бўлган миллий хавфсизлигини таъминлашда катта омил бўлиб хизмат қилишига ҳеч шубҳа йўқ.

## II-боб. Экология хукукининг тушунчаси, предмети, тамойиллари ва тизими.

### 1 §. Экология хукукининг тушунчаси, хусусиятлари ва умумий экология тизимида тутган урни.

Табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро бо¦лиєлик турли йўналиш ва шаклларда узоє ваєт давомида амалга оширилиб келинмоєда.

Асрлар давомида инсоният табиат єонуниятларига мослашиб, ўзининг турли эхтиёжларини єондириш учун табиатдан фойдаланиб, унга таъсир ўтказмокда.

Шуни алохида таъкидлаш керакки, жамият аъзолари онгининг тобора такомиллашиши, янги меѕнат єуролларининг ихтиро этилиши ўз навбатида, инсоннинг турли эхтиёжларининг ривожланишига олиб келди. Инсон ўз эхтиёжларини єондириш учун табиий ресурслардан фойдаланиб салбий таъсир кўрсата бошлади. Жамият аъзоларининг табиатдан фойдаланиш бўйича эхтиёжларининг ошиши, табиий ресурслардан фойдаланиш єуроллари, яъни техникавий воситаларнинг такомиллашишига олиб келди. Ушбу холат ўз навбатида табиатга жамият томонидан бўладиган

таъсирларнинг бир неча баробар кўпайишига олиб келди. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрларда инсон тафаккурининг ривожланиши илм-фаннинг тараєєий этиши ўз навбатида инсоннинг турли эзтиёжларини єондиришга, жамиятнинг ижтимоий-иєтисодий негизини мустаsкамлашга хизмат єилди. Албатта, янги технологик жараён иш унумдорлиги, иєтисодий даромадни кўпайтириши билан бир єаторда табиий ресурсларнинг sолатига салбий таъсирларни оширишга, шунингдек табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро мувозанатни бузилишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун sам табиат ва жамият ўртасидаги муносабатнинг шундай йўлга єўйилиши керакки ўзаро таъсирлар натижасида табиий ресурс, экологик тизимлар sолати ва аsолининг со¦лиги, sаёти ва ижтимоий-иєтисодий эзтиёжларининг даражасига бўладиган салбий оєибатларни иложи борича камайишига олиб келиниши зарурдир.

Муsим табиий ресурслар sисобланган ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик, sайвонот дунёси ва бошєа табиий заsираларнинг инсон, жамият sаётида тутган ўрни беєиёсдир.

Шунинг учун sар єандай жамиятда табиатдан фойдаланиш, муsофаза єилиш, табиат заsираларинин келажак авлодга мерос єилиб єолдириш устувор вазифалардан бири sисобланади. Тарихга назар солиб, фикр єиладиган бўлсак табиат-жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар жамият sаётининг турли босєичларида турлича шаклларда олиб борилган, sар бир тарихий ривожланиш босєичида турли фойдаланиш ва уларни муsофаза єилишнинг єоида-талаблари жорий этилиб келинган. Демак, жамиятда ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик, sайвонот дунёси ва атмосфера sавосидан фойдаланиш ва муsофаза єилиш юзасидан ижтимоий муносабатлар sуєуєий жиsатдан тартибга солиниб, табиат-жамият тизимида мувозанатни саєлашга хизмат єилади.

Шуни алоsида таъкидлаш лозимки, табиатдан фойдаланиш ва уларни муsофаза єилиш билан, бо¦лиє ижтимоий муносабатларни тартибга солишга єаратилган sуєуєий чора-тадбирлар тизими ва уларнинг таъсир доираси sар бир тарихий босєичда мавжуд илм, фан ва техника ривожланиши sамда атроф табиий муsит sолатининг даражасига бо¦лиє бўлади.

Шунинг учун sам XX асрда амалга оширилган фан-техника революцияси натижасида яратилган янги техника воситалари, ишлаб чиєариш объектлари ўз навбатида табиатга бўлган таъсирини ошиши мисли кутилмаган экологик салбий оєибатларни келтириб чиєарди.

Экологик муносабатларни тартибга солишга єаратилган ижтимоий-sуєуєий чора-тадбирлар тизими ишлаб чиєилди ва амалга оширила бошлади.

Ушуб sолат экологик sуєуєий муносабатлар доираси ва даражасини ўрганувчи экология sуєуєи фанининг пайдо бўлиши ва ривожланишига зарурият яратди.

Экология sуєуєи – табиат билан жамият ўртасида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни sуєуєий томондан тартибга солишни ўрганувчи фонддир.

Экология ѕуєуєи бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг мустаєил ѕуєує тизимида ўз ўрни ва салоѕиятига эга бўлган алоѕида йўналиш ва хусусиятларга эга бўлган ѕуєує соѕаси ѕисобланади.

Шуни алоѕида таъкидлаш керакки ѕар бир ѕуєує соѕасининг моѕияти тартибга солинаётган ижтимоий муносабатлар доираси ва даражасига бо¦лиє бўлади. Шу жумладан, экология ѕуєуєи ѕуєує тизимининг соѕаси сифатида тартибга солаётган ижтимоий муносабатларнинг кенглиги, мураккаблиги, хилма-хиллиги ва ўзига хос хусусиятлари билан бошєа ѕуєує соѕаларидан ажралиб туради.

Ѕаммамизга маълумки, давлат ва ѕуєує назариясига асосан ѕуєує соѕалари ижтимоий муносабатларни тартибга солиш жараёнида тутган ўрни ва иштироки даражаси доираси нуєтаи назаридан мустаєил ва комплекс (мажмуалашган ёки кенг єамровли, кенг тармоєли) ѕуєує соѕаларига бўлиниши мумкин. Мустаєил ѕуєує соѕалари ижтимоий муносабатларни асосан ўзининг кучи, имкониятлари даражасида тартибга солади. Масалан, маъмурий ѕуєує, жиноят ѕуєуєи, фуєаролик ѕуєуєи, меѕнат ѕуєуєи ва бошєалар.

Кенг єамровли (комплекс) аѕамиятга эга бўлган ѕуєує соѕалари ижтимоий муносабатларни тартибга солишда бошєа ѕуєує соѕаларининг ѕуєуєий єоида-талаблари ва тамойиллардан фойдаланади.

Экология ѕуєуєи ѕам табиат-жамият тизимидаги глобал аѕамиятга эга бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солишда биринчи навбатда экологик умум мажбурий аѕамиятга эга бўлган тамойил, усул ва єоида-талаблардан фойдаланади, иккинчидан, ушбу мураккаб экологик муаммоларни ѕал єилиш, уларнинг ѕуєуєий тартиботини таъминлашда ўзаро бо¦лиє бўлган ѕуєуєнинг бошєа соѕаларининг куч ва имкониятларидан фойдаланади. Чунки, экология ѕуєуєи ѕал єилишга єаратилган экологик муаммо ва вазифаларнинг кўлами кенглиги, мураккаб ва аѕамиятлилиги сабабли фаєатгина жамият ѕаётининг ижтимоий, сиёсий, иєтисодий, маънавий-маданий жабѕаларида мавжуд бўлган барча восита чора-тадбирларни сафарбар єилиш орєали экологик муносабатларни тартибга солиш мумкин.

Шунинг учун ѕам экологик муаммоларни ѕал єилишга єаратилган ижтимоий муносабатларни тартибга солишда экологик тамойил, єоида ва талаблар билан бир єаторда бошєа ѕуєує соѕалари яъни маъмурий, жиноий, фуєаролик, меѕнат ва хўжалик-ѕуєуєий восита ва єоида-талабларидан фойдаланади.

Демак, экология ѕуєуєи - табиат ва жамият тизимида пайдо бўладиган экологик-ѕуєуєий муносабатларни тартибга солишга єаратилган кенг єамровли ва кўп тармоєли ѕуєує соѕаларидан бири бўлиб ѕисобланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ѕар бир фан ёки ѕуєує соѕаси ёки ижтимоий муносабатларни тартибга солиш жараёнида тутган ўрни ва тартибга солинаётган муносабатларнинг кўламига кўра ўзига хос хусусиятларига эга бўлади.

Шу жумладан экология sуєуєи sам биринчи навбатда sуєує тизимининг алоsида соsаси сифатида бошєа sуєує соsалари билан чамбарчас бо¦лиє бўлиб, sуєуєнинг умум эътироф этилган тамойил, шакл ва єоидалардан фойдаланиб, ривожланиб бормоєда. Шунинг билан бир єаторда экология sуєуєи тартибга солаётган ижтимоий муносабатлар табиат єонуниятлари, табиий ресурслар, экологик тизим ва компонентларга таъсир этиш яъни sолатининг ёмонлашиши, миєдорининг камайиши, мувозанатнинг бузилиши, турларнинг йўєолиб кетиши ва sоказолар каби жараёнларда пайдо бўлади. Sаммамизга маълумки, инсон табиат маsсули, унинг бир єисми, табиат єонуниятлари доирасида шаклланган, ривожланаяпти ва тараєєий этиб боради. Бир сўз билан айтганда “Табиат-жамият” тизимида табиат беєиёс даражада устун sуєуєєа, кўламга ва салоsиятга эгадир. Шунинг учун sам жамият ўз тараєєиётига эришмоєчи бўлса, албатта табиатнинг муєаддас, устувор єонуниятларини англаши, эътироф этиши, ўз sатти-sаракатларини мослаштириши ва энг муsими ўз эзтиёжларини єондириш билан бо¦лиє sаракат йўналишлари табиатнинг sолатига бо¦лаб ривожлантириши лозим бўлади. Кўриб турибмизки, экологик sуєуєий муносабатларни тартибга солишда табиий єонуниятларнинг устуворлиги ўз навбатида экология sуєуєининг бошєа sуєує соsаларидан фарє єилувчи, ажралиб турувчи хусусиятлари мавжудлигини таєозо этади. Ушбу хусусиятлар биринчидан, экологик муносабатларни тартибга солишда табиат єонуниятларини устунлигини таъминлаш; иккинчидан, жамият sаётида шаклланган экологик умуммажбурий тамойил, єоида-талабларнинг ижтимоий муносабатларини тартибга солишда єўллаш; учинчидан, экологик муносабатларни тартибга солиш механизмида конституциявий, маъмурий, меsнат, жиноий, фуєаролик, хўжалик-sуєуєий чора-тадбирларидан фойдаланиш ва тўртинчидан, экологик муаммоларни sал єилишда жамият sаётида ижтимоий, сиёсий, иєтисодий ва маънавий-маданий жабsаларини чора-тадбирларини кенг сафарбар єилиш билан белгиланади. Экология sуєуєи мураккаб таълимот тизимига эга бўлиб, табиат єонуниятлари ва жамият єонунларининг ўзаро мослашиши, мувофиєлашиши натижасида шаклланади, ривожланяпти ва тараєєий этади. Шунинг учун sам табиатда бўладиган ўзгаришлар, воєеа-ходисалар билан бо¦лиє назарий таълимот ва билимлар ўз навбатида жамиятнинг табиат сир-асрорлари, илмини чуєурлаштиришга хизмат єилади. Чунки, табиий билимларни ўрганиш ўз навбатида жамиятнинг табиат билан бўладиган ўзаро муносабатларини уй¦унлаштиради, sар бир давлат экологик сиёсатини йўналишларини оєилона белгилашга хизмат єилади.

Бугунги кунда табиат єонунларини ўрганиш табиий ресурсларнинг ривожланиши, ўзаро бо¦лиєлигини даражаси экологик тизимдаги муайян табиий ресурс, тур ва компонентлар сифат ва миєдорий ўзгаришлари, уларга бўладиган таъсир доираларини аниєлаш ёки бир сўз билан айтганда табиат илмини ўрганишда табиий фанлар тизимида ўз йўналиши, хусусиятларига эга бўлган экология фани тобора ривожланиб бормоєда.

Биз экология sуєуєи фанини чуєурроє ўрганмоєчи бўлсак, аввαламбор "Экология фани" saєидаги умумий тушунча ва йўналишларини етарли англашимиз керак бўлади.

Экология – мураккаб тизимга эга бўлган, тирик организмларнинг яшаш шароити ва шу организмларнинг ўзлари яшаб турган муsит билан ўзаро мураккаб муносабатларини ўрганувчи фандир.

1866 йилда немис биологи ўз илмий асарида биринчи бўлиб "Экология" атамасини фанга киритиб, унинг маъносини тирик организмларнинг ўзаро ва уларнинг яшаш муsити билан бо¦лиєлигини ўрганувчи таълимот сифатида ифодалайди.

Экология атамаси юнонча "oikos" – турар жой, яшаш муsити, уй, - "logos" – таълимот, деган маънони билдиради. Бир сўз билан айтганда, экология биз яшаб турган муsит, уй, ватанимиз saєидаги фандир.

Илм, фан-техниканинг ривожланиши табиат saєидаги билимларнинг кенгайиши ва ўз навбатида табиат-жамият тизимидаги ўзаро таъсирларнинг кескинлашиши экологиянинг биология фанининг кичик бир єисмидан ажралиб, алоsида фан сифатида ривожланишига олиб келди. Экология – табиат фанларининг барча соsа ва тармоєларига кириб бориб, жамият saётининг муsим жабsалари sисобланган иєтисодиёт, сиёсат, маънавият-маданият, ижтимоий мажмуаларни єамраб олди. Табиат ва жамият saётининг барча соsа ва йўналишларини єамраб олган ушбу жараён, яъни "Экологиялизациялаштириш" асосида бугунги кунда мураккаб тизимга эга бўлган, глобал asамиятдаги экология фани шаклланди. Экология фани sозирги кунда 70 га яєин "Табиат-жамият тизимида" ги таълимот ва ¦оялар мажмуасини ўз ичига олади, яъни, одам экологияси, иєтисодиёт экологияси, муsандислик экологияси, агро экология, кимёвий экология, sуєуєий экология ва бошєалар. Демак, экология sуєуєи фани глобал asамиятдаги экология фанининг таркибий єисмларидан бири бўлиб sисобланади. Шунинг билан бир єаторда экология sуєуєи фанини олдида "Табиат-жамият тизими" да турли шакл ва йўналишларда пайдо бўладиган ўзаро таъсирларни барєарорлаштириш, sаракат йўналишларини аниєлаш, жамият аъзоларининг табиатдан фойдаланиш билан бо¦лиє эҳтиёжларини єондириш меъёрларини ўрнатиш, табиат єонунлари даражасида атроф табиий муsитни муsофаза єилиш талабларини белгилаш каби маъсулиятли вазифаларни юклайди.

## 2 §. Экология sуєуєи фанининг ривожланиши тарихи.

Хаммамизга маълумки, табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро таъсирини кузатиш, тадєиє этиш узоє тарихий жараёнига эгадир.

Юєорида таъкидланганидек, экология атамаси 1866 йилда фанга кириб келди ва экология фани биология таркибидан ажралиб чиєди ва ўз йўналишлари бўйича ривожланиб бормоєда. Шуни алоsида таъкидлаш керакки, инсоннинг табиат илмига бўлган єизиєиши, табиий ресурсларнинг

холатини кузатиш, ўрганиш, табиат бойликларини асраб-авайлаш, муѕофаза єилиш билан бо¦лиє таълимотларни жамият ривожланиш тариѕининг барча босєичларида кузатишимиз мумкин.

Инсоннинг табиат билан бо¦лиєлиги нафаєат махсус тадєиєотларда балки жамият аъзоларининг турмуш тарзи, диний ва ижтимоий урф-одатлари билан бо¦ланиб кетганлигини кузатишимиз мумкин.

Жамиятнинг табиатга бўладиган ўзаро таъсир доираси ва даражасини инсон онги, меѕнат єуроллари ва бошєа ишлаб чиєариш воситалари такомиллашуви билан бо¦лаб кузатишимиз мумкин.

Янги меѕнат єуроллари, фан-техника кашфиётлари ўз навбатида табиий ресурслардан кўпроє фойдаланиш, турли эхтиёжларни єондиришни таъминлайди ва ўз навбатида табиий ресурслар ѕолатига бўладиган салбий таъсирлар даражасини ошириб борди. Табиатга бўладиган зарарли ва хавфли таъсирларни камайтириш, уларни олдини олиш, табиат бойликларининг холатини яхшилаш билан бо¦лиє изланиш, тадєиєот, таълимотлар ривожланиб бораверади. Ушбу жараён ўз навбатида табиат-жамият тизимидаги муносабатларни такомиллаштиради, экологик билимларнинг ривожланишига олиб келади.

Табитада бўладиган ўзгаришларни кузатиш, уларнинг ѕолатини тадєиє этишда хорижий олимлар єаторида бизнинг юртимиз олим ва алломалари Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абдураззоє Самаркандий, Захириддин Мухаммад Бобур, Султон Балхий, Махсуд ибн Вали ва бошєалар улкан хисса єўшганлар.

Шуни таъкидлашни истардикки, XIX асргача табиат билан жамият ўртасидаги муносабатлар кескинлашмаган, салбий таъсирлар доираси кенгаймаганлиги, бир сўз билан айтганда табиий-ижтимоий зарурияттнинг мавжуд эмаслиги табиатни муѕофаза єилиш билан бо¦лиє таълимотлар алоѕида, маѕсус олиб борилмаган. XIX асрдан бошлаб илм-фанда янги кашфиётлар, янги меѕнат єуроллари, техника воситалари пайдо бўлиши табиат-жамият ўртасидаги муносабатлар тизимига кескин бурилиш ясади. Табиатга бўлган жамиятнинг таъсирлари, яъни антропоген таъсирлари ортиб бораверди. Бу эса ўз навбатида экология фанининг ривожланишига олиб келди.

Экология ѕуєуєи – табиат билан жамият ўртасида ўзаро таъсирлар натижасида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни тартибга солишни ўрганувчи фан ва ѕуєує тизимининг алоѕида соѕаси сифатида ўз ривожланиш тарихига эгадир.

Биз табиат-жамият тизимидаги єадимий-тарихий жараённи ўрганишни осон бўлиши маєсадида шартли равишда уч босєичга бўламиз:

1. Социалистик тузумгача бўлган бой тарихий давр (1017-1924 йилларгача бўлган босєич);
2. Социалистик тузум (1924-1990 йилгача);
3. Мустаєиллик даври 1991 йилдан хозиргача.

1-бой тарихий босєич эрамиздан аввалги минг йилликлардан XX асрнинг 20 йилларигача бўлган даврни ўз ичига олиб, табиий ресурслардан

фойдаланиш ва муsофаза єилиш єоида-талабларининг турли-туманлиги, ўзига хос хусусиятларини кузатишимиз мумкин.

Жамиятнинг табиат билан бо¦лиє муносабатини тартибга солиш одамлар єабила-єабила бўлиб бирлашиб, ўз худудларида ер, ўрмон, хайвонот дунёси ва ресурсларидан фойдаланиш єоида-талаблари жорий єилиниб келинган.

Инсон онгининг ривожланиши янги меsнат єуролларининг вужудга келиши табиат бойликларидан фойдаланиш миєдори ва ўз навбатида таъсир кўрсатиш даражаси ортиб боради.

Юртимизда давлатчилик шакллана бошлаши, ривожланиши билан жамиятдаги sуєуєий муносабатлар такомиллаша боради. Ушбу sуєуєий муносабатлар тизимида ер, сув, ўрмон ва хайвонот дунёсидан фойдаланишнинг єоида-талаблари sам такомиллашиб боради. Тариsий меросимиз хисобланган "Авесто" ва бошєа диний урф-одатларда sам табиатдан фойдаланиш билан бо¦лиє єоидаларни учратишимиз мумкин. Албатта, ушбу єоидалар маsсус єоида сифатида шаклланмаган бўлсада жамият аъзоларининг табиатга бўлган муносабатини солиб туришга хизмат єилган.

Табиатдан фойдаланиш єоида-талаблари жамият аъзоларининг диний єоида-талаблари, урф-одатларига аsолининг турмуш тарзига айлана бориб, инсоннинг табиатдан фойдаланиш, уни авайлаб асраш билан бо¦лиє мажбуриятлари, жавобгарлик чоралари белгиланиб борилади.

Айниєса, эрамизнинг ўрта асрларида давлатчиликнинг ривожланиши ва тараєєий этишида табиий ресурсларнинг аsамияти чексиз хисобланиб, ер-сувдан фойдаланиш єоида-талаблари ривожлана боради. Айниєса, мусулмон sуєуєининг манбалари ва бошєа тарихий-sуєуєий аsамиятдаги меросимизда ер-сув, ўсимлик ва хайвонот дунёсидан фойдаланиш талаблари, уларни муsофаза єилиш мажбуриятлари, жавобгарлик чоралари каби єоидаларнинг белгиланган бўлиб, ушбу сохада муносабатларни тартибга солишга катта аsамиятга эга sисобланади.

Шуни алоsида таъкидлаш жоизки, XX асрнинг 20-йилларигача босиб ўтилган бой тарихий эволюцион жараёнида табиатдан фойдаланиш, буларни асраб-авайлаш билан бо¦лиє умуммажбурий аsамиятга эга бўлган єоида-талаблари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, биринчидан, ушбу єоида-талаблар алоsида маsсус тизимга эга бўлмай, мулк билан бо¦лиє єоидалар тизимида ривожланган, иккинчидан, табиат бойликларидан фойдаланиш ва уларни асраб-авайлаш єоида-талаблари аsолининг маданияти ва турмуш тарзига сингиб кетганлиги, ўз навбатида sуєуєий муносабатларни ривожлантиришга sизмат єилган.

XX асрнинг 20 йилларидан бошлаб, заминимизда социалистик тузумнинг ўрнатилиши, Ўзбекистон ССР нинг иттифоєдош республикалар таркибида аграр давлат сифатида ижтимоий-иєтисодий ривожланиши табиий ресурслардан фойдаланиш ва муsофаза єилиш янги sуєуєий єоида-талабларнинг жорий этилиши билан бо¦лиєдир.

1917 йилда Ер saєида Декретнинг имзоланиш муsим аsамиятга эга бўлиб, ерга нисбатан sусусий мулк шаклининг бекор єилиниши, помеҳиклар, ер эгаларининг ерлари миллийлаштирилиши, яъни давлат тасарруфига ўтиши, ерларни ишчи, дехєонларга берилиши каби тамойиллар белгиланган. Ушбу декретга асосланиб, ер кодекси, ер ости бойликлари saєида, ўрмон ва сув ресурслари ва табиий объектлардан фойдаланиш saєидаги низомлар єабул єилинди.

1999 йилда Ўзбекистон ССР нинг ер-сув кодекси єабул єилиниши ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш ва муsофаза єилиш муносабатларини тартибга солувчи биринчи кодификациялашган sужжат хисобланади.

1941 йилда Ўзбекистон ССР нинг "Єишлоє хўжалигида сувдан фойдаланиш тў¦рисида" ги єонуннинг єабул єилиниши эса ўз навбатида єишлоє хўжалигида ер ва сувдан фойдаланиш ва уларни муsофаза єилишнинг ривожланишини кўрсатади.

1957-1963 йилларда барча иттифоєдош республикаларда шу жумладан Ўзбекистон ССР да sам "Табиатни мухофаза єилиш тў¦рисида" ги єонуни єабул єилиниб, биринчидан, табиатни муsофаза єилишнинг тамойиллари, асосий єоида-талаблари мустахкамланади, иккинчидан, табиатни муsофаза єилиш билан бо¦лиє ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва ўрганишда алоsида ургу берилади.

Халє хўжалик маєсадларида табиий ресурслардан кенг фойдаланиш ўз навбатида табиий ресурслар холатининг ёмонлашишига, табиатни муsофаза єилишнинг ижтимоий-иєтисодий зарурияти пайдо бўла бошлайди.

Шуни алоsида таъкидлаш керакки, 1963 йилгача ер, ер ости бойликлари, ўрмон, сув ва бошєа табиий ресурслардан фойдаланиш ва муsофаза єилишнинг sуєуєий-назарий асослари "Ер sуєуєи" фани дастурида белгиланган эди, яъни бир сўз билан айтганда, табиатни муsофаза єилишнинг sуєуєий холати "Ер sуєуєи" фани тизимида ўрганилиб келинди. Бу sолат табитани sуєуєий муsофаза єилиш назарий –амалий жихатдан кенг миєёсда ўрганишга имкон беомас эди.

1963 йилдан Иттифоє миєёсида "Табиатни sуєуєий муsофаза єилиш" ўєув дастури тасдиєланиб, табиатни муsофаза єилишнинг асосий йўналишлари илмий-амалий жихатдан асосланиб берилади.

Фан-техниканинг тобора ривожланиб бориши, халє хўжалиги тармоєларида ишлаб чиєариш самарадорлигининг ўсиши, єишлоє хўжалигида пахта "яккахокимлиги" нинг илгари сурилиши, механиязация ва мелиорация тизимларининг ривожланиши ўз навбатида табиатни муsофаза єилишнинг sуєуєий асосларини такомиллаштириш заруриятини талаб єила бошлади.

1986 йилда "Ер sуєуєи" фани ва "Табиатни sуєуєий муsофаза єилиш" махсус курси ўрнига "Табиий ресурслар sуєуєи ва атроф-мухитни муsофаза єилиш sуєуєи" ўєув дастури тасдиєланиб, барча "иттифоєдош" республикаларда шу жумладан, бизнинг республикамиз олий юридик ўєув юртларида назарий-sуєуєий асослари ўрганила бошланди.

1986 йилларда “совет” лар давлатининг кўплаб минтаєаларида, айниєса Ўзбекистонда 30-40 йил давомида олиб борилган нотў¦ри экологик сиёсат оєибатида экологик муаммо кескинлашиб, Орол денгизи ва оролбўйи минтаєасида, Навойи, Бухоро, Сариосиё, Бекобод, Чирчик каби вилоят ва шахарларда ерларнинг шўрланиш даражаси, сувларнинг ифлосланиши, атмосфера хавоси ѕолатининг ёмонлашиши, аѕолининг хаёти ва со¦лиги даражасининг пасайиши, турли касалликларнинг кўпайиши каби салбий холатлар пайдо бўлган эди. Мана шундай шароитда “Табиат-жамият тизимидаги ўзаро муносабатларни биринчи навбатда табиатнинг устуворлигини тан олиш тамойилининг жорий этилиши асосида табиий ресурслардан фойдаланиш ѕуєуєий асосларини ўрганишни таєозо этади.

1987-1989 йилларда юрист-эколог олимлар томонидан “Экология ѕуєуєи” ўєув дастурини жорий этиш ва экологиянинг ѕуєуєий асосларини яратиш ¦ояси илгари сурилиб келди ва баъзи республикаларда жорий этила бошлади.

Ўзбекистон Республикасида “Табиат-жамият” тизимидаги ўзаро муносабатларининг илмий жихатдан асосланган ѕуєуєий асосларини яратиш 1991 йилда республикамиз мустаєиликка эришгандан сўнг амалга ошира бошланди.

1991 йилда Тошкент Давлат Юридик институтининг Илмий Кенгаш єарори билан “Экология ѕуєуєи” фанининг ўєув дастури тасдиєланди. Ўзбекистон Республикасининг Коснтитуцияси, “Табиатни муѕофаза єилиш тў¦рисида”, “Давлат санитария назорати тў¦рисида”, “Сув ва сувдан фойдаланиш тў¦рисида”, “Алоѕида муѕофаза єилинадиган табиий худудлар тў¦рисида” ги єонунлари, ўсимлик ва хайвонот дунёсини муѕофаза єилиш єонунчилиги ѕужжатларининг єабул єилиниши Ўзбекистон Республикаси “Экология ѕуєуєи” фанининг ѕуєуєий асосларини яратди.

1999 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури” асосида бакалавриат ва магистратура тизимлари учун “Экология ѕуєуєи” ўєув Дастури ѕамда ушбу дастурни янада ривожлантириш маєсадида “Экологик-ѕуєуєий жавобгарлик”, “Ер ѕуєуєий муаммолари” каби маѕсус ўєув курслари дастурлари ишланиб чиєилди ва тасдиєланди.

Ѕозирги кунда “Табиат-жамият тизимидаги ўзаро муносабатларни ѕуєуєий жихатдан тартибга солишнинг илмий-амалий асослари “Экология ѕуєуєи” фани асосида олиб борилмоєда.

## 3 § Экология ѕуєуєининг асосий йуналишлари ва предмети.

Табиат ва жамият ўртасидаги узаро таъсирлар натижасида турли ижтимоий муносабатлар пайдо бўлади. Ушбу соѕада ижтимоий муносабатларни биз ижтимоий-экологик муносабатлар деб атаймиз.

Шуни алоѕида таъкидлаш керакки ижтимоий-экологик муносабатлар шакли, мазмуни жихатдан турли-туман бўлиб, ушбу муносабатларни тартибга солишда ѕам кенг єамровли чора-тадбирлар амалга оширилишини таєозо этади.

Ижтимоий-экологик муносабатларни йуналишларини илмий жиѕатдан асосланган ѕолда оєилона аниєлаш ўз навбатида, ушбу муносабаталрни

тартибга солиш sуєуєий механизмни ихчамлаштиради ва амалга оширишга ёрдам беради.

Бугунги кунда табиат-жамият тизимидаги ижтимоий муносабатлар учта єуйидаги асосий йуналишларда пайдо бўлади:

1. Атроф табиий муsитни муsофаза єилиш билан бо¦лик экологик sуєуєий муносабатлар;

2. Табиий ресурслардан оєилона фойдаланиш билан бо¦лик экологик-sуєуєий муносабатлар;

3. Аsолини экологик sавфсизлигини таъминлашга єаратилган экологик sуєуєий муносабатлар.

Ушбу экологик-sуєуєий муносабатлар йўналишлари ўз мазмун-мохиятига кўра бир-бири билан чамбарчас бо¦лик бўлиб, жамиятнинг табиат билан ўзаро таъсирлар тизимида тутган ўрни муаммоларни хал єилишда єўлланиладиган чора-тадбирлари, услублари ва ўзига хос хусусиятлари бир-биридан фарє єилади.

**<u>Атроф табий муsитни муsофаза єилиш</u>** - жамиятда ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон, хайвонот ва ўсимлик дунёси sамда атмосфера хавосини мухофаза килиш, табий хосилалар ва экологик комплесларни саєлаш, єайта тиклаш, атроф мухитнинг биологик хилма-хиллигини таъминлаш билан бо¦лик єоида-талаб, чора-тадбирларнинг йи¦индиси хисобланади. Айникса, XX асрда табиий муsитни муsофаза єилиш йўналишига катта эътибор берилииб, sар бир давлат турли дастур, режалар ва єонунчилик sужжатлари єабул єилингандир.

Атроф табиий муsитни муsофаза єилиш билан бо¦лик чора-тадбирларни амалга оширишга єаратилган єонунчилик sужжатлари, єоида-талаблари муsофаза аsамиятидаги ижтимоий-экологик муносабатларини тартибга солади.

**<u>Табиий ресурслардан оєилона фойдаланиш</u>** деганда, жамият аъзоларининг ўз эхтиёжларини єондириш маєсадида табиатнинг фойдали єисмларини ўзлаштиришиши тушунилади.

Табий ресурслардан окилона фойдаланиш -жамиятнинг турли эхтиёжларини єондириш маєсадида ер, ер ости бойликлари, сув ресурслари, атмосфера хавоси, ўсимлик ва хайвонот дунёсида фойдаланишга єаратилган илмий жихатдан давлат дастур ва режалари, єонунчилик sужжатлари єоида-талаблари йи¦индисидан иборатдир.

Табий ресурслардан фойдаланиш билан бо¦лик умуммажбурий єонунчилик sужжатлари єоида-талаблари фойдаланиш аsамиятидаги, ижтимоий - экологик муносабатларни тартибга солади.

Экологик муносабатлар тизимида табиий ресурслар, яъни ер, ер соти бойликлар, сув, ўсимлик ва хайвонот дунёсидан фойдаланиш кенг ва мухим ўринни эгаллайди. Чунки, жуда єадимдан инсон табиатдан фойдаланиб келмоєда ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг миєдори, муддати ва тартиби sар бир давлатда ривожланиб, катта эътибор бўлиб келмокда. Чунки, табиий ресурслардан фйдаланиш асосида табиатдаги турли

экологик муаммолар пайдо бўлиши экологик инєирозининг кескинлашишига олиб келиши мумкин.

Шунинг учун ѕам республикамиз мустаєиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб, табиий ресурслардан фаєат илмий жихатдан асосланган, яъни оєилона фойдаланиш чора-тадбирлар тизими орєали амалга оширишга харакат єиляпти.

Аѕолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш-антропоген таъсирлар натижсида пайдо бўладиган экологик вазияти ва офати минтаєаларида барєарор табиий мухитни саєлаш, аѕолининг хаёти ва со¦лигига таъсир кўрсатиувчи экологик хавфли ва зарарли таъсирларни олдини олиш билан бо¦лик кенг камровли чора-тадбирлар тизимидан иборат.

Экологик хавфсизлик билан бо¦лик муаммолар ва уларни бартараф этиш билан бо¦лик чора-тадбирлари 1980-85 йилларда намоён бўлиб, амалга ошириб келинмокда.

Экологик хавфсизлик ўн йиллар давомида республикамиз худудида табиий ресурслардан оєилона фойдаланмаслик ва табиатни мухофаза єилиш єоида-талабларига амал килмаслик шароитида халє хўжалиги сохаларида олиб борилган ишлаб чиєариш жараёни натижасида юзага келди. Демак, ер, ер ости бойликлари, сув, урмон, хайвонот, ўсимлик дунёси ва атмосфера хавосини муѕофаза килиш ва фойдаланиш каби давлат экологик сиёсатининг икки мухим йўналишларидаги єоида-талабларини таъминламаслик ўз навбатида табиат-жамият тизимида янги йўналиши хисобланган аѕолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш билан бо¦лик ѕуєуєий муносабатларни пайдо бўлишга сабаб бўлади.

Экологик хавфсизлик - табиат-жамият тизимининг баркарор холати бўлиб, бунда атроф табиий мухит, табиий ресурслар холати, жамият хаёти ва инсон со¦лигига хавфли таъсиларни олдини олишни кўзда тутади.

Экологик хавфсизликни таъминлаш билан бо¦лик ѕуєуєий муносабатлар тизими -атроф табиий барєарорлиги, аѕолининг со¦лигига хавфли таъсир этувчи омилларни камайтириш, олдини олиш, чеклаш ва бартараф этишга єаратилган сиёсий, ижтимоий-иєтисодий, маданий-маърифий сохадаги єуйидаги чора-тадбирларни ўз ичига олади;

-экологик хавфли худуд, экология офати минтаєаларини аниєлаш;

-эклогия экспертизасини жорий этиш;

-экологик хавфли ва зарарли ишлаб чиєариш объектларини паспортлаштириш;

-хавфли ва зарарли ишлаб чиєариш турлари фаолиятига рухсатномалар бериш;

-табиий офат, сел, тошєин ва техноген аварияларни аниєлаш, олдини олиш;

-ахолининг экологик-хукукий маданиятини ошириш;

- ахолининг санитария-гигиена шароитларини яхшилаш ва бошєалар.

Шуни алоѕида таъкидлаш керакки, юєорида тавсифланган экологик ѕуєуєий муносабатлар давлат экологик сиёсатининг асосий йўналишларни ташкил этади.

Экология хукуки бир-бири билан чамбарчас боглик булган экологик хукукий муносабатларнинг бирлиги ва яхлитлиги асосида намоён булади.

Маълумки, хар бир фан шу жумладан хукук сохаси узига тегишли ижтимоий муносабатлар тизимини урганиш ва тартибга солиш назарий-амалий коида-талаблар тизимига эга булиб, ушбу фаннинг предметини ташкил этади.

Экология sуєуєи sуєує тизимининг алохида сохаси сифатида ижтимоий-sуєуєий муносабатлар йўналишларини ўрганиш ва тартибга солишни єамраб олувчи ўз предметига эгадир.

Экология sуєуєининг предмети - атроф табиий мухитни мухофаза килиш, табиий ресурслардан оєилона фойдаланиш ва ахолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш жараёнида пайдо буладиган ижтимоий мунеосбатларни хукукий томондан тартибга солишдан иборатдир.

## 4§. Экология sуєуєининг тамойиллари, усуллари ва тизими.

Sар бир фан cosаси, шу жумладан экология sуєуєи фани ижтимоий муносабатларни тартибга солиш жараёнида ўз йўналишлари, яъни тамойилларга эга бўлиб, ўз навбатида sар бир фан cosасининг маєсад ва вазифаларидан келиб чиєади.

Экология sуєуєининг тамойиллари - табиат-жамият тизимидаги ўзаро муносабатлар йўналиши, чегараларини белгилаб беришда экологик-sуєуєий механизмининг барєарорлигини кафолатшда ва єонунчилик єоида-талабларнинг экологик муносабатларини тартибга солиш тартибини белгилашда муsим аsамиятга эгадир.

Бу тоифадаги ерларнинг манбаларидан бири бўлиб, оборотда бўлган ерлар ҳисобланади. Улар қонунда кўрсатилган асосларга кўра захира ерлар фондига ўтадилар, кейинчалик эса бошқа ердан фойдаланувчиларга бериб юборилади. Бу қаторга рекультивация қилингандан сўнг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда маълум вақт ишлатиб бўлмайдиган ерларни ҳам киритиш мумкин.

Захира ерлар асосий фойдаланиш мақсадига кўра ҳар қандай бошқа ер фонди тоифасига ўтиб кетиши мумкин. Бундай ҳолатларда уларга ўша ер фондининг хуқуқий ҳолати қўлланилади.

Давлат захира ерлари қисқа муддатли - 3 йилгача, ва узоқ муддатли - 3 йилдан 10 йилгача муддатга берилиши мумкин.

Қоидага кўра, қисқа муддатга берилган ер участкалари захира ерлар составида ҳисобланади. Муддатнинг тугаши билан эса у бошқа ердан фойдаланувчиларга берилиши ёки захира ерлар таркибида қолиши мумкин. Бошқа ҳамма ҳолатларда - узоқ муддатга фойдаланиш учун берилганда - бу ерлар захира ерлар фонди тоифасидан чиқиб кетадилар.

Захира ерлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни кўпайтириш, саноат, транспорт, бошқа ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун жамоа боғдорчилиги ва полизчиликни ривожлантириш учун резерв бўлиб хизмат қилади.

Ҳеч кимга фойдаланиш учун берилмаган захира ерлар бирон бир киши томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниши мумкин эмас. Улар туман ҳокимликлари ихтиёрида бўлади. Улар захира ерларни юқорида санаб ўтилган мақсадлардан ташқари, яна уй-жой қуриш, дачалар қуриш, якка тартибда уй-жой қуриш учун фуқароларга, хизмат юзасидан чек ерлар учун беришлари мумкин. Бунда, албатта, бу ерларни қишлоқ хўжалиги мақсадларида ишлатиб бўлмаслик эътиборга олиниши лозим.

Захира ерлардан фойдаланиш устидан назоратни туман (шаҳар) ҳокимликлари олиб борадилар. Туман (шаҳар) ҳокимликларининг қарорига кўра узоқ муддатга ёки доимий фойдаланишга берилган захира ерлар шу ер фондидан чиқарилиб, фойдаланиш учун берилган ер фонди таркибига киритилади.

### *3§. Ердан фойдаланиш ҳуқуқининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари ва тартиби.*

Ердан фойдаланиш бўйича ҳуқуқий муносабатлар, яъни ер ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқи стихияли тарзда келиб чиқмасдан, балки қонунларда белгиланган тартиб ва асосларда вужудга келади. Ердан фойдаланиш ҳуқуқи асослари ва тартиби Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси, "Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги, "Ижара тўғрисида"ги қонунларида белгиланган.

Ердан фойдаланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодексига биноан қўйидаги асосларда вужудга келади: 1)доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида; 2) мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида; 3)ижарага олиш ҳуқуқи асосида; 4) хусусий мулк ҳуқуқи асосида.

Ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи деганда корхона, муассаса, ташкилотларга ва фуқароларга олдиндан белгиланмаган муддат асосида ер майдонларини бериб қўйишлик тушунилади. Масалан, қишлоқ хўжалик кооперативларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар белгиланган мақсадда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш учун доимий эгалик қилишга берилади ("Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги қонуннинг 14-моддаси).

Мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи деганда деҳқон хўжалиги юритиш, якка тартибда уй-жой қуриш, жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги юритиш учун бериладиган ер участкаларидан фойдаланиш тушунилади. Бу ер участкалари қонуний мерос ҳуқуқи асосида ворисларга ўтади. Ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси фуқароларига деҳқон хўжалиги юритиш, уй-жой қуриш, жамоа боғдорчилиги билан шуғулланиш мақсадларида берилади.

Ердан ижара асосида фойдаланиш деганда ижарачи томонидан маълум муддатга, маълум ҳақ эвазига ер эгасидан ер участкасини фойдаланиш учун олиш тушунилади. Ер участкаси ижарасининг шартлари ва муддатлари тарафларнинг келишувига биноан белгиланади ва шартномада мустаҳкамлаб қўйилади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ижарага эллик йилгача бўлган, бироқ ўн йилдан кам бўлмаган муддатга берилади. Ердан ижара асосида ҳозирда асосан фуқаролар фермер хўжалиги юритиш учун фойдаланадилар.

Ердан хусусий мулк асосида фойдаланиш кўчмас мулк жойлашган ер участкаларини сотиб олиш асосида вужудга келадиган тасарруф қилиш, эгалик қилиш ва фойдаланишдир. Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 18-моддасига биноан юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганда вужудга келади. Бундан ташқари, дипломатия ваколатхоналари ходимлари чет эл юридик ва жисмоний шахслари уй-жой сотиб олганларида шу уй-жой жойлашган ер участкаларига нисбатан мулк ҳуқуқи вужудга келади.

Ер участкаларини эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш ер ажратиш тариқасида амалга оширилади. Ер участкаларини ажратиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар, шаҳарлар ҳокимлари томонидан амалга оширилади.

Ердан фойдаланишни келиб чиқишида ер бериш жараёни муҳим аҳамиятга эга. Ер бериш фойдаланишни келтириб чиқарувчи асосий восита бўлиб, бу жараён маълум босқичлардан иборат. Дастлабки босқич ер берилишини сўраб беришдир; иккинчи босқич ушбу аризани тегишли давлат органида кўриб чиқиш; учинчиси ер бериш тўғрисида қарор чиқариш; тўртинчиси натура тартибида ер участкасини жойида ер тузилишига асосан ажратиб беришдан иборат. Демак, ердан фойдаланиш ўз-ўзидан келиб чиқмасдан, балки белгиланган тартибда, ер бериш жараёни орқали амалга оширилади. Ер участкасидан натура ҳолида ажратиб берилгандан сўнггина фойдаланиш мумкин. Акс ҳолда ердан ғайри қонуний фойдаланиш келиб чиқади.

Ер участкасини аждратиб бериш тегишли ҳокимликларнинг қарорлари асосидагина амалга оширилиши мумкин. Бошқа ҳеч қандай орган ер участкаларини ажратиб бериш тўғрисида қарор чиқаришга ҳуқуқли эмас.

Бирор бир фойдаланувчи эгалигида бўлган ер участкаларини бошқа бир фойдаланувчи эгалигига бериш тўғрисида қарор чиқарилиши ёки олиб берилиши мумкин эмас. Агар ер участкалари шу таҳлитда берилса, қонунга хилоф ҳатти-ҳаракат саналади. Ер участкалари фойдаланиб келаётган субъектдан қонунда белгиланган тартибда тўлиқ олиб қўйилгандан сўнггина, бошқа фойдаланувчига берилиши мумкин.

Ер бериш стихияли тартибда ёки бир бошидан ёхуд тўғри келган жойдан эмас, балки илмий асосда, белгиланган мақсад йўлида, ернинг шарт-шароитлари, тупроқ унумдорлигига қараб амалга оширилади.

Энг унумдор ерлар асосан қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун берилади. Саноат корхоналари, темир йўллар, автомобил йўллари, элкетр узатиш линиялари, бош қувур йўллари қуриш учун, шунингдек қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ерлар қонунда белгиланишича, қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз ҳисобланган ерлардан ёки сифати ёмон бўлган ерлардан берилади.

Ер бериш ер тузувчи ташкилотлар томонидан берилган ер участкаларининг чегараларини шу жойнинг ўзига бориб ўлчаб берганларидан кейин ерга эгалик ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган давлат

ҳужжати берилгандан сўнггина тўла қонуний ҳисобланади. Ана шу ишлар амалга оширилмагунча, ерга эгалик қилиш ёки ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиб "Ер участкасига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати", "Ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати", "Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати", "Ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати", "Ер участкаси ижараси шартномаси" ҳисобланади. Санаб кўрсатилган ҳужжатларга эга бўлиш ердан фойдаланиш ҳуқуқини келтириб чиқаришга асос бўлади.

Ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бекор бўлиш асослари Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 36-моддасида кўрсатилган.

Ерга эгалик қилиш ҳуқуқини ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш деганда фойдаланиш учун бериб қўйилган ер участкаларини тегишли давлат органлари томонидан қайтариб олиш ва шу ер участкасини бундан кейин ўша фойдаланувчи ишлата олиш ҳуқуқига эга эмаслиги тушунилади. Фойдаланиш учун бериб қўйилган ер участкаларини қайтариб ёки тортиб олиш, ёхуд бошқача қилиб айтганда ерга эгалик қилиш ҳуқуқини ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилишга фақат тегишли ҳокимликларнинг ҳақлари бор.

Қонунда ерга эгалик қилиш ҳуқуқи ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи қандай асослар бўлганда бекор қилиниши мумкинлиги санаб ўтилган. Ана шу асослар юз бергандагина ҳокимликлар ўз ваколатлари доирасида ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиши мумкин.

Ерга эгалик қилиш ҳуқуқини ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш асосларидан биринчиси сифатида ер участкасидан ихтиёрий воз кечиш белгиланган. Ер участкасидан ихтиёрий воз кечиш ердан фойдаланувчилар - ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, ижарачилар, фуқаролар томонидан амалга оширилади. Ер участкаларини фойдаланишдан ихтиёрий воз кечиш учун ҳар хил сабаблар: тупроқ унумдорлигининг пасайиб кетиши, ердан фойдаланишнинг самарасизлиги, ердан фойдаланувчининг имкониятларининг етишмаслиги ва бошқалар бўлиши мумкин.

Ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганда бу ҳақда тегишли ҳокимликка мурожаат қилинади.

Ер участкаси берилган муддатнинг тугаганлиги ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш учун асослардан бири ҳисобланади. Маълумки, ер бемуддат ҳамда муддатли фойдаланиш учун берилади. Масалан, ер ижара асосида ёхуд вақтинча фойдаланиш учун берилганда маълум муддатга берилади. Бу муддат томонларнинг келишувига биноан 10 йил, 50 йил бўлиши мумкин. Ана шу муддатнинг тугаши ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш учун асос бўлади.

Корхона, муассаса, ташкилотнинг фаолияти тўхтаганлиги оқибатида ҳам ердан фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилинади. Берилган ер участкаси уни берган орган томонидан қайтариб олинади.

Маълумки, шартнома шартлари бузилганда ерни ижарага бериш шартномаси шу ер участкаларини ижарага берган ҳокимлик томонидан бир томонлама бекор қилини мумкин. Ўз-ўзидан равшанки, шартнома бекор қилинганда ердан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам бекор қилинади.

Ер участкалари ҳар бир ердан фойдаланувчига ҳоҳ у қишлоқ хўжалик корхонаси бўлсин, ёхуд саноат корхонаси бўлсин, белгиланган мақсад йўлида берилади. Масалан, қишлоқ хўжалик корхоналарига ерлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун берилади.

Ердан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланиш деганда, энг аввало, шу ер участкаларига қонунда ман этилган экин турларини, яъни, масалан, кўкнори, наша, ҳинд коноплиси ва шунга ўхшашларни етиштирганлик тушунилади. Қонунда ердан белгиланганидек бошқа мақсадларда фойдаланганлик учун ҳуқуқий жавобгарликка тортиш масаласи кўрилган. Ана шу ҳаракатни содир этганлик биринчи галда ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилишга олиб келувчи асос ҳисобланади.

Хизматда фойдаланиш учун ер участкалари тоанспорт, ўрмон хўжалиги, ўрмончилик саноати, алоқа, сув, балиқчилик ва овчилик хўжалиги, шунингдек халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида асосан тегишли вазирликларга, давлат қўмиталари ва идоралига қарашли корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасалар фойдаланиб турган ерлардан, бундай ерлар етишмаган тақдирда эса - давлат заҳира ерларидан ва давлат ўрмон фонди ерларидан ажратиб берилади. Улар қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш, ем-хашак тайёрлаш ва чорва молларни боқиш учун фойдаланилади ва ерларда иморатлар қуриш таъқиқланади.

Хизматда фойдаланиш учун ерлар - рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ходимлар категорияларига берилиб, шу ходимлар муайян корхонада, ташкилотда, муассасада ишлаб турган бутун вақт мобайнида фойдаланишлари мумкин. Бу ходимлар ишдан бўшаган тақдирда эса, ёки бошқа ишга ўтганларида, уларнинг хизмат юзасидан фойдаланаётган ерларидан фойдаланиш ҳуқуқлари бекор бўлади. Яъни шу ерни фойдаланиш учун берган орган қарори билан ер участкалари қайтариб олинади. Шуни таъкидлаш лозимки, хизматда фойдаланиш учун берилган ерларга экин экилган бўлса, у ҳолда бу ердан фойдаланиш ҳуқуқи ҳосил йиғиб-териб олинганидан кейин тўхтатилади.

Хизматда фойдаланадиган ерлардан фойдаланиш ҳуқуқи қарилик ёки инвалидлик пенсияга чиққан ишчи ва хизматчилар учун умрбод, Қуролли Кучлар сафига ҳақиқий хизматга чақирилган, шунингдек ўқишга юборилган ишчи ва хизматчиларнинг оилалари учун мазкур ходимлар ҳақиқий ҳарбий хизматда ёки ўқув юртида бўлган бутун давр мобайнида бундан ташқари, хизмат вазифасини бажариш вақтида халок бўлган ишчи ва хизматчиларнинг

меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари учун умрбод, болалари учун эса бу болалар вояга етгунларига қадар сақлаб қолинади.

Ердан фойдаланувчилар ердан оқилона, самарали фойдаланишлари, уни эҳтиёт қилишлари керак. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ҳар бир ер участкаларининг ҳосилдорлик даражаси белгиланган бўлиб, ердан фойдаланувчилар шу ерларнинг кадастрда кўрсатилган баҳоларидан пастга тушиб кетишига йўл қўймасликлари шарт. Улар аксинча, ернинг ҳосилдорлик даражасини ердан фойдаланишнинг илмий қоидаларига амал қилиб, яъни алмашлаб экишни кенг йўлга қўйишлари, маҳаллий ўғитлар орқали ерга ишлов бериш билан доимо ошириб боришлари лозим. Акс ҳолда эса бу ер участкасидан оқилона фойдаланилмаганлик учун унга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилинишига олиб келади.

Ердан фойдаланувчилар тупроқ унумдорлигини ошириш юзасидан самарали чораларни кўришлари, тупроқни шамол ва сув эрозиясидан сақлаш юзасидан ташкилий-хўжалик, агротехника, мелиорация тадбирларини амалга оширишлари, ерларнинг шўрланиш, зах босиш, ифлосланиш ҳолатига йўл қўймасликлари, бегона ўтлар пайдо бўлишининг олдини олишлари, шунингдек тупроқнинг ҳолатини ёмонлаштирувчи бошқа жараёнларга йўл қўймасликлари, минерал ўғитларни тўғри ишлатишлари, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва бошқа чиқитлар, оқова сувлар билан ифлосланишга йўл қўймасликлари, кимёвий ва радиоактив булғанишга, умуман, экология вазияти ёмонлашувига олиб борадиган бошқа ҳолатларни вужудга келишига имкон бермасликлари керак. Санаб ўтилган тадбирларнинг бажарилмаслиги ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилинишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган муддатлар мобайнида ер солиғи, шунингдек ижара шартномасида белгиланган муддатларда ижара ҳақи узлуксиз тўланмаганида ҳам ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилинади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун бериб қўйилган ерлар энг қимматли ерлар ҳисобланиб, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда ўта аҳамиятга эга. Бундай ерларни қаровсиз ёки фойдаланишсиз қондирилишига йўл қўйиб бўлмайди. Шунинг учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бир йил давомида фойдаланишсиз қолдирилса, унга нисбатан эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилинади. Ноқишлоқ хўжалик ишлаб чичқариши учун берилган ер участкалари, асосан ҳар хил иншоотлар, қурилмалар, уй-жойлар ва бошқа қурилишлар учун мўлжалланган мақсадда берилиб, уларни бир йил мобайнида ўзлаштириш, белгиланган мақсадга эришишга имконият қийинроқ бўлади. Шунинг учун қонунда бундай ерларни ўзлаштиришга икки йил муддат белгиланган. Шу икки йил муддат мобайнида берилган ер участкаларидан белгиланган мақсад йўлида фойдаланилмаса, унга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилиниши мумкин.

Юқорида санаб ўтилганлардан ташқари, ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг Ер

Кодексида кўрсатилган ернинг давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши (37-модда), шунингдек ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш қоидалари мунтазам суратда бўзилганлиги туфайли олиб қўйилиши (38-модда) ҳолатлари ҳам асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексида ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини бекор қилиш асослари ва тартиби батафсил тартибга солинган (36-модда). Ушбу моддага биноан ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи қўйидаги ҳолларда бекор қилинади: 1) савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек уй-жой бинолари ва бошқа бинолар ёки биноларнинг бир қисми шу бинолар жойлашган ер участкалари билан бирга сотилганда; 2) давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек уй-жой биноалри ва бошқа бинолар ёки биноларнин бир қисми улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда қайта сотиб олинганда; 3) қонунда белгиланган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек уй-жой бинолари ва бошқа иморатлар ёки иморатларнинг бир қисми улар жойлашган ер участкалари билан бирга мусодара этилганда.

Ердан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланганлик, оқилона фойдаланилмаганлик, кимёвий ва радиоактив булғаганлиги, экология вазияти ёмонлашувига олиб борадиган усуллар билан фойдаланганлик учун ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилинганда бу қарор устидан норози бўлган ердан фойдаланувчилар судга шикоят қилишлари мумкин. Агар ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш қонунга хилоф равишда, асоссиз бекор қилинган бўлса, унда суд бу ҳуқуқни тиклаши мумкин.

Ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланиб, шу ер участкасини берган органнинг қарорига биноан амалга оширилади. Бу қарорда ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш муддати кўрсатилади, ер участкасидан келгусида фойдаланиш тартиби, зарур ҳолларда эса бу ер участкаларидаги иморатлар, иншоотлар, экинлар ва дарахтлардан фойдаланиш тартиби белгилаб берилади.

### *4§. Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.*

Ер ресурсларидан самарали, оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш кўп жиҳатдан ер эгалари ва ердан фойдаланувчи субъектларнинг ердан фойдаланиш бўйича қонунда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларига қанчалик оғишмай риоя қилишлари, уларни бажаришларига боғлиқ бўлади. Ёхуд, ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг ер муносабатларини тартибга солувчи қонун нормаларига оғишмай итоат этишлари, уларни тўла ижро қилишлари ердан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ҳамда муҳофазасини таъминлашга хизмат қилади.

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Ер Кодекси, "Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги, "Ижара тўғрисида"ги қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Ушбу қонунлар нормаларидаги асосий талаблар ердан илм-фан тавсиялари асосида фойдаланиш, ердан келажак авлод манфаатларини ҳам инобатга олиб фойдаланиш, ердан аниқ белгиланган мақсад асосида фойдаланиш, ерни ишдан чиқармаслик, ифлослантирмаслик, ердан халқ фаровонлиги йўлида, мамлакат иқтисодиёти барқарорлигини таъминлаш йўлида фойдаланишдан иборатдир.

Ер эгалари, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдорининг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 39-моддасида санаб кўрсатилган: Бу ҳуқуқлар қуйидагилардан иборат: 1) ер участкасида ундан фойдаланиш мақсадига мувофиқ мустақил хўжалик юритиш; 2) қишлоқ хўжалик экинзорлари ва кўчатзорлари ҳамда дов-дарахтларга, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва уни реализация қилишдан олинган даромадга бўлган мулк ҳуқуқи; 3) ер участкасидаги мавжуд кенг тарқалган фойдали қазилмалар, ўрмонзорлар, сув объектларидан хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиш, шунингдек ернинг бошқа фойдали хоссаларини ишга солиш; 4) ерларни суғориш ва уларнинг захини қочириш, агротехника ва бошқа мелиорация ишлари ўтказиш; 5) қишлоқ хўжалик экинларининг, дов-дарахтларни суғориш ҳамда бошқа мақсадлар учун суғориш манбаларидан лимитларга мувофиқ сув олиш; 6) белгиланган тартибда уй-жой бинолари, ишлаб чиқариш, маданий-маиший ҳамда бошқа иморатлар ва иншоотларни барпо этиш; 7) ер участкаси олиб қўйилганда унга етказилган зарарнинг (шу жумладан бой берилган фойданинг) қопланишини талаб қилиш; 8) ер участкасини вақтинча фойдаланишга ва ички хўжалик ижарасига бериш; 9)ер эгаси бўлган фуқаро ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини, жумладан ким ошди савдоси асосида олинган шундай ҳуқуқни деҳқон хўжалиги юритиш, якка тартибда уй-жой қуриш мақсадида кредитлар олиш учун гаровга қўйиши мумкин.

Ер қонунчилиги барча ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларга бир хил ҳуқуқлар белгилайди. Ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича субъектларнинг ҳуқуқлари камситилиши, ёки баъзи субъектларга имтиёзлар берилиши, ёхуд улар ҳуқуқларини оширишга йўл қўйилмайди. Барча ер эгалари ёки ердан фойдаланувчилар ҳох у давлат органи бўлсин, ҳох у деҳқон хўжалиги бўлсин, ҳох жамоа хўжалиги, ёки фуқаро бўлсин уларнинг ердан фойдаланишдаги ҳуқуқлари тенгдир.

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачи ва ер участкаси мулдорлари ердан фойдаланишда ҳуқуқлр билан бир қаторда маълум мажбуриятларни ҳам бажаришлари лозим бўлади. Бу мажбуриятлар Ер Кодексининг 40-моддасида ўрнатилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: 1) ердан белгиланган мақсадга мувофиқ оқилона фойдаланиш, тупроқ

унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қилувчи технологияларини қўллаш, ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик; 2) ишлаб турган ирригация ва мелиорация тармоқлари, муҳандислик коммуникацияларини соз ҳолатда сақлаб туриш; 3) ерларни муҳофаза қилишга оид тадбирларни амалга ошириш; 4) ер солиғини ёки ер учун ижара ҳақини ўз вақтида тўлаш; 5) бошқа ер эгалари ҳуқуқларини бузмаслик; 6)фойдали қазилма конларини ишлатиш, қурилиш ва бошқа ишларни амалга ошириш учун берилган қишлоқ хўжалик ерларини уларга эҳтиёж қолмаганда ўз ҳисобидан ярокли ҳолатга келтириш; 7) қурилиш ва бошқа ишларни олиб боришда қўшни ерга салбий таъсир кўрсатишнинг олдини олиш; 8) маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган маълумотларни ўз вақтда тақдим этиш.

Ер эгалари, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдорининг ҳуқуқларининг таъминланиши қонун билан кафолатланади. Ер Кодексининг 41-моддасида кўрсатилишича, ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг фаолиятига давлат, хўжалик органлари, мансабдор шахсларнинг аралашуви таъқиқланади. Ер эгалари ва фойдаланувчиларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши керак ва етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда тўла ҳажмда қопланиши лозим.

### *5§. Ерларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари.*

Ер ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш муносабатларини тартибга солувчи қонунлар ерларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбирларини белгилайди. Бу чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик, Жиноят, Маъмурий жавобгарлик, Меҳнат, Ер Кодекслари, шунингдек бошқа меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган.

Ерларни муҳофаза қилиш ҳуқуқий чора-тадбирлари деганда қонун нормаларида ўрнатилган ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилишга оид бузилган ҳуқуқларни тиклаш ҳамда ҳуқуқбузарликларни жазолашга тааллуқли бўлган қоидалар йиғиндиси тушунилади.

Ерларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик, Жиноят, Фуқаролик, Меҳнат, Ер Кодекслари нормаларида ўз ифодасини топган. Бу нормаларда ерлардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик, ерларни муҳофаза қилиш бўйича қонун талабларини бажармаганлик учун тегилшича жазо чоралари белгиланган бўлади.

Чунончи, ерларни муҳофаза қилишнинг жиноий-ҳуқуқий чоралари Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тўртинчи бўлимида (193-204 -моддалар) ўрнатилган. Масалан, ЖКнинг 196-моддасида кўрсатилишича, ерларни ифлослантириш ёки бузиш одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик

бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ёки шу кодекснинг 197-моддасида ердан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима, ёки уч йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ерни ҳуқуқий муҳофаза қилишда маъмурий қонунларнинг роли алоҳида аҳамиятга эга Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексида ер муҳофазасига қарши қаратилган бир қатор ҳатти-ҳаракатлар учун жавобгарликни белгиловчи нормалар ўз ифодасини топган. Чунончи, ушбу кодекснинг 60-моддасида ердан ўзбошимчалик билан фойдаланиш ёки ерга эгалик ҳуқуқини бевосита ёки яширин шаклда бузувчи битимлар тузиш, ердан фойдаланиш ҳуқуқини бошқаларга бериш, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлик учун фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоқ жазоси белгиланган.

Ёки ушбу кодекснинг 65-моддасида ерлардан хўжасизларча фойдаланиш, уларни яроқсиз ҳолга тушуриш, 66-моддасида ер бериш тартибини бузиш, 67-моддасида вақтинча эгаллаб турилган ерларни ўз вақтида қайтариб бермаслик, 68-моддасида хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳаларидан ўзбошимчалик билан четга чиқиш, давлат ер кадастри юритиш қоидаларини бузиш, 69-моддада эса чегара ва чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш ҳатти-ҳаракатларини содир этганлик учун маъмурий жавобгарлик кўрсатилган.

Ерлардан хўжасизларча фойдаланиш деганда ер устида қурилиш объектлари қуриш пайтида тупроқнинг унумдор қатламини олмаслик, ер майдонларидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ерларни ишдан чиқариш, ҳосилдорлигини пасайтириш каби ҳолатлар тушунилади. Ер майдонларини шундай ҳолатга тушириб қўйган фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солинади (ЎзР МЖТК 65-модда).

Ер бериш тартибини бузиш деганда ерларни қонунда белгиланган шартларни бузган ҳолда, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларга ер беришга тўсқинлик қилиш тушунилади. Бу маъмурий ҳуқуқбузарлик учун мансабдор шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солинади (66-модда).

Тасдиқланган ер тузилиши лойиҳа ҳужжатларидан тегишли рухсат бўлмай туриб четга чиқиш, тегишли давлат органлари билан келишмай туриб объектларни жойлаштириш, ичидан ер тузиш лойиҳаларидан ўзбошимчалик билан четга чиқиш деб тушунилади. Шундай ҳаракатлар учун фуқаролар ва мансабдор шахсларга Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 68-моддаси санкциясида фуқароларга

энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир қисминидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эа бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солиш мумкинлиги кўрсатилган.

Ерларни ҳуқуқий муҳофаза қилишда ер қонунчилигида ўрнатилган қоидалар алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 41-моддасида кўрсатилишича, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг бузилган ҳуқуқлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тикланиши керак. Улар ҳуқуқларининг бузилиши натижасида етказилган зарар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланиши керак.

Ер қонунчилиги аввало қишлоқ хўжалигига мўлжалланган, айниқса суғориладиган ерларни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор беради. Чунончи, Ер Кодексининг 43-моддасида ўрнатилишича, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни қишлоқ хўжалигидан ўзга эҳтиёжлар учун бошқа тоифадаги ерларга ўтказишга алоҳида ҳолларда йўл қўйилади. Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим ва уларнинг суғорилмайдиган ерлар жумласига ўтказилишига йўл қўйилмайди (45-модда).

Ер қонунчилиги ерларни ҳолатига, экологиясига салбий таъсир этадиган объектлар, иморат ва иншоотларни жойлаштиришнинг алоҳида тартибини белгилайди. Ерларни ҳосилдан қолишдан ёки бузилишдан ҳимоя қилиш чоралари билан таъминланмаган ҳамда экология экспертизасининг ижобий хулосаси бўлмаган объектларни фойдаланишга топшириш ва бундай технологияларни қўллаш таъқиқланади (80-модда).

Ер қонунчилигида ерларни муҳофаза қилиш, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш чора-тадбирлари белгиланган. Ер Кодексининг 90-91-моддаларида кўрсатилишича, ерга нисбатан тузилган ғайри қонуний битимлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади; ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерлар қайтариб олинади; ер участкалари олиб қўйилади. Демак, ерга нисбатан ғайри-қонуний битимлар тузилса, ер қонунчилиги талаблари бузилса юқорида санаб кўрсатилган чоралар қўлланилади. Биз бу чораларни ер-ҳуқуқий жавобгарлик жазо чоралари деб айтишимиз мумкин.

Ерларни оқилона муҳофаза қилганлик учун Ер Кодексида (82-модда) иқтисодий рағбатлантириш чоралари ўрнатилган. Иқтисодий рағбатлантириш ер солиғи тўлаш бўйича имтиёзлар бериш, кредит бериш бўйича имтиёзлар бериш, бюджетдан маблағлар ажратиш каби тадбирлардан иборат бўлиб, бу тадбирлар тупроқ унумдорлигини сақлаш ва тиклаш, ерларни салбий ҳолатлардан муҳофаза қилиш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, янги технологияни жорий қилиш бўйича ишларни амалга оширганларга нисбатан қўлланилади.

## IX боб. Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолати.

## *1§. Сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ҳуқуқий ҳолатининг тушунчаси ва хусусиятлари.*

**Табиат бойликлари орасида сув алоҳида ўрин тутади. Чунки барча тирик жонзотлар ҳаётининг асосий манбаи сувдир. Сувсиз ҳаёт бўлиши мумкин эмас. Ҳаттоки ота боболаримиз сувни тоза сақлашга, ундан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор берганлар. Шунинг учун ҳам улар "Сув зар - сувчи заргар", "Сув учун кураш - ҳаёт учун кураш", деб бежиз айтишмаган. Демак, планетамизда сув пайдо бўлганидан кейингина ҳаёт пайдо бўлган.**

**Зеро, инсоният ҳаёти давом этиши учун одамлар сувни, ердаги сув манбаларини, аввало чучук сувни эҳтиёт қилишлари лозим.**

**Саҳрон Кабирдаги қабилалардан бирига меҳмон бўлган саёҳатчиларнинг ювинаётганини кўриб, мезбонлар анча ранжишган. Чунки, улар бутун қабилага бир неча кунга етадиган сувни бир пасда тугатишган. Маълум бўлишича, сув бу ерда энг азиз неъмат ҳисобланиб, уни қатъий назорат остида тарқатишар экан.**

**Япониядай ривожланган мамлакатга борган бир мутахассисимизнинг дастлабки олган маоши фойдаланган сувига етмаган.**

**Ҳиндистондаги қадимги шаҳарлардан бири Мохенджо-Дародаги харобалар текширилганда диаметри 0,5 дан 2,5 метргача келадиган қудуқ топилган, чамаси у айрим уйларни сув билан таъминлаган ҳамда жамоат жойларида одамлар чўмиладиган ҳовузлар шу сув билан тўлдирилган. қадимги Римда сувнинг янги манбалари ҳақида мунтазам қайғуришган. 312 йилда шаҳарга 16,5 км узоқдаги тоза сув манбаидан водопровод ўтказилган. Тахминан орадан 50 йил ўтгач, шаҳарга Анион дарёсидан водопровод ўтказилган. Унинг узунлиги 63 км дан ортиқ бўлган, бироқ кейинги водопровод узунлиги 91 км эди. Шуниси қизиқки, водопровод суви махсус резервуарларда йиғилиб, тиндирилган. Унда сув босими кераклигича бўлиб, шу босим туфайли жамоат ҳовузлари, фонтанлар, ҳаммомлар, шунингдек шахсий уйлар сув билан таъминланган.**

**Перуда "Сув худоси" ибодатхонаси топилган. Унда фонтан ва каналлар бўлган, улар ибодатхона яқинидаги шаршара суви билан тўлдирилган. Афинада эса эрамиздан олдинги VI асрдаёқ қудуқ сувидан фойдаланиш тартибини белгилайдиган қонун чиқарилган.**

**Юнонлар ўз даврида Феодесияда, Керчда, Евпаторияда ажойиб водопровод қурганлар. қадимги Мисрда фиръавнлар даврида пармалаб қовланган қудуқлар мавжуд бўлган.**

**Ичимлик сувининг одам организми учун аҳамиятини Шарқнинг кўпгина олимлари яхши билишган. Масалан, Абу Али ибн Сино "Тиб**

**қонунлари" китобининг биринчи жилдида "Сувнинг сифати" ҳақида кўпгина маълумотлар келтирилган, сувнинг инсон ҳаёти учун зарур элементлардан бири экани, сувнинг хусусиятларини яхшилайдиган бир неча усулларни баён қилган.**

**Ибн Сино ўша даврдаёқ сувни тоза сақлаш, уни қайнатиб ичиш кераклигини одамларга уқтирган. У сувни қайнатиб ичишга қарши нодон табиб ва дуохонларга эътироз билдирган.**

**Кўриниб турибдики, ҳар доим одамларни сув билан таъминлаш масаласи муаммо бўлиб келган. Ҳаттоки, ҳозирги пайтда ҳам Греция, Голландия, Германия, Швейцария, АқШ ва бошқа кўплаб мамлакатларда ичимлик суви билан таъминлаш бош масаладир.**

**Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ва экологик танглик бор пайтда мустақил Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари табиатнинг барча бойликлар қатори, сув ресурсларига эҳтиёжлари бениҳоя катта. Келажак авлодимизнинг тақдири, бақувватлиги, соғлиги оби-ҳаётимиз билан боғлиқ экан, демак, айни шу кунларда қабул қилинаётган сув тўғрисидаги қонун, қарор ва фармонлар, сув бойликларидан оқилона фойдаланиш, уни булғаниш ва ифлосланиш ҳамда камайиб кетишидан сақлаш ишига кўмаклашиши лозим. Асосан сув ресурсларини ҳуқуқий экологик муҳофаза қилиш мақсадида ҳуқуқий илмий йўналишни кучайтириш мақсадга мувофиқдир.**

**Юқоридаги талаблар ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, умуман олганда сув ресурслари билан боғлиқ барча муаммолар, Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги 1993 йил 6 майда қабул қилинган қонунида[11] ўз аксини топди.**

**Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддасига асосан, "Сув Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки - умуммиллий бойлик ҳисобланади, сувдан оқилона фойдаланиш лозим бўлиб, у давлат томонидан қўриқланади."**

**Ушбу қонунга асосан, Ўзбекистон Республикасининг ягона давлат сув фонди:**

**дарёлар, кўллар, сув омборлари, бошқа ер усти сув ҳавзалари ва сув манбалари, канал ва ҳавузларнинг сувларидан;**

**Ер ости сувлари ва музликлардан иборатдир. Давлатлараро дарёлар - Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёси, Орол денгизи ва бошқа сувлардан фойдаланиш ҳуқуқи давлатлараро битимларда белгилаб берилади.**

**Мазкур қонуннинг 18-моддасида кўрсатилганидек, "мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, деҳқон хўжаликлари ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар сувдан фойдаланувчилар бўлишлари мумкин.**

---

[11] Каранг: Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1993 йил, 5-сон, 221-модда.

**қонунларда назарда тутилган ҳолларда бошқа ташкилотлар ва шахслар ҳам сувдан фойдаланувчи бўлишлари мумкин."**

**Ўзбекистон Республикасининг "Ер Кодекси"[1]нинг 39-моддаси "Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдорининг ҳуқуқлари" сифатида барча ер эгалари, ердан фойдаланувчичлар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорлари ҳам сув ресурсларидан оқилона фойдаланишлари ва уларни муҳофаза қилишлари шарт.**

**Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"[2] ги 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган қонунининг 16-моддасида қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) учун сувдан фойдаланишлари, "Фермер хўжалиги тўғрисида"[1] ги қонуннинг 14-моддасида фермер хўжаликлари учун сувдан фойдаланиш, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"[2] ги қонуннинг 11-моддасида деҳқон хўжаликлари учун сувдан фойдаланишнинг ҳуқуқий тартиблари кўрсатилган.**

**Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"[3] ги қонунининг 19-моддасида "Сувлар ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартлари" ҳам аниқ кўрсатилган.**

**Жумладан, унда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ер усти, ер ости ва денгиз сувларидан зарур миқдордаги сувнинг табиий айланишини сақлаш, унинг нормативида кўрсатилган даражада тозалигини таъминлаш, сув ўсимликлари ва ҳайвонларини асраш, сув ҳавзаларнинг ифлосланишига йўл қўймаслик, уларда экология мувозанатини сақлаш ва сув ҳавзасига ландшафт элементи сифатида зиён етказмаслик шарти билан йўл қўйилади.**

**Маҳаллий ҳокимият идоралари, ўрмон ва сув хўжалиги идоралари дарё ирмоқлари ҳосил бўладиган жойларда, сув ҳавзалари соҳили минтақаларида дарахтзорларни тиклашлари ва дов-дарахтни кўпайтиришлари ҳамда уларни сақлашини таъминлашлари шартдир.**

**Сув ресурсларини ҳуқуқий экологик жиҳатдан муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг XXIV боби, 97-102 моддаларида кўрсатилган.**

**Мустақил республикамизда сувни муҳофаза қилиш вазифалари шундан иборатки, "Ҳамма сувлар (сув объектлари) аҳоли соғлиғига зарар етказиши, шунингдек балиқ заҳираларининг камайиши, сув таъминоти шароитининг ёмонлашиши ҳамда сувнинг физикавий, кимёвий ва биологик ҳоссалари пасайиши, сувнинг табиий тозаланиш хусусияти камайиши, сувнинг гидрологик ва гидрогеологик**

---

[1] Каранг: Узбекистон Республикасининг "Ер Кодекси", 1998 йил 30 апрель.

[2] Узбекистон Республикасининг "Кишлок хужалиги кооперативи (ширкат хужалиги) тугрисида"ги конуни, 1998 йил 30 апрель.

[1] Узбекистон Республикасининг "Фермер хужалиги тугрисида"ги конуни 1998 йил 30 апрель.

[2] Узбекистон Республикасининг "Дехкон хужалиги тугрисида"ги конуни 1998 йил 30 апрель.

[3] Узбекистон Республикасининг "Табиатни мухофаза килиш тугрисида"ги конуни 1992 йил 9 декабрь.

режимининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган бошқа кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келиши ҳолларидан муҳофаза қилиниши керак.

Шуниси эътиборлики, сув тўғрисидаги ушбу янги қонунда, сувни муҳофаза қилишни, шунингдек унинг ҳолати ва режимини яхшилашни таъминловчи тадбирларни амалга ошириш, фаолияти сувларнинг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, ташкилот ва муассасалар, маҳаллий ҳокимият органлари, табиатни муҳофаза қилиш, сув хўжалиги, санитария назорати органлари ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан келишилган ҳолда технология, ўрмон мелиорация ва агротехника, гидротехника, санитария-техника тадбирларини ўтказишлари шарт"-деб кўрсатилган.

Ҳозирги шароитда сувларни ифлослантириш асосан чиқит ва чиқиндиларни бефарқлик оқибатида ташлаш, оқизиш натижасида бўлмоқда. Айни, мана шу муаммо ушбу қонуннинг 99-моддасида ифодаланган. Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга қуйидагилар тақиқланади:

- ишлаб чиқариш чиқитлари, маиший ва бошқа хил чиқитлар ҳамда чиқиндиларни сув объектларига ташлаш;

- мойларнинг, ёғочларнинг, кимёвий ва нефть маҳсулотларининг ҳамчда бошқа махсулотларнинг тўкилиб-сочилиши натижасида сувни бўлғатиш ва ифлослантириш;

- сув ҳавзаларининг юзи, сув ҳавзаларини қоплаб турган яхлар ва музликларнинг юзаси, саноат чиқитлари, маиший чиқинди ва бошқа ташландиқ чиқитлар, шунингдек, ер усти ва ер ости сувларнинг сифатини ёмонлаштириб юборадиган нефть ва кимёвий маҳсулотлар билан булғатиш ва ифлослантириш;

- сувни ўғитлар ва заҳарли химикатлар билан булғатиш.

Оқинди сувларни сув объектларига оқизишга ушбу қонуннинг 73, 74 ва 75-моддаларида кўрсатиб ўтилган талабларга риоя қилинган тақдирдагина йўл қўйилади. Шунингдек амалдаги қонунда, айнан ер ости ва кичик дарёларни сувларини ҳуқуқий экологик муҳофаза қилишга эътибор берилган.

Мазкур қонуннинг 101-моддасида, ер ости сувларини муҳофаза қилиш тартиби ифодаланган.

Ер ости сувлари чиқариш ва ундан фойдаланиш билан шуғулланувчи идоралар сув чиқарилаётган участка ва унга туташ ҳудудларда ер ости сувларига доир режимларга риоя этилишини кузатиб боришлари, шунингдек фойдаланилаётган сувнинг микдори ва сифатининг ҳисобини юритишлари шарт.

Башарти фойдали қазилмалар конларини қидириш, уларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бурғилаш ҳамда бошқа кон қидирув ишларини бажариш чоғида ер ости сувялари бор қатламлар аниқланган тақдирда, бу ҳақда табиатни муҳофаза қилиш, сув хўжалиги органларига маълум қилиниши ҳамда белгиланган тартибда ер ости сувларини муҳофаза қилишга қаратилган чора-

**тадбирлар кўрилиши лозим. Саноат оқинди сувларини оқизиш учун қазиладиган қудуқлар сувли қатламларни ифлослантириш манбаига айланиши мумкин бўлса, бундай қудуқлар қазиш ҳоллари ман этилади.**

**Ўз-ўзидан сув чиқариб, суви фойдаланиш учун яроқсиз бўлган қудуқларга сувни бошқариш ускуналари ўрнатилиши, улар қонунларда белгиланган тартибда тўхтатиб қўйилиши ёки тугатилиши лозим.**

**Сифатли ер ости сувлари тўпланадиган манбалар теграсида қаттиқ ва суюқ чиқиндилар тўплаш, ахлатхоналар барпо этиш, ер ости сувларининг ифлосланиш манбаига айланиш эҳтимоли бўлган саноат, қишлоқ хжалик объектлари ва бошқа объектлар қурилишига йўл қўйилмайди. Ер ости сувларини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўриш, шу жумладан қудуқларни кузатиш тармоғини яратиш фаолияти ер ости сувларининг ҳолатига таъсир кўрсатувчи корхоналар томонидан амалга оширилади.**

**қЎриниб турибдики, ушбу моддада ер ости сувларини ҳуқуқий экологик муҳофаза қилишга ҳар томонлама эътибор берилган.**

**Ёйинки, хўжалик фаолияти кичик дарёларнинг ҳолати ва режимига салбий таъсир кўрсатувчи корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, деҳқон хўжаликлари сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда сувни, унинг мусаффолиги ва сифатини сақлаш чора-тадбирларини кўришлари лозим.**

**Кичик дарёларнинг сувини муҳофаза қилиш минтақалари, бу минтақалардаги корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг хўжалик фаолияти режими қонунлар билан белгиланади.**

**Сув манбаларини ифлосланишдан муҳофаза қилишнинг энг яхши йўли марказлашган сув таъминотини ташкил қилишдан иборат.**

**Очиқ сув ҳавзаларидан сув олинадиган жойни танлашда сувнинг ифлосланмаслиги, сув ҳавзасига етарли миқдорда сув тушиб туришини, сув ҳавзаси атрофининг тўсилганлигини, қирғоқнинг бузилмаслигини ҳисобга олиш керак. Сув олинадиган жойни танлаш ҳар сафар мураккаб санитария масаласи ҳисобланади. Муҳими, сув олинадиган жой оқава сувлар тушадиган жойдан ва аҳоли яшайдиган территориядан анча юқори ерда бўлиши керак. Бунда аҳоли яшайдиган пунктнинг истиқболи, яъни кенгайиши назарда тутилади. Шунингдек, сув олинадиган жой дарё ирмоқлари ва сойлардан юқорида бўлиши лозим. Сув дарё қирғоғи чуқурлиги камида 2,5 метр бўлган, қирғоғи ювилмайдиган жойдан олинади. Бу қоида сув омборларига ҳам тегишлидир.**

**Ҳар қандай сув манбаи, айниқса очиқ сув ҳавзалари ташқи муҳит билан боғланганлиги ва сув сифатига сув оқими ҳосил бўлиши шароитлари, табиий ҳодисалар, саноат ва коммунал қурилишлар, аҳолининг хўжаликдаги ва турмушдаги фаолияти таъсир қилишни ҳисобга олиб, водопровод қурилишида албатта санитария зонаси ташкил этиш керак.**

**Мавжуд қонунчиликка асосан водопроводи бор ташкилотлар барча водопроводлар учун санитария муҳофазаси зонаси ташкил қилишлари керак.**

**Сувни муҳофаза қилиш тадбирларини барча очиқ сув ҳавзалари, ер ости сув манбаларида улар марказлашган ёки марказлашмаган сув таъминоти учун фойдаланиладими-йўқми, бундан қатъий назар, амалга ошириш шарт.**

**Санитария маиший сув таъминотидан фойдаланадиган районларда санитария муҳофаза зонаси яратиш зарур. Бундай ҳолларда санитария назорати органлари ва шу территориядаги сувдан фойдаланишни ва муҳофаза қилишни бошқарадиган органларга қуйидаги ҳажмда ер ажратилади:**

**- очиқ сув ҳавзалари учун 100 м. Сувнинг иккала қирғоғига инспекторлик йўллари қилинади, кўкаламзорлаштирилади, шаҳар доирасида эса қирғоқлар қўшимча равишда обод қилинади;**

**- ўзанли ва сув қуйилиб турадиган сув омбори учун 300 м чор атрофи муҳофаза қилинади;**

**- артезиан қудуқ учун фойдаланиладиган айрим қудуқлар, булоқлар ва чашмалар ёки ер ости сувлари усти 30 м радиусда сувга чидамли материаллар билан том қилиб, ёпилади, майдони камида 0,25 га бўлади;**

**- айрим қудуқлар учун ер ости суви ёки инфильтрацион сувдан фойдаланганда 30 м радиусда усти ёпилади, майдони камида 0,75 га бўлади.**

**Айрим районларда, масалан, йирик шаҳарлар ёки корхоналарида қишлоқ хўжалигида заҳарли химикатлар кўп ишлатилганда санитария назоратининг тегишли органлари талабига кўра бу зоналар кенгайтирилиши мумкин.**

**Шунингдек, ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалиги ва бошқа корхона, муассаса, ташкилотларда ҳамда республикамизда сувдан фойдаланиш ва уни ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг бир қатор илмий ҳуқуқий экологик ечимлари айрим ҳуқуқий адабиётларда ёритилган.**

**Аммо ҳозирги бозор иқтисодиёти ва турмуш тарзи яна янги-янги ҳуқуқий-илмий ва экологик ечимларни қўллашни талаб қилади.**

**Зеро, сув ресурсларини ҳуқуқий экологик муҳофаза қилиш аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга хизмат қилиб, гигиеник жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга, ҳаттоки касаллик тарқалишининг олдини олишда ҳам аҳамияти каттадир.**

**Сув манбаларини экологик муҳофаза қилиш, ҳаёти сув билан боғлиқ бўлган бутун жонзотни ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини, умуман олганда она табиатни сақлаб қолишга ёрдам беради.**

**Хуллас, сувдан ҳуқуқий экологик фойдаланиш, сувдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш, уни тасарруф этиш, ундан оқилона, тежамкорлик билан фойдаланиш, уни экологик муҳофаза қилиш, фойдаланилаётган сув манбаларидан тегишли қонунлар асосида фойдаланиш, сувни санитария -эпидемия қоидалари асосида сақлаш ва**

**ундан фойдаланиш, агарда юқоридаги талабларга риоя қилинмаса ҳаттоки сувдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш каби элементлар билан чамбарчас боғлиқ. Умуман олганда сувни экологик муҳофаза қилиш ишини янада яхшилаш - демак бу ҳаётни яхшилаш, узоқ-умр кўришдир, десак хато қилмаймиз.**

## *2§. Давлат сув фонди ва унинг бошқарув органлари.*

**Об-ҳаётдан фойдаланишдаги бошбошдоқлик ва масъулиятсизлик ёмон оқибатларга олиб келишини Ўрта Осиёда ташкил топган мустақил давлатлар ҳамда қозоғистон Республикаси мелиорация ва сув хўжалиги хизмати раҳбарлари обдон мулоҳаза қилиб кўрдилар. Бу масаланинг аҳамияти ва мураккабликларини тушиниб етдилар.**

**1992 йилнинг 18 февралида қозоғистон Республикаси пойтахти Олмаота шаҳрида минтақадаги давлатлараро сув заҳираларини биргаликда бошқариш ва муҳофаза қилиш юзасидан аҳдлашувга келишилди. Аҳднома хужжатини Ўрта Осиё республикалари ҳамда қозоғистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлари имзоладилар. Хужжатда сув манбаларидан оқилона фойдаланишга, сув заҳираларини муҳофаза этишда минтақадаги барча давлатлар тенг ҳуқуқли ҳамда баравар масъулиятга эга эканликлари кўзда тутилди. Ҳар бир республика ўз ҳудудида аҳномага асосан амал қилиш мажбуриятларини олди. Жумладан, аҳдлашувчи томонларнинг манфаатларини ҳурмат қилиш, сувдан фойдаланишда бир-бирига зиён етказмаслик, сувдан фойдаланиш ва унинг заҳираларини ифлослантирмаслик ҳақида Аҳдномада кўзда тутилган талабларга оғишмай амал қилиш мажбуриятлари назар-эътиборда тутилади, деб келишиб олинди.**

**Томонлар сувни исроф қилмаслик, бу бебаҳо бойликдан самарали фойдаланиш хусусида, шунингдек, экология муаммолари, Орол денгизига ҳар йили зарур миқдорда сув ўтказиб туриш ҳақида бамаслаҳат бир фикрга келдилар.**

**1993 йил 6 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуни қабул қилиниб у сув ва сувдан фойдаланишга доир муносабатларни тартибга солишдан, аҳоли ва халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сувдан оқилона фойдаланишдан, сувни булғаниш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлашдан, сувнинг зарарли таъсирини олдини олиш ва уни бартараф қилишдан, сув объектларининг ҳолатини яхшилашдан, шунингдек сувга доир муносабатлар соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, деҳқон хўжаликлари ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат бўлди.**

**Мазкур, қонунда биринчи марта ягона давлат сув фонди масаласи кўрсатиб берилди.**

**Ўзбекистон Республикасининг ягона давлат сув фонди:**

**дарёлар, кўллар, сув омборлари, бошқа ер усти сув ҳавзалари ва сув манбалари, канал ва ҳовузларнинг сувларидан;**

**ер ости сувлари ва музликлардан иборатдир.**

**Давлатлараро дарёлар - Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёси, Орол денгизи ва бошқа сувлардан фойдаланиш ҳуқуқи давлатлараро битимларда белгилаб берилади. (4-Модда).**

**Шунингдек, қонунда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари ҳам аниқ кўрсатилди.**

**Жумладан қонуннинг 5-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари қуйидагича кўрсатилди:**

**сувга доир қонунлар қабул қилиш, уларга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш;**

**сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда сув хўжалигига оид стратегик давлат дастурларини қабул қилиш;**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасарруфига кирадиган бошқа масалаларни ҳал этиш.**

**Ушбу қонуннинг 6-моддасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатларига эътибор берилган.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги тасарруфига қуйидагилар киради, чунончи:**

**сув ресурсларидан оқилона, комплекс фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида ягона сиёсат ўтказиш;**

**сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва уларни муҳофаза этишда вазирликлар, идоралар ва юридик шахсларнинг фаолиятини уйғунлаштириш;**

**сув фонди ҳосил қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини белгилаш, сувдан фойдаланишнинг меъёрлари валимитларини тасдиқлаш;**

**сувларнинг давлат томонида ҳисобга олиб борилишини ҳамда сувдан фойдаланишни назорат қилиш ва уларни муҳофаза этишни таъминлаш, давлат сув кадастри ва сув мониторингини юритиш;**

**йирик авариялар, фалокатлар, экология танглиги ва сувларнинг зарарли таъсири олдини олиш ҳамда уларга барҳам бериш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;**

**сув ресурсларидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш, сув объектларини булғатганлик ва қуритиб қўйганлик учун ҳақ ундириш тартибини белгилаш;**

**давлатлараро муносабатларни ривожлантириш;**

**қонунларда назарда тутилган бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.**

Эътиборли томони шундаки, мазкур қонунда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатларига ҳам эътибор қаратилган.

Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги тасарруфига қуйидагилар киради, чунончи:

ўз ҳудудидаги сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш;

сув ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунийлик ҳамда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш;

сув объектлари ҳолатини ҳисобга олиб бориш ва уларга баҳо бериш, сувлардан фойдаланилиши ва уларнинг муҳофаза қилиниши, сув истеъмолининг белгиланган лимитларига риоя этилиши, сувдан фойдаланувчиларнинг сувдан фойдаланиш ҳисобини юритишлари устидан назорат қилиб бериш;

сув объектларини сақлаш ва уларнинг ҳолатини яхшилаш, сувларнинг зарарли таъсир кўрсатишини, шунингдек булғанишини олдини олиш ва уни бартараф этиш ҳамда авариялар, тошқин, сел ва табиий офатлар натижасида вайрон бўлган объектларни тиклаш юзасидан тадбирлар ўтказиш;

қонунларда назарда тутилган бошқа масалаларни тартибга солиш (7-модда).

Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратининг вазифаси сувдан фойдаланиш борасида белгилаб қўйилган тартибга барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, давлат, кооператив, жамоат корхоналари, ташкилотлари, муассасалари ва фуқаролар риоя қилишлари, сувни муҳофаза қилиш, сувнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ва бартараф қилиш вазифаларини, сувни ҳисобга олиш қоидаларини, шунингдек, сув тўғрисидаги қонунларда белгилаб берилган бошқа қоидаларни бажаришларини таъминлашдир. Ўзбекистон Республикаси "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддасига асосан сувдан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви қуйидагича кўрсатилган.

Сувдан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, шунингдек бу соҳада махсус ваколатли бўлган ҳамда сувдан фойдаланишни бевосита ёки ҳавза (ҳудудий) бошқармалари орқали тартибга солиб турувчи давлат органлари ҳамда бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (ер усти сувлари),Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология ва Минерал ресурслар қўмитаси (ер ости сувлари) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитаси (ер ости иссиқ сувларни ва минерал сувлар) ўз

ваколатлари доирасида сувдан фойдаланишни тартибга солиш соҳасида махсус ваколати бўлган давлат органлари ҳисобланади.

Маълумки, 1991 йилдан бошлаб сув учун ҳақ тўлашнинг узоқ муддатга мўлжалланган иқтисодий нормативларини белгилаб қўйиш зарур деб топилди.

Шунинг учун ҳам сув истеъмолининг белгилаб қўйилган лимитларига риоя қилиниши оператив назорат этиш катта аҳамиятга эгадир.

Бу масалага амалдаги сув қонунчилигида қуйидагича эътибор берилди.

Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратининг вазифаси сувдан фойдаланиш борасида белгилаб қўйилган тартиби барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, деҳқон хўжаликлари ва фуқаролар риоя қилишлари, сувни муҳофаза қилиш, сувнинг зарарли таъсирини олдини олиш ва бартараф қилиш вазифаларини, сувни ҳисобга олиш қоидаларини, шунингдек сув тўғрисидаги қонунларда белгилаб берилган бошқа қоидаларни бажарилишини таъминлашдир.

Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги амалга оширадилар.

Сувдан фойдаланиш устидан идоравий назоратни Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси органлари амалга оширадилар.

Бундан ташқари, сувдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда жамоат бирлашмалари, жамоалар ва фуқароларнинг иштироки аҳамиятлидир.

Жамоат бирлашмалари, жамоалар ўз низомларига мувофиқ ҳамда фуқаролар сувдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза бўйича тадбирларни амалга оширишда давлат органларига кўмаклашадилар. Бу тадбирларни ўтказишда давлат органлари жамоат бирлашмалари, жамоалар ва фуқаролар таклифларини ҳисобга оладилар.

Хуллас, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза этиш устидан давлат бошқаруви ҳамда назоратини олиб бориш катта аҳамиятга эга бўлиб, сув ресурслари оқилона фойдаланишни, тежаб-тергаш ва уни мусаффолигини сақлашни ҳамда ҳар қандай ножўя экологик ҳуқуқбузарликларни олдини олади.

## *3§. Сувдан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчаси ва турлари. Сувдан фойдаланиш ҳуқуқининг пайдо бўлиши ва бекор бўлиш асослари.*

**Сувдан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчаси асосан икки ҳолат билан кўпроқ боғлиқ.**

**Биринчидан, у сув ҳуқуқининг асосий институтларидан бири бўлиб, сув ва сувдан оқилона фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш ҳамда сув билан боғлиқ барча муаммоларни ўз ичига олади.**

**Иккинчидан, сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза этиш билан боғлиқ бўлган сув фойдаланувчичларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ.**

**Асосан сувдан фойдаланиш ҳуқуқи кўпроқ сувдан фойдаланиш ҳуқуқини пайдо бўлиши ва бекор бўлиш асослари билан ҳам боғлиқдир.**

**Сувдан фойдаланиш ҳуқуқи бир қатор принципларга асосланади:**

**- сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш;**

**-сув ресурсларини муҳофаза қилиш;**

**- бошқа барча табиат бойликлари билан чамбарчас боғлиқлиги;**

**- сув ресурслари қонунда кўрсатилган аниқ мақсадларда фойдаланиш;**

**- сувдан фойдаланиш давлатнинг экологик сиёсати билан бевосита боғлиқлиги;**

**- сувдан фойдаланганлик учун тегишли ҳақ тўлаш лозимлиги;**

**- сув қонунчилиги билан бирга бошқа барча экологик қонунларни ўз вақтида, кечиктирмай амалга ошириш ва бажариш;**

**- сувдан фойдаланиш билан боғлиқ халқаро шартномалар ва конвенцияларни ўз вақтида бажариш ва бошқалар.**

**Ўзбекистон Республикаси "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 21-моддасига кўра: "Сув объектлари аҳолининг ичимлик сувга бўлган эҳтиёжларини, маиший даволаш; курорт, соғломлаштириш, ҳордиқ чиқариш ва бошқа эҳтиёжларини, қишлоқ хўжалиги, саноат, энергетика, транспорт, балиқчилик хўжалиги ҳамда бошқа давлат ёки жамоат эҳтиёжларини қондириш учун қонунларда кўзда тутилган талаблар ва шартларга риоя қилинган ҳолда фойдаланишга берилади. Оқинди сувларни оқизиш учун сув объектларидан фойдаланишга қонунларчда кўзда тутилган ҳолларда ҳамда махсус талаблар ва шартларга риоя қилинган тақдирдагина йўл қўйилиши мумкин.**

**Сув объектлари айни бир ватда битта ёки бир нечта мақсадларда фойдаланишга берилиши мумкин." Республикамиз шароитида фойдаланадиган сув ресурсларининг асосий қисми қишлоқ хўжалигида суғориш мақсадларида ишлатилади. Унинг қисмидан эса саноатда ҳамда маиший ва коммунал мақсадларда фойдаланилади. Ана шу ҳар учала йўналиш ҳам йилдан-йилга кўпроқ сув талаб қилмоқда. Натижада регионимизда сув проблемаси тобора жиддий муаммо бўлиб қолмоқда.**

Бундай шароитда сувни тежаб-тергаб ишлатиш, унинг беҳуда кетишига йўл қўймаслик, қайтарма ва оқава сувлардан унумли фойдаланиш, энг муҳими - сув манбаларини ифлосланишдан ва ортиқча минералланишдан сақлаш талаб қилинади.

Бундан ташқари ушбу қонуннинг 22-моддасига асосан, сувдан фойдаланиш тури икки хил деб кўрсатилган. Сувдан умумий фойдаланиш - сувнинг ҳолатига таъсир қиладиган иншоотлар ёки техникавий қурилмаларни қўлламай фойдаланиш; сувдан махсус фойдаланиш - иншоотларни ёки қурилмаларни қўлланиш йўли билан фойдаланиш. Иншоотлар ёки техникавий қурилмаларни қўлламай туриб, аммо сувнинг ҳолатига таъсир қиладиган тарзда сув объектларидан фойдаланиш ҳам айрим ҳолатларда сувдан махсус фойдаланиш турига киритилиши мумкин.

Сувдан умумий ва махсус фойдаланиш турларининг рўйхати сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш, санитария назорати, геология ва минерал ресурслар органлари томонидан белгилаб қўйилади.

Шунингдек, сув қонунчичлигида "Сувдан биргаликда ва танҳо фойдаланиш" масаласига ҳам алоҳида эътибор берилган. Жумладан "Сув объектларидан биргаликда ёки танҳо фойдаланиш мумкин.

Биргаликда фойдаланиладиган сув объектлари жумласига танҳо фойдаланиш учун берилмаган сув объектлари киритилиши мумкин.

Танҳо фойдаланиладиган сув объектларига маҳаллий ҳокимият органлари қарори асосида бирон корхона, ташкилот ва муассасага бутунлай ёки қисман бериб қўйилган сув объектлари киради" (23-модда).

Албатта сув қонунчилигида сувдан экологик талабларга риоя қилиб фойдаланувчиларнинг бирламчи ва иккиламчилигига алоҳида эътибор берилган.

Танҳо фойдаланмоқ учун сув объектлари бериб қўйилган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар сувдан бирламчи фойдаланувчилар ҳисобланиб, улар сув хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш органлари билан келишиб, бошқа корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга сувдан иккиламчи фойдаланиш учун рухсат беришга ҳақлидирлар.

Сувдан иккиламчи фойдаланиш учун берилган рухсатномада сув объектини бериш мақсади ва ундан фойдаланишнинг асосий шартлари кўрсатилади.

Зарур ҳолларда сувдан иккиламчи фойдаланиш шартлари, тарафларнинг ўзаро ҳуқуқ ва бурчлари сувдан бирламчи ва иккиламчи фойдаланувчилар ўртасидаги шартнома билан расмийлаштирилган.

Сувдан бирламчи фойдаланувчи сувдан иккиламчи фойдаланувчининг бутун сув хўжалиги фаолияти учун жавобгар бўлади.

Сувдан иккиламчи фойдаланувчи, башорати сувнинг тегишли улушини сувдан бирламчи фойдаланувчи ўзлаштириб олган ёки ундан фойдаланган тақдирда, унга нисбатан даъво қўзғашга ва етказилган

зарар қопланишини талаб қилишга ҳақлидир. ("Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун"нинг 24 моддаси).

Албатта, сувдан фойдаланишнинг қонунда белгиланган муддатлари ҳам мавжуд. Сув объектлари доимий ёки вақтинча фойдаланиш учун берилади. Муддат аввалдан белгиланмаган ҳолда фойдаланиш - доимий фойдаланиш деб эътироф этилади. Сувдан вақтинча фойдаланиш муддати; қисқа ва узоқ (3-20 йил) бўлиши мумкин.

Сув объектларидан вақтинча фойдаланиш муддатлари сувдан фойдаланувчи манфаатдор томонлар илтимосномасига биноан, шу сув тўғрисида қарор чиқарган ёки ундан махсус фойдаланиш учун рухсатнома берган давлат органлари томонидан узайтирилиши мумкин.

Демак, барча сувдан фойдаланувчиларга қонун асосида юқоридаги талабларга асосан сувдан фойдаланиш ҳуқуқи берилади. Агарда, сувдан фойдаланувчилар сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш талаб ҳамда қоидаларига зид ҳаракатлар содир этганларида уларнинг сувдан фойдаланиши ҳуқуқлари бекор қилиниши ҳам мумкин.

Жумладан, "сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг X-боби, 36-39 моддаларида сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш билан боғлиқ бара масалалар кўрсатилган.

қонуннинг 36-моддасида "Сувдан фойдаланиш ҳуқуқини" бекор қилиш асослари қуйидагича кўрсатилган.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, деҳқон хўжаликлари ва фуқароларнинг сувдан фойдаланиш ҳуқуқи:

сувдан фойдаланишга эҳтиёж қолмаганда ёки ундан воз кечилганда;

сувдан фойдаланиш муддати тугаганда;

корхона, ташкилот, муассаса ёки деҳқон хўжалиги тугатилганда;

сув хўжалиги иншоотлари бошқа сувдан фойдаланувчиларга берилганда;

танҳо фойдаланилаётган сув объектларини қайтариб олишга зарурат тутилганда бекор қилинади.

Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш қоидалари бузилган ёки сув объектидан белгилаб қўйилганидан бошқа мақсадда фойдаланилган, сув ҳақи тўланмаган ҳолларда ҳам корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, деҳқон хўжаликлари ва фуқароларнинг сувдан фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилиниши мумкин (ичимлик сувга бўлган эҳтиёж ва маиший эҳтиёжларни қондириш учун сувдан фойдаланиш ҳуқуқи бундан мустаснодир).

қонунларда корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, деҳқон хўжаликлари ва фуқароларнинг сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилишнинг бошқача асослари ҳам кўзда тутилиши мумкин.

Зеро қонунчиликда сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш асослари билан бирга сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш тартиби ҳам аниқ ёритилган.

**Сувдан фойдаланиш ҳуқуқи:**

**сувдан махсус, шунингдек иккиламчи фойдаланиш учун берилган рухсатномани бекор қилиш;**

**танҳо фойдаланиш учун берилган сув объектларини қайтариб олиш йўли билан бекор қилинади.**

**Сувдан махсус фойдаланиш рухсатнома берган органнинг қарори билан бекор қилинади.**

**Сувдан иккиламчи фойдаланиш сувдан бирламчи фойдаланувчининг сув хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш органлари билан келишиб чиқарган қарорига биноан бекор қилиниши мумкин (37-модда).**

**Хуллас, ушбу талаблар сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш билан бирга, сув тўғрисидаги қонунларни бузилишини ҳам олдини олади.**

## *4§. Сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.*

**Сувдан фойдаланувчилар ҳуқуқ ва бурчлари "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг IX боби, 32-35 моддаларида аниқ кўрсатилган.**

**Мазкур қонуннинг 32 моддасида сувдан фойдаланувчиларнинг қуйидаги ҳуқуқлари баён этилган:**

**сув объектлари қандай мақсадлар учун фойдаланишга берилган бўлса, фақат шу мақсадларда фойдаланиш;**

**сувдан фойдаланишни амалга ошириш учун иншоотлар, қурилмалар ва бошқа объектларни қуриш;**

**берилаётган сувнинг микдори ва сифатини текшириш;**

**қонунларда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, шартнома бўйича олинмай қолган сув учун товон тўланишини талаб қилиш;**

**сув объектларидан фойдаланиш бўйича қонунда тақиқланмаган бошқа ишларни амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.**

**Шунингдек, сувдн фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари қонун билан қўриқланади.**

**Сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари бузилган такдирда бу ҳуқуқлар қонунларда кўзда тутилган тартибда тикланиши лозим бўлади.**

**Зеро, қонунга асосан сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини чеклаш ҳоллари ҳам қонунда ифода этилган. Мазкур қонуннинг 34-моддасига асосан.**

**қонунларда кўзда тутилган ҳолларда аҳоли сиҳат-саломатлигини сақлаш мақсадларини, давлатнинг бошқа манфаатларини, шунингдек сувдан бошқа фойдаланувчилар манфаатларини кўзлаб, сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари чеклаб қўйилиши мумкин. Лекин бу**

ҳолда аҳолининг ичимлик ва маиший эҳтиёжлари учун сув объектларидан фойдаланиш шарт-шароитлари ёмонлашиб қолмаслиги лозим.

Айниқса, барча сув ва сув объектларидан фойдаланувчилар қонунда кўрсатилган мажбуриятларни амалга оширишлари зарур.

Сувдан фойдаланувчилар:

сув объектларидан оқилона равишда фойдаланишлари, сувни тежаб-тергаб сарфлаш, сувнинг сифатини қайта тиклаш ва яхшилаш тўғрисида қайғуришлари, сув олишнинг белгиланган меъёрларига риоя этишлари;

ифлос моддалар аралашиб қолган оқинди сувларни сув объектларига оқизишни тамомила тўхтатиш чораларини кўришлари;

сувни муҳофазалайдиган ва бошқа сув хўжалик иншоотларини ҳамда техникавий қурилмаларни соз ҳолда тутишлари, уларни ишлатиш сифатларини яхшилашлари, олинаётган сувни ҳисоб-китоб қилиб боришлари;

сув ресурсларидан фойдаланганлик ҳақини ўз вақтида тўлашлари шарт (35-модда).

Барча ҳолатларда ердан фойдаланувчилар суғориш жараёнида сувдан фойдаланувчилар ҳам бўлиб ҳисобланади. Шуни учун ҳам ердан фойдаланувчилар "Ер Кодекси"нинг 39-40 моддалари талабларига ҳам қаттиқ риоя этишлари лозим.

Хуллас, сувдан фойдаланувчилар қонунда кўрсатилган ҳуқуқ ва бурчларга риоя қилишлари, ҳамда ушбу талабларни ҳар доим амалга оширишлари сувдан оқилона фойдаланиш масаласига ёрдам беради.

## *5§. Сувларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари.*

Ўзбекистон республикаси территориясида сув ресурсларидан фойдаланувчилар ундан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланишлари, муҳофаза қилишлари шарт. Агарда ушбу талабларга риоя қилинмаса Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ тегишли ҳуқуқий жавобгарлик мавжуд эканлигини эслатиш лозим.

Шунингдек, сув тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун тегишли жавобгарлик масаласи Ўзбекистон Республикаси "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг XXVII боби 114-116 моддаларида ўз аксини топган.

Ушбу қонуннинг 114-моддасида кўрсатилган битимларни тузишда айбдор бўлган шахслар, шунингдек:

сув объектларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган ёки сувдан ўзбошимчалик билан фойдаланган;

сувдан фойдаланиш лимитларни бузган ҳолда сув олган;

дарёларни булғаган ва ифлослаган;

**сувни булғаш ва ифлослашнинг ёки сув етказадиган зарарли таъсирнинг олдини оладиган иншоотлари ва қурилмалари бўлмаган корхоналарни, коммунал объектларни ва бошқа объектларни ишга туширган;**

**сувдан (сув объектларидан чиқариб ёки ажратиб олинган сувдан) хўжасизлик билан фойдаланган;**

**сув ҳавзаларида сувни муҳофаза қилиш режимини бузиб, унинг булғанишига, тупроқни сув ювиб кетишига ва бошқа зарарли ҳодисалар рўй беришига сабаб бўлган;**

**сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларига шикаст етказган ва уларни вайрон қилган;**

**сув хўжалиги иншоотларини ва қурилмаларини ишлатиш қоидаларини бузган;**

**сувнинг ҳолатига таъсир қилувчи тўсиқлар, насос станциялари ва бошқа иншоотларни ўзбошимчалик билан қурган;**

**сув ҳақи ва сувдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун солинган жарималарни ўз вақтида тўламаган;**

**режаларда кўзда тутилиб, сувни булғаниш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлашни, шунингдек сув ҳолати ва режимини яхшилашни таъминловчи гидротехника, технология, ўрмон-мелиорация, санитария-техника тадбирлари ва бошқа тадбирларни амалга оширмаган;**

**водопровод ва канализация тармоқларига ўзбошимчалик билан уланган;**

**фойдаланиш ва кузатиш қудуқларини йўқ қилиб ташлаган ёки уларга зарар етказган;**

**сув қудуқларини бурғилашнинг белгиланган қоидалари ва технологиясини бузган;**

**сувни муҳофаза қилиш иншоотлари ва қурилмаларини қуришнинг меъёрий муддатларини барбод қилган;**

**қурилиши тугалланмаган сувни муҳофаза қилиш иншоотларини уларнинг самарали ишлашига салбий таъсир этувчи кам-кўстини битирмай ва лойиҳадан четга чиқишлар билан фойдаланишга топширган;**

**сувни муҳофаза қилиш тегралaрига риоя этмаган;**

**сувдан фойдаланганлик ҳақидаги давлат ҳисоботларини тақдим этмаган ёки ушбу маълумотларни бузиб кўрсатган;**

**табиатни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширувчи органларнинг кўрсатмаларини бажармаган;**

**алоҳида қўриқланадиган сув объектлари режимини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонунларга мувофиқ жиноий, маъмурий ва ўзга тарздаги жавобгарликка тортиладилар.**

**қонунларда сув тўғрисидаги қонунларнинг бошқа турдаги бузилишлари учун ҳам жавобгарлик белгилаб қўйилиши мумкин.**

**Умуман олганда сув ресурсларидан ноқонуний фойдаланганлик, у тўғрисидаги қонунларни бузганлик ва сувни муҳофаза қилиш талабларига эътибор бермаганлик учун қонунда тегишли ҳуқуқий чора-тадбирлар белгиланган. Ушбу талабларни бузганлик учун асосан интизомий, фуқаролик, маъмурий ва жиноий ҳуқуқий чора-тадбирлар мавжуд.**

**ИНТИЗОМИЙ жавобгарлик деярли кўпроқ меҳнат интизомини бузиш оқибатида сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаган тақдирда ёки сув тўғрисидаги қонунлар бузилганда пайдо бўлиши мумкин.**

**Сув ва сувдан фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 181 - моддасига асосан:**

**Ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли:**

**1) хайфсан;**

**2) ўртача ойлик иш ҳақининг йигирма фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима.**

**Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг қирқ фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш ҳақидан жарима ушлаб қолиш ушбу Кодекснинг 164-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда иш берувчи томонидан амалга оширилади:**

**3) меҳнат шартномасини бекор қилиш (100-модда иккинчи қисмининг 3 ва 4 бандлари).**

**Ушбу моддада назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўлланиш тақиқланади.**

**ФУҚАРОЛИК жавобгарлик эса кўпроқ сув тўғрисидаги қонунларни бузиш ёки ундан оқилона фойдаланмаслик оқибатида келтирилган ёки етказилган зарар натижасида келиб чиқади.**

**Жумладан, "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 114-моддасига асосан:**

**Сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бошқага бериш ҳамда давлатнинг сувга эгалик ҳуқуқини ошкора ёки яшириш шаклда бузадиган бошқа хил битимлар ҳақиқий ҳисобланмайди.**

**Мазкур қонуннинг 116-моддасига асосан эса:**

**Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган сув объектлари улардан қонунсиз фойдаланиш вақтида қилинган харажатлар қопланмаган ҳолда ўз эгасига қайтариб олиб берилади.**

**Шунингдек, "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг XXVIII боби, 117-118-моддалари "Сув тўғрисидаги қонунларни бузиш натижасида етказилган зарарларни ундириш" масаласига бағишланган.**

**Ушбу қонуннинг 117-моддасига асосан:**

**Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, деҳқон хўжаликлари ва фуқаролар сув тўғрисидаги қонунларни бузиш натижасида етказилган**

**зарарларни қонунларда белгиланадиган миқдорда ва тартибда қоплашлари шарт.**

**Бундан ташқари мазкур қонуннинг 118-моддасида зарар етказишда айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимларнинг моддий жавобгарлигига ҳам алоҳида эътибор берилган.**

**Жумладан ана шу моддага асосан:**

**Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар зарар харажатларини тўлашида айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимлар белгиланган тартибда моддий жавобгар бўладилар.**

**Таъкидлаш керакки, асосан сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик улар тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун деярли кўп ҳолларда маъмурий ва жиноий жавобгарликлар қўлланилади.**

**Сув ресурсларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари сифатида маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик қўлланилиши мумкин. Ушбу ҳуқуқий жавобгарлик "Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодексида аниқ кўрсатилган.**

**Мазкур Кодекснинг 72-моддасига кўра:**

**Сувларни ифлослантириш ёки булғатиш, сув тўплагич иншоотларида сувни муҳофаза қилиш режимини бузиш-**

**фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса - бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.**

**Корхоналар, коммунал ва бошқа объектларни сувларнинг ифлосланиши ва булғаниши ёки уларнинг зарарли оқибатлари олдини олувчи иншоотлар ва қурилмаларсиз фойдаланишга топшириш, шунингдек сув объектларининг табиий ҳолатини бузувчи бошқа ҳаракатлар қилиш-**

**мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.**

**Сув қудуқларини қазишнинг белгиланган қоидаларини ва технологиясини бузиш, ишлатилаётган ва кузатув қудуқларини йўқ қилиб юбориш ёки шикастлантириш, сув ўзи чиқадиган қудуқларни уларни тартибга соладиган қурилмалар билан жиҳозлаш, шунингдек ишлатишга яроқсиз қудуқларни консервациялаш ёки йўқ қилиш чораларини кўрмаслик, сифатли ер ости сувлари ҳосил бўладиган теграда ер ости сувларининг ифлосланиши ёки уларнинг сифати ёмонлашиши манбаи бўлиб қолиши мумкин бўлган саноат, қишлоқ хўжалик иншоотлари ва бошқа объектларни жойлаштириш -**

**фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса - бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.**

**Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ёки учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, -**

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса - уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур Кодекснинг 74-моддасида ҳам сув ресурсларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган қуйидаги ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Сувдан хўжасизларча фойдаланиш, гидротехника ишларини ўзбошимчалик билан бажариш, сувдан фойдаланиш лимитлари ва режаларини бузган ҳолда сув олиш, шунингдек лойиҳада назарда тутилган балиқларни муҳофаза қилиш иншоотлари ва қурилмалари бўлмаган устки сув манбаларидан сув олишни амалга ошириш -

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса - бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, -

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса - уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек ушбу Кодекснинг 75-моддасида "Сувларнинг давлат ҳисобини юритиш қоидаларини бузганлик" учун маъмурий жавобгарлик кўрсатилган.

Сув объектларидан олинадиган ва уларга қуйиладиган сув миқдорининг дастлабки ҳисобини юритиш ва оқиб келиб қўшилаётган сувлар сифатини аниқлаш қоидаларини бузиш, шунингдек давлат сув кадастри юритишнинг белгиланган тартибини бузиш -

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса,-

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Зеро, "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодекснинг 76-моддасида "Сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш, улардан фойдаланиш қоидалари"ни бузганлик учун ҳам маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Жумладан, сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш, -

энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш -

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексида "Сув ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик ҳам белгиланган."**

**Ушбу Кодекснинг 203-моддасига биноан:**

**Сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлса,-**

**энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.**

**Кейинги пайтларда сув ҳуқуқий жавобгарлигини қўллаш таклиф қилинаяпти. Бунда сувдан фойдаланувчилар маълум пайтгача сувдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин.**

**Хуллас, сув манбаларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш, улар тўғрисидаги қонунларни ўз вақтида бажариш ва уларга амал қилиш сув билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни олдини олади ва унга қарши курашишга ёрдам беради.**

## Х-боб. Ер ости бойликларининг ҳуқуқий ҳолати.

### *§ 1. Ер ости бойликлари тушунчаси, ўзига хос томонллари ва унинг ҳуқуқий ҳолатига тавсиф.*

Ер ости бойликлари нисбий тушунча бўлиб, меъёрий ҳужжатларда у нафақат ер остидаги, балки ер устидаги минерал бойликларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишдаги муносабатларни ҳам инобатга олади. Минерал - ер юзида ва қаърида физик ва кимёвий жараёнлар натижасида вужудга келган, кимёвий таркиби ва физик хусусиятлари жиҳатдан деярли бир хил бўлган жисм (модда)дир[1]. Шундай қилиб минералнинг тупроқ ёки тупроқ ҳосил қилувчи она жинс (лесс - соғ тупроқ)дан фарқи унинг кимёвий таркиби (кимёвий элементлар сони ва унинг ўзаро бирикмаси) ва физик хусусиятлари (сув ва температура режими, катта кичиклиги, синиши, қаттиқлиги) билан фарқ қилади. Масалан, тош-кўмир 97 % гача углероддан ва қолгани эса учувчи моддалардан таркиб топган. Иссиқлик бериши 7200-8750 ккал/кг. Охактош - карбонли бирикма, физик хусусиятларидан бири сувда эрувчанлиги ва унинг натижасида катта миқдорда энергия ажратиб беришидир.

Айрим мутахассислар[2] ер ости бойликларини ер ости қазилмалари деб ҳам юритадилар. Лекин бу фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Чунки планетамизда учрайдиган 3 минг турдан ошиқ минералларнинг атиги 200-300 хил тури инсон фаолиятида "қазилма" бойлик сифатида ишлатилади. Ундан

---

[1] Энциклопедик лугат. 1 том. - Т.: УСЭБР, 1987. 522-б.

[2] Турсунов Х.Т. Экология асослари ва табиатни мухофаза килиш. -Т.: Саодат-РИА, 1997. 5-б.

ташқари, минераллар нафақат иқтисодий, балки экологик ва маданий-соғломлаштириш вазифа (функция)ларни ҳам бажаради.

*Ер ости бойликларининг экологик функцияси* - ер устининг табиий фундаменти, тупроқ ва уларни ҳосил қилувчи она жинсларнинг таркиб топишидаги минерал асоси эканлиги. Минералнинг химик, физик ва биологик емирилиши натижасида она жинс (лесслар) ҳосил бўлади ва уларда тирик организмларнинг актив фаолияти эса тупроқ ҳосил бўлишига олиб келади. Бундай табиий жараён ер ости минералларини экологик тизимларда иштирок этишини таъминлаб беради.

*Ер ости бойликларини иқтисодий функцияси* - инсонларнинг кундалик ҳаётидаги (энергетика, қурилиш, саноат ва ҳ.к. жабҳаларида) моддий эҳтиёжларини қондириш учун минерал ресурслардан фойдаланишидир.

*Ер ости бойликларини маданий-соғломлаштириш функцияси* - ер қаъри ва минералларнинг инсон организми учун фойдали томонларини инобатга олиб, дам олиш ва саломатлигини тиклашда фойдаланишидир.

Ер ости бойликларининг ўзига хос томонларидан бири уларни тугалланадиган ва қайта тикланмайдиган табиий ресурслар тоифасига киришидир. Агарда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг қайта тикланиш даври бир неча дақиқадан бир неча ўн йилларни, тупроқ (ер) юзлаб йилларни, сув объекти эса 10 йилдан 5000 йилларни ўз ичига олса минералларнинг тикланиш даври юз минглаб ёки миллионлаб йилларни талаб этади. Инсоният тарихида бу жараён узоқ муддатли давр бўлгани учун ҳам уларни тиклаш имконияти йўқ ёки тикланмайдиган табиий ресурслар тоифасига киргазамиз.

Бизга маълумки, айрим минераллар (қум, тош, тошкўмир ва ҳ.к.) ер устида ҳам учрайди. Лекин уларнинг аксарияти (90 % ортиғи) ер қаърида учрагани учун ҳам биз уларни шартли равишда "*Ер ости бойликлари*" деб атаймиз.

Шундай қилиб ер ости бойликларига ер ости ва қисман, ер устида учрайдиган минераллар мажмуаси киради. Улар нафақат табиий ресурс сифатида, балки табиий бойлик (объект) сифатида қаралиб, уларни муҳофаза қилиш эса экологик тизимларнинг хавфсизлигини сақлаб қолиш демакдир.

Ўзбекистонда ер ости бойликларидан 100 дан ортиғи - минерал ресурслар сифатида ишлатилиб келинмоқда. Унинг молиявий потенциали 3,3 трлн., йиллик қазиб олишнинг иқтисодий кўрсатгичи 5,5 млрд. АқШ долларига тенгдир. Шунинг учун ҳам минерал хом ашё бизнинг асосий бойлигимиз ҳисобланилади. Улардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва ривожланиш кафолатлари" деган асарида Ўзбекистон собиқ иттифоқнинг минерал хом ашё базаси бўлгани ва ундан ўта шавқатсизларча - "теги йўқ бочка" каби фойдаланганликларини алоҳида таъкидлаб ўтилган. Натижада улар экологик тизимларни бузишга, "ой ландшафти"га ўхшаш чиқинди моддалар тепаликларини пайдо қилишга, радиоактив хавфли тeграларни вужудга келтиришга сабаб бўлганини айтиб ўтганлар. Эндиликда

бундай қайта тикланмайдиган захиралардан қатъий мезон асосида фойдаланиш, уларни қазиб олиш ва қайта ишлаш чоғида исрофгарчиликка йўл қўймаслик керак. Бунинг учун эскирган қайта ишлаш ва қазиб олиш ускуналарини янги технологиялар билан алмаштириш, реконструкция қилиш зарур. Тоғ-кон саноатининг чиқиндиларини ўзлаштиришни янада кенгайтириш ҳамда бузилган ерларни қайта ярокли ҳолга келтириш талабларини амалий қўллаш лозим.

Юқорида келтирилган ва давлатимизнинг ер ости бойликларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишдаги давлат сиёсатини амалга оширмоқ учун аввалам бор ушбу муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий -меъёрий замин яратмоқ керак. Чунки ёш ва мустақил республикамиз эндиликда ўз минерал бойликларига ўзи эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлди. 9 йиллик мустақиллик даврда Ўзбекистон ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишига оид бир қатор қонун ва қонун ости меъёрий ҳужжатлар қабул қилди. Лекин бу билан жамиятдаги ушбу муносабатларни ҳуқуқий замини яратилди деб бўлмайди. Мустақил республикамиз бозор муносабатларига ўтар экан, табиий бойликлардан фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни ҳуқуқий бошқариш ёки тартибга солиш ўзгариб ва такомиллашиб бораверади. Энг асосийси ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир ҳуқуқий меъёрларни амалиётда қўллаш механизмини тўлиқ ишлаб чиқишдир. Акс ҳолда қонунларимиз "тишсиз" бўлиб қолиши ва жамиятда ҳуқуқий негилизм ҳолати вужудга келиши мумкин.

*Ер ости бойликларининг ҳуқуқий ҳолати* деб ер ости бойликларини муҳофаза қилиш, минерал хом ашёдан ўта самарадорлик билан фойдаланиш ва унинг натижасида бузилган табиий комплексларни қайта тиклашда юзага келадиган муносабатларни маълум бир даврдаги ҳуқуқий тартибга солиш ҳолатига айтамиз.

Ўзбекистон Республикасида ер ости бойликларининг ҳуқуқий ҳолати Конституцияда белгиланган императив нормалар ва унинг асосида ишлаб чиқилган умумлаштирилган (табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида, Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида...), кодификацияланган (Ер Кодекси, Жиноят Кодекси, Маъмурий жаобгарлик тўғрисидаги Кодекс, Фуқаролик Кодекси...) ва ихтисослаштирилган (Ер ости бойликлари тўғрисида, Концессиялар тўғрисида...) қонунлар ва қонун ости норматив ҳужжатлар асосида тартибга солинади. Ушбу қонун актлар орқали тартибга солинадиган *объект* бўлиб ер ости ҳамда сув тагидаги минерал бойликлардир. Улардан ҳуқуқий фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ушбу ҳуқуқ тармоғинининг *предметидир*. Ер ости бойликларидан ҳуқуқий тартибга солиш *мазмуни* рухсатловчи, олдини олувчи ва тақиқловчи ҳуқуқий меъёрлар орқали уларни муҳофаза қилиш ва ўта самарадорлик билан фойдаланишдир.

### *§ 2. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофазалашнинг ҳуқуқий -экологик талаблари.*

Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофазалашнинг ҳуқуқий-экологик талаблари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50,54 ва 55-моддаларида императив шаклда ўз аксини топган. Уларга биноан ҳар бир фуқаро ёки мулкдор атроф табиий муҳитга (жумладан ер ости бойликларига) нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишлари ва улардан оқилона фойдаланишлари зарурдир. Ушбу зарурий шартлар кенгайтирилган тарзда Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунда берилган бўлиб, унга мувофиқ (18-модда) ер ости бойликларидан юридик ва жисмоний шахслар қуйидаги экологик талаблар асосида фойдаланадилар: қазилма бойликларни қазиб олишда минерал хом ашёдан комплекс ва оқилона фойдаланишни таъминласалар; атроф табиий муҳит ва ер ости бойликлари ифлосланишининг олди олсалар; фойдаланилган ер участкаларини рекультивация (қайта тиклаш, яъни бузилган ерларни қайта маданийлаштириш) қилсалар; қайта тикланадиган фойдали қазилмалардан табиий қайта тикланишга эришиладиган даражадагина фойдалансалар.

Умумлаштирилган ҳуқуқий-экологик талаблар ихтисослаштирилган ҳолда 1994 йил 23 сентябр ва 1995 йил 30 августда қабул қилинган Ер ости бойликлари ва Концессиялар тўғрисидаги қонунларда ўз аксини топган ва уларда фойдалаувчиларга нисбатан қуйидагилардан иборат:

тоғ-кон саноатидаги ишларни (қидирув, ковлаш ва рекультивация қилиш) ер қаъридан фойдаланиш лойиҳасига мувофиқ олиб бориш;

ер қаърини тўла-тўкис ўрганиш, ер ости бойликларидан оқилона ва комплекс фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш;

конларнинг фойдали қазилмалар мўл участкаларини танлаб ишлатиш, минерал хом ашё қазиб олиш ва уни қайта ишлашда фойдали қазилмаларнинг нормативдагидан ортиқ нобурдгарчилигига йўл қўймаслик;

ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишларнинг зарарли таъсиридан атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш;

ер ости бойликларидан фойдаланиш чоғида бузилган ер участкаларини улардан кейинчалик фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш;

ичимлик суви сифатида фойдаланиладиган сув тўплаш майдонларида ва ер ости сувлари тўпланадиган майдонларда саноат ва маиший чиқиндилар йиғилиб қолишининг олдини олиш;

алоҳида илмий ва маданий қимматга молик ер ости бойликлари участкаларини давлат қўриқхоналари ва ёхуд табиат ёки маданият ёдгорликларига мўлжаллаб ажратиб олиш;

чет эллик инвесторлар ер ости бойликларидан фойдаланиш давомида атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ишларни бехатар олиб боришлари ҳамда ер усти ва ости участкаларини босқичма босқич қайтариб беришлари ва қонун-ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чора тадбирларни олиб бориш.

Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишдаги ҳуқуқий-экологик талаблар бевосита ёки билвосита Чет эл инвестициялари, Мулкчилик, Сув ва сувдан фойдаланиш, Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар ва Ер Кодекси, Солиқ Кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 январдаги 20-сонли қарори билан тасдиқланган "қончилик ташламаларини фойдали қазилма конлари ишлаб чиқиш учун бериш тартиби тўғрисида", "қазиб олинган ва қазиб олиш жараёнида йўқотилган фойдали қазилмаларнинг захираларини ер ости бойликларидан фойдаланувчилар ҳисобидан ўчириш тартиби тўғрисида", "Фойдали қазилмаларни ишлаб чиқиш пайтида ер ости бойликларини муҳофаза қилишнинг ягона қоидалари"га бағишланган қарорларда акс эттирилган. Ҳуқуқшунос олим С.Ҳамроевнинг фикрга кўра ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш талаблари янада кенгайтирилиб ягона "Ер ости бойликлари тўғрисидаги Кодекс"да ўз аксини топиши керак деган таклиф билан чиқмоқда[1].

Умуман олганда амалдаги меъёрий ҳужжатларда акс эттирилган ер остидаги бойликлардан фойдаланишдаги ҳуқуқий-экологик талабларни моҳияти ва вазифаларига кўра 4 гуруҳга мужассамтирилса бўлади:

1) ер ости бойликларини тўлиқ ва комплекс ҳолда ўрганиш орқали уларни ишлатиш ёки концервация қилиш орқали муҳофазалаш;

2) минерал хом ашёларни қидириш, қазиб олиш ва рекультивация қилишни фақатгина ихтисослаштирилган давлат органлари назоратида олиб бориш ва уларни амалга ошириш давомида атроф табиий муҳитнинг бошқа объектларига зарар етказмаслик;

3) ишлатилган конларни ёки уларни эксплуатация қилиш давомида ер участкаларини ўз вақтида рекультивация қилиб бориш;

4) ноёб турдаги минерал бойлик ва уларни комплексларини алоҳида муҳофаза қилиш тартибини ўрнатиш.

## *§ 3. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан давлат бошқаруви.*

Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойилидан бири - давлатнинг бош ислоҳотчилигидир. Давлат ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб берар экан, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг ҳозирги замон талабларига мос тушадиган сиёсий йўлини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан амалга ошириши керак. Чунки "ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган ҳозирги бозор-давлат томонидан тартибга солиб туриладиган бозордир"[1].

---

[1] С.Хамроев. Узбекистонда табиий бойликлардан фойдаланиш шартномалари (концессия)нинг хукукий тартибга солиниши. - Т.: НПО Восток, 1999. 36-бет.

[1] И.А.Каримов. Биздан озод ва обод ватан колсин. Т.: Узбекистон. 1994. - 37-б.

Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни давлат томонидан тартибга солиш "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасига биноан қуйидагилардан иборат:

ер ости бойликлари геологик жиҳатдан ўрганиш ва муҳофаза қилиш, минерал ресурслардан оқилона, комплекс фойдаланиш, улар билан боғлиқ бўлган ишларни бехатар юритишга доир меъёрлар ва қоидаларни белгилаш;

минерал хом ашё базасини ривожлантиришни таъминлаш;

фойдали қазилмаларнинг асосий турларини қазиб олишнинг ҳозирги пайтдаги ва истиқболга мўлжалланган ҳажмларини белгилаш;

ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун тўловларни белгилаш ва ундириш;

ер ости бойликларини муҳофазалаш ва улардан оқилона фойдаланиш устидан текширув ва назоратни олиб бориш.

Юқорида санаб ўтилган вазифаларни бажаришда давлат бошқарув органлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ҳар бир давлат органининг ўзи тўғрисидаги қонуни ёки Низомига мувофиқ ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир муносабатларни тартибга солиб туради. Уларни ваколатларининг моҳияти ва мазмунига кўра 2 катта гуруҳга: умумий ва махсус бошқарув ваколатидаги давлат органларига ажратилади.

Умумий бошқарув давлат органларига Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий ҳокимият органлари киради. Махсус давлат бошқарув органларни ўз навбатида - комплекс, соҳалар ва функционал бошқарув органларига ажратилади.

Ер ости бойликларини ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи кўрсатгич Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фаолиятига тўғридан тўғри боғлиқдир. Конституциямизнинг 78-моддаси ва 1994 йил 22 сентябр Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисидаги конституциявий қонунига (4-модда) биноан давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи:

ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир қонунларни ишлаб чиқади, қарорлар қабул қилади ва уларни ижросини назорат қилишни ташкиллаштиради;

унга ҳисобот берувчи Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси орқали ер ости бойликларидан фойдаланишда экологик хавфсизликни таъминлашнинг комплекс назоратини тартибга солиб туради;

давлатнинг ер ости минерал хом ашё базасидан фойдаланиш дастурларини қабул қилади, бу борада ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини тасдиқлайди;

минерал ресурслардан фойдаланганлик учун тўловларни (таксаларни) жорий қилади ва уларга оид имтиёзларни белгилайди;

кончилик саноатини ривожлантириш бўйича бюджет ҳаражатларини қабул қилади;

миллий ер ости бойликларидан фойдаланиш ёки уларни муҳофаза қилиш бўйича битимларни ратификация (тасдиқлайди) ҳамда денонсация (барвақт тўхтади) қилиш каби ваколатларни амалга оширади.

Олий Мажлис томонидан 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги қонуннинг янги редакцияси республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришда чет эл инвестицияларини жалб қилиш муаммоларига ўз вақтида барҳам берди. Натижада Ўзбекистонга чет эл технологиялари кириб келишининг ҳуқуқий замини яратилди (5-модда).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ Президент ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш борасидаги ички ва халқаро сиёсатни белгилайди. Ушбу соҳадаги ишлар фуқароларнинг экологик хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатмаслигининг зарурий чора-тадбирларини кўради. Ер ости минерал хом ашёдан фойдаланиш ва муҳофазасига доир қонунларни имзолайди ҳамда фармон, фармойиш ва қарорлар қабул қилади. Экологик талофат кўрган тоғ-кон саноатининг ҳудудлари бўйича фавқулодда ҳолат жорий этиш ва шунга ўхшаш бошқарув масалаларни хал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлатимизнинг ижро этувчи органи сифатида Конституциянинг 98-моддаси ва 1993 йил 6 майда қабул қилинган ўзи тўғрисидаги қонунга мувофиқ:

ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир қонунлар ижросини таъминлайди;

ер ости бойликлари кадастрини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

кончилик ва у билан боғлиқ бўлган инқирозли ҳолатни бартараф этади ва ер остида бўлаётган табиий офатларни (эндоген жараёнларни) келиб чиқиш сабабини аниқлайди ва уларни экологик хавфсизлик даражасини таъминлашнинг чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

ер ости бойликларидан самарали фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш (рекультивациялаш) бўйича тарғибот, ўқув, таълим ва малака оширишни йўлга қўяди;

минерал хом ашёлардан фойдаланиш тартибини тасдиқлайди ва шунга ўхшаш ўз ваколати доирасида фаолият кўрсатади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 январдаги "Кончилик ташламаларини фойдали қазилма конларини ишлаб чиқиш учун бериш тартиби тўғрисияда"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида "Зарафшон-Ньюмонт", "WMC Зармитан ЛТД", "Ньюмонт-Ўзбекистон ЛТД-Мицун" каби қўшма корхоналар совет давридан қолган кончилик чиқитларини қайта бойитиш орқали рангли металларни олмоқдалар. Чет эл инвестицияларини 15-йиллик муддатда ва қулай ҳуқуқий негизда ишлаши кончилик саноатига юқори унумдорликка эга бўлган технологияларни кириб келишига сабаб бўлмоқда.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида кончилик муносабатларини тартибга солишда, Собиқ Иттифоқдан тубдан фарқли ўлароқ, маҳаллий давлат бошқарув органларининг фаолияти тўлақонли намоён бўла бошлади. Конституциямизнинг 100-моддаси ва 1993 йил 2 сентябрьда қабул қилинган "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунга мувофиқ улар шаҳар, туман ва вилоят аҳамиятига молик бўлган:

ер ости ва усти минерал хом ашё ресурсларидан фойдаланиш ва уларни экологик хавфсизлик даражасини таъминлаш бўйича ҳудудий бошқарув, дастурларни ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар;

ер ости бойликлари кадастрини ва мониторингини амалга оширадилар ҳамда уларга биноан маҳаллий тўловларни ундириб оладилар;

кончилик саноатидан чиққан чиқитларни ташлаш, кўмиш учун рухсатномалар берадилар ва уларни бекор қиладилар;

маҳаллий аҳамиятга эга бўлган қурилиш, тоғ-кон саноати корхоналарнинг экологик фаолиятини назорат қиладилар ва асос равишда уни тўхтатиб қўядилар ҳамда Конституцияга ва бошқа қонунларга зид бўлмаган ҳуқуқий-экологик тадбирларни олиб борадилар.

Давлатнинг ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишдаги махсус ваколат тизимидаги комплекс бошқарувни Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш Агентлиги, фавқулодда ҳодисалар бўйича вазирликлар олиб берадилар. Ушбу давлат органлари қайси бир мулкчилик шакллари комплекс равишда ер ости бойликларидан фойдаланилаётганидан қатъий назар, улар фаолиятини инсон саломатлиги ва атроф муҳит ҳолатига безарар олиб бораётганнини назорат қилиб борадилар.

Бизларга маълумки ер ости бойликларидан бир қатор халқ хўжалиги соҳаларида фойдаланадилар. Шунинг учун ҳам ҳар бир соҳада ўзининг бошқарув ва назорат бўлинмалари мавжуд бўлиб, улар махсус кўринишдаги соҳавий бошқарув ваколатига эгадирлар.

Ўзбексаноат қурилиш вазирлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Автомобил йўллари вазирлиги ва шу каби вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар ушбу соҳалардаги бошқарув ваколатларини ўзлари тўғрисиядаги Низомга мувофиқ амалга оширадилар.

Давлат бошқарув органларининг махсус бошқарув тизимида функционал ваколатга эга бўлган давлат идораларининг ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тартибга солишдаги аҳамияти каттаджир. Масалан, алоҳида муҳофаза қилишга молик тоғ-саноатига қарашли объектларни ЎзР ИИВ, ЎзР МХК каби харбийлаштирилган идоралар томонидан қўриқланиши, улардаги хўжалик ишларини бехатар олиб борилишига ва оқибатда, экологик инқирозли ҳолатни олдини олишга сабаб бўлади. Давлат стандартлаштириш ва метрология қўмитасининг функционал вазифаси минерал хом ашёларни қидирув ва қазиб олишларни халқаро экологик стандартларга мос келишини тартибга солиб туради. Солиқ инспекцияси эса ўз ваколатига доир ер ости ва усти минерал бойликларидан фойдаланганлик ёки бу фойдаланиш давомида атроф муҳитни ифлослантирганликлари учун хўжалик юритувчи субъектлардан солиқларни ўз муддатида ундириб олиш ва улар орқали билвосита табиатга етказилган зарарни қоплашга имкон берадилар. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш давлат идораларининг функционал бошқарув ваколатлари ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш

қонунчиликни бузилишни профилактик чора тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда бузилган қонунчиликка нисбатан жазо чораларини қўллашдан иборатдир.

Т.Р.Мирзаевнинг[1] изланишлари шуни кўрсатмоқдаги, ўз пайтида ва чуқур илмий асосда олиб берилган прокурор назорати тоғ-кон саноатидаги экологик салбий оқибатларни бартараф этишга олиб келар экан.

## § 4. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқи пайдо бўлиши, фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва улар фалиятини тўхтатиш асослари.

Ер ости бойликларидан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (республика аҳамиятига молик объектлар учун) лицензия (рухсатнома)си асосида юридик ва жисмоний шахсларга берилиши мумкин. Уларнинг фойдаланиш муддатлари Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонуннинг 12-моддасига мувофиқ чекланмаган ва чекланган бўлиши мумкин. Агарда фойдаланиш муддати олдиндан белгиланиб қўйилмаган бўлса, у муддати чекланмаган ҳисобланилади. Аксинча, агарда ер ости бойликларидан фойдаланиш лицензияда белгилаб қўйилса чекланган бўлади. Масалан, чет эл юридик ва жсимоний шахсларга Концессиялар тўғрисидаги қонуннинг 3,15,17-моддаларига биноан танлов ва аукцион ўтказиш орқали 15 йил муддатга Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида ер ости бойликлари фойдаланиш учун берилади. Заруриятга қараб бу муддат маълум бир даврга, лекин 15 йилдан ошмаган ҳолда, узайтирилиши мумкин.

Ер ости бойликларидан фойдаланиш асосий мақсад ва вазифаларига қараб 5 турга бўлинади:

1) геологик жиҳатдан ўрганиш;
2) фойдали қазилмаларни қазиб олиш;
3) фойдали қазилмалар билан боғлиқ бўлган ер ости иншоотларини қуриш ҳамда улардан фойдаланиш;
4) нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекция боп материалларни тўплаш;
5) давлатнинг ўзга эҳтиёжлари ва жамоат эҳтиёжларини таъминлаш.

Геологик ўрганиш учун бериб қўйиш белгиланган тартибда тасдиқланган ер қаърини геологик ўрганиш лойиҳасига асосан берилади. Ушбу ишларни бошлаш учун бундай фаолиятни давлат рўйхатидан ўтказиш ва ер участкаларини эгаллашга рухсат олиш керак бўлади. Чет эл юридик шахсларга, қўшма корхоналарга геологик ўрганиш учун ер ости бойликлари концессия шартномаси асосида берилиши қонунда назарда тутилган.

Ер ости бойликларини фойдали қазилмалар қазиб олиш учун бериш махсус лицензиялар асосида амалга оширилади. Унинг учун ер ости минерал бойликлардан фойдаланиш мақсади, кон жойлашган майдон, техноген

---

[1] Мирзаев Т. Узбекистонда экология муаммолари ва прокурорлик назорат. -Т.: Катортол-Камолат, 1999, - 203-б.

ҳосилалардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган корхона лойиҳалари, қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган иншоотларни қуриш ва улардан фойдаланиш, зарарли моддалар, радиоктив чиқиндиларни ва ишлаб чиқариш чиқитларини жойлаштириш ҳуқуқлари бўлиши керак.

Юридик ва жисмоний шахсларга ер ости бойликларидан фойдаланишнинг бир йўла бир неча тури учун лицензиялар берилиши мумкин. Вазирлар Маҳкамаси томонидан берилган лицензия Ер Кодексининг 17-моддасига мувофиқ ер ости бойликларидан фойдаланувчиларга ер участкасини ажратишга асос бўла олади.

Кон ажратмалари Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги томонидан берилади.

Фойдали қазилма конларини тажриба-саноат йўсинида ишлатиш (нефть ва газ конлари бундан мустасно), ер ости чучук сувларини чиқариб олиш, нодир тош хом ашёсини намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа коллекциябоп геологик материалларни тўплаш учун лицензияга мувофиқ бериб қўйиладиган ер ости бойликлари участкаларига кон ажратмаси талаб қилинмайди.

Геология ва қидирув ишларини молиявий таъминлаган юридик ва жисмоний шахслар қидириб топилган конни ишлатиш учун лицензиялар олишда мутлоқ ҳуқуқга эгадирлар.

Давлатнинг ўзга эҳтиёжлари ва жамоат эҳтиёжлари, яъни хўжалик ва рўзғор эҳтиёжлари учун фойдаланишга ер ости бойликларини бериб қўйиш Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонуннинг 16-моддаси билан алоҳида белгилаб қўйилган. Унга биноан маҳаллий хўжалик аҳамияти учун зарур минерал хом ашё ва ер ости сувларини қазиб олиш, ер ости иншоотларини қуриш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг махсус лицензиясиз, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириш мумкин.

Ер ости бойликларидан фойдаланиш учун тайёрланган лойиҳалар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг экспертизасидан ўтиши лозим. Давлат экспертизаси талаблари 2000 йилда қабул қилинган Экологик экспертиза тўғрисидаги қонунга мувофиқ белгиланади.

Аҳоли пунктларида, шаҳар атрофидаги яшил тегралардар, саноат, транспорт, алоқа объектлари, ер ости минерал сувларни чиқариб олиш тегараларида ва бошқа алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар доирасида ер қаърининг айрим участкаларидан фойдаланиш чеклаб ва таъқиқлаб қўйилиши мумкин.

Ер ости бойликларидан фойдаланувчилар Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонуннинг 18-моддасига мувофиқ куйидаги *ҳуқуқларга* эгадирлар:

ер қаърини геологик ўрганиш ишларини бажариш учун ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда ер участкаларидан фойдаланиш;

ўз фаолияти натижаларидан, шу жумладан ер ости бойликлари тўғрисида олинган ахборотлардан, шунингдек қазиб олинган минерал хом ашёдан фойдаланиш (айрим ҳолларда Вазирлар Маҳкамаси қазиб олинган

минерал хом ашёни тасарруф этишнинг алоҳида шартларини вақтинча белгилаб қўйиши мумкин);

башарти лицензияда ўзга қоида белгиланмаган бўлса, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва минерал хом ашёни қайта ишлаш жараёнида олинган техноген ҳосилалардан фойдаланиш.

Ер ости бойликларидан фойдаланувчилар қуйидаги *мажбурият*лар юклатилади:

ер қаъридан белгиланган мақсадли фойдаланиш;

ишларни ер қаъридан фойдаланиш лойиҳасига мувофиқ олиб бориш;

ер қаърини геологик тўла-тўкис ўрганиш, ер ости бойликларидан оқилона, комплекс фойдаланиш ва муҳофаза этиш;

конларнинг фойдали қазилмалар мўл участкаларини танлаб ишлатиш, минерал хом ашё қазиб олиш ва уни қайта ишлада фойдали қазилмаларнинг нормативдагидан ортиқ нобудгарчилигига йўл қўйилмаслик;

заҳиралар ҳолати ва улардаги ўзгаришлар, фойдали қазилмаларнинг нобудгарчилиги ва камайишини ҳисобга олиб бориш, шунингдек заҳираларнинг ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқиш, қайта тасдиқлаш ва чегириб ташлаш;

қазиб олинаётганда қўшилиб чиқадиган, лекин вақтинча фойдаланилмаётган фойдали қазилмаларни сақлаш ва ҳисобга олиб бориш;

сув чиқариб олиш иншоотлари ва уларнинг атрофидаги ҳудудда ер ости сувлари ҳолатини кузатиб бориш;

ер ости сувлари ҳолатидаги ўзгаришлар тўғрисида ер ости сувларини муҳофаза қилиниши устидан назоратни амалга оширувчи органларни зудлик билан хабардор қилиш;

ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни хавфсиз олиб бориш, фалокатларни тугатиш режаларини ишлаб чиқиш;

ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни зарарли таъсиридан атроф табиий муҳитни, бинолар ва иншоотларни муҳофаза қилиш;

ер ости бойликларидан фойдаланиш жараёнида геологик, маркшейдерлик ҳужжатлари ва ўзга ҳужжатларнинг юритиш ҳамда уларни асраш;

Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат геология фондига ер қаърига оид ахборотлар, шунингдек фойдали қазилма заҳираларининг ҳолати ва ўзгариши ҳамда уларнинг таркибидаги компонентлар тўғрисиядаги маълумотларни тақдим этиш;

ер ости бойликларидан фойдаланиш чоғида бузилган ер укчасткалари улардан кейинчалик фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш;

ер ости бойликларидан фойдаланиш учун тўловларни ўз вақтида тўлаб боришни таъминлаш.

Агарда ер ости бойликларидан фойдаланувчилар Ер ости қонунчилигида кўрсатилган ҳуқуқий-экологик талабларни ўз муддатида ва меъёрида бажармасалар уларни фаолиятларини тўхтатишга асос бўла олади. Бу асослар қуйидагилардан иборат:

белгиланган муддат тугаганда;

фойдаланувчи ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқидан воз кечганда;

фойдаланиш учун ер қаъри бериб қўйилган корхона ёхуд ўзга хўжалик фаолияти субъекти тугатилган ҳолларда тўхтатилади;

ишловчилар ва аҳоли ҳаётига ёки сиҳат-саломатлигига, шунингдек атроф табиий муҳит ҳолатига яққол хавф пайдо бўлганда;

ер ости бойликларидан фойдаланувчи бир йил мобайнида ундан фойдаланишга киришмаганда;

ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун тўлов мунтазам олиб борилмаганда;

ер ости бойликларидан фойдаланувчи лицензиянинг асосий шартларини бузганда;

давлатнинг ўзга эҳтиёжлари ва жамоат эҳтиёжлари учун ер қаъри участкаларини олиб қўйиш зарур бўлганда;

Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонуннинг 24, 30 ва 33-моддаларида назарда тутилган қоидалар бажарилмаган тақдирда муддатидан илгари тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар қонун ҳужжатлари талабларини бузганлари такчдирда ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинишлари мумкин.

Ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқи тегишли органлар томонидан уларнинг ўзлари берган лицензия ва кон ажратмаси беришга оид далолатномани бекор қилиш йўли билан тўхтатилади.

## *§ 5. Ер ости бойликларидан фойдаланишнинг пуллик тизими.*

Экология ҳуқуқи принципларидан бири-табиий ресурслардан умумий фойдаланишнинг пулсиз ва махсус фойдаланишнинг пулликлигидир. Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 33 ва Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонуннинг 22-моддаларига биноан ер ости бойликларидан фойдаланиш пулликдир. Чунки минерал хом ашёдан инсонларни умумий ҳолда фойдаланиш имконияти кам ҳамда минерал бойлик тугалланадиган ва тикланмайдиган табиий объектлар тоифасига киради.

Маълумотларга кўра инсоният ҳозирги суратда планетамиз ер ости бойликларидан фойдаланиб борса, уларнинг захираси 150-170 йилда тугар экан. Шунинг учун амалиётда уларни тежаб ва теграб ишлатиш, табиатга етказилган зарарни қондириш учун ҳам ер ости бойликларидан фойдаланишнинг пуллик тизими тадбиқ қилинган.

Ер ости бойликларидан фойдаланиш учун тўловлар Солиқ кодексининг 107-моддасига биноан "Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари" ҳамда "Экология солиғи" (IX бўлим) ҳамда қонунда кўзда тутилган бошқа тўловлар асосида ундириб олинади.

Экология солиғи субъектларнинг даромад пулидан бир фоизли ставка бўйича ундириб олинади ва бу маблағ бюджетдан ташқаридаги жамғармаларда мақсадли фойдаланиш учун тўпланади.

Ер остидан фойдаланганлик учун тўловлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 31 декабрда қабул қилинган "Асосий макроиқтисодий кўрсатгичларни истиқболи ва Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети тўғрисида"ги 554-қарорига мувофиқ қуйидаги ставкалардан иборат (1-жадвал).

**1-жадвал**

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси[1]

| № | Солиққа тортиладиган объектлар | Солиқ ставкалари, % ҳисобида қазиб олиш ҳажмига нисбатан |
|---|---|---|
| | I. Асосий ва ёрдамчи фойдали қазилмаларни қазиб олиш ставкаси. | |
| 1. | Энергетик ресурслар:<br>Табиий газ<br>Нефть<br>Кўмир | <br>18,5<br>12,3<br>3,8 |
| 2. | Рангли ва нодир металлар:<br>Мис<br>Молибден<br>Вольфрам<br>Олтин<br>Кумуш<br>қимматбаҳо тошлар | <br>7,9<br>1,0<br>8,0<br>2,8<br>7,0<br>24,0 |
| 3. | қора металлар:<br>Темир рудаси | <br>3,0 |
| 4. | Тоғ-кимё хом ашёлари:<br>Ош тузи<br>Калийли туз<br>Фосфорит (графитлар учун) | <br>1,3<br>0,3<br>3,7 |
| 5. | Тоғ-руда хом ашёлари:<br>Минерал буёқ<br>Асбест | <br>4,4<br>3,0 |
| 6. | Рудасиз қурилиш материаллари:<br>Цемент хом ашёси<br>Мраморнинг майда доналари<br>Гипс тоши, ганч<br>қурилиш қуми<br>қум-тош аралашмаси<br>Шахал учун ишлатиладиган тош | <br>1,5<br>2,9<br>4,1<br>2,3<br>2,9<br>2,9 |
| | II. Техноген хосилалардан фойдаланиш ҳуқуқи | асосий фойдали қазилмалардан қазиб олинган миқдордан 30 % ҳисобида |
| | III. Фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлар қуриш | қурилиш сметасидан 2% миқдорда |

[1] Налоговые и таможенные вести. № 10. 2000 г.

| | | |
|---|---|---|
| | IV. Фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини эксплуатация қилиш:<br>12кгс/кв.см дан ошиқ босимга эга бўлган ер ости газ қувирлари (трубалар диаметрига қараб)<br><br>Ер ости сув қувирлари (трубалар диаметрига қараб) | 9,4 - 39,2 минг сўм 1 км узунликдаги қувир учун<br><br>3,7 - 29,4 минг сўм 1 км узундикдаги қувир учун |

Ер ости бойликларидан фойдаланиш давомида фойдаланувчилар атроф муҳитга ҳолати зарар етказадиган бўлсалар ифлослантирганликлари учун юқорида айтиб ўтилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 554-сон қарорига мувофиқ равишда: атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқарганликлари учун солиқ тўловлари; сув объектлари ва маҳаллий рельефни ифлослантирганликлари учун солиқ тўловларини сўм ҳисобида чиқарилган модданинг ҳар бир тоннаси ҳисобига қараб тўлаб беришлари шарт. Масалан, цемент чангини атмосферага чиқаргани учун субъектлар 16,8 сўм/тонна, қўлом бирикмалари учун 4941,2 - 28000 сўм/тонна, мис бирикмалари учун 8400 сўм/тонна миқдорида солиқ тўловлари белгиланган. Солиқ тўловлари ставкалари минерал хом ашёнинг экологик хавфлилик даражаси ва уларни бехатар қилиш учун сарфланадиган чора тадбирлар кўламига қараб белгиланади.

Ер қаъридаги минерал бойликлардан фойдаланиш учун тўловларидан Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонуннинг 23 ва Солиқ Кодексининг 108-моддаларига мувофиқ қуйидаги шахслар озод қилинади:

ер остини геологик тарзда ўрганувчилар;

геология, минералогия ва бошқа алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудларда илмий ишлар олиб борувчилар;

давлат бюджетидаги муассасалар ва ташкилотлар - ер ости иншоотлари қурганлик ва улардан фойдаланганлик учун.

ўзларига берилган ер участкалари доирасида ўзларининг хўжалик ва маиший эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда кенг тарқалган фойдали қазилмалар қазиб олишни ҳамда ер ости иншоотлари қуришни амалга ошираётган ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар;

метрополитен - ер ости иншоотларидан фойдаланганлик учун.

Шундай қилиб, ер ости бойликларидан фойдаланувчилар тўрт хил шаклда солиқ ставкаларини тўлайдилар: фойдали қазилмаларни қидириш ва уларни разведка қилиш; ер ости бойликларини қазиб олиш; фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлар қуриш; фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларни эксплуатация қилиш. Лекин ушбу соҳадаги қонунчилик ер ости бойликларини қазиб олиш давомида кўмилган чиқитлардан олинадиган солиқни инобатга олмагандир, бу масала эса глобал экологик муаммолар туркумига киради.

# XI-БОБ. Ўсимлик дунёсидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ҳолати.

## *1§. Ўсимлик дунёсидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш ҳуқуқий ҳолатининг тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари.*

Ўсимлик дунёси табиат объектлари ичида алоҳида ва муҳим ўринни эгаллайди. Ўсимлик дунёсининг табиат объектлари орасидаги тутган ўрни унинг табиат ва жамият ҳаётидаги аҳамияти, табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқаси, узвийлиги ҳамда муносабатидаги ролидан келиб чиқади. Ўсимлик дунёсини ҳуқуқий ҳолати унинг табиат ва жамиятдаги ана шу ўрни ҳамда аҳамиятини эътиборга олган ҳолда белгиланади.

Ўсимлик дунёси ҳуқуқий ҳолатини белгилашда аввало унинг табиатда тутган ўрни, фойдаланиш аҳамияти, муҳофаза қилиш зарурияти инобатга олинади. Табиат объектлари ичида ўсимлик дунёси муҳим экологик функцияни бажариши билан характерланади. У табиий атроф муҳит мувозанатини сақлаб туриб, ундаги тирик мавжудодни яшаши учун муҳим бўлган кислород етказиб беради. Шунингдек, ўсимлик дунёси ерни сув ва шамол эрозиясидан, қуёш нуридан сақлашда, сувни муҳофаза этишда муҳим роль ўйнайди.

Ўсимлик дунёси экологик вазифадан ташқари хўжалик эҳтиёжларини қондиришда ҳам муҳим хом-ашё манбаи сифатида хизмат қилади. Ундан саноат, қишлоқ хўжалиги, табобат, соғломлаштириш, илм-фан мақсадларида кенг фойдаланилади. Ўсимлик дунёси ёғоч, мева, дори-дармон, пичан тайёрлашда муҳим манба бўлиб ҳисобланади.

Ўсимлик дунёси объектларининг ана шу экологик ҳамда хўжалик эҳтиёжлари вазифасининг бажариш йўналишларидан келиб чиқиб, уларга нисбатан ҳуқуқий ҳолат ўрнатилади. Масалан, ўрмонлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича муносабатлари белгиланган ҳуқуқий ҳолатга нисбатан, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик турларидан фойдаланиш тартибига белгиланган ҳуқуқий ҳолат фарқ қилиши мумкин. Ёки илмий мақсадларда фойдаланиладиган ўсимлик дунёси объектларининг ҳуқуқий ҳолати ёввойи организмлардан топган табиий ўсимликлар жамоаларига белгиланган ҳуқуқий ҳолатидан бошқача бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида ўсимлик дунёсидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни тартибга солувчи, ўсимлик дунёси объектлари ҳуқуқий ҳолатини ўрнатувчи меъёрий хўжжатлар қабул қилинган. Булар жумласига Ўзбекистон Республикаи Конституцияси, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ўрмон тўғрисида"ги, "Мулкчилик тўғрисида"ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Маъмурий жавобгарлик, Фуқаролик кодексларини киритиш мумкин.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўсимлик дунёсига нисбатан мулкчиликнинг ҳуқуқий ҳолати ўрнатилган бўлиб, унга кўра ўсимлик дунёси давлат мулки -умуммиллий бойлик бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат муҳофазасидадир (55-модда). Ўсимлик дунёси объектлари мулкчилигига нисбатан худди шундай ҳуқуқий ҳолат "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги (4-модда), "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги (3-модда), "Ўрмон тўғрисида"ги (3-модда), "Мулкчилик тўғрисида"ги (-модда) қонунларда ҳам белгиланган.

Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлар табиий шароитда ўсадиган ўсимлик дунёси, шунингдек такрор кўпайтириш ва генетик фондини сақлаш учун экиб ўстираётган ёввойи ўсимликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлиб, уларнинг асосий вазифаси флоранинг тур таркибини ва генетик фондини табиий шароитларда сақлаб қолиш, табиий ўсимликлар жамоаларининг ва ёввойи ўсимликлар ўсадиган муҳитнинг бир бутунлигини сақлаш, ўсимлик дунёсидан оқилона фойдаланиш ва уни такрор кўпайтиришни таъминлаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятларини ҳуқуқий тартибга солиш, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш қоидалари бузилганда айбдорларга тегишлича мулкий, маъмурий, жиноий жавобгарлик жазо-чораларини қўллашдан иборат бўлади.

Ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича ҳуқуий ҳолатни белгилашда Ўзбекистон Республикасининг "Ўрмон тўғрисида"ги ва "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунлари алоҳида ўринни эгаллайди. Бу қонунларда ўсимлик дунёси объектлари, ушбу объектлардан фойдаланиш турлари, муддатлари, нормативлари, фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятялари, ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишни чеклаш, тўхтатиш ва ман этиш, ўсимлик дунёси объектларининг мониторинги, давлат кадастри каби масалалар тартибга солинган.

қонунда ўсимлик дунёси тушунчаси бевосита очиб берилмаган. Шунингдек ўсимлик дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчаси ҳам қонунда ўз ифодасини топмаган. Ўсимлик дунёси тушунчаси юридик адабиётда ҳам ҳали тадқиқот предмети бўлган эмас. Ҳууқий адабиётларда фақат ўрмон тушунчаси ва ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчаларигагина эътибор қаратилган.[1] Маълумки, ўсимлик дунёси тушунчаси ўрмон тушунчасига нисбатан анча кенг бўлиб, ундан баъзи жиҳатлари бўйича фарқ ҳам қилади. Масалан, ўрмон тушунчасига дов-дарахтлар билан қопланган ерлар билан бир қаторда, дов-дарахтлар билан қопланмаган, аммо шу мақсадларга ажратилган ерларни ҳам киритамиз. Бундан ташқари, ўсимлик дунёи

[1] Каранг: Намазов Ф.С. "Узбекистонда урмонлардан фойдаланиш хукуки." -Т.: НПО "Восток", -2000.

тушунчасига сув остида ўсадиган ўсимликларни ҳам киритишимиз мумкин, лекин улар ўрмон тушунчасини бермаслиги мумкин ва ҳоказо.

Ўсимлик дунёси деганда чорвачилик, овчилик, техник хом-ашё тайёрлаш, доривorларни йиғиш, дарахт ва буталарни кесиш, илмий-тадқиқот, маданий-маърифий, соғломлаштириш, рекреация, табиатни муҳофаза қилиш мақсадларида фойдаланиладиган ёввойи организмлар дарахт, бута ва ўтсимон уруғлайдиган ўсимликлар, қирққулоқсимонлар моҳсимонлар, сув ўтлари, лишайниклар, замбуруғлар, табиий ўсимликлар мажмуи йиғиндиси тушунилади. Шундан келиб чиқиб ўсимлик дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқи қонунда белгиланган мақсадларда ўсимликлар мажмуидан фойдаланишда келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар иғиндиси тушунилади. Бу ҳуқуқий нормалар ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, фойдаланиш учун бериш, тўхтатиш, бекор қилиш тартибларини, давлат бошқаруви, ўсимлик дунёси муҳофазаси билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлади. Демак, ўсимлик дунёсининг ҳуқуқий ҳолати ўсимлик дунёсига нисбатан мулкдорлик, давлат бошқаруви, ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш, фойдаланишни чеклаш, тўхтатиш, бекор қилиш, фойдаланиш нормативлари, фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда қонуний манфаатлари, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш, ўсимлик дунёси мониторинги, давлат кадастри, давлат назорати каби тартиб-қоидаларни белгилаш ва ўрнатишни мақсад қилади.

Ўсимлик дунёсининг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда ҳаракатдаги қонунчилик унинг объектларини аниқлашга алоҳида эътибор берган. Чунончи Ўзбекистон Республикасининг "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасига кўра, ўсимлик дунёси объектларини, биринчидан, ёввойи организмлар, яъни дарахт, бута ва ўтсимон уруғлайдиган ўсимликлар, қирққулоқсимонлар, моҳсимонлар, сув ўтлари, лишайниклар ва замбуруғлар ўзининг бутун хилма-хил турлари билан; иккинчидан, ёввойи организмлардан ташкил топадиган табиий ўсимликлар жамоалари ёки уларнинг ҳар қандай мажмуи; учинчидан, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик турлари; тўртинчидан, ёввойи ўсимликларнинг мевалари, уруғлари ва бошқа қисмлари ёки улар ҳаёт фаолиятининг маҳсуллари ташкил этади.

"Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун ўсимлик дунёсидан фойдаланиш муддатлари, шакллари, турлари, нормативлари, бекор қилиш асосларини ўрнатишга катта аҳамият берган. Бу нормаларда ўсимлик дунёсидан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолати, тартиблари ўрнатилган. Чунончи, қонуннинг 6-моддасида ўрнатилишича, ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш умумий ва махсус бўлиши мумкин. Ўсимлик дунёси объектларидан умумий фойдаланиш жисмоний шахслар томонидан ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш учун бепул амалга оширилади. Ўсимлик дунёси объектлари махсус фойдаланишга ишлаб чиқариш фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга ошириш учун ҳақ эвазига юридик ва жисмоний шахсларга рухсатномалар асосида берилади. Ўсимлик

дунёси объектлари доимий ёки вақтинча (узоқ муддатли ва қисқа муддатли) фойдаланишга берилади (8-модда).

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш тартиби ва асослари қонунда батафсил белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикасининг "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунининг 19-моддасига биноан ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ҳуқуқи шундай ҳуқуқдан воз кечилганда; муддат тугаганда; фойдаланувчи юридик шахс тугатилганда; ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни такрор кўпайтириш қоидалари, нормативлари бузилганда; ҳақ белгиланган муддатда тўланмаганда; фойдаланиш таъсирида табиий ўсимликлар жамоаларида аслига қайтариб бўлмас ўзгаришлар хавфи юзага келганда; ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда бекор қилинади. Айрим турдаги ёввойи ўсимликларнинг, масалан, заҳарли, гиёҳванд моддаси бор, карантинли ўсимликлар, бегона ўтлар ҳамда шудгорлар, пичанзорлар ва яйловларнинг ўз-ўзидан ўт босиб кетишга кўмаклашадиган бошқа ўсимликларнинг тарқалишини ва уларнинг миқдорини тартибга солиш бошқа ўсимликларга ва ўзга табиат объектларига зарар етказилишига йўл қўйилмайдиган ҳамда табиий ўсимликлар жамоаларининг ва улар ўсадиган муҳитнинг сақланишини таъминлайдиган усуллар билан амалга оширилади. Тарқалиши ва миқдори тартибга солиниши лозим бўлган ёввойи ўсимликларнинг турлари махсус ваколат берилган давлат органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг хулосалари асосида белгилаб берилади.

Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида махсус ваколатли давлат бошқарув органлари ҳисобланадилар. Ўлар зиммасига ўсимлик дунёси объектларидан қонунда белгиланган тартиб ва асосларда самарали ва мақсадга мувофиқ фойдаланишни бошқариш вазифаси юклатилган.

Умуман олганда ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолати ушбу табиий ресурслардан табиат ва жамиятнинг умумий қонуниятлари асосида экологик ва иқтисодий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда улардан оқилона ва самарали фойдаланиш, камёб ҳамда йўқолиб кетаётган ўсимлик дунёсини сақлаб қолиш учун хизмат қилади.

### *2§. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш турлари.*

Ўсимлик дунёси объектларидан турли хил мақсадларда фойдаланилади. Ўсимлик дунёсидан фойдаланиш мақсади аввало ўсимлик дунёси объектларининг хусусиятидан келиб чиқади. Чунончи, ўрмонлар ёғоч

кесиш ёки пичан ўриш ёхуд бошқа мақсадларда фойдаланилса, ботаника боғлари илмий мақсадларда фойдаланиши мумкин ва ҳакозо.

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш турлари Ўзбекистон Республикасининг "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунида кўрсатилган. Ушбу қонуннинг 7-моддасига кўра, ўсимлик дунёсидан биринчи навбатда чорвачилик эҳтиёжлари учун ёввойи озуқа маҳсулотини тайёрлаш мақсадида фойдаланилади. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан чорвачилик эҳтиёжлари учун ёввойи озуқа маҳсулотини тайёрлаш ва чорва молларини ўтлатиб боқиш махсус бериб қўйилган табиий ем-хашак етиштириладиган майдонларда ўрмон фонди ҳудудида ўрмон билетлари бўйича; қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари, ташкилотлари эгалигидаги ерлар ҳудудида уларнинг рухсатномалари бўйича; захирадаги ерларда - маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари асосида амалга оширилади (12-модда).

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш турларидан навбатдагиси чорва молларини ўтлатиб боқиш ҳисобланади. Чорва молларини ўтлатиш ўрмон фонди ерларидаги ўтлоқзорларда, тоғлар ва тоғ ён бағирларидаги яйловларда, қишлоқ хўжалик корхоналарига бериб қўйилган яйловларда амалга оширилади. Ўсимлик дунёсидан ушбу мақсадда фойдаланишга қонунда белгиланган тартибда давлат, ўрмон ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг рухсатномалари орқали йўл қўйилади.

Овчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишнинг навбатдаги тури ҳисобланади. "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 13-моддасида белгиланишича, ўсимлик дунёси объектларидан овчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўзларига бериб қўйилган овчилик ер-сувларида амалга оширилади. Ўсимлик дунёсидан овчилик мақсадида фойдаланиш тегишли рухсат асосида ўрмонларда, бутазорларда, тоғларда, сув бўйи чангалзорларида олиб борилади. Ўсимлик дунёси объектларидан овчилик эҳтиёжлари учун фойдаланиш тегишли тартибда, белгиланган меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Бу меъёрий ҳужжатларда ов қилиш қоидалари белгиланган бўлади.

Навбатдаги ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш турларидан бири бу ёввойи ўсимликлар техник хом ашёсини тайёрлаш, доривор хом ашёсини йиғиш, озиқ-овқат мақсадлари учун йиғиш ҳисобланади. Бу турдаги фойдаланишда ёғоч шираси олиш; спирт тайёрлаш, дориворларни, зираворларни, меваларни, қўзиқоринларни йиғиш мақсад қилиб қўйилади. Ўсимлик дунёсидан бу хилда фойдаланиш умумий ва махсус тарзда амалга оширилади.

Дарахт ва бутазорларни кесиш - ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишнинг навбатдаги туридир. Дарахт ва бутазорларни кесиш ўрмон фонди ерларида тегишли тартибда бериладиган рухсатномалар асосида амалга оширилади. Ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталарни

кесишга фақат санитария ҳамда бинолар, иншоотлар ва коммуникациялар қурилиши билан боғлиқ кесишлар тартибида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган асосан йўл қўйилади.

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш турларидан бири ундан илмий-тадқиқот мақсадларида фойдаланишдир. Бу хилдаги мақсадда фойдаланиш илмий муассасалар томонидан амалга оширилиб, унда ёввойи ўсимликларнинг келиб чиқиши, турлари, номи, кўпайиши, жамият учун фойдаланиш мақсадлари ўрганилади. қонунда белгиланишича, ўсимлик дунёси объектларидан илмий-тадқиқот мақсадларида ёввойи ўсимликларни, уларнинг қисмларини ва маҳсулларини ўсиш муҳитидан олмасдан ва олган ҳолда фойдаланишга фақат қонунда белгиланган тартибда йўл қўйилади. Табиий ўсимликлар жамоаларида илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш учун тегишли юридик шахсларга махсус учаткалар ажратилиши лозим. Агар бу ўсимлик жамоаларида илмий-тадқиқот олиб бориш лозим бўлса, бошқа ташкилотларнинг бу объектдан фойдаланиши чекланиши мумкин.

Ўсимлик дунёси объектларидан маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреация ва эстетик мақсадларда фойдаланиши улардан фойдаланишнинг мустақил тури ҳисобланади. Шифобахш хоссаларга эга бўлган ва аҳолининг дам олиши учун қулай шарт шароит яратадиган ўсимлик дунёси объектларидан соғломлаштириш ва рекреация мақсадларида фойдаланилади. Бундай жойларда санаториялар, шифохоналар, дам олиш уйлари, лагерлар бунёд этилиб, улардан аҳолини дам олиши, соғлиғини тиклаши мақсадларида фойдаланилади.

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш туридан оҳиргиси улардан табиатни муҳофаза қилиш мақсадларида фойдаланишдир. Маълумки, ўсимлик дунёси тоғларда сувларни тўпланиши, тоғларда жарликларни пайдо бўлиши олдини олиш, суғориладиган ерлар, экин майдонларини сув ва шамол эрозиясидан асраш, сув бўйи теграларини сақлаш, атмосфера ҳавосини мўтадил равишда сақлаб туришда асосий восита ҳисобланади. Шу сабабдан сув бўйи теграларида, экин майдонлари атрофида ер ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш мақсадида дарахтлар экилиб, улардан табиатни муҳофаза қилиш мақсади кўзланади.

## *3§. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.*

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 10-моддасида белгилаб берилган. Шулардан биринчиси ўсимлик дунёси объектларидан уларни бериб қўйиш шартларига мувофиқ фойдаланишдир. Ўсимлик дунёси объектлари нима мақсадда берилган бўлса, яъни илмий мақсадда фойдаланишга, ёғоч кесиш учунми, ёхуд яйлов мақсадидами фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар шу мақсадда фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар. Агар ўсимлик дунёси объекти

илмий мақсадлар учун берилган бўлса, ундан овчилик учун фойдаланиш мумкин эмас ва ҳоказо.

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчиларнинг навбатдаги ҳуқуқларидан бири бу белгиланган тартибда олинган ўсимлик дунёси объектлари маҳсулотини тасарруф этиш ҳуқуқидир. Ўсимлик дунёсидан фойдаланувчилар маълумки ундан фойдаланиш жараёнида маълум мол-мулкка - овчилик маҳсулотлари, доривор ва зироворлар, ёғоч хом ашёси, пичан, озиқ-овқат маҳсулотларига эга бўладилар. қонунда белгиланган тартибда эгалланган ушбу ўсимлик дунёси маҳсулотлари ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан мустақил равишда тасарруф этилади.

Юқорида айтилганлардан ташқари симлик дунёси объектларидан фойдаланувчилар бузилган ҳуқуқларини тикланиши ҳамда ўзларига етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Масалан, ўрмон хўжалиги корхоналари юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўрмонлардан қонунга хилоф равишда фойдаланилганда бузилган ҳуқуқларини суд йўли билан тиклаш ва ўзларига етказилган зарарни тўла ундириб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчилар ҳуқуқлар билан бир қаторда баъзи мажбуриятларга ҳам риоя қилишлари шартдир. Шулардан энг муҳими ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этишдир. Маълумки, ўсимлик дунёси объектлари олдиндан белгиланган мақсад, яъни яйлов мақсадида, ёввойи ўсимлик меваларини териш, илмий мақсадда, ёхуд пичан ўриш, ёки ёғоч кесиш масадларида берилиши мумкин. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчилар энг аввало мана шу талабга риоя қилган ҳолда ундан фойдаланишлари лозим. Бундан ташқари, ёғоч кесиш, пичан ўриш, ов қилишнинг ўз тартиб-қоидалари мавжуд бўлиб, ўсимлик дунёсидан фойдаланувчилар шу шартларни ҳам бажаришлари талаб этилади.

Навбатдаги мажбуриятларидан бири фойдаланишга бериб қўйилган ўсимлик дунёси объектларидан оқилона фойдаланиш шартдир. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчи субъектлар ундан илм-фан тавсияси асосида, унга зарар етказмасдан, камёб ўсимлик турларини йўқолиб кетишга йўл қўймасдан, табиатнинг умумий қонуниятларига риоя этган ҳолда, ўсимлик дунёсини такрор кўпайтиришни кўзлаб оқилона фойдаланишга мажбурдирлар.

Ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва уларни такрор кўпайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш фойдаланувчиларнинг асосий мажбуриятларидан биридир. Бунинг учун ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва уларни кўпайтириш қоидалари ва нормативларини белгилаш, Ўзбекистон Республикаси қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимликлар турларини муҳофаза қилишнинг алоҳида режимини белгилаш, ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишда чеклашлар ва таъқиқлашларни белгилаш, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар барпо қилиш,

ўсимлик дунёси объектлари ва улар ўсадиган муҳитни муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва такрор кўпайтириш соҳасидаги илмий-тадқиқотларни ташкил этиш, давлат экологик экспертизаси ўтказиш, давлат назоратини амалга ошириш каби тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади.

Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш учун қонунда белгиланишича, ўсимлик дунёси объектлари ўсадиган муҳитга таъсир кўрсатадиган фаолият шу объектларнинг сақланишини таъминлайдиган талабларга риоя этилган ҳолда амалга оширилиши лозим (24-модда). Ўсимлик дунёси ўсадиган муҳитга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш, янги технологияларни жорий этиш, геология-қидирув ишларини ўтказиш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш, чорва молларини ўтлатиб боқиш Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси билан келишиб олиниши керак. Ўсимлик дунёсини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари билан таъминланмаган ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш ҳамда технологияларни қўллаш ман қилинади. Минерал ўғитлар ва бошқа дорилар қўлланилган тақдирда ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш талаблари ҳисобга олиниши зарур бўлади.

Юқорида санаб кўрсатилганлардан ташқари, юридик ва жисмоний шахслар ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш жойларида ёнғин хавфсизлигига риоя этишлари ҳамда ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида тўлаб боришлари талаб этилади.

## *4§. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг чора-тадбирлари.*

Ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикасининг ҳаракатдаги қонунларида белгиланган. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўрсатилишича, ўсимлик дунёси умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва давлат муҳофазасидадир (55-модда). Бундан ташқари Асосий қонунимизда фуқароларнинг табиий атроф муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишлари лозимлиги ўрнатилган. Бу конституцион қоидалар ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг кафолатлари бўлиб ҳисобланади.

Ушбу конституцион қоидалардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикасининг "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ўрмон тўғрисида"ги, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги қонунларида ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг чора-тадбирлари белгиланган. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунида кўрсатилишича, ўсимлик дунёсидан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат муҳофазасидадир (3-модда). Ўсимлик

дунёси объектларидан фойдаланувчилар ундан қонунда белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этган ҳолда фойдаланишлари шарт. Агар шу тартибга риоя қилинмаса ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чеклаб қўйилиши, тўхтатиб турилиши ёки ман этилиши мумкин (11-модда). Бундан ташқари, ушбу қонунда ўрнатилишича Ўзбекистон Республикаси қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остиба турган ўсимлик турларини йиғиш ман этилади. Улардан фойдаланишга, савдо қилишга, чет элга олиб чиқишга алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг тақдимномаси ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг хулосаси бўйича берадиган рухсатномалар асосида йўл қўйилган (11-модда).

Ўсимлик дунёси ўсадиган муҳитга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш агар ҳимоя қилиш чора-тадбирлари билан таъминланмаган бўлса ишга тушириш таъқиқланади.

Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш фуқаролик, маъмурий, жиноий ҳуқуқий восита ва усуллар ёрдамида ҳам амалга оширилиши мумкин. Фуқаролик кодексида белгиланган бузилган ҳуқуқни ҳимоя этиш усуллари ўсимлик дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилишда ҳам қўлланилиши мумкин. Шундай усуллардан бири ҳуқуқни бузишга қаратилган битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳисобланади. Масалан, ўсимлик дунёси объектларига ничсбатан ғайриқонуний битимлар тузилса, пичанзорлар ғайриқонуний равишда фойдаланишга берилса, ўрмон фондига нисбатан ижара шартномаси қонунни бузган ҳолда тузилса бундай битимлар ҳақиқий эмас деб топилади ва тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича қайтариб бериш, олинган даромадни, етказилган зарарни қоплаш ҳаракатларини амалга ошириши лозим бўлади.

Яна бир фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя усули ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳисобланади. Маълумки, ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш бўйича ҳуқуқий муносабат турли субъектлар ўртасида субъектив ҳуқуқларни амалга ошириш ёки бурчларни бажариш бўйича рўй берадиган ўзаро ижтимоий муносабат маъносида тушунилади. Бундай ҳуқуқий муносабат ичида энг кенг тарқалгани шартномавий муносабатдир. Агар мана шу ҳуқуқий муносабат жараёнида унинг бошқа иштирокчилари томонидан ҳуқуқ бузиладиган бўлса, бундай ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартиши мумкин.

Бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш усулларидан яна бири ҳуқуқбузар томонидан бурчни аслича (натура) ҳолида бажаришга мажбур қилиш ҳисобланади. Масалан, ўсимлик дунёси объектни такрор кўпайтириш мажбуриятини олган томон шу мажбуриятни бажармаса, уни тегишли тартибда ушбу бурчни бажаришга мажбур этиш мумкин.

Зарарни қоплаш ва неустойка ундириш бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш йўлларидан биридир. Ушбу усул бурчни натура шаклида ижро этишга мажбурлаш усулидан шуниси билан фарқ қиладики, бунда ҳуқуқбузар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик учун пул кўринишида товон тўланишига рози бўлинади. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш қоидалари бузилганда фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик сифатида неустойка ундириш қўлланилади.

Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи маъмурий ҳуқуқий усуллар ёрдамида ҳам ҳимоя қилинади. Бунда маъмурий қонунчилик чора-тадбирлари ҳуқуқ бузилишини тиклашга, айбдорни маъмурий йўллар билан жазолашга хизмат қилади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг VIII бобида кўрсатилишича, ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш (77-модда), кесиладиган ўрмон фондидан фойдаланиш тартибини бузиш (78-модда), дарахтлар, буталар, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳоларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш (79-модда), ўрмонларни тиклаш қоидаларини бузиш (80-модда), қизил китобга киритилган ўсимликларни йиғиш (81-модда), алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тартибини бузиш (82-модда), ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилиб юбориш (83-модда), ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузиш (84-модда) каби маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган фуқароларга нисбатан энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан тортиб, то беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса бир бараваридан, то етти бараваригача жарима солиш жазоси қўлланилади. Агар аниқ бир маъмурий ҳуқуқбузарлик, масалан қизил китобга киритилган ўсимликларни йиғиш (81-модда) ҳуқуқбузарлигини оладиган бўлсак ушбу нормада белгиланишича, Ўзбекистон Республикасининг қизил китобига киритилган ўсимликларни ёхуд шундай ўсимликларнинг илдизлари, поялари, шохлари, барглари, гуллари, мевалари ва уруғларини ўзбошимчалик билан йиғиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ҳудди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг навбатдаги воситаларидан бири жиноий-ҳуқуқий жазо чоралари билан ҳимоя этишдир. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг экология соҳасидаги жиноятларга бағишланган тўртинчи бўлимининг ўн тўртинчи бобида атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, бу жиноий жазо чоралари ўсимлик дунёсидан фойдаланиш қоидаларини бузганларга нисбатан ҳам қўлланилади. Хусусан, Жиноят кодексининг 198-моддасида экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-

дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш, 199-моддада ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандалари билан кураш талабларини бузиш, 202-моддасида ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш, 204-моддасида эса алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тартибини бузиш каби жиноий хатти-ҳаракатлар учун энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бораваридан юз бараваригача миқдорда жарима, уч йилгача муддатда ахлоқ тузатиш иши, муайян ҳуқуқдан беш йилгача муддатга маҳрум қилиш, мол-мулкини мусодара қилиш, олти ойгача қамо, ҳамда беш ймлгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазолари қўлланилиши мумкинлиги белгиланган.

# XII БОБ. Ўрмонлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ҳолати.

## *1§. Ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчаси.*

Ўрмон табиатнинг энг бебаҳо бойликларидан биридир. У табиий атроф муҳитни соғломлаштириш, инсон яшаш шароитини яхшилаш, ер ва сув бойликларини муҳофаза қилиш, атмосфера ҳавосини тозалашда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга Ўзбекистонда ўрмонлар халқ хўжалигида маҳаллий эҳтиёжларни қондиришда муҳим роль ўйнайди.

Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимиз ўрмон фондининг умумий майдони 9.147.275 гектарни ташкил этади. Жумладан, шу майдоннинг 3002541 гектари ўрмон билан қопланган бўлиб, унда 12 млн.куб метр ёғоч захираси мавжуд. Республикамиз ҳудудининг 5,1 фоизи дарахтзор бўлиб, у ҳар бир киши бошига 0,1 гектарни ташкил этади. Ўзбекистон Республикасида жами 90 та ўрмон хўжалиги корхонаси мавжуд бўлиб, булардан 72 таси ўрмон хўжалиги, 6 таси давлат қўриқхонаси, 2таси доривор ва озуқа ўсимликлари ўстириш ва қадоқлашга ихтисослашган хўжалик, 2 таси ўрмон овчилик хўжалиги, 2 таси Зоомин ва Угам-Чотқол миллий истироҳат боғлари ва 2 таси хўжалик ҳисобидаги ўрмон участкалари, 1та ихтисослаштирилган ўрмон хўжалиги, 2 та бош ўрмон корхонаси ва 1таси ишлаб чиқариш ўқув марказидир.

Ўрмон деганда, ўрмон фондига ажратилган, давлат рўйхатига олинган, асосан экологик вазифаларни бажарадиган ва чекланган даражадаги фойдаланиш аҳамиятига эга бўлган дарахтлар, буталар ва бошқа ўсимликлардан таркиб топган табиат объекти мажмуини тушуниш керак.

Юридик адабиётларда ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқининг тушунчаси ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра бундай ҳуқуқ деб, ўрмондан фойдаланиш ва қайта тиклаш тартиби ва шартларини белгиловчи, ўрмондан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрнатувчи ҳамда ўрмонни

муҳофаза қилиш қоидаларини мустаҳкамловчи ҳуқуқий меъёрлар йиғиндисига айтилади.[1]

юридик адабиётларда берилган ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчасида бир муҳим салбий томони бор, яъни унинг асосини бу ҳуқуқнинг жамият иқтисодий талабларини қондириш мақсадларига амал қилишдир. Ўзбекистондаги ўрмонларнинг ўзига хос вазифалари ва фойдаланишидан келиб чиқиб, бундай ёндашув нотўғри эканлигини айтиб ўтмоқчимиз. Ўзбекистондаги ўрмонлардан жамият иқтисодий талабларини қондириш мақсадларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмаслиги ва бу ҳолатни ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйиш лозим эканлиги тўғрисидаги фикр ҳам айтилган.[1]

эндиликда "Ўрмон тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддасида ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқининг пировард мақсади иқтисодий талабни қондириш эмас, балки асосан экологик вазифа эканлиги ва хўжалик муомаласига чекланган миқдорда тортилиши белгилаб қўйилган. Мана шу нуқтаи назардан юридик адабиётларда мавжуд ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчасини Ўзбекистон шароитида тўлиқ қўллаб бўлмайди. Бу тушунча бизнинг шароитимиз учун эскирган ҳисобланади. қолаверса, мавжуд тағрифларда ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи, ўрмон ҳуқуқи, ҳуқуқ тармоғининг асосий институти эканлигидан келиб чиқиб берилга. Бу эса ўз навбатида субъектив ҳуқуқни хаспўшлашликка олиб келган. Шу боисдан бир ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқини иккита тўрга бўламиз: у флора (ўсимликлар дунёси) ҳуқуқи асосий институти ва субъектив ҳуқуқдир.

Юқорида айтилган фикрлардан келиб чиқиб, ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи деб, тегишли ҳуқуқ тармоғида берилган ўрмон участкаларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш муносабатларини асосан экологик вазифалар ҳамда чекланган хўжалик юритиш масадларида тартибга соладиган, субъектларнинг ўрмондан фойдаланиш соҳасида ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлайдиган меъёрлар йиғиндисига айтилади.

Ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчасини тўлиқ тасаввур этиш учун ўрмонлардан фойдаланиш турлари ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Ўрмонлардан фойдаланиш турларини тўғри туркумлаш ўрмонлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишни амалга ошириш учун муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда "Ўрмон тўғрисида"ги қонуннинг 25-моддаси диққатга сазовордир. Ўрмонлардан фойдаланишни туркумлашнинг асоси бўлиб, уларнинг табиат объекти сифатида роли ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, ўрмонлардан фойдаланишни қуйидагича туркумлаш мумкин: дарахтзорлар ва бутазорларни кесиш; ўрмондан қўшимча фойдаланиш: пичан ўриш, мол боқиш, асалари уялари ва қутиларини жойлаштириш, асал йиғиш, дарахт пўстлоғи, тўнка, тўплаш ёввойи ўсимликлар доривор хом-ашёсини тайёрлаш (йиғиш) ва озиқ-овқат мақсадлари учун ёввойи ўсимликларни тайёрлаш (йиғиш); давлат ўрмон фонди участкаларидан овчилик хўжалиги

---

[1] Крассов О.И. Право лесопользования в СССР. М.: Наука, 1990. -С.26.

[1] Жураев Ю.А. Проблемы правового режима и охраны государственных памятников природы. Т.: Фан, 1990. С.17.

эҳтиёжлари учун фойдаланиш; давлат ўрмон участкаларида илмий-тадқиқот мақсадларида фойдаланиш; давлат ўрмон фонди участкаларидан маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреацион ва эстетик мақсадларда фойдаланиш.

Ўрмонлардан фойдаланишни тартибга солувчи ҳаракатдаги қонунчиликни таҳлил қилиш ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширишнинг ҳуқуқий шаклларини кўрсатиб беради. "Ўрмон тўғрисида"ги қонуннинг мазмунига биноан ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуқи доимо бирламчи бўлиб ҳисобланади. Ўрмон хўжалиги юритувчи корхоналар ҳамма ҳолатларда ўрмонлардан бирламчи фойдаланувчи ва эгалик қилувчи субъектлар сифатида ҳаракат қиладилар. Ўрмон фонди ерлари ижара асосида фойдаланишга топширилганида эса ижарачилар ўрмондан иккиламчи фойдаланувчи бўлиб ҳисобланадилар. Олдинги қонунларга кўра, ўрмонлардан бирламчи субъект сифатида фойдаланаётганлар уни иккиламчи фойдаланиш учун беришлари мумкин эмас эди. Энди эса тартиб бир мунча ўзгарди. Ўрмонлардан фойдаланувчилар томонидан қонунда белгиланган тартибда ер участкаларини пичан ўриш ва мол боқиш, хизмат учун чек ерлар беришларини агар улар ижара шартномаси асосида амалга оширилса, ўрмонлардан иккиламчи фойдаланиш ҳуқуқи деб қараш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси "Ўрмон тўғрисида"ги қонунига кўра, ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуқи доимий ва вақтинчалик бўлиши мумкин (19-модда). Ўрмон фонди ерлари доимий эгалик қилишга бериб қўйилган ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ўрмондан доимий фойдаланувчилардир. Ўрмондан вақтинчалик фойдаланиш қисқа муддатли уч йилгача ва узоқ муддатли ўн йилгача бўлиши мумкин.

Ўрмонлардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикасида пулликдир. Ўрмондан фойдаланганлик учун тўлов ҳақи белгиланган тартибда Давлат бюджетига ўрмон даромади сифатида келиб тушади ва ўрмон муҳофазаси, уни қайта тиклаш ва сифатини ошириш, ўрмон хўжаликларини рағбатлантириш, ўрмон тузиш ишлари каби мақсадларда ишлатилади. Ўрмондан фойдаланганлик учун тўлов ҳақи ёки ижара ҳақи ҳар йиллик ёки бир марталик ёхуд ижара ҳақи шаклларида бўлиши мумкин. Уларнинг ҳажми ўрмонлардан фойдаланиш турларига кўра ўрмон билан қопланмаган ерларнинг ҳолати ва сифатига кўра белгиланади.

## *2§. Ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуқи субъектлари ва объектлари.*

Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи назарий масалалари хусусида тадқиқот олиб борганда ушбу ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи субъектлар ҳақида тўхталиб ўтиш аҳамиятга эга. Ўрмон ҳуқуқий муносабатларида қатнашувчи субъектлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, маълум шартларга жавоб бериши керак.

Умумий қоидага кўра, ҳуқуқ субъекти деганда субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга сифатида ҳаракат қила оладиган якка шахслар, ташкилотлар, жамоат ташкилотлари тушунилади.[1] "Ўрмон тўғрисида"ги қонуннинг 19-моддасига биноан ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқига юридик ва жисмоний шахслар эга бўлишлари мумкин. Ўрмон ҳуқуқий муносабатларида қатнашувчи субъектлар ҳуқуқ ва муомала лаёқатларига эга бўлишлари лозим. Субъектив ҳуқуқнинг ушбу элементлари бўлмаса, бундай юридик ва жисмоний шахслар ўрмон ҳуқуқий муносабатларининг субъекти бўла олмайдилар.

Ўрмон қонунчилиги ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқининг субъекти сифатида ўрмон участкасини фойдаланишга бевосита олган шахсларни ҳам, шунингдек ўрмондан қонунга биноан фойдаланиш ҳуқуқи бўла туриб, амалда бу ҳуқуқдан фойдаланмаётган шахсларни ҳам тан олади. Шундай қилиб, ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи субъекти бўлиб ўрмон ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган шахслар гарчи қонунга биноан ўрмондан мавҳумий фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлсаларда тан олиниши мумкин экан. Демак, ўрмондан фойдаланиш ҳууқининг реаллиги асосида бу ҳуқуқни амалга оширувчиларни иккига бўлиш мумкин. "Ўрмондан фойдаланувчи" ва "Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуи субъекти".

Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи субъектининг ҳуқуқдорлиги улар ташкил этган пайтдан бошлаб вужудга келади ва улар фаолияти тугаганда тугатилади.

Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи субъектининг ўзига хос жиҳатларии аниқлашда ҳуқуқий адабиётларда турли хил фикрлар учрайди. Масалан, В.Ф. Горбовой ёзишича, ўрмон ҳуқуқий муносабатларининг муҳим хусусиятларидан бири шундан иборатки, бунда шу муносабатларнинг субъекти бўлиш учун қонунда белгиланган тартибда ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи реал амалга оширилиши керак.[2]

Ушбу фикрга қарама -қарши фикрни О.С. Крассов билдиради. Унинг фикрига кўра, маълум бир шахсни ўрмондан фойдаланувчи субъект бўлиши учун ушбу белгининг амалда бўлиши шарт эмас. Шунинг учун, ўрмон ҳуқуқдорлиги мавжудлиги, масалан, ўрмон корхонаси мажмуи, ўрмон хўжалиги ёки ўрмон саноати хўжалигида шундай ҳуқуқ улар ташкил топганда вужудга келади, гарчи бу вақтда улар ўрмондан фойдаланмаётган бўлсаларда, ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқининг субъектлари сифатида тан олиниши учун асос бўлади.[1] Кейинги муаллиф фикрига қўшилган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, юридик ва жисмоний шахслар ўрмондан фойдаланаётган бўлишларидан қатъи назар, агар улар ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлсалар ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланадилар.

---

[1] Каранг: Лившиц Р.З. Современная теория права (краткий очерк). М. 1992. С. 64-72; Алексеев С.С. Теория права. -М. 1995. с.19-20.

[2] Горбовой В.Ф. Предмет и система советского лесного права. -Красноярск, 1984. 144-бет.

[1] Крассов О.И. Право лесопользования в СССР. -М.: Наука, 1990. 52-бет.

Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи субъектлари ичига давлат ҳам киришлиги "Ўрмон тўғрисида"ги қонунда очиқ айтилмаган. Шунга қарамасдан у ўрмонларга нисбатан мулк ҳуқуқини субъекти, унинг эгаси сифатида фойдаланиш ҳуқуқининг субъекти бўлади. Ўрмон ҳуқуқий муносабатларида у бевосита ёки ўзининг органлари орқали иштирок этади. Ушбу органларни бир неча турларга бўлиш мумкин. Улар умумий, тармоқ ва махсус ваколатли давлат органларига бўлинади. Масалан. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, вилоят, туман халқ депутатлари Кенгашида умумий компетенциядаги ва Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, туман ҳокимликлари тармоқ давлат органлари, ўрмон қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари, ўрмон корхоналари, ўрмон хўжаликлари эса махсус ваколатли давлат органлари ҳисобланади. Ушбу давлат органлари ўрмонлардан фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, қайта тиклаш соҳасида катта ҳуқуқ ва мажбуриятларга, ваколатларга эгадирлар. Улар ўрмонлардан фойдаланишда тасарруф этиш, назорат қилиш, кадастр юритиш, ўрмон тузилиши, ҳисоботи, ўрмон ҳосилдорлигини ошириш бўйича қоидаларни белгилайдилар.

"Ўрмон тўғрисида"ги қонуннинг 20-моддасида белгиланишича, ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи юридик ва жисмоний шахсларга, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида ёзилган бўлмаса, давлат ўрмон хўжалиги органлари томонидан амалга оширилиши мумкин. Шу қоидадан келиб чиқиб айтиш мумкинки ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқининг субъектлари ичида махсус ваколатли органлари алоҳида аҳамиятга эга. Улар давлат ўрмон хўжалиги органлари[2] деб юритилиб, бир вақтнинг ўзида ҳам бошқарувни ҳам фойдаланувчи субъект вазифасини бажарадилар. Шу мақомдан келиб чиқиб улар ўрмонларнинг халқ хўжалигидаги аҳамиятини яхшилаш, иқлимни яхшилаш, халқ хўжалигини ва аҳолини ёғоч ҳамда бошқа ўрмон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, ўрмонларни кўпайтириш, сифатини яхшилаш, маҳсулотларини ошириш, ўрмонларни эҳтиёт қилиб асраш, ёнғиндан сақлаш, зараркунанда ва ҳар хил касалликлардан қўриқлаш, ўрмон фонди ерларидан оқилона ва самарали фойдаланиш каби ишларни амалга оширишдир.

Фуқаролар ўрмондан фойдаланишда алоҳида субъект сифатида ҳаракат қиладилар. Ўрмон қонунчилигида белгиланишича (30-модда) фуқаролар ўрмонларда бемалол бўлишга, ёввойи мева, ёнғоқ, кўзиқорин, резавор меваларни теришга ҳуқуқли ҳисобланадилар. Шу билан бирга фуқароларнинг ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи қонун билан чегараланиб қўйилиши мумкин. Масалан, улар шира тайёрлаш, заповедниклардан фойдаланиш ҳуқуқларидан маҳрум этилишлари мумкин.

Ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуқи субъектларини таҳлил этиш, уларни гуруҳларга ажратиш туркумлаш (классификациялаш)га ёрдам беради. Ҳуқуқий адабиётларда уларни турли хил белгиларга қараб гуруҳларга ажратилади. Чунончи, О.И. Крассовнинг фикрига кўра, ўрмондан

[2] "Урмон тугрисида"ги Конуннинг 9-моддаси 2-кисмига биноан "Узбекистон Республикаси Давлат урмон кумитаси ва унинг жойлардаги органлари давлат рмон хужалиги органлари хисобланади".

фойдаланиш қонуний субъектларини ўрмон хўжалиги юритиш мажбуриятларига қараб ўрмон хўжалиги юритувчи субъектлар ва ўрмон хўжалиги юритмайдиган субъектларга бўлинади. Биринчи тоифадаги субъектларга комплекс ўрмон хўжалиги корхоналари, комплекс ўрмон саноати корхоналари, жамоа хўжаликлари, хўжаликлараро ўрмон саноати хўжаликлари, туристик лагерлар, дам олиш базалари, фуқароларни киритади.[1]

Ўрмондан турли мақсадлар йўлида фойдаланиш мезонига қараб ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи субъектларини универсал ва махсус субъектларга бўлиш мумкин.[2]

Комплекс ўрмон корхоналари, давлат ўрмон хўжалиги корхоналари, жамоа хўжаликлари биринчи турдаги субъектларга тегишли бўлса, махсус турдаги субъектларга ўрмонлардан илмий-тадқиқот ҳуқуқи асосида фойдаланувчи корхоналар, илмий муассасалар, шунингдек тайёрлов ташкилотлари бўлиши мумкин. Ўрмонлардан универсал субъект сифатида фойдаланувларга ўрмон қонунчилигида белгиланган барча турдаги фаолиятни амалга оширишга ҳуқуқ берилади, махсус фойдаланувчи субъектларга эса фақат аниқ белгиланмаган фаолият турини амалга оширишга йўл қўйилади. Ўрмон муносабатлари субъектларини В.Ф. Горбовой қуйидагича гуруҳларга ажратади: 1) Давлат; 2) ўрмон ваколатига эга бўлган давлат органлари; 3) ўрмонлардан фойдаланувчи ташкилотлар (давлат, давлат-кооператив, кооператив ва бошқалар); 4) фуқаролар; ваколатлар ҳажми бўйича: а) ўрмон хўжалиги юритиш, эксплуатация қилиш ва ўрмон ҳуқуқий муносабатларидан доимо иштирок этувчи махсус тузилган корхона, муассаса, ташкилотлар; б) ўрмон хўжалиги соҳасидаги ваколати муҳим ҳисобланмаган корхона, муассаса ва ташкилотлар (ўрмон хўжалиги юритувчи жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари, қўриқхоналар, хўжаликлараро ташкилотлар).[1]

Биз кейинги муаллифнинг фикрига қўшилган ҳолда, ўрмон муносабатлари субъектларини қуйидаги гуруҳларга ажратамиз: биринчидан, ўрмондан фойдаланиш бўйича давлатнинг умумий ва махсус ваколатли органлари; иккинчидан, ўрмондан бевосита фойдаланишни амалга оширадиган корхона, муассаса, ташкилотлар; учинчидан, ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи субъекти деб қаралувчи корхона, муассаса, ташкилотлар; тўртинчидан, фуқаролар.

Ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуи хусусида фикр юритилганда бу муаммонинг объекти масаласи алоҳида ўрин эгаллайди ва унга алоҳида тўхталиб ўтиш лозим, чунки ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи объектлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмасдан бу муаммони тўла англаш, тушуниш мумкин эмас.

Ҳаракатдаги ўрмон қонунчилигига биноан мамалакатимиз ҳудудидаги ҳамма ўрмонлар ягона давлат ўрмон фондини ташкил этади. Ана шу ўрмон

---

[1] Каранг: Крассов О.И. Право лесопользования в СССР.-М.: Наука, 1990. 53-бет.
[2] Каранг: Крассов О.И. Право лесопользования в СССР. -М.: Наука, 1990. 61-бет.
[1] Каранг: Горбовой В.Ф. Предмет и система советского лесного права. Красноярск. 1984. 48-бет.

фонди ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқининг объекти бўлиб ҳисобланади. Шуни таъкидлаш лозимки, барча дарахт-бутазорлар ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи объекти бўлмасдан, балки фақат ўрмон фонди таркибига киритилган, дарахт-бутазорлар билан қопланган ва дарахт-бутазорлар билан қопланмаган бўлсада, ўрмон фондига ажратилган ерлар ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуқи объекти ҳисобланади.

Ўрмон фондини аҳамиятига кўра гуруҳлаш ҳаракатдаги ўрмон қонунчилигида аниқ қилиб кўрсатиб берилмаган. Шунга қарамасдан "Ўрмон тўғрисида"ги қонунни чуқур таҳлил қилиш, унда ўрмонлар хўжалик, яъни фойдали аҳамияти жиҳатдан иккига бўлинади: 1) чекланган миқдорда хўжаликка тортиладиган ва 2) қўриқланиш тоифасидаги ўрмонлар, деган хулосани беради. Бундан ташқари қонуннинг 5-моддасида кўрсатилишича, ягона давлат ўрмон фонди: биринчидан, давлат аҳамиятига эга бўлган ўрмонлардан, яъни давлат ўрмон хўжалиги органлари қарамоғидаги ўрмонлардан; ва, иккинчидан, бошқа идоралар ва юридик шахслар фойдаланишидаги ўрмонлардан иборат бўлади. Давлат аҳамиятидаги ўрмонларга ўрмон хўжалиги юритувчи давлат органлари ихтиёридаги ўрмонлар киради. Бу гуруҳ ўрмонлар ўрмон фондининг катта қисмини ташкил этади. Бу ўрмонларда халқ хўжалигининг турли тармоқлари эҳтиёжлари учун умумдавлат манфаатларидан келиб чиқади, чекланган миқдорда кўп мақсадли фойдаланиш амалга оширилади. Давлат аҳамиятига эга бўлган ўрмонлар ёғочга ва бошқа ўрмон маҳсулотларига бўлган маҳаллий эҳтиёжларни қондиришда асосий база бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, бу ўрмонларнинг фойдали табиий хусусиятлари сувни муҳофаза қилиш, обу-ҳавони тартибга солиш, ҳимоя, санитария-гигиена, маданий соғломлаштириш мақсадларида фойдаланилади.

Ўрмон фонди таркибида давлат аҳамиятига эга бўлагн ўрмонлардан ташқари давлат аҳамиятига эга бўлмаган ўрмонлар ҳам бўлиши мумкин. Шундай ўрмонларга биз юридик шахслар ўрмонларини киритишимиз мумкин. Юридик шахслар ўрмонлари деганда, хўжалик жамиятлари, хўжалик ширкатлари ва бошқа субъектлар ерларида жойлашган ва белгиланган тартибда ер ҳисоб-китоб ҳужжатларида қайд этилган ўрмонлар тушунилади.

Ўрмон қонунчилигига кўра, юридик шахслар ўрмонлари уларга муддатсиз фойдаланиш учун бериб қўйилади. Бу ўрмонлар майдони ушбу юридик шахсларнинг ички хўжалик ер тузилиши ва улар ўрмонларида ўрмон тузиш ишларини ўтказиш вақтида белгиланади. Ўзбекистон Республикасида юридик шахслар ўрмонларидан асосан сувни муҳофаза қилиш, далаларни иҳота қилиш, санитария-гигиена ва соғломлаштириш функцияларини бажаради. Шу билан бирга, бу ўрмонлардан жамоа хўжаликларининг ва унинг аъзоларининг ёғочга бўлган талаб-эҳтиёжини қондириш, ўрмонлардан қўшимча тарзда фойдаланиш ва ўрмон касбкорлигини ривожлантириш ишларида фойдаланилади.

Юридик шахслар ўрмонларида ўрмондан фойдаланиш ишини уларнинг бошқарув органлари ва уларнинг аъзолари амалга оширадилар. Улар ушбу ўрмонлардан фойдаланишида тегишли имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

Ўрмон қонунчилигида давлат ўрмон фондига кирмайдиган, яъни ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи объекти ҳисобланмайдиган дарахтзор-бутазорлар ҳам кўрсатиб берилган. Демак, давлат ўрмон фондига қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардаги дарахтлар ва дарахт гуруҳлари, темир йўл, автомобил йўллари ва каналлар бўйидаги иҳота дарахтзорлари, шаҳарларда ва бошқа аҳоли яшайдиган пунктларда шаҳар ўрмонлари билан банд бўлмаган ерларда ўсувчм дарахтлар ва дарахт гуруҳлари, шунингдек кўкаламзор ўсимликлар, томорқалардаги, дала ҳовли ва боғ участкаларидаги дарахтлар ҳамда дарахт гуруҳлари кирмайди, шунинг учун улар ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи объектини ташкил этмайди (6-модда).

Хулоса қилиб айтганда, ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи субъектларининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, улар, биринчидан, тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларни давлат мулк ҳуқуқининг объекти бўлган ўрмон фондига исбатан амалга оширадилар; иккинчидан, бу ердаги айрим субъектлар бир вақтнинг ўзида ҳам бошқарув орган, ҳам фойдаланувчи ёки эгалик қилувчи орган бўлиб ҳисобланадилар; учинчидан, субъектлар махсус субъектлар, яъни махсус бошқарув органларига бўйсунадиган органларга ҳамда хўжалик юритиш мустақиллигига эга бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектларига бўлинади. Бироқ тадбиркорлик фаолияти субъекти ўрмон фондига нисбатан тўлиқ ҳукмдорлигини амалга ошира олмайдилар; тўртинчидан, ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқининг махсус субъектлари бирламчи ва иккиламчи бўлишлари мумкин.

Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқининг объекти эса ҳамма ҳолларда давлат мулк ҳуқуқининг объекти бўлиб ҳисобланади. Шу боисдан ҳам у давлат органлари ёки корхоналари, хусусий юридик шахслар ёхуд жисмоний шахслар фойдаланиш ёки эгалигида бўлмасин ҳуқуқий мазмунини йўқотмайди.

### *3§. Ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуқи мазмуни.*

Маълумки, ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқининг мазмунини ўрмондан фойдаланувчи субъектларга тааллуқли бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндисидан иборат эканлиги ўрмон ҳуқуқи фанида тан олинган.[1]

Аввало шуни айтиш керакки, ўрмон ҳуқуқий муносабатлар мазмуни учта элементдан: ўрмонни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқидан иборат бўлади. Демак, ўрмон ҳуқуқий муносабатлари субъектларининг, жумладан ўрмондан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазмуни ўрмонни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни

---

[1] Каранг: Крассов О.И. Право лесопользования в СССР. М.: Наука, с.26; Синицин С.Т. Национальное лесопользование. -М. 1987. С.86; Колбасов О.С. Правовые исследования по охране окружающей среды в СССР. -М., 1978. Т.5. с.75; Вовк Ю.А. Советское природоресурсовое право и правовая охрана окружающей среды. Часть общая. -Харьков, 1986, с. 41; Бринчук М.М. Теоретические проблемы формирования законодательства об окружающей среде. -Гос. и право. 1998. № 12. С. 75.

тасарруф қилиш ҳуқуқлари билан характерланади, яъни ўрмондан фойдаланувчилар юқоридаги саналган ҳуқуқларга эга бўлишлари мумкин.

Ҳаракатдаги ўрмон қонунчилигимизга кўра, ўрмондан фойдаланувчилар ўрмонни тасарруф қилиш ҳуқуқига эга эмаслар. Бу ҳуқуқ фақат ўрмоннинг эгаси бўлмиш давлатда сақланиб қолади. Демак, ўрмондан фойдаланувчи субъектларга хўжалик фаолияти юритиш учун ўрмон берилганда унга нисбатан мулк ҳуқуқи давлатда сақланиб қолади ва ҳеч вақт у иккинчи томонга ўтмайди. Шундай экан ўрмондан фойдаланувчилар ўрмоннинг мулк ҳуқуқи асосида эгаси ҳисобланмайдилар ва тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар. Шундан келиб чиққан ва "Ўрмон тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддасига асосланган ҳолда айтиш мумкинки, ўрмондан фойдаланувчи субъектлар фақат ўрмонни эгаллаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўрмондан фойдаланувчи субъектларнинг ўрмон билан боғлиқ бўлган муносабатларида ўрмонга эгалик ҳуқуқи муҳим аҳамият касб этади. Эгалик қилиш ҳуқуқи адабиётларда ўрмон участкасига амалий ҳукмронлик қилиш, деб таърифланади.[1] Бу ҳуқуқ орқали ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи субъектлари ўзларини батамом ўрмоннинг "хўжайини" сифатида хис этадилар. Ўрмонга эгалик ҳуқуқи туфайли ўрмондан фойдаланувчилар қонунда белгиланган тартибда ундан мустақил тарзда фойдаланишлари мумкин бўлади.

Ўрмонга нисбатан эгалик ҳуқуи ундан фойдаланиг ҳуқуқини ҳам келтириб чиқаради. Ўрмонни эгалламасдан туриб ундан фойдаланиб бўлмайди. Шунинг учун уларни кўп жиҳатдан бир-бири билан узвий боғлиқ дейиш мумкин.

Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи мазмуни ҳақида фикр юритганда, бу ҳуқуқни чеклаш, тугатилиши масалаларига тўхталиб ўтиш керак. Фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш икки турга бўлинади: тўлиқ чеклаш ва қисман чеклаш. Ҳуқуқни чеклашнинг асосий мақсади ўрмоннинг қонунда берилган мақомини таъминлаш ва муҳофаза режимини таъминлаш, ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш натижасида ўзгариб туриши мумкин. Бу ўзгаришлар ўз-ўзидан, бошбошдоқлик билан эмас, балки қонунда белгиланган, кўрсатилган тартибда рўй бериши лозим.

Маълумки, ўрмондан фойдаланувчиларнинг ўрмондан фойдаланишлари ҳар хил заруриятга кўра ўзгариб туриши мумкин. Чунончи, уларнинг ўрмонга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи бошқа субъектга ўтиши ёки берилган ўрмон майдони қисқартирилиши ёхуд умуман давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун қайтариб олиниши, ёки бўлмаса ўрмон ташкилоти тугатилиши мумкин. Бундай ҳолатлар ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқининг ўзгаришига эмас, балки уларнинг ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқининг бекор бўлишига олиб келади. Ёки ўрмондан фойдаланувчи фойдаланиб келаётган ўрмон майдонига яна маълум миқдорда ўрмон майдонлари қўшиб берилса, ёки бўлмаса фойдаланилаётган ўрмон майдонига нисбатан фойдаланиш

---

[1] Земельное право России. -М. 1995. С. 78-79; Петров В.В. Экологическое право России. -М. 1995. С. 130-133.

ҳуқуқи вужудга келса, олиб қўйилган ўрмон майдонига нисбатан эса фойдаланиш ҳуқуқи тугайди, яъни бекор бўлади.

Маълумки, давлат аҳамиятига молик ўрмонлар ҳамда бошқа идоралар ва юридик шахслар ихтиёридаги ўрмонлар фойдаланиш жараёнида узлуксиз яхшиланиб бориши ёки фойдаланишга яроқсиз ҳолатига ҳам тушиб қолиши мумкин. Бу ҳолат ўрмондан фойдаланиш мақсадини ўзгартиришга олиб келиши, бир турдаги ўрмон майдонини иккинчи турга айлантиришга сабаб бўлиши мумкин. Бунда ўрмондан фойдаланиш бекор қилинмайди, ёхуд ўрмондан фойдаланиш янгидан вужудга келмайди, шунингдек ўрмондан фойдаланиш субъектлари ўзгармайди, ўрмон майдонларининг микдори ҳам ўзгаришсиз қолади, фақат ўрмондан фойдаланиш мақсади ўзгаради. Шу билан биргаликда, ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқий ҳолати ҳам ўзгаради. Бу эса муҳим хўжалик ва ҳуқуқий аҳамиятга эга. Бир турдаги ўрмон майдонининг иккинчи турга айлантирилиши шундай юридик факт ҳисобланадики, бу билан ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи мазмунига қонунчилик маълум ўзгаришлар белгилайди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўрмондан фойдаланишда субъектларнинг алмашиши, ёки ўрмон майдони микдорининг кўпайиши ё камайиши ва бошқалар ундан фойдаланиш ҳуқуқи мазмунининг ўзгаришига олиб келмайди. Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи мазмунининг ўзгариши деганда фойдаланишда бўлган ўрмон майдонларининг бир тоифадан иккинчи тоифага ўтиши, айрим майдонлардан фойдаланиш режимининг ўзгариши тушунилади.

Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида гапирганда бу ҳуқуқни бекор қилиш ёки тўхтатиб қўйиш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Зотан, ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи мазмунини элементлари ичида шундай ҳуқуқнинг тугатилиши мустақил элемент ҳисобланади. Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатишнинг умумий асослари "Ўрмон тўғрисида"ги қонунда белгиланган (24-модда). Бу умумий асослар барча субъектларнинг ҳам ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатиш учун тааллуқли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси "Ўрмон тўғрисида"ги қонунининг 24-моддасига биноан ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда тугатилади: ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечилганда; ўрмондан фойдаланиш муддати тугаганда; фойдаланишда давлат ўрмон фонди участкаси бўлган юридик шахс тугатилганда; ўрмонлардан ва ўрмон фонди ерларидан белгиланган мақсадда фойдаланилмаганда; ўрмондан фойдаланиш ўрмонлар ва бошқа табиий объектларнинг ҳолатига ҳамда уларни такрорий кўпайтиришга салбий таъсир кўрсатадиган усуллар билан амалга оширилганда; ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганда; улардан фойдаланганлик учун ҳақ белгиланган муддатларда тўланмаганда; ўрмон фонди ерлари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда.

Юридик шахсларнинг ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи дарахт кесиш ёки ўрмон чиптасини берган корхоналар томонидан бундай ҳужжатларни бекор қилиш йўли билан тўхтатилади.

Фуқароларнинг ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатиш учун, ўрмондан фойдаланишдан ихтиёрий воз кечилганда; ёнғин қоидаларига риоя қилмаганлик; ўрмондан фойдаланиш муддати тамом бўлганда; ўрмондан дарахт кесиш ёки ўрмон чиптасида кўзда тутилган мақсадлар ёки талабларга мувофиқ фойдаланилмаган ҳолатлар асос бўлади. Шунингдек, фуқароларнинг ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи ўрмон майдонлари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда ҳам тўхтатилиши мумкин.

Шу билан бирга ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқининг тугашига ўрмон участкасини ўзбошимчалик билан бошқаларга бериб қўйиш, шунингдек ўрмонларнинг давлат мулкчилигини ошкора ва яшириш тарзда бузувчи битимлар тузганда ёки ўрмон қонунчилигини бошқа тарзда бузган ҳолатлар ҳам асос бўлади. Ўзбекистон Республикасининг "Ўрмон тўғрисида"ги қонунида ўрмондан фойдаланувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган (21-22-моддалар). Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ер кодекси, Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ва бошқа қонунларда ҳам ўрмондан фойдаланувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Ўрмон ҳуқуқий муносабатларини тартибга солувчи қонунларни таҳлил этиш ўрмондан фойдаланувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бир неча гуруҳларга бўлиш мумкинлигини кўрсатади. Бу масалага ҳуқуқий адабиётларда ҳам катта эътибор қаратилган.

Бир гуруҳ олимлар табиат объектларидан фойдаланувчилар, хусусан, ўрмон муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини икки гуруҳга бўладилар: умумий (конституциявий) ва соҳавий.[1] В.Ф.Горбовой эса ўрмон ҳуқуқий муносабатлари субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини уч гуруҳга бўлади: Конституциявий (ҳамма учун умумий) ҳуқуқ ва мажбуриятлар; умумий (тармоқ) ҳуқуқ ва мажбуриятлар; махсус ҳуқуқ ва мажбуриятлар.[1] Биз кейинги муаллифнинг фикрига қўшилиб ўрмон муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини конституциявий, тармоқ (табиатни муҳофаза қилиш ҳуқуқи, ер ҳуқуқи ва шунга ўхшашлар) ва махсус (ўрмон ҳуқуқи) ҳуқуқ ва мажбуриятларга ажратамиз.

Ўрмондан фойдаланувчиларнинг конституциявий ҳуқуқ ва мажбуриятлари барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар ичида муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Конституцияси юридик ва жисмоний шахсларнинг ўрмондан фойдаланиш бўйича энг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Констиьуциясининг 55-моддасида кўрсатилишича, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир; улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир. Конституцияда белгиланган бошқа бир тамойилга биноан мулкдан фойдаланувчи барча субъектлар экологик муҳитга зиён етказмасликлари, фуқаролар, юридик

---

[1] Каранг: Право землепользования в СССР и его виды. -М.: Юрид.лит., 1964. -С. 150; Колбасов О.С. Теоретические основы права пользования водами в СССР. -М.: Наука, 1974. -С. 81; Башмаков Г.С. Право пользования недрами. -М.: Наука, 1974, С. 33.

[1] Горбовой В.Ф. Предмет и система советского лесного права. -Красноярск, 1984. -С.49.

шахслар ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ва ҳуқуқларини бузмасликлари керак (54-модда) Конституциянинг 100-моддасида табиатни муҳофаза қилиш ва самарали фойдаланиш, деган иборанинг қисқартирилган шакли бўлган "атроф-муҳитни муҳофаза қилиш" тушунчаси берилган. Бу ерда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш маҳаллий ҳокимият органлари ваколатининг ажралмас қисми сифатида берилган. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида атроф-муҳит муҳофазасига тегишли уч хил ифояда,яъни "табиий муҳитни муҳофаза қилиш" (50-модда). "Экологик зиён" (54-модда) ва "атроф-муҳитни муҳофаза қилиш" (100-модда) учрайди. қизиғи шундаки Ўзбекистоннинг шу соҳадаги асосий қонуни "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида", деб аталади.

Конституциявий асосий қоидалардан келиб чиқиб тармоқ қонунчилиги ҳам табиат бойликлари, хусусан ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуқи мазмунини, яъни ўрмон муносабатлари субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 12-моддасида кўрсатилишича, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўз саломатлиги учун қулай табиий муҳитда яшаш, ўз саломатлигини атроф-муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга. Фуқаролар табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши, табиат бойликларига эҳтиётлик билан муносабатда бўлиши, экология талабларига риоя қилишлари шарт.

Ўрмондан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда тармоқ ҳуқуқ соҳалари ичида муҳим ўринни ер қонунчилиги эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида ўрмон фонди ерларидан фойдаланишда ердан фойдаланувчининг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатиб берилган. Ердан фойдаланувчиларга берилган умумий ҳуқуқ ва мжбуриятлар бевосита ўрмон фонди ерларидан фойдаланувчиларга ҳам таааллуқли бўлади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида кўрсатилишича, ердан фойдаланувчилар ер участкасида мустақил хўжалик фаолиятини амалга ошириш, ҳар хил иморат ва иншоотлар қуриш, ернинг фойдали хусусиятларини ўзлаштириш, ер остидаги ва устидаги бойликлардан фойдаланиш ва бошқа қатор ҳуқуқларга эга бўлсаларда, ердан самарали ва оқилона фойдаланиш, ерни ифлослантирмаслик, сув ва шамол эрозиясига учратмаслик, ердан хўжасизларча фойдаланмаслик, ерни талон-тарож қилмаслик, ер ҳақини ўз вақтида тўлаб туриш ва шунга ўхшаш бир қатор мажбуриятларга ҳам эгадирлар.

Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи мазмунини аниқлашда ўрмон қонунчилиги алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирда ҳаракатдаги Ўзбекистон Республикасининг "Ўрмон тўғрисида"ги қонунига кўра, давлат ўрмон фонди эгалари эгалик қилиш ва фойдаланишга берилган давлат ўрмон фонди ерларида ўрмон хўжалигини мустақил олиб бориш, ўрмон дарахтларини экиш ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлган бошқа тадбирларни амалга ошириш, сув хўжалиги томонидан белгиланган лимитлар миқёсида суғориш мақсадида сув ресурсларидан ва давлат ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан, ҳамда умумтарқалган фойдали

қазилмалардан фойдаланиш, ишлаб чиқилган маҳсулот ва даромадига мулкдорлик қилиш ҳуқуқларига эгадирлар. Шу билан бирга қонунда давлат ўрмон фонди эгаларининг мажбуриятлари ҳам ўрнатилган. Унга кўра, давлат ўрмон фонди эгалари ўрмонларни узлуксиз кўпайтириш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини қўриқлаш, ўрмонларнинг санитар ҳолатини ва ўрмон тупроғини хосилдорлигини яхшилаш ва муҳофаза қилиш, ўрмондан фойдаланишни тўғри ташкил қилиш, ўрмон ҳисоб-китобини юритиш, ўрмоннинг ўсимлик ва ҳайвонот ресурсларидан, шунингдек унинг фойдали табиий хусусиятларидан илмий асосланган ўлчовлар асосида самарали ва оқилона фойдаланиш кабиларга мажбурдирлар.

Бундан ташқари, ўрмон ресурсларидан фойдаланувчилар ўрмондан фойдаланиш ишларини рухсатнома ҳужжатларида кўрсатилган муддатда, фойдаланиш тури ва объектлар миқёсида амалга ошириш, белгиланган тартибда йўллар ўтказиш, маҳсулот сақлаш учун майдончаларни жиҳозлаш, ишлаб чиқариш ва хўжалик қурилмаларини тиклаш, маҳсулотни қайта ишлаш учун мосламалар ўрнатиш, транспорт тўхташ жойларини таъмирлаш, яйловлар, пичанзорлар ва бошқа ўрмон ерларидан оқилона фойдаланиш, ёнғин хавфсизлигига риоя қилиш, иш жойларида ёнғинга қарши тадбирларни қуриш, ўз вақтида ҳақини тўлаш ҳамда ўрмон фонди ерларининг ижараси ҳақидаги шартнома шартларини бажариш, зарар етказилган ўрмон фонди ерларини мақсадли фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтиришга ҳам мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўрмон тўғрисида"ги қонунида ўрмонлардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари субъектларининг характерли хусусиятларига қараб турларга ажратиб белгиланган. Чунончи, "Ўрмон тўғрисида"ги қонуннинг 21-моддасида ўрмондан доимий фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари санаб кўрсатилган. Унга кўра, ўрмондан доимий фойдаланувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга: давлат ўрмон фондининг ўзларига бериб қўйилган участкаларида ўрмон хўжалигини мустақил юритиш; ўрмон фонди ерларидан сув ресурсларидан, кенг тарқалган фойдали қазилмалардан ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда фойдаланиш; белгиланган тартибда йўл очиб, ўрмон маҳсулотларини жойлаштириш учун майдончалар жиҳозлаш, ишлаб чиқариш ва уй-жой бинолари ҳамда иншоотлари қуриш; тайёрланган маҳсулотга ва уни сотишдан олинган даромадга мулкдор бўлиш. Шу билан бирга ўрмондан доимий фойдаланувчиларга мажбуриятлар ҳам юклатилган. Булар: ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтиришни таъминлаш, ўрмонларнинг давлат ҳисобини олиб бориш; ўрмонларнинг ҳолатига ва уларни такрорий кўпайтиришга, тупроқ ва ҳайвонот дунёсига, шунингдек сув объектларининг ва бошқа табиий объектларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатишга йўл қўймайдиган усуллар билан иш олиб бориш; ўрмонлардан фойдаланишлик учун ўз вақтида ҳақ тўлаш; алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режимини таъминлаш; ўрмондан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузмасликдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси "Ўрмон тўғрисида"ги қонуни ўрмондан вақтинчалик фойдаланувчи субъектларнинг ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради. Шу қонуннинг 22-моддасига кўра, ўрмондан вақтинчалик фойдаланувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга бўладилар: ўрмондан фойдаланиш; белгиланган тартибда йўл очиш; ўрмон маҳсулотларини жойлаштириш учун майдончалар жиҳозлаш, ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари қуриш. Ўрмондан вақтинчалик фойдаланувчилар қуйидаги мажбуриятларга эга: ўзларига бериб қўйилган яйловлар, пичанзорлар ва бошқа ўрмонзорлардан оқилона фойдаланиш; ўрмонларнинг ҳолатига ва уларни такрорий кўпайтиришга, тупроқ ва ҳайвонот дунёсига, шунингдек сув объектларининг ва бошқа табиий объектларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатишга йўл қўймайдиган усуллар билан иш олиб бориш; ўрмондан фойдаланганлик учун, ўз вақтида ҳақ тўлаш; ўрмондан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузмаслик ва бошқалар.

Ўрмондан фойдаланувчи субъектларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазмунини яхши англаб етишлари ҳамда унга риоя қилишлари ўрмонлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш, ўрмон қонунчилиги талабларини бажаришга, ушбу талабларни бузмасликка хизмат қилади.

Шундай қилиб, ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқининг мазмуни ўрмонга нисбатан мулк ҳуқуқининг хосиласи сифатида ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи субъектларига тегишли бўлган фойдаланиш ва эгалик қилиш ҳуқуқи асосида вужудга келадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан иборат.

## *4§. Ўрмонларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари.*

Ўрмонлардан самарали ва оқилона фойдаланишда қонунларда белгиланган жазо турлари ва чораларини тегишли тартибда қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, қонунларда ўрнатилган ўрмонлардан нотўғри фойдаланганлик учун жавобгарликка тортувчи, жазо чоралари белгиловчи ҳуқуқ нормалари ўрмонлардан фойдаланувчи фуқароларни, шунингдек, ўрмон фондини тасарруф этувчи давлат органлари ёки мансабдор шахсларни ўрмон бойликларидан қонунда белгиланган тартибда, мақсадга мувофиқ ҳаракат қилишга мажбур этади.

Ўрмондан фойдаланиш қоидаларини бузганда қўлланиладиган жазо чоралари давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқароларни Ўзбекистон Республикасининг ҳаракатдаги ўрмон тўғрисидаги қонунларига оғишмай риоя қилишлари ҳамда ўрмондан фойдаланувчилар ва ўрмон эгаларининг бузилган ҳуқуқларини тиклашда ва умуман ўрмон соҳасидаги қонунчиликни таъминлашда алоҳида роль ўйнайди.

Ўрмондан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш ҳуқуини бузганлик учун интизомий, маъмурий, фуқаролик, жиноий-ҳуқуқий жазо чоралари қўлланилади. Шулардан бири маъмурий-ҳуқуқий жавобгарликдир.

Ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуқини бузганлик учун маъмурий чора-тадбирлар давлатнинг ўрмонга эгалик қилиш ҳуқуқини бузиш, ўрмонлардан хўжасизларча фойдаланиш, ўрмонларни ишдан чиқариш, ўрмонлардаги

чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш, ўрмонларни фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келтириш, ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, кесиладиган ўрмон фондидан фойдаланиш тартибини бузиш, дарахтлар, буталар ва бошқа ўрмон ўсимликлари ҳамда ниҳолларни ғайри қонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш, ўрмонларни тиклаш қоидаларни бузиш, қизил китобга киритилган ва ноёб ўсимликларни йиғиш, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тартибини бузиш, ўрмон учун фойдали ҳайвонот дунёсини йўқ қилиб юбориш, ўрмонларда ўрмон хавфсизлиги талабларини бузиш ва шу каби ножўя ҳаракатлар учун келиб чиқади. Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғриида"ги кодексининг 23-моддасига биноан маъмурий жарима, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳаракатини содир этиш қуроли ҳисобланган предметни ёки бевосита шундай объект буюмни ҳақ тўлаш шарти билан олиб қўйиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳаракатини содир этиш қуроли ҳисобланган ва бевосита шундай объект бўлган бевосита шундай объект бўлган буюмни мусодара қилиш, муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқидан маҳрум этиш, маъмурий қамоққа олиш каби жазо чоралари қўлланилади.

Ўрмондан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жазо чораларини қўллаш туман, шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар, ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органлари, туман, шаҳар судлари, ички ишлар органлари, давлат инспекцияси органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексиниг 69-моддасида, чегара ва чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган бўлиб, эгаликдаги ва фойдаланишдаги ерларнинг чегара белгиларини, ўрмонлардаги чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш - фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса - уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади деб кўрсатилган.

Мазкур кодекснинг 77-моддасида эса ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, яъни тегишли рухсат олмай туриб иморат солиш, ёғочни ишлаш, омборлар ва бошқа иншоотлар қуриш, ўрмон фонди ерларида пичанзорлар ва яйловларни шикастлантириш, ўзбошимчалик билан пичан ўриш ва мол боқиш, дренаж тизимларини ва йўлларини йўқ қилиш ёки шикастлантирганлик учун - фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараварига миқдорда, мансабдор шахсларга эса - бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши, агар худди шунда ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши ўрнатилган.

Ушбу кодекснинг 78-моддасида эса кесиладиган ўрмон фондидан фойдаланиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, кесиладиган ўрмон фондидан фойдаланиш, ёғоч тайёрлаш ва ташиб кетиш тартибини, шунингдек, ўрмон кесиш чиптаси (ордери)да ёки ўрмон чиптасида белгиланган бошқа талабларни бузганлик учун фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса - бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишлик ўрнатилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 79-моддасида эса дарахтлар, буталар, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилишни содир этган фуқароларга энг кам иш ҳаининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса - бир бараваридан уч бараваригача жарима солиниши, агар худди шундай ҳуқуқбузарликлр маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этса - фуқароларга нисбатан энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга нисбатан эса - уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солиниши кўрсатилган.

Ўрмонларни тиклаш қоидаларини бузиш ҳуқуқбузарлигини содир этганларга нисчбатан жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 80-моддасида белгиланган бўлиб, ўрмонларни тиклаш, уларнинг ҳолатини ва тури таркибини яхшилашга, уларнинг маҳсулдорлигини оширишга, шунингдек етилган ёғоч захираларидан фойдаланишга оид қоидалар ва йўриқномаларни бузиш - мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлиши белгиланган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексинг 81-моддасида қизил китобга киритилган ўсимликларни йиғиш ҳуқуқбузарлигини содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг қизил китобига киритилган ўсимликларни ёхуд шундай ўсимликларнинг илдизлари, поялари, шоҳлари, барглари, гуллари, мевалари ва уруғларини ўзбошимчалик билан йиғиш - фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса - икки баравардан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши, агар худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса - фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса - уч баравардан етти бараваргача миқдорда жарима солишликка сабаб бўлиши ўрнатилган.

Мазкур Кодекснинг 82-моддасида Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тартибини бузиш ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, давлат қўриқхонаси табиатни бузган фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса - уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши ҳамда давлат миллий табиат боғлари, буюртма корхоналари, табиат

ёдгорликлари, сувни муҳофаза этиш тегралари, курорт табиий ҳудудлари, ботаника боғлари, дендрология ва ҳайвонот боғлари, қўриқланма (оралиқ) тегралари, ўрмонларнинг таъқиқланган минтақалари, балиқ хўжалиги тегралари ва алоҳида муҳофаза қилинадиган ўзга ҳудудлар тартибини бузган фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса - бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши, агар ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмиларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса - фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса - беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 83-моддасида ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилиб юбориш ҳуқуқбузарлигини содир этган - фуароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда, мансабдор шахсларга эса - бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солиниши назарда тутилган. Ушбу кодекснинг 84-моддасида эса ўрмонларни ёнғин хавфсизлиги талабларини бузганлик учун - фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса - бир бараваридан уч бараваригача жарима солиниши, агар худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса - фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса - уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солиниши кўрсатилган.

Ўрмонлардан фойдаланишга оид ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфи маъмурий ножўя ҳаракат даражасидек бўлмаса, бундай ҳолатларда ҳуқуқбузарликларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш мумкин. Интизомий жавобгарлик ҳуқуқи таъсир усули сифатида шахсларга ўзларининг хизмат фаолиятлари ўрмон хўжалигига ёки жамоат ташкилотларига аъзолик муносабати билан интизомий ножўя ҳаракат содир этганларида қўлланилади. Бу жавобгарлик ўрмондан фойдаланиш қоидаларини бузишга қаратилган қуйидаги интизомий ножўя хатти-ҳаракатлар содир этилганда, яъни масалан, ўрмондан фойдаланишга оид меҳнат мажбуриятларини бажармаганда, агротехника қоидаларини бузишга олиб келган сифатсиз иш қилинганда, дов-дарахт ва буталарга ёмон ишлов берилганда қўлланилади. Хўжаликларнинг мансабдор шахслари меҳнатни ўз вақтида ташкил қилмаганларида, ўрмонларни муҳофаза қилиш чораларини кўрмаганларида интизомий жавобгарликка тортиладилар.

Интизомий жазо чоралари ўрмонлардан фойдаланиш қоидаларини бузган мансабдор шахсларга шу ўрмон фонди жойлашган хўжаликнинг умумий йиғилиши томонидан, фуқаро аъзоларга эса хўжалик бошқаруви томонидан берилади.

Интизомий жазо чораларини қўллашда Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунлари кодекснинг интизомий жавобгарликка бағишланган

умумий қоидаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ҳар бир жамоа, давлат ёки бошқа кооператив ўрмон жамоалари ўз Устави ёки Низомини ишлаб чиқишда ва қабул қилишда, интизомий жазо чораларини ўрнатишда ушбу қонундан асос сифатида фойдаланиш мумкин.

Ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуқини бузганлик учун қўлланиладиган ҳуқуқий чора-тадбирлардан яна бири, бу - фуқаролик-ҳуқуқий чора-тадбирлардир. Бу ҳуқуқий чора-тадбирлар ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи фойдаланувчиларга мулкий зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда бузилганда қўлланилади.

Ўрмон қонунчилиги ўрмонларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, экинларни пайҳон қилиш, ўрмонлардан фойдаланиш қоидаларини бузиш орқали ўрмонлардан фойдаланувчиларга зарар етказилганда уларни қоплаш лозимлигини белгилайди. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг Ўрмон тўғрисидаги қонунига кўра, ўрмондан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини бузиш орқали етказилган зарар тўла ҳажмда қопланиши керак. Шу қонунда кўрсатилишича, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароалар Ўзбекистон Республикасининг Ўрмон тўғрисидаги қонунларини бузишлари туфайли етказган зарарнинг ўрнини қоплашга мажбурдирлар.

Ўрмондан фойдаланувчиларга етказилган мулкий зарарни ундиришда фуқаролик қонунларига мурожаат этилишининг бош сабаби, фуқаролик қонунлари нормаларининг ўрмон муносабатларига оид ҳуқуқбузарликка нисбатан жорий қилинишининг асосий сабаби, биринчидан, фуқаролик қонунлари билан тартибга солинадиган мулкий муносабатларнинг бир хиллиги, ўхшашлиги бўлса; иккинчидан, ўрмон қонунчилигида ўрмон фойдаланувчиларга етказилган мулкий зарарни қоплаш аниқ ва тўла тартибга солинмаганлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг[1] мажбуриятларни бажармасликдан келиб чиқадиган жавобгарликка бағишланган умумий қоидаларни бевосита ўрмондан фойдаланиш етказилган зарарни ундиришда ҳам қўллаш мумкин. Бундан ташқари, шу қонуннинг 479-моддасида белгиланишича, фуқаронинг шахсига зарар тўла миқдорда зарар етказган шахс томонидан тўланиши лозим. Фуқаролик қонунининг ушбу умум эътироф этилган қоидалари ўрмонлардан фойдаланиш муносабатларига оид ҳуқуқбузарликлар натижасида етказилган мулкий зарарни ундиришда, айбдорларни моддий жавобгарликка тортишга ҳам бевосита тааллуқлидир.

Ўрмон тўғрисидаги қонунда ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ўрмон фонди ерларига нисбатан зарарни ундириш алоҳида белгиланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон тўғрисидаги қонуннинг 23-моддасида кўрсатилишича, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ўрмон ерлари эгасига қайтариб берилади, қонунга хилоф равишда эгалик қилиш ва фойдаланилган вақтда қилинган чиқимларнинг ўрни қопланмайди. Бунинг устига ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ўрмон ерларида етиштирилган ҳосил унинг эгасига тегишли бўлади. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олган

---

[1] Узбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси. -Т.: Адолат, 1995.

шахсга ҳосил етиштириш учун сарфланган ҳаражатлар тўланмайди. Агар ўрмон ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахс ҳосилни йиғиштириб олган бўлса, ўрмон эгаси суд йўли билан етиштирилган ҳосилнинг қийматини пул тартибида давлат баҳосида ёки бозор баҳосида ундириб олиши мумкин.

Ўрмон ерларидан фойдаланиш ҳууқбузарлигининг субъекти нафақат фуаролар ёки мансабдор шахслар, балки корхона, муассаса, ташкилотлар ҳам бўлиши мумкин. Ўрмонлардан фойдаланувчиларга зарар етказган шундай ташкилотлар ҳам фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортилиб, келтирилган зарарларни тўлашга мажбурдирлар. Ўрмон ҳуқуқбузарлиги учун етказилган мулкий зарарни ундиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1992 йил 15 июндаги № 282-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида ерларнинг қишлоқ ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлари учун олиниши муносабати билан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариш нобудгарчилиги ҳажмларини аниқлаш ҳамда уларнинг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисида"ги[1] Низом муҳим аҳамиятга эга. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига мувофмқ қишлоқ хўжалигини ва ўрмон ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ҳажмларини аниқлаш ва уларнинг ўрнини қоплаш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 51-моддасида кўрсатилишича, қишлоқ хўжалиги ерлари ва ўрмонлари, шу жумладан фуқаролар мулки бўлган ва улар фойдаланиб турган қишлоқ хўжалиги ерларини олиб қўйиб, улардан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги юритиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадда фойдаланиш, ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар, шу жумладан ижрочилар ҳуқуқининг чекланиши ёки корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятининг таъсири натижасида ер сифатининг ёмонлашувидан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши кўрган нобудгарчиликнинг ўрнини халқ депутатлари Кенгашларига қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун олиб қўйилган қишлоқ хўжалиги ерлари ва ўрмонзорлар берилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек, объектлари сифатида атрофни муҳофаза, санитария ва ҳимоя зоналари белгиланиб, қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик ерларини муомаладан чиқариб юборган ёки мазкур ерларни у адар қиймати бўлмаган ерларга айлантириб қўйган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан қопланади.

Ўзбекистон Республикасида ерларнинг қишлоқ ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлари учун олиниши муносабати билан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ҳажмларини аниқлаш ҳамда уларнинг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги изомга кўра, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги нобудгарчилиги ўрни қуйидаги ҳолларда, яъни қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ер-сувлари, шунингдек, фуқаролар тасарруфида ва фойдаланишида

[1] Каранг: Узбекистон Республикаси хукукматининг карорлари туплами. 1992. № 6.

бўлган ана шу ерлар қишлоқ ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун олинганда, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ер-сувларининг муомаладан чиқиши ва уларнинг  кам қийматли ер-сувларга ўтказилиши билан боғлиқ бўлган қурилаётган объектлар атрофида муҳофаза, санитария ва ҳимоя зоналари белгиланиши билан ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари чекланганда, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолияти таъсири натижасида ерлар сифати ёмонлашганда қопланади.

Ер участкалари қишлоқ хўжалиги ёки ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун, яъни белгиланган тартибда уй-жой қуриш ва уларга хизмат кўрсатиш учун, мактаблар, интернатлар, болалар уйи, кашшофлар уйи, мактабгача тарбия ва даволаш муассасалари, кинотеатрлар, маданият уйлари, қабристонлар, сув ва газ тармоқлари ҳамда уй-жой коммунал эҳтиёжларига иморатлар қуриш учун берилганда ишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигининг ўрни қопланмайди.

Ер ноқишлоқ эҳтиёжлар учун олиб қўйилганда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги туман (шаҳар) ҳокимиятининг фармойиши билан тузилган баҳолаш комиссияси томонидан аниқланади. Нобудгарчилик миқдорларини аниқлаш учун баҳолаш комиссиясига дастлабки маълумотларни ер ажратиб бериш лойиҳасини ишлаб чиқарувчи лойиҳалаш ташкилоти тақдим этади. Нобудгарчилик миқдори кейинги уч йилда олиб қўйиладиган ер участкасидан ўртача олинадиган деҳқончилик ва ўрмон хўжалиги маҳсулоти қийматининг миқдоридан ҳисоблаб чиқарилади. Ушбу пул миқдори ер участкаси фойдаланишга берилган йиллар сонига кўпайтирилади.

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигини қоплаш учун маблағларни ер ажратиб берилган корхоналар, вилоят ҳокимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг банк муассасаларида очилган махсус ҳисоб рақамга ўтказадилар. Шуни айтиш керакки, минтақавий дастурларни ва вилоятлараро тадбирларни амалга ошириш учун нобудгарчиликни қоплаш ҳисобига келувчи маблағларнинг 10 фоизи Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлигининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигини қоплаш учун тушган маблағлар махсус мақсадга эга бўлиб қуйидагилар учун фойдаланилади: янги ерларни ўзлаштириш, суғориладиган ерларни тўла-тўкис қайта қуриш, суғориладиган ерларни тубдан текислаш, дарахтзорлар барпо этиш ва тиклаш кабилар.

Бундан ташқари, ушбу маблағ йўқолиб кетган ўрмон уруғлари, тут дарахтлари ва саноат дарахтзорлари, боғлар, ўрмонзорлар, тутзорлар, мевазорлар, кўказорлар барпо этиш, ерларнинг унумдорлигини ошириш, тоғ қияларини поғона қилиб ишлаш, ўрмон тузиш ишлари мақсадида ҳам ишлатилади.

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш нобудгарчилигининг миқдорлари олиб қўйилган майдонлар, кўп йиллик дарахтлар, бўз ерлар, пичанзорлар ва

яйловлардан ҳисобланади. Олиб қўйилган лалми ерларнинг 1 гектари ўрнига тенг баҳодаги янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати қуйидаги миқдорларда аниқланади: текисликдаги зонада - ҳайдаладиган лалми ерлар учун 7,5 ва бўз лалми ерлар 2,4 минг сўм, паст баландликдаги зонада - ҳайдаладиган лалми ерлар учун 11,1 ва бўз лалми ерлар учун 3,6 минг сўм, тоғ олди ва тоғ зонасида - ҳайдаладиган лалми ерлар ва кўп йиллик дарахтзорлар учун 13,8 ва бўз ерлар учун 4,4 минг сўм.

Шуни айтиш керакки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигига қўшимча равишда соф даромад қўшилади. Бу даромад лойиҳалаштириш, янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш, уларни маданийлаштиришга оид ишларни бажариш зарур бўлган 4 йил давомидаги даврда олиб қўйилган ер майдонида соф даромаднинг сўммаси жамоа ва давлат хўжаликлари ҳамда бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг оҳирги уч йилги маълумотларига кўра, олиб қўйилган майдонлардаги қишлоқ хўжалиги экинлари ва дарахтзорларининг ўртача ҳосилдорлигидан келиб чиқиб, ер ажратиш лойиҳаси ишлаб чиқилиши жараёнида аниқланади.

Пичанзорлар ва яйловлар олиб қўйилиши муносабати билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилигининг миқдорлари уларнинг маҳсулдорлигига кўра баландлик минтақаларига қараб, яъни чўл минтақаси учун 1125 сўм, адир минтақаси учун 1315 сўм, тоғ минтақаси учун 1846 сўм қилиб белгиланади.[1]

Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқини бузишда қўллаиладиган чоралардан яна бири жиноий ҳуқуқий чора-тадбирлардир. Бу турдаги чора-тадбирлар жиноят қонуни нормаларида белгиланга ижтимоий хавфли хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар содир қилган шахсларга нисбатан қўлланилади.

Маълумки, жиноий ҳуқуқбузарлик жамият учун ўзининг ўта хавфлилик даражаси билан ажралиб туради. Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқини бузишда жамият учун ўта хавфли бўлган жиноятлар ичида биринчи навбатда ўрмонларга нисбатан давлатнинг мулк ҳуқуқини бузишга қаратилган ғайриқонуний битимлар, яъни ўрмонларни сотиб олиш ва сотиш, совға қилиш, гаровга қўйиш, ўзбошимчалик билан айирбошлаш хатти-ҳаракатлари алоҳида ажралиб туради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида кўрсатилишича, экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тартибини бузиш каби ҳуқуқбузарликлар учун ҳам жиноий жавобгарликни қўллаш мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг "Ўрмон тўғрисида"ги қонунида ҳуқуқбузарликлар учун тегишли жавобгарлик қўлланилиши лозимлиги таъкидланади. Лекин шуни айтиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят қонуни Ўрмон тўғрисидаги қонунида кўрсатилган барча ўрмон муносабатларига оид ҳуқуқбузарликлар учун ҳам жиноий

---

[1] Каранг: Узбекистон Республикаси хукукматининг каролари туплами. -1992. № 6.

жавобгарликни белгиламайди. Бозор иқтисодиёти шароитида ўрмон бойликларининг алоҳида муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олиб, мана шу онунлар мажмуасида ўрмон муносабатларига оид жамият учун хавфли ҳисобланган ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга нисбатан жиноий жавобгарлик ўрнатилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси қуйидаги ўрмон ҳуқубузарликлари учун жиноий жавобгарлик белгилади. Булар: экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш (198-модда). Унда оловга эҳтиёткорсизлик билан муосабатда бўлиш натижасида экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш кўп миқдорда зарар етказилиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса - энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланиши биринчи қисмида кўрсатилган. Иккинчи қисмида эса, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларни қонунга хилоф равишда кесиш кўп миқдорда зарар етказишга сабаб бўлса - энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши кўрсатилган. Учинчи қисмида эса, экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга қасддан шикаст етказиш, уларни пайҳон қилиш, нобуд қилиш кўп миқдорда зарар етказишга сабаб бўлса - энг кам иш ҳақиинг етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши кўрсатилган. Ушбу Жиноят кодексини 202-моддасида ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибии бузганлик учун биринчи қисмида: овчилик, балиқчилик ёки ҳайвонот дунёсининг бошқа турларини ушлаш қоидаларини бузиш, ноёб ҳайвонларни тутишнинг белгиланган тартиби ёки шартларини ёхуд ўсимликларни дори-дармон, озиқ-овқат ва манзарали (декоратив) турларини йиғиш ёки тайёрлаш, шунингдек, махсус қўриқланадиган табиий ҳудудлардаги ҳайвонот ва ўсимлик оламида фойдаланиш тартибини бузиш анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йигача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазолаиши белгиланган. Ўша қилмишлар: а) ҳайвонлар, паррандалар, балиқ, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг қизил Китобига киритилган бошқа турларини нобуд қилиш билан; б) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда; в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса - энг кам ойлик иш ҳаининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулки мусодара қилиниб уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши кўрсатилган. Ўша қилмишлар: а) рецидивист томонидан; б) шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб; в) ер, сув ёки ҳавода ишлатиладиган механизациялаштирилган воситалардан фойдаланиб; г) портлаш қурилмалари заҳарли кимёвий моддалар ёки бошқа ялпи қириб юборадиган ёки нобуд қиладиган усулларни қўллаган ҳолда; д)

уюшган гуруҳ томонидан; е) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса - энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки мол-мулки мусодара қилииб ёки мусодара қилинмай уч йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади деб ўрнатилган. Мазкур Кодекснинг 199-моддасида эса ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандалари билан кураш талабларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Яъни ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандалари билан кураш талабларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлса - энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликда маҳрум қилиш билан жазоланиши ўрнатилган. Шунингдек, шубу Жиноят кодексида ўрмон ҳуқуқбузарлигига яқин атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш (193-модда), атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш (194-модда), атроф муҳитнинг ифлосланиши оибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик (195-модда), атроф табиий муҳитни ифлослантириш (196-модда), алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тартибини бузиш (202-модда) кабиларга нисбатан жиноий жавобгарликлар ўрнатилган.

# XIII -боб. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолати.

## *1§. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқий ҳолатининг тушунчаси ва хусусиятлари.*

Ҳайвонот дунёси - табиат бойликларининг бир қисми бўлиб, жамиятда, инсон ҳаётида катта экологик аҳамиятга эга.

Ҳайвонот дунёсининг иқтисодий аҳамияти нуқтаи назаридан муҳим табиий ресурс, озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатбоп, техникавий ва доривор хом ашё ҳамда бошқа моддий бойликлар олиш манбаи эканлиги маълум. Шундай экан уни ҳуқуқий экологик муҳофаза қилиш жуда зарурдир. Бу ишда мамлакатимиз қонунлари, Ўзбекистон фуқароларини ҳайвонот дунёсига соҳибкорона ва инсоний муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашга, бу бебаҳо дунёни муҳофаза қилиш ҳамда самарали ва оқилона фойдаланишга ёрдам бермоғи лозим.

Чунки, ҳайвонларнинг Ўзбекистон фаунасига хос бўлган талайгина турлари йўқолиб кетиш арафасида турибди, айримлари (қулон, турон

йўлбарси, ола-була сиртлон ва бошқалари) эса бутунлай йўқолиб кетди. Шу боисдан ҳам ноёб ва йўқолиб бораётган ҳайвонларни ҳуқуқий экологик асосда муҳофаза қилиш катта аҳамиятга эга.

Ҳайвонот дунёси ер юзининг ҳамма жойида мавжуд. қуруқликда яшовчи ҳайвонлар бутун ҳайвонлар турининг 93 фоизини, сув ҳайвонлари эса 7 фоизини ташкил этади. Умуман олганда, ер юзида яшовчи ҳайвонлар тури хатто ўсимликлар турига қараганда 4 баравар кўп бўлиб, тахминан 2 миллиондан ортиқрокдир.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бутун жониворларнинг 75 фоизи ҳашаротларга тўғри келади. Ҳашаротлардан кейин малюскалар туради (8,8 фоиз), улардан кейин жамики умуртқалилар туради (қушлар, балиқлар, қуруқда-сувда яшовчилар, сут эмизувчилар). Умуртқалилар 35600 тур бўлиб, буларнинг ярми балиқлардир. Сут эмизувчилар эса умуртқалиларнинг 0,1 қисмини ташкил қилади.

Маълумотларга кўра, кейинги 100-150 йил мобайнида ҳайвонларнинг кўплаб турлари йўқотилиб юборилди. Масалан, 1800 йилгача сут эмизувчиларнинг 33 тури, қушларнинг 30 тури йўқ қилинган бўлса, ундан кейинги 100 йилда 73 тур сут эмизувчи, 120 тур қушлар батамом йўқолган. Кейинги 50 йилда эса ҳайвонот дунёсининг ундан ҳам кўпроқ вакиллари ўқ қилиб юборилган.

Ўрта Осиё региони ўз ҳайвонот ва ўсимлик оламининг хилма-хиллиги ва бойлиги билан ажралиб туради. Масалан, Ўзбекистонда 650 дан ортиқ умуртқали ҳайвонлар, шу жумладан сут эмизувчилар - 99 тур, қушлар - 410 тур, судралиб юрувчилар - 57 тур, сувда ва қуруқликда яшовчиларнинг - 3 тури учрайди.

Аммо, шуниси ачинарлики, Ўзбекистон "қизил китоби"га умуртқали ҳайвонларнинг нодир ва йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган жами 63 тури ва кенжа тури киритилган бўлиб, улар орасида 22 тур сут эмизувчи ҳайвон, 31 тур қуш, 5 тур судралиб юрувчи ҳайвон ва 5 тур балиқ бор.

Ўзбекистон Республикасида мустақилликка эришгандан сўнг, иқтисодий, экологик, географик ва миллий хусусиятларни ҳисобга олиб бир қатор янги қонунлар қабул қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш хусусияти шундан иборатки, улар асосан табиатнинг барча объектлари, бойликлари фаолиятининг маълум мутаносибликда сақланиши билан боғлиқ.

Олий Мажлиснинг эътиборли фаолиятида қабул қилинган, "Табиатни муҳофаза қилиш" (1992 й.), "Сув ва сувдан фойдаланиш" (1993 й.), "Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар" (1993 й.), "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги (1994 й.), "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш" (1996 й.), "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш" (1997 й.), "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш" (1997 й.), "Ер Кодекси" (1998 й.), "Ўрмон тўғрисида"ги (1999 й.) бир қатор Ўзбекистон Республикасининг қонунлари республикамизда экологик ҳолатни яхшилашга хизмат қилмоқда.

Жумладан республикамиздаги мавжуд ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 26 декабрдаги сессиясида қабул қилинган "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуни катта аҳамиятга эга.

Ушбу қонун қуруқликда, сувда, атмосферада ва тупроқда табиий эркинлик ҳолатида яшайдиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий ёки вақтинча турадиган ёввойи ҳайвонларни, шунингдек илмий ёки табиатни муҳофаза қилиш мақсадларида ярим эркин шароитида ёки сунъий яратилган яшаш муҳитида боқилаётган ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

қорақалпоғистон Республикасида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифаси ҳайвонот дунёсининг яшаш шароитларини таъминлаш, уларнинг хилма-хил турларини ҳамда табиий галалари бутлигини ва яшаш муҳитини сақлаш мақсадида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш, уни тиклаш ва такрор етиштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Мазкур "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддасида "Ҳайвонот дунёсига нисбатан мулкдорлик" масаласи кўрсатилган. Жумладан унга асосан:

Ҳайвонот дунёси давлат мулки - умуммиллий бойлик бўлиб, ундан оқилона фойдаланилиши лозим ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Шундай экан, ҳайвонот дунёси объектларига нималар киришини билиб олиш зарур. Ушбу қонуннинг 4-моддасида қуйидагича таърифланган.

Ҳайвонот дунёси объектлари қуйидагилардан иборат:

келиб чиқиши ҳайвонларга мансуб бўлган организмлар - сут эмизувчилар, паррандалар, судралиб юрувчи ҳайвонлар, ҳам қуруқликда, ҳам сувда яшовчи ҳайвонлар, балиқлар, умуртқасизлар ва уларнинг популяциялари;

ёввойи ҳайвонлардан ташкил топадиган табиий ҳайвон галалари ёки уларнинг ҳар қандай тудалари;

ёввойи ҳайвонларнинг камёб ёки йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган турлари;

ёввойи ҳайвонлар яшаш фаолиятининг маҳсулотлари.

Таъкидлаш ўринлики, амалиётда ҳар доим ҳам ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишга, ундан оқилона эстетик мақсадда фойдаланишга эътибор берилмайди. Шунинг учун ҳам ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишнинг

қуйидаги тадбирларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Ушбу ҳолат қонуннинг 30-моддасида қуйидагича кўрсатилган.

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш:

ҳайвонот дунёси объектларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни такрор етиштириш қоидалари ва нормаларини белгилаш;

ҳайвонот дунёсидан фойдаланишда чеклашлар ва тақиқлар белгилаш;

ҳайвонот дунёсидан ўзбошимчалик билан фойдаланишнинг ва ундан фойдаланиш борасида белгиланган тартибни бошқача бузишларнинг олдини олиш;

ҳайвонларнинг яшаш муҳити, уларнинг урчиши шарт-шароитлари ва кўчиб юриш йўллари муҳофаза қилинишини ташкил этиш;

хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошириш, транспорт воситаларидан фойдаланиш пайтида ҳайвонлар нобуд бўлишининг олдини олиш;

алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар барпо этиш;

камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвон турларини тутқунликда урчитиш;

ҳайвонлар касалликка чалинганда, уларнинг табиий офатлар ва бошқа сабаблар оқибатида нобуд бўлиши хавфи туғилганда уларга ёрдам бериш;

ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тадбирларини асослашга қаратилган илмий-тадқиқотларни ташкил этиш;

ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш бўйича бошқа тадбирларни ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчи субъектлар юридик ва жисмоний шахслар, фуқаролар ҳамда жамоа бирлашмалари ҳайвонот дунёсини ҳамда унинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш соҳасида ҳам эътиборли ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширишлари зарур. Жумладан фуқаролар ва жамоат бирлашмалари:

ҳайвонот дунёсини ва унинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширадилар;

ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурлари руёбга чиқарилишига кўмаклашадилар;

экология соҳасида жамоатчилик экспертизасини ўтказадилар;

жамоатчилик назоратини амалга оширадилар;

ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасидаги ахборотни қонун хужжатларида белгиланган тартибда оладилар;

ҳайвонот дунёсига ва унинг яшаш муҳитига етказилган зарарни қоплаш масаласини қўядилар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширадилар.

Шу билан бирга ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида давлат бошқарувини олиб борилиши ҳам катта аҳамиятга эга.

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон кўмитаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Зеро, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш устидан давлат назоратини олиб бориш ҳам ушбу муаммо билан боғлиқ кўпгина масалаларни ҳал этишга ёрдам беради.

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш устидан идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## *2§. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқи ва турлари. Фойдаланиш ҳуқуқининг пайдо бўлиш асослари.*

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқи, ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишлари, унга амал қилишлари, ҳайвонот дунёси давлат мулки - умуммиллий бойлик сифатида ундан оқилона фойдаланишлари ва давлат томонидан муҳофаза қилиш ишларига бўладиган муносабати тушунилади.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар бўлиб юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланиши мумкин. Фойдаланувчилар ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш борасида ўзларига тегишли ҳуқуқни қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар ва тартибда амалга оширишлари лозим.

Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш умумий ва махсус фойдаланиш тартибида амалга оширилади.

Ҳайвонот дунёси объектларидан умумий фойдаланиш жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва миқдорда бепул амалга оширилади.

Ҳайвонот дунёси объектларидан махсус фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда бериладиган рухсатномалар асосида ҳақ эвазига амалга оширилади.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар қонунда кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини талаб даражасида амалга оширишлари шарт. Ана шундай ҳолатлар "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган қонуннинг 16-моддасида аниқ кўрсатилган.

Жумладан, ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар: ҳайвонот дунёси объектларидан уларни бериб қўйиш шартларига мувофиқ фойдаланиш;

тутиб олинган ҳайвонот дунёси объектларига ва улардан олинган маҳсулотга нисбатан мулкдорлик ҳуқуқига эгадирлар.

Ов қилиш ёки балиқ овлаш хўжалигини юритувчи юридик шахслар:

юридик шахсларга ҳайвонот дунёси объектларидан белгиланган нормалар доирасида фойдаланиш учун рухсатномалар беришга;

юридик ва жисмоний шахслар ҳайвонот дунёси объектларидан ов қилиш мақсадида белгиланган нормалар доирасида фойдаланиши учун улар билан шартномалар тузишга;

ов ва балиқ маҳсулотини қайта ишлаш ҳамда ҳайвонот дунёси объектларидан буюмлар ишлаб чиқаришга;

ҳайвонот дунёси объектларидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва буюмлардан фойдаланиш ҳамда уларни сотишга;

сунъий равишда етиштирилиб, табиий яшаш муҳитига чиқариб юборилган ҳайвон турларидан фойдаланишга ҳақлидирлар.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар:

ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг белгиланган нормалари ва муддатларига риоя этишлари;

ҳайвонот дунёсининг муҳофаза қилинишини таъминлашлари;

ҳайвонот дунёсидан табиий галаларининг бутлиги бузилишига йўл қўймайдиган ва фойдаланишга бериб қўйилмаган ҳайвонларнинг сақлаб қолинишини таъминлайдиган усуллар билан фойдаланишлари;

ҳайвонларнинг яшаш муҳити бузилишига йўл қўймасликлари;

ҳайвонлар микдорини ҳамда улардан фойдаланиш хажмларини ҳисобга олишлари;

ҳайвонот дунёсини тиклаш ва такрор етиштиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишлари шарт;

ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишлари мумкин.

Шунингдек, ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш турлари ва усулларини ҳуқуқий ҳолати ҳайвонот дунёсидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга катта ёрдам беради.

Ҳайвонот дунёсидан қуйидаги мақсадларда белгиланган ҳуқуқий нормалар асосида фойдаланилади:

1) Ҳайвонот дунёсидан илмий, маданий- маърифий, тарбиявий ва эстетик мақсадларда фойдаланишга ҳайвонот дунёси объектларини уларнинг яшаш муҳитидан ажратиб олиб ва ажратиб олмасдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўйилади.

2) Ҳайвонларнинг фойдали хусусиятларидан - тупроқ ҳосил қилувчилардан, муҳитнинг табиий санитарларидан, ўсимликларни чанглатувчилардан, шунингдек ҳайвонот дунёси объектларининг бошқа хусусиятларидан фойдаланиш уларни яшаш муҳитидан ажратиб олмасдан ва уларга ёки улар яшайдиган муҳитга зарар етказмасдан амалга оширилади.

3) Ҳайвонлардан уларнинг маҳсулотларини олиш мақсадида фойдаланишга ҳайвонот дунёси объектларини яшаш муҳитидан ажратиб олмасдан ва уларни нобуд қилмасдан, шунингдек улар яшайдиган муҳитни бузмасдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўйилади.

Шунингдек "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 24-моддасига асосан: ҳайвонот дунёси объектларининг миқдорини тартибга солиш квоталар асосида амалга оширилади. Квоталар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ҳисобга олиш маълумотлари ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосалари асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

Ҳайвонларнинг айрим турларини муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосалари асосида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ана шу турдаги ҳайвонлардан фойдаланишга ёки фойдаланишнинг айрим турларига чеклашлар ёхуд тақиқлашлар белгиланиши мумкин.

Аҳоли соғлиғини сақлаш, қишлоқ хўжалик моллари ва бошқа уй ҳайвонлари касалликларга чалинишининг олдини олиш, юридик ва жисмоний шахсларга зарар етказилишининг олдини олиш, ҳайвонот дунёсининг турлари бўйича хилма-хиллигини сақлаб туриш мақсадида ёввойи ҳайвонлар айрим турларининг миқдорини тартибга солиш тадбирлари ўтказилади.

Айрим турдаги ҳайвонлар миқдорини тартибга солиш тадбирлари ҳайвонларнинг бошқа турларига зарар етказилишини истисно этадиган ва уларнинг яшаш муҳит сақланиб қолишини таъминлайдиган усуллар билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосаларини ҳисобга олиб ҳамда ер, сув ва ўрмон заҳираларини муҳофаза қилишни амалга оширадиган тегишли давлат органлари билан келишган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Миқдори тартибга солиниши лозим бўлган ҳайвон турлари ва уларнинг миқдорини тартибга солиш тадбирларини ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланади.

Ушбу масалага, "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 17-моддасига қуйидагича эътибор берилган. Унга кўра ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш турлари қуйидагилардан иборат:

ов қилиш;

балиқ овлаш;

ҳайвонот дунёсидан илмий, маданий-маърифий, тарбиявий ва эстетик мақсадларда фойдаланиш;

ҳайвонлар фаолиятининг фойдали хусусиятларидан фойдаланиш;

ҳайвонлардан уларнинг фаолияти маҳсулотларини олиш мақсадида фойдаланиш.

қонун ҳужжатларида ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳайвонот дунёси объектларини уларнинг яшаш муҳитидан ажратиб олмасдан амалга оширилиши мумкин.

Ҳайвонот оламидан фойдаланиш ҳуқуқи мустақил тартиблар мажмуи ҳисобланиб, у экологик ҳуқуқнинг бир қисмидир.

Демак, ҳайвонот дунёсини ҳуқуқий экологик муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш деганда қонунда белгиланган ва кенг ўрин олган унинг экологик аҳамиятини сақлашга, жамиятнинг иқтисодий, илмий, маданий, эстетик, табиий, тарбиявий ва бошқа эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган давлат ва ижтимоий ҳуқуқий экологик тадбирларнинг уйғунлиги тушунилади.

Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, фикримизча ҳайвонот дунёсини ҳуқуқий-экологик муҳофаза қилиш ва фойдаланишда, ноёб ҳайвонларни келажак авлодга сақлаб қолиш ва кўпайтириш учун хорижий мамлакатлар, айниқса, АқШ, Канада, Англия, Япония, Франция, Швейцария ва бошқа мамлакатлар тажрибасидан фойдаланишимиз мақсадга мувофиқдир.

## *3§. Ов қилиш ва балиқ овлашни ҳуқуқий тартибга солиш.*

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш тури сифатида ов қилиш ва балиқ овлашни ҳуқуқий тартибга солиш катта аҳамиятга эга.

"Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 18-моддасида ов қилиш билан боғлиқ масалаларнинг ҳуқуқий изоҳи кўрсатилган. Жумладан унга асосан:

табиий эркинлик ҳолатида яшайдиган ёввойи ҳайвонларни тутиш мақсадида излаш, изига тушиш ва қувлаб бориш, тутишга интилиш ёки тутиш (отиш, тутиб олиш) ов қилиш деб ҳисобланади.

Ов саноат, ҳаваскорлик ва спорт мақсадида олиб борилиши мумкин,- деб кўрсатилган.

Шунингдек, қонунда балиқ овлаш масаласига ҳам катта эътибор қаратилиши лозим.

Балиқ ва умуртқасиз сув ҳайвонларини тутиш балиқ овлаш деб ҳисобланади.

Балиқ овлаш саноат, ҳаваскорлик ва спорт мақсадида олиб борилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай вазиятда ҳам ов қилиш ва балиқ овлаш учун юридик ва жисмоний шахсларга белгиланган ҳуқуқий нормалар доирасида тегишли рухсатномалар бўлиши, яна ов қилиш ва балиқ овлаш учун белгиланган нормалар доирасида фойдаланиш учун улар билан тегишли шартномалар тузиши, ов ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда ҳайвонот дунёси объектларидан буюмлар ишлаб чиқиш ва тегишли жойларга топшириш мажбуриятларини ўз зиммаларига олишлари зарур.

Таъкидлаш лозимки мазкур қонунда ов қилиш ва балиқ овлашнинг ман қилинган усуллари ҳам ёритилган.

Ов қилиш ва балиқ овлашда умумхавфли қуроллар ва усулларни қўллаш ман этилади.

Фалокатга учраган ва ўзи учун нотабиий шароитда турган ҳайвонларни ов қилиш ман этилади (20-модда).

Шуниси эътиборлики ов қилиш ва балиқ овлаш хўжалигини юритиш уни фаолиятини қонуний такомиллаштириш лозим.

Мазкур қонуннинг 25-моддасига биноан ов қилиш ва балиқ овлаш хўжалигини юритиш юридик ва жисмоний шахслар томонидан:

ов қилинадиган ва балиқ овланадиган ер-сув майдонлари лойиҳаларининг давлат экология экспертизаси;

ҳайвонлар микдорини ҳамда ов қилинадиган ва балиқ овланадиган майдонлар ҳолатини ҳисобга олиш материаллари;

ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган квоталар ва рухсатномалар, ҳайвонот дунёси объектларини ва улар яшайдиган муҳитни муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш, уларни такрор етиштириш тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги шартномалар асосида амалга оширилади.

Ов тўғрисидаги ҳамда ов қилиш ва балиқ овлаш хўжаликларини юритиш тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

қонун ов қилиш ва балиқ овланадиган майдонларни лойиҳалашда ҳам экологик ҳолат ва вазият инобатга олинган ҳолда давлат экологик экспертизасидан ўтказилиши мақсадга мувофикдир. Ушбу қонунга асосан қуйидагилар давлат экологик экспертизасидан ўтказилиши лозим:

барча турдаги қурилишлар учун майдон танлаш материаллари, амалга оширилиши ҳайвонот оламининг ҳолатига ёки унинг яшаш муҳитига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган режадан олдинги, лойиҳадан олдинги ва лойиҳа ҳужжатлари;

ов қилинадиган ва балиқ овланадиган майдонларни ташкил этиш лойиҳалари;

ҳайвонларни янги иқлимга мослаш ва дурагайлаш ишларининг лойиҳалари;

ҳайвонот дунёси ва унинг яшаш муҳити учун хавфли бўлган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари.

Ҳайвонот дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат экологик экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади (7-модда).

Демак юқоридаги барча ҳолатлар ов қилиш ва балиқ овлашни тўғри қонуний йўлга қўйишга ёрдам беради.

## *4§. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқининг бекор бўлиш асослари.*

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш масаласи Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва миқдорда амалга оширилади.

Албатта, ҳайвонот дунёси объектларидан махсус фойдаланиш ҳоллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда бериладиган рухсатномалари асосида ҳақ эвазига амалга оширилиши ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилишини ҳам таъкидлашимиз лозим.

Шуни алоҳида қайд этиш ўринлики, ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилишга асос бўлиб, ҳайвонот дунёсини ва унинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш ҳамда ундан фойдаланишга оид асосий талабларни бузиш ёки уни бажармаслик, унга эътибор бермаслик оқибатида ҳам вужудга келади.

"Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 11-моддасида ана шу талаблар қуйидагича ифодаланган. Ҳайвонот дунёсини ва унинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш ҳамда ундан фойдаланишга оид асосий талаблар қуйидагилардан иборат:

ҳайвонларнинг тур бўйича хилма-хиллигини ва улар галаларининг бутлигини табиий эркинлик ҳолатида сақлаб қолиш;

ҳайвонларнинг яшаш муҳитини, урчиш шарт-шароитларини ва кўчиб юриш йўлларини сақлаб қолиш;

ҳайвонот дунёси объектларидан оқилона фойдаланиш, уларни тиклаш ва такрор етиштириш;

аҳоли соғлиғини сақлаш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга зарар етказилишининг олдини олиш мақсадида ҳайвонот дунёси объектларининг миқдорини тартибга солиш.

Демак, барча ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар юқоридаги талабларга риоя қилишлари шарт. Бундан ташқари ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчи субъектлар мазкур қонунда кўрсатилган бир қатор талаблар: яъни,

ҳайвонот дунёсининг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган фаолият кўрсатса (31-модда), хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятни амалга ошириш пайтида ёввойи ҳайвонлар касалликка чалинишининг ва нобуд бўлишининг олдини олиш қоидаларини бузса ва талабларни амалга оширмаганда (33-модда), ҳудудни хўжалик мақсадларида ўзлаштириш пайтида ҳайвонларнинг яшаш муҳитини ва уларнинг урчиш шароитларини сақлаш тадбирларини бажармаганда (34-модда), ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб ўтиш йўлларини, яшаш ва урчиш жойларини сақлаб қолиш талаб ва қоидаларини бажармаганда (35-модда), камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвон турларини муҳофаза қилиш қоидаларига амал қилмаса ёки бузганда (36-модда) ҳам ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқлари бекор қилиниши мумкин.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш ушбу қонуннинг 27-моддасига асосан қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

фойдаланиш зарурати қолмаганда ёки ундан воз кечилганда;

фойдаланишнинг белгиланган муддати ўтганда;

ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда;

ҳайвонот дунёси объектларини муҳофаза қилиш мақсадида уларни фойдаланишдан ажратиб олиш зарурати туғилганда;

фойдаланиш ҳуқуқи берилган юридик шахс тугатилганда.

қонун ҳужжатларида ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш учун бошқа асослар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқи рухсатномаларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиш йўли билан тугатилади.

## *5§. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари.*

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш масаласи Ўзбекистон Республикаси "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунида ҳам аниқ кўрсатиб ўтилган. Ушбу қонуннинг XI бўлими "Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузганлик учун жавобгарлик ва табиатни муҳофаза қилишга оид низоларни ҳал қилиш", - деб номланади ва мана шу бобда, яъни 47-моддада "Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузганлик учун жавобгарлик" деб кўрсатилган.

Албатта, ҳайвонот дунёсини экологик муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун интизомий, маъмурий, фуқаролик ва жиноий жавобгарликлар мавжуд. Шунингдек, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 39-моддасида ҳам баён этилган.

Интизомий жавобгарлик - бу ҳайвонот дунёсини экологик аҳамиятини ҳисобга олиб, ундан турли мақсадларда фойдаланиш ёки муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш ҳолларда қўлланилади. Ҳуқуқий интизомий жавобгарлик айнан, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилаётган, қўриқланаётган, кўпайтирилаётган, сақланаётган қўриқхона ходимларига нисбатан қўлланилади.

Интизомий ҳуқуқий жавобгарлик бевосита меҳнат интизоми бузилиши оқибатида вужудга келиб, айнан шу ходим ишлаётган корхона, муассаса, ташкилот раҳбари томонидан қўлланилади.

Интизомий жавобгарлик, шунингдек майда қонун бузиш ҳолларида ҳам содир бўлиб кўпроқ меҳнат ҳуқуқи нормалари асосига мувофиқ белгиланади.

Интизомий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси "Меҳнат Кодекси"нинг 181-моддаси талаби асосида содир этилган ҳуқуқбузарлик учун қўлланиши лозим.

Фуқаролик жавобгарлик - ҳам ҳайвонот дунёсини ҳуқуқий экологик муҳофаза қилишда катта аҳамиятга эга. У асосан етказилган зарарни қоплаш ёки тўлаш йўли билан амалга оширилади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 40-моддасида шундай дейилади.

қонунга хилоф равишда тутилган ҳайвонот дунёси объектлари, улардан олинган маҳсулот, қонунга хилоф равишда тутиш қуроли ва воситалари, шу жумладан транспорт воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб қўйилиши ёки мусодара қилиниши лозим.

қонунга хилоф равишда тутилган ҳайвонларни ва улардан олинган маҳсулотни айбдор шахслардан олиб қўйиш имкони бўлмаган тақдирда, уларнинг қиймати қонун ҳужжатларида назарда тутилган миқдорлар ва тартибда ундирилади.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбири сифатида, маъмурий ҳуқуқий жавобгарлик белгиланади. Мазкур жавобгарлик тури маъмурий экологик ҳуқуқбузарликни содир этган субъектларга нисбатан қўлланилади.

Ушбу жавобгарлик тури, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодексда аниқ кўрсатилган.

Жумладан ушбу Кодекснинг 90-моддасига мувофиқ:

ов қилиш, балиқ тутиш ёки балиқ захираларини муҳофаза этиш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш -

шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса - иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Тегишли рухсати бўлмай туриб ёки тақиқланган жойларда ёхуд тақиқланган муддатларда, тақиқланган қуроллар ёки усуллар билан ов қилиш ва балиқ тутиш, шунингдек ов қилишга ёки балиқ тутишга оид бошқа қоидаларни мунтазам равишда бузиш -

шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга, ёхуд шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, уч йилгача муддатга ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўлади.

Мазкур, Кодекснинг 92-моддасида эса бошқача содир этилган экологик ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик ҳолати баён этилган. Унга кўра, ҳайвонлар яшайдиган муҳитни ва уларнинг кўчиш йўлларини муҳофаза қилиш қоидаларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни вужудга келтириш, тўлдириш, сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш қоидаларини, зоологик ва ботаник коллекциялар билан савдо қилиш

қоидаларини, шунингдек ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни бошқа жойга жўнатиш ва чет элга олиб кетиш қоидаларини бузиш, худди шунингдек ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бошқа ерга кўчириш, иқлимлаштириш ёки чатиштириш -

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса - бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Яна, "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодекснинг 93-моддасига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси қизил китобига киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар турларини сақлашга зарар келтиради деб топилган ҳайвонлар ёки ўсимликларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб келиш-

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса - уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Хусусиятли томони шундаки, ушбу Кодексда "Ноёб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфида турган ҳайвонларни қирилиб кетиши, йўқ қилиб юбориш, ўлжа қилиш ёхуд шундай ҳайвонларнинг сони камайиб кетишига ёки яшаш муҳити бузилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳаракатлар учун, содир этилган экологик ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик ва жазо чораси ҳам кўрсатилган:

Ўзбекистон Республикаси қизил китобига киритилган ҳайвон турларига мансуб ноёб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфида турган ҳайвонларни йўқ қилиб юбориш, ўлжа қилиш ёхуд уларнинг тухум, увилдириқ қўядиган инларини, бошпаналарини йўқ қилиш, инлари, уялари ва бошқа яшириниш жойларини бузиш ёхуд шундай ҳайвонларнинг қирилиб кетишига, сони камайиб кетишига ёки яшаш муҳити бузилишига сабаб бўладиган бошқа ҳаракатлар содир этиш ёхуд бундай ҳайвонларни овлаш рухсатномасида кўрсатилган шартларни бузган ҳолда ўлжа қилиш -

шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли бўлган ашёларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса - икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, -

шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли бўлган ашёларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса - уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (94-модда).

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбири сифатида содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жиноий жавобгарлик белгиланади.

Албатта жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик бошқа ҳуқуқий жавобгарлик турларига нисбатан анча оғир формада ҳайвонот дунёсини ўлишига, қирилиб

кетишига, камайиб қолиши ёки бошқа ҳолатларда содир этилган экологик ҳуқуқбузарлик учун қўлланилади.

Содир этилган ушбу ҳуқуқбузарлик учун, Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган, Жиноят Кодексининг 202-моддасида аниқ жавобгарлик ва жазо чораси белгиланган. Унга кўра овчилик, балиқчилик ёки ҳайвонот дунёсининг бошқа турларини ушлаш қоидаларини бузиш, ноёб ҳайвонларни тутишнинг белгиланган тартиби ёки шартларини ёхуд ўсимликларнинг дори-дармон, озиқ-овқат ва манзарали (декоратив) турларини йиғиш ёки тайёрлаш, шунингдек махсус қўриқланадиган табиий ҳудудлардаги ҳайвонот ва ўсимлик оламидан фойдаланиш тартибини бузиш анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) ҳайвонлар, паррандалар, балиқ, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг қизил китобга киритилган бошқа турларини нобуд қилиш билан;

б) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса,-

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) хавфли рецидивист томонидан;

б) шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб;

в) ер, сув ёки ҳавода ишлатиладиган механизациялаштирилган воситалардан фойдаланиб;

г) портлаш қурилмалари, заҳарли кимёвий моддалар ёки бошқа ялпи қириб юборадиган ёки нобуд қиладиган усулларни қўллаган ҳолда;

д) уюшган гуруҳ томонидан;

е) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса,-

энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

# XIV боб. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ҳолати.

## *1 §. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ҳолати тушунчаси ва умумий характеристикаси.*

Атмосфера ҳавоси табиий ресурсларнинг таркибий қисми бўлиб, у умумий бойлик ҳисобланади ва давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Атмосфера ҳавосининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ва “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ белгиланади. Атмосфера ҳавоси атроф табиий муҳитнинг асосий объектларидан бири бўлиб, у экологик ва иқтисодий вазифаларни бажаради. Атмосферага кирувчи ҳар хил моддалар инсон, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг ҳаётий манбаси ҳисобланади. Атмосферага саноат корхоналаридан ишлаб чиқариш чиқиндилари ташланади ва унинг таркибидаги моддалар ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилади, ва ниҳоят, атмосфера ҳавоси ҳаво транспортининг макони (фазо) ҳисобланади.

Экология ҳуқуқи билан атмосфера ҳавосининг табиий объект сифатида муҳофаза этилиши тартибга солинади. Турар жой, саноат ва бошқа ишлаб чиқариш хоналаридаги ҳавонинг ҳолати экологик қонун ҳужжатлари билан эмас, балки санитария нормалари билан тартибга солинади. Атмосфера ҳавоси ҳуқуқий ҳолатининг ўзига хос хусусияти бўлиб, унинг мулк ҳуқуқи ёки фойдаланиш ҳуқуқи объекти бўлмаслиги ҳисобланади, чунки атмосфера ҳавосини табиий хусусиятига кўра бўлиб ва чегаралаб бўлмайди. Шунга қарамай, ҳар бир давлат ўз ҳудудидаги атмосфера ҳавосига нисбатан суверен ҳуқуқларга эга ва ундан бошқа давлатлар томонидан ҳаво йўли сифатида фойдаланиш фақат шу давлатнинг рухсати асосида амалга оширилиши мумкин. (Ўзбекистон Республикасининг Хаво кодексини 1-моддаси).

Атмосфера ҳавосининг ҳуқуқий ҳолати уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ. Давлат атмосферани ифлосланиши ва унга ўзга зарарли таъсир кўрсатишнинг чегараларини белгилайди. Ушбу чегаралар атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги стандартлар ва нормативлар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича огоҳлантирувчи, ман қилувчи, рухсат этувчи норма ва ташкилий чора-тадбирлар белгиланган.

Атмосфера ҳавоси ифлосланишдан ва зарарли физикавий таъсир кўрсатишдан муҳофаза этилади. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши деганда, унга зарарли моддалар ва биологик организмларни чиқариб ташлаш тушунилади. Атмосфера ҳавосига акустик (шовқин), электромагнит, ионлаштирувчи (радиацион) ва бошқа хил зарарли физикавий таъсир кўрсатилиши мумкин.

Атмосфера ҳавоси ифлослантириш ва унга физикавий таъсир кўрсатишнинг объекти бўлиб стационар (доимий) ёки ҳаракатланувчи манбалар бўлиши мумкин. Стационар манбалар қаторига корхона, ташкилотлар ва бошқа кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган атмосфера ҳавосига чиқинди ташловчи ёки зарарли физикавий таъсир кўрсатувчи объектлар ҳисобланади. Ҳаракатланувчи манбалар сифатида транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар (карбюраторли ёки дизел двигатели билан

ишловчи электрогенераторлар, компрессорлар ва ҳакозалр) қонун ҳужжатларида кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун атмосфера ҳавосини истеъмол қилиш қоидаларини ҳам белгилайди. Атмосфера ҳавосини истеъмол қилиш деганда, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ҳавони ёки унинг таркибидаги зарурий элементларни (масалан, кислород, азот ва бошқалар) чиқариб (тортиб) олиш ҳисобланади. Атмосфера ҳавосини истеъмол қилиш белгиланган мейёрларга асосланиши лозим.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланишини олдини олиш ҳозирги замонда нафақат давлат ичида, балки халқаро миқёсда катта аҳамиятга эга, чунки юқорида қайд қилинганидек атмосфера ҳавосини чегаралаб бўлмайди ва ҳаво оқими билан ифлослантирувчи моддалар бир давлатдан бошқа давлат ҳудудларига ўтади ва шу давлатдаги ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига ҳамда инсон саломатлигига зарарли таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳам, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда нафақат давлатнинг ички қоидалари билан, балки халқаро нормалар билан ҳам тартибга солиш лозимдир.

## *2 §. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари*

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикасининг “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунида кўзда тутилган. Улар инсон ҳаёти ҳамда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси учун қулай атмосфера ҳавосини таъминлашга қаратилган. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий чора-тадбирлардан иборат бўлиб, булар бир бири билан чамбарчас боғлиқдир. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда давлат бошқарув органларининг ташкилий фаолияти (атмосфера ҳавоси сифатини нормативлаш, атмосферага зарарли моддалар чиқариш бўйича рухсатномалар бериш, атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатиш устидан давлат назоратини олиб бориш ва бошқалар) атмосфера ҳавосига зарарли таъсирни олдини олишга қаратилган.

Мазкур қонунда атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатувчи корхона, ташкилот ва муассасаларнинг қуйидаги мажбурий амалга оширадиган тадбирлари белгиланган: атмосфера ҳавосига чиқарилаётган зарарли моддалар, биологик организмларнинг ҳисобини юритиш, тозалаш иншоотларидан фойдаланиб, атмосфера ҳавосига зарарли моддалар чиқариш меъёрларига риоя этиш ва бошқалар.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида стандартларни белгилаш; атмосфера ҳавоси сифати нормативларини белгилаш; атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатиш ва атмосфера ҳавосидан фойдаланиш нормативларини ҳамда атмосфера ҳавосига физикавий омилларнинг зарарли таъсир кўрсатишини тартибга солиш ва бошқа усуллар билан атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш амалга оширилади.

Атмосфера ҳавосининг ҳолатини белгиловчи асосий кўрсаткичлар стандартлар орқали белгиланади. Инсон учун атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги стандартлар (санитария нормалари) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан, бошқа стандартлар эса, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атмосфера ҳавосининг ҳолатини баҳолаш учун ягона нормативлар белгиланади. Булар атмосфера ҳавосида ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларнинг инсон ва атроф табиий муҳит объектлари учун йўл қўйиладиган даражадаги тўпламлари, физикавий омиллар атмосфера ҳавосига акустик, электромагнит, ионлаштирувчи ва бошқа хил зарарли таъсир кўрсатишнинг инсон ва атроф табиий муҳит объектлари учун йўл қўйиладиган даражаларидир. Айрим минтақалар учун инсон саломатлиги ва алоҳида табиий объектларни муҳофаза этиш мақсадида атмосфера ҳавосининг сифат нормативларига нисбатан оширилган талаблар белгилаб қўйилиши мумкин.

Атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатадиган ҳар бир объект учун нормативлар белгиланади. Булар икки турга бўлиниб: биринчидан, атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар чиқаришнинг нормативлари, иккинчидан, унга физикавий омилларни зарарли таъсир кўрсатишининг йўл қўйиладиган доирадаги нормативлари. Ушбу нормативлар ҳар бир ифлослантирувчи модда, биологик организм ва физикаий омил учун белгиланади. Атмосфера ҳавосига доимий манбалардан ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар чиқаришнинг йўл қўйиладиган доирадаги нормативлари ва унга физикавий омиллар зарарли таъсир кўрсатишининг йўл қўйиладиган нормативлари корхона, муассаса, ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун атмосфера ҳавосини истеъмол қилиш нормативлари атмосфера ҳавосининг табиий таркиби ўзгаришига олиб келмайдиган даражада белгиланади ва улар корхона, муассаса, ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органи томонидан тасдиқланади.

Кўчма манбалардан атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатиш нормативлари ҳар бир кўчма манбаси тури бўйича стандартлар орқали белгиланади. Ушбу стандартлар атмосфера ҳавосига транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи манбаларнинг ишлатилган газлардаги ифлослантирувчи моддалар миқдори ва зарарли физикавий омиллари бўйича тасдиқланади. Масалан, карбюратор двигателли автотранспорт учун уларнинг чиқинди газларидаги углерод оксиди миқдори бўйича белгиланади. Бу кўрсаткич ҳамма карбюраторли двигателлар учун ягона ҳисобланади.

Доимий ифлослантирувчи манбалардан атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмлар чиқариш учун ҳамда

атмосфера ҳавосини истеъмол қилиш учун Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан бериладиган рухсатномага асосан йўл қўйилади.

Доимий манбалардан атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни чиқарувчи корхона, ташкилот, муассасалар ташкилий хўжалик ва техник тадбирларни амалга ошириши лозим. Зарарли таъсирни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишлари, чиқиндиларни тозалаш учун қурилма, асбоб ва ускуналарни ишга яроқли ҳолда сақлаб, уларни доимий ишлатишга; атмосферага чиқарилаётган зарарли моддалар миқдори ва сифатининг ҳисобини юритишга мажбурдирлар. Ушбу корхоналар атмосфера ҳавосига зарарли моддалар чиқариб ташлаши оқибатида тупроқ, сув ва бошқа табиий ресурсларга зарарли таъсир кўрсатмасликни таъминлашлари шарт. Авария ва ноқулай метеорологик ҳолатлар вужудга келганда, тегишли чораларни кўришлари, хусусан, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш устидан назорат олиб борувчи органларни огоҳлантириш, ифлосланиш сабабини бартараф этиши ҳамда атмосферага зарарли таъсир кўрсатишни тўхтатиши лозим.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза этишда давлат органларининг фаолияти катта аҳамиятга эга. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва маҳаллий ҳокимият органлари амалга оширадилар. Ушбу давлат органлари:

1) атмосфера ҳавосининг мониторингини, яъни кузатувини олиб бориб, атмосфера ҳавосининг сифат кўрсаткичлари ҳисобини ва иқлимнинг ўзгариши тўғрисидаги маълумотларни йиғиб борадилар ҳамда атмосфера ҳавоси ҳолатининг ўзгаришини олдиндан тахмин қилишни олиб борадилар;

2) атмосфера ҳавосининг сифатини белгилаш мақсадида ва уни муҳофаза қилиш учун норматив ва стандартларни тасдиқлайдилар. Ушбу норматив ва стандартлар орқали атмосфера ҳавосининг ҳолати ва уни муҳофаза қилиш режалаштирилади;

3) атмосферага ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни чиқариб ташлашга рухсат берадилар;

4) атмосферани муҳофаза қилиш соҳасида юридик ва жисмоний шахслар устидан давлат назоратини олиб борадилар.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиологик хизмати (атмосферага зарарли физикавий таъсир кўрсатиш устидан) ва Ички ишлар вазирлигининг автомобил назорат хизмати (автотранспортдан фойдаланиш жараёнида атмосфера ҳавосини ифлослантириш устидан) амалга оширади. Мазкур давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини олиб борганда, қуйидаги ҳуқуқларга эга: ифлослантирувчи манбаларни текшириш мақсадида корхона, ташкилот ва муассасаларга монеликсиз кириш; тегишли қурилма ва асбоб-ускуналарнинг ишлашини текшириш; тегишли ҳужжатлар, шу жумладан зарарли моддалар

ташлаш китоблари билан танишиш; аниқланган ҳуқуқбузарликларни тўхтатиш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш ҳамда олдини олишга қаратилган мажбурий характерга эга бўлган кўрсатмалар беришга; корхона, цех, автотранспорт воситалари, алоҳида объектларнинг фаолиятини ёки ишлатилишини тўхтатиб туриш; белгиланган тартибда маъмурий жазо чораларини қўллаш ҳамда интизомий ёки жиноий жавобгарликка тортиш масаласини қўйишга ва ҳуқуқбузарлик оқибатида атроф табиий муҳитга етказилган зарарни ундириш бўйича даъво аризасини қўзғатиш ва бошқалар.

## *3 §. Атмосфера ҳавоси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик*

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор шахслар белгиланган тартибда маъмурий, жиноий, фуқаролик ҳуқуқий ва интизомий жавобгарликка тортиладилар.

Экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 85-89[1] ва 125-моддаларида белгиланган. Мазкур Кодекс қуйидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни белгилайди: ифлослантирувчи модда ва биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш, унга зарарли физикавий таъсир кўрсатиш ёки атмосфера ҳавосини истъемол қилиш қоидаларини бузиш (85-модда); атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни тозалаш иншоотларидан ҳамда зарарли моддалар миқдори ва таркибини назорат қилувчи воситалардан фойдаланиш қоидаларини бузиш ёки улардан фойдаланмаслик (86-модда); чиқиндиларида ифлослантирувчи моддалар нормативдан ортиқ бўлган, шунингдек ишлаб турган вақтида шовқин даражаси нормативдан ортиқ бўлган транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни тайёрлаш, фойдаланишга чиқариш ҳамда фойдаланиш (87, 125-моддалар); қурилиш ва бошқа ишларни бажариш чоғида ёқилғи моддалар ва бинокорлик материалларини тўплаш ва ёқиш чоғида атмосфера ҳавосини муҳофаза этиш талабларига риоя этмаслик, битум эритишда махсус қурилмадан фойдаланмаслик (88-модда); ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаси ва бошқа дориларни ташиш, сақлаш ва қўллаш қоидаларини бузиш оқибатида атмосфера ҳавосини ифлослантириш хавфини туғдириш ёки ифлослантириш (89-модда); ишлатиш тақиқланган ва ишга яроқсиз бўлиб қолган кимёвий моддаларни зарарсизлантириш қоидаларини бузиш (89[1]-модда).

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 85, 86, 87-моддаси 1-қисми ва 89[1]-моддада кўзда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари бўлиб мансабдор шахслар ҳисобланадилар. Ушбу кодекснинг 87-моддаси 2-қисми, 88 ва 89-моддаларида кўзда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари бўлиб мансабдор шахслар ва фуқаролар, 125-модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг субъекти эса фақат фуқаролар ҳисобланади.

Атмосфера ҳавосига зарарли моддалар ва биологик организмларни чиқариш ва унга зарарли физикавий таъсир кўрсатишнинг белгиланган тартиби кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг объекти ҳисобланади.

Мазкур моддаларда кўзда тутилган ҳуқуқбузарликлар қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан қилинган ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар билан содир этилиши мумкин.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чоралари атмосфера ҳавосини зарарли моддалар ва биологик организмлар билан ифлослантириш бўйича Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг мансабдор шахслари, атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш бўйича эса Соғлиқни сақлаш вазирлигини санитар-эпидемиологик хизматининг мансабдор шахслари, автотранспортдан фойдаланиш жараёнида атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатиш бўйича Ички ишлар вазирлигининг давлат автомобиль назорати мансабдор шахслари қўллашга ҳақлидирлар.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш қоидаларини қўпол равишда бузилиши натижасида оғир оқибатлар вужудга келса, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 193-196, 201-моддаларида кўзда тутилган жиноий жавобгарлик чоралари қўлланилади. Мазкур кодекс қуйидаги хатти-ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликни белгилайди: Саноат, энергетика ва бошқа объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, ишга туширишда экологик хавфсизликка оид норма ва талабларни бузиш (193-модда); атроф табиий муҳитнинг радиацион, кимёвий ва бактериявий ифлослантирганлик тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш (194-модда); экологияси ифлосланган жойларни дезактивация қилиш ёки бошқача тарзда тиклаш чораларини кўришдан бўйин товлаш ёки бундай ишларни етарли даражада бажармаслик (195-модда); атмосфера ҳавосини ифлослантириш (196-модда); зарарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш (201-модда).

Ушбу ҳуқуқбузарликларни жиноят деб топиш учун мазкур моддаларда кўзда тутилган оғир оқибатлар вужудга келиши лозим. Инсоннинг ўлими, одамларнинг оммавий равишда касалланиши, экологияга салбий таъсир қиладиган даражада атроф муҳитнинг ўзгариб кетиши, ҳайвонларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатлар жиноят деб топиш учун асос бўлади. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси бошқа оғир оқибатларни ёритмаганлиги сабабли ҳар бир ҳолатда маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиқиб аниқланиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексини 193, 195-моддаларида кўзда тутилган жиноятнинг субъекти мансабдор шахслар, 194-моддада кўзда тутилган жиноятнинг субъекти махсус ваколатга эга мансабдор шахс, 196, 201-моддаларида кўзда тутилган жиноятнинг субъекти фуқаро ва мансабдор шахслар ҳисобланади.

Мазкур жиноятлар қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида қилинган ҳаракат ёхуд ҳаракатсизликлар билан содир этилиши мумкин. Масалан,

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексини 194-моддасида белгиланган жиноят фақат қасддан содир этилиши мумкин.

Атмосфера тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун интизомий жавобгарлик корхона, ташкилот ва муассаса билан меҳнат муносабатларида бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади. Интизомий жазо чорасини қўллаш учун ходимларга атмосфера ҳавосининг муҳофаза этиш вазифалари юклатилган бўлиши лозим. Ушбу вазифалар меҳнат шартномасида ёки меҳнат мажбуриятларини тақсимловчи бошқа ҳужжатда, масалан мансаб йўриқномасида ўз аксини топиши лозим. Ходимга юклатилган ушбу мажбуриятларни бажармаслиги унга интизомий жавобгарликни қўллашга асос бўлади, масалан, атмосферага зарарли моддалар чиқариш ҳисобини нотўғри юритганлиги учун унга интизомий жавобгарлик чораси қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини 181-моддасига мувофиқ, меҳнат интизомини бузганлик учун қуйидаги жазо чоралари қўлланилади: хайфсан; ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима; ички меҳнат тартиби қоидаларида кўрсатилган ҳолатларда, ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида жарима солиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 180-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган қоидага мувофиқ интизомий жазо амал қилиб турган муддат мобайнида ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилмайди.

Интизомий жазо чоралари корхона, ташкилот, муассаса раҳбари ёки уставда белгиланган бошқа шахс ёхуд орган (мулкдор, коллегиал орган) томонидан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини 182-моддасига мувофиқ ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин бир ой муддатда қўлланилиши мумкин.

Интизомий жазо чораси берилганлиги тўғрисидаги буйруқ (фармойиш) ёки қарор ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади. Интизомий жазо чораси берилганлиги тўғрисидаги қарор устидан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини 184-моддасида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Атмосфера ҳавосига нисбатан экологик талаблар бузилиши оқибатида етказилган зарар айбдор шахсдан ундирилади. Агар зарар етказувчи юридик шахс бўлса, у зарарни қоплаш мажбурияти билан бирга, ушбу зарар етказилишига бевосита айбдор ходимни моддий жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эга бўлади. Ходимни моддий жавобгарликка тортиш тартиби ва шартлари меҳнат қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Моддий жавобгарликнинг вужудга келиши учун қуйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлиши лозим: ходимнинг ноқонуний хатти-ҳаракати, яъни ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида корхона, ташкилот, муассасага ҳақиқий зарар етказилган бўлиши лозим; ходимнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги айбли

бўлиши керак, ходимнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги ва келиб чиққан оқибатлар, яъни зарар етказилиши билан сабабий боғланиш бўлиши лозим.

Аксарият ҳолларда моддий жавобгарликнинг миқдори қонун билан чекланган, масалан, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини 201-моддасига мувофиқ, агар мазкур кодексда бошқача ҳолат назарда тутилган бўлмаса, ходим етказилган зарар учун ўзининг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори доирасида моддий жавобгар бўлади. Агар ходим экологик талабларни бузиб қасддан зарар етказган бўлса ёки алкоголли ичимлик, гиёҳвандлик ёхуд токсик модда таъсирида мастлик ҳолатида зарар етказган тақдирда, ҳамда қонунларда, шунингдек Ҳукумат қарорларида назарда тутилган ҳолларда етказилган зарар учун ходим тўлиқ моддий жавобгарликка тортилади (Меҳнат кодексининг 202-моддаси).

Ходим томонидан зарарни ихтиёрий равишда тўлаш ёки уни мажбурий ундириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини 206 ва 207-моддаларида ўз аксини топган. Корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарининг зарар ундириш тўғрисидаги қарори зарар етказилганлиги аниқланган кундан бошлаб бир ой ичида чиқарилиши лозим. Зарарнинг миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаса, корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарининг қарорига биноан ундирилади, агар зарар миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлса, ёки зарар аниқланган кундан кейин бир ойлик муддат ўтган бўлса, зарар суд тартибида ундирилади.

Корхона, ташкилот ва муассасанинг мол-мулкига етказилган зарарни ундириш ҳақидаги қарор устидан суд шикоят қилиниши мумкин.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этилмаган тақдирда, экологик ва иқтисодий зарар етказилиши мумкин.

Иқтисодий зарар атмосфера ҳавосининг ифлосланиши оқибатида табиий объектларнинг нобуд бўлиши, бузилиши, йўқ бўлиб ёки камайиб кетиши ҳамда табиий ресурслардан фойдаланувчиларнинг хўжалик манфаатларига зиён етказилишида намоён бўлади. Масалан, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг нобуд бўлиши, сувларнинг, тупроқнинг зарарли кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланиши оқибатида сув ҳамда тупроқнинг фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолиши мумкин, ёхуд сувлар ва тупроқнинг ҳолатини тиклаш учун юридик ва жисмоний шахслар томонидан қўшимча сарф харажатлар қилишга мажбур бўладилар.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш оқибатида экологик зарар табиий шароит ёмонлашуви, табиий объектарнинг сон ва сифат жиҳатдан салбий ўзгаришлари орқали намоён бўлиб, инсоннинг тоза, соғлом ва қулай табиий муҳитга бўлган ҳуқуқи бузилади.

қонун ҳужжатларида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш мақсадида унга зарарли таъсир кўрсатишнинг йўл қўйиладиган доиралари (чегаралари) белгиланади. Атмосфера ҳавосига чиқариладиган зарарли моддалар ва биологик организмларни чиқаришнинг ҳамда унга физикавий омиллар зарарли таъсир кўрсатишининг йўл қўйиладиган нормативлари орқали ҳавонинг инсонга ва табиий муҳитга зарар кўрсатмайдиган сифати

таъминланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, атмосфера ҳавосига фақат ноқонуний, яъни белгиланган нормативларга риоя этмаганлик оқибатида етказилган зарар ундирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини 985-моддаси, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 49-модаси ва “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 29-моддасига мувофиқ, етказилган зарар етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Атмосфера ҳавосига фуқаролик-ҳуқуқий ҳуқуқбузарлиги содир этилиши оқибатда зарар етказилади. Ушбу зарарнинг таркибига қуйидагилар киради: ҳақиқий етказилган зарар, экологик зарарнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган ҳаражатлар ва олинмаган даромадлар.

Ҳақиқий етказилган зарарга нобуд бўлган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг, қишлоқ хўжалиги экинларининг қиймати киради. Табиий объектларни тиклаш, ифлосланган сувларни, тупроқ ва ҳавони тозалашга кетган ҳаражатлар экологик зарар оқибатларини бартараф этишга қаратилган мажбурий ҳаражатларни ташкил этади. Олинмаган даромадга шу табиий объектнинг фойдаланишдан келиб тушиши лозим бўлган, аммо унинг нобуд бўлиши ёки ёмонлашуви оқибатида олинмаган, ёхуд олиш имконияти йўқолган даромад, масалан, тупроғи кимёвий, радиактив моддалар билан ифлосланган ер майдонидан тушадиган даромад ҳисобланади.

Атмосфера ҳавосига етказилган зарарни қоплаш ихтиёрий ёки мажбурий бўлиши мумкин. Уни мажбурий ундириш Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ва уни муҳофаза этишни ташкил қилувчи давлат органларининг, манфаатдор бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг даъвосига асосан, тегишлича суд ёки хўжалик судининг қарорига асосан амалга оширилади.

Юқорида қайд этилган жавобгарлик жазо чораларидан ташқари Ўзбекистон Республикасининг “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунинг 13-моддасида махсус чоралар белгиланган. Атмосферага ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар чиқариш, унга физикавий омилларнинг зарарли таъсир кўрсатиши ҳамда атмосфера ҳавосидан фойдаланишга доир рухсатномаларда назарда тутилган шартлар ва талабларни бузиш билан боғлиқ фаолият маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан уларнинг ваколат доираси қабул қилган қарорига кўра чекланиши, тўхтатиб қўйилиши, зарарли таъсир кўрсатиш сабабларини бартараф этиш мумкин бўлмаган тақдирда эса - тугатилиши мумкин. Ушбу чоралар санкция характерига эга, чунки белгиланган талабларни бузилиши билан боғлиқ, ва улар экологик ҳуқуқий жавобгарлик чораларидир.

## XV-боб. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳуқуқий ҳолати.

## *1§. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳуқуқий ҳолатининг тушунчаси ва хусусиятлари.*

Бугунги кунда жамият ва табиатнинг ўзаро таъсири муаммолари тобора катта аҳамиятга эга бўлмоқда ва ҳозирги, шунингдек келгуси авлодларнинг фаравонлиги, умуман жаҳон цивилизациясининг тақдири экологик муаммоларнинг ижобий ҳал этилишига кўпроқ боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Илмий-техника ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида кескин ўзгариб бораётган атроф муҳит, экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда, инсон уни ҳаётига, турмуш-тарзига, ҳамда генетик фонди ва ирсиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса ҳозир ер юзида яшаб турганларнигина эмас, балки келгуси авлодлар саломатлигига, айниқса ер, сув, атмосфера ҳавоси, ер ости бойликлари, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, табиат ва тарихий ёдгорликларнинг табиий ҳолатига ҳам салбий таъсир қилмоқда.

Мазкур масалага, Ўзбекистон Республикаси дастлаб мустақилликка эришган пайтидан бошлаб эътибор берди ва биринчилар қаторида 1993 йил 7 майда Ўзбекистон Республикасининг "Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги қонунини қабул қилди. Шунингдек, 2004 йил 3 декабрда эса янги таҳрирда “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Мазкур қонун ҳозирги ва келажак авлод манфаатларини кўзлаб ноёб ҳамда экологик, иқтисодий, илмий, маданий, санитария-соғломлаштириш, эстетик нуқтаи назардан миллий бойлик ва умумхалқ мулки бўлмиш қимматли табиий мажмуиларни муҳофаза этишнинг умумий, ҳуқуқий, экологик, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикасида ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини ҳамда давлат миллий табиат боғлари, давлат табиат ва тарихий ёдгорликларини сақлаб қолиш уларни сонини кўпайтириш инсон ҳаётини экологик нормал сақлашга табиат билан жамият ва инсон ўртасидаги маълум мутаносибликни сақлашга катта ёрдам беради.

Ҳозирги пайтда республикамизда қўриқланадиган ерларнинг умумий майдони 2 миллион гектардан ортиқ, алоҳида қўриқланадиган 11 табиий ҳудудий объект, жумладан  9 қўриқхона, 400 дан ортиқ табиат ёдгорликлари мавжуд.

Демак ана шунча ўхшаш алоҳида муҳофаза этиладиган ва бошқа табиий ҳудудлар ҳуқуқий муҳофаза қилинмоғи лозим.

Шуни таъкидлаш жоизки, республикамиздаги барча муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар қонун билан муҳофаза қилинмоғи ва ҳуқуқий тартибга солиниши  мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар ушбу қонундан, шунингдек ер, сув, ўрмон тўғрисидаги

қонунлар, ер ости бойликларидан фойдаланиш тўғрисидаги, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлардан иборат муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

қорақалпоғистон Республикасида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар қорақалпоғистон Республикаси қонунлари билан ҳам тартибга солиб турилади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг вазифалари типик, ноёб, қимматли табиий объектлар ва мажмуаларни, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондини сақлаб қолишдан, инсон фаолиятининг табиатга салбий таъсир кўрсатиши олдини олишдан, табиий жараёнларни ўрганишдан, атроф табиий муҳит мониторингини олиб боришдан, экологик маърифат ва тарбияни такомиллаштиришдан иборат.

"Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар"нинг таърифи ва уларни ҳуқуқий мақоми юқорида номи тилга олинган қонуннинг 4-моддасида қуйидагича кўрсатилган.

Ернинг ва (ёки) сув кенгликларининг (акваторияларнинг) устувор экологик, илмий, маданий, эстетик, рекреация ва санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик бўлган, хўжалик мақсадидаги доимий ёки вақтинча фойдаланишдан тўлиқ ёки қисман чиқарилган участкалари муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳисобланади.

Табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш мақсадида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда муҳофаза қилиш ва фойдаланиш режими ўрнатилади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар биологик, ландшафт ранг-баранглигини таъминлаш ва экологик мувозанатни сақлаб туриш учун мўлжалланган яхлит экологик тизимни ташкил этади.

Табиат ранг-баранглигини сақлаб қолиш, экологик мувозанатни ва биосфера мониторингини сақлаб туришга, шунингдек шикаст етган табиий мажмуиларни тиклашга мўлжалланган ягона тизимни ташкил этувчи Ўзбекистон Республикасининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни хўжалик мақсадида фойдаланишдан тўлиқ ёки қисман, бир умрга ёки вақтинча тортиб олиниши мумкин.

Табиий захиралардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир режалар ва дастурлар, ер тузилиши ва жойларни текислаш кесмалари ҳамда бошқа режаларни ишлаб чиқишда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳисобга олинади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар белгиланган мақсади ва режимига қараб қуйидаги тоифаларга бўлинади: давлат қўриқхоналари; мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари; табиат боғлари; давлат табиат ёдгорликлари; айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш,

такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар; муҳофаза этиладиган ландшафтлар; айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат мулкидир ва унинг муҳофазасидадир. Ер участкалари ва бошқа табиий объектлар хусусий буюртма қўриқхоналар ҳамда табиий питомниклар ташкил этиш учун юридик ва жисмоний шахсларга фойдаланишга берилиши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларнинг қарорлари билан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг бошқа тоифалари ҳам назарда тутилиши мумкин. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идоралари амалга оширадилар.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги қонуннинг 7 – моддасига асосан, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ер участкалари табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар жумласига киради.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ер участкалари ва акватория участкаларида мазкур ҳудудлардан фойдаланишнинг белгиланган мақсадига зид ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган ёки кўрсатиши мумкин бўлган фаолиятни чеклаш ёки тақиқлаш учун ер участкаларини сақлаш вазифаси белгиланади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этишда юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолиятини чеклаш ёки тугатиш туфайли уларга етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фондидаги ерлар ажратиб берилганда қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши кўрадиган зарар ва талафотларнинг ўрни қопланмайди.

Давлат қўриқхоналарининг, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналарининг, табиат боғларининг, давлат табиат ёдгорликларининг, буюртма қўриқхоналарнинг (овчилик хўжаликларида ташкил этилган буюртма қўриқхоналар бундан мустасно), табиий питомникларнинг ер участкаларига солиқ солинмайди. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда хўжалик фаолияти юритилаётган бўлса, ер солиғи ундирилади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишга алоҳида ҳолларда йўл қўйилади.

Юридик ва жисмоний шахслар давлат табиат ёдгорликларини, буюртма қўриқхоналарни, табиий питомникларни муҳофаза қилиш бўйича зиммаларига юклатилган мажбуриятлар бажарилишини таъминламаган тақдирда улар эгаллаб турган ер участкаси олиб қўйилиши мумкин.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ер участкалари ҳамда акватория участкаларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни олиб қўйиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ва жойлаштиришнинг бош кесмасини ёки давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари табиатни муҳофаза қилишнинг идоралари табиатни муҳофаза қилишнинг ҳудудий мажмуи кесмасини тасдиқлаши билан айни бир вақтда муҳофаза этишга тавсия этилаётган ер майдонини захиралаш тўғрисида қарор қабул қилинади. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар мазкур ҳудудда ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг хўжалик фаолияти чекланади ёки тўхтатилади. Бундай ҳолларда ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар хўжалик фаолиятининг чекланиши ёки тўхтатилиши туфайли қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришида кўрилган йўқотиш ва талафотлар учун товон олиш ҳуқуқига эгадирлар ҳамда ер солиғи бўйича имтиёзлардан фойдаланадилар.

Таъкидлаш жоизки, Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг давлат кадастри ҳам катта аҳамиятга  эга. Ушбу масала мазкур қонунда етарлича ўз аксини топган.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг давлат кадастри бу ҳудудларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг жуғрофий мавқеи, миқдор ва сифат кўрсаткичлари, экологик, илмий, маърифий ва бошқа хил аҳамияти тўғрисидаги, ер эгалари ва ердан қамраб олади.

Ўзбекистон Республикасининг Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари давлат кадастри мазкур ҳудудлар тармоғини режалаштириш, уларни муҳофаза этишни таъминлаш ва илмий тадқиқотлар ўтказиш, тегишли қоидага риоя этилиши устидан давлат назорати даражасини ошириш, шунингдек ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришни режалаштириш чоғида бу ҳудудлар ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олиш мақсадида  юритилади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг давлат кадастри республика бюджети ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган ягона тизим асосида юритилади. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг давлат кадастрини юритишни Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг идоралари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда амалга оширадилар.

Хуллас, "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳуқуқий ҳолатини" қуйидаги хусусиятлари мавжуд.

1) У Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қўйган талабига мослиги, конституциявий устиворликка эга эканлиги ҳамда давлат томонидан муҳофаза этилиши;

2) Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳуқуқий ҳолатини ўрганиш ва у тўғрисидаги қонун давлат қўриқхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари, табиат боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, айрим

табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар, муҳофаза этиладиган ландшафтлар, айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар ва бошқа масалаларни ҳамда у билан боғлиқ барча муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиши билан;

3) У янги ижтимоий тузум, бозор муносабатларини мустаҳкамлаш ва экологик сиёсатни барқарорлаштириш учун янги ҳуқуқий экологик замин бўлиб, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва уларни ҳуқуқий тартибга солишни ўз олдига мақсад қилиб қўйиши билан;

4) Мазкур соҳани ҳуқуқий тартибга солиш бозор иқтисодиётида қабул қилинган экологик қонунларни қўллаш ва улар билан биргаликда экологик муҳитни яхшилашга, табиат объектларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга, айниқса, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни сақлашга;

5) Ушбу соҳа фуқароларимиздан шу кунги ҳаёт талаби асосида экологик ҳуқуқий маънавият ва маданиятли бўлишни, ҳамда ушбу йўналишда доим юксалиш бўлишини тақозо қилиши ва бошқа хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради.

## *2§. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг асосий турлари.*

### *А) давлат қўриқхоналари ва уларни ҳуқуқий тартиби*

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, уларнинг нодир ва тугаб бораётган турларини сақлаб қолиш, сонини кўпайтиришда давлат қўриқхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари, табиат боғлари, айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудларининг аҳамияти каттадир. Ҳозирда, Республикамизда "Жайрон" экологик маркази фаолият кўрсатмоқда. қўриқланадиган ерларнинг умумий майдони 2 миллион гектардан ортиқ. Республикамизда алоҳида қўриқланадиган 11 табиий-ҳудудий объект, шу жумладан 9 қўриқхона бўлиб, 3 таси - тоғда, 3 таси - дарё қайиридаги тўқайда ва 3 таси чўл ландшафтларида жойлашган. Булар Чатқол тоғ-ўрмон, Пайғамбаророл, қизил-қум, Бодайтўқай, Нурота, Зарафшон, Ҳисор, Вардoнзи, Кўҳитангтоғ, Китоб қўриқхоналаридир. Бу қўриқхоналарда биоэкологик тадқиқотлар олиб борилади.

Таъкидлаш жоизки, давлат қўриқхоналарини таърифи ва вазифалари Ўзбекистон Республикасининг "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги қонунида аниқ кўрсатиб берилди.

Мазкур қонуннинг 18-моддасига асосан:

Табиий объектлар ва мажмуаларни муҳофаза қилишнинг қаттиқ режимига эга бўлган, типик экологик тизимлар, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондини сақлаб қолиш ҳамда ўрганиш учун

мўлжалланган, табиий жараёнлар ва ҳодисалар ўзгариши устидан мониторинг ўтказиш мақсадини қўйган табиатни муҳофаза этувчи илмий-тадқиқот муассасалари умумдавлат аҳамиятига молик муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат қўриқхоналари ҳисобланади.

Давлат қўриқхоналари махсус ваколатли давлат органининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан давлат табиатни муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот муассасаси шаклида ташкил этилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган низом асосида фаолият кўрсатади.

Давлат қўриқхоналарининг ҳудудида ҳар қандай фаолият тақиқланади, илмий-тадқиқот фаолияти ва атроф табиий муҳит мониторингини юритиш бундан мустасно. Давлат қўриқхоналарида ёнғинга қарши тадбирлар ўтказилишига йўл қўйилади.

Давлат қўриқхоналари ҳудудида ҳамда уларнинг қўриқланма зоналарида тирик организмларнинг янги ва кенжа турларини иқлимлаштириш мақсадида жойлаштириш тақиқланади.

Давлат қўриқхоналарининг ёки улар қайси давлат органларининг тасарруфида бўлса, шу давлат органларининг ходими ҳисобланмайдиган фуқароларнинг давлат қўриқхоналари ҳудудида бўлишига уларда ана шу органлар ёки давлат қўриқхонаси маъмурияти берган рухсатнома бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Давлат қўриқхоналарида илмий тадқиқотлар бундай қўриқхоналар штатидаги илмий ходимлар томонидан ўтказилади. Шартнома асосида бошқа илмий ташкилотлар ва мутахассислар жалб этилиши мумкин.

Давлат қўриқхоналарида олимлар кенгашлари (илмий кенгашлар) тузилади.

Давлат қўриқхоналарида атроф табиий муҳит мониторинги юритилиши шарт.

Давлат қўриқхоналаридаги илмий-тадқиқот фаолияти натижалари, агар улар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва табиатни муҳофаза қилиш фондларининг маблағлари ҳисобига олинган бўлса, давлат мулки ҳисобланади. Юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобига олинган илмий-тадқиқот фаолияти натижаларига бўлган мулк ҳуқуқи давлат қўриқхоналари билан мазкур шахслар ўртасида тузилган шартнома билан белгиланади. Давлат қўриқхоналари илмий-тадқиқот фаолияти натижаларидан текин фойдаланадилар.

Давлат қўриқхоналарининг табиий объектлари ва мажмуалари ҳолати тўғрисидаги илмий ахборот эълон қилиниши керак. Давлат қўриқхоналари ўз матбуот нашрларига эга бўлиши мумкин.

Давлат қўриқхоналарининг илмий фондлари муддатсиз сақланиши керак.

Давлат қўриқхоналарининг илмий тадқиқотларини мувофиқлаштириб боришни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси амалга оширади.

Алоҳида экологик қимматга эга бўлган табиий объектлар ва мажмуаларни асл ҳолатида сақлаш учун мўлжалланган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари ҳисобланади.

Мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари махсус ваколатли давлат органининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан давлат табиатни муҳофаза қилиш муассасаси шаклида ташкил этилади.

Мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари бундай қўриқхоналар тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган низом асосида фаолият кўрсатади.

Мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари ҳудудида ҳар қандай фаолият тақиқланади, илмий-тадқиқот, рекреация фаолияти, атроф табиий муҳит мониторингини юритиш, шунингдек пичан ўриш ва чорва моллар ўтлатиш, ёввойи ўсимликларни озиқ-овқат мақсадлари учун, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари ходимларининг ва мазкур қўриқхоналарнинг қўриқланма зоналарида яшовчи фуқароларнинг ўз эҳтиёжлари учун ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликларнинг доривор ва техник хом ашёсини тайёрлаш (йиғиш) бундан мустасно.

Ҳар бир қўриқхона қайси идоранинг тасарруфида бўлса, шу идора Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишиб туриб тасдиқлайдиган Низом асосида фаолият кўрсатади.

Амалиётда давлат қўриқхоналарининг мақоми ва маблағлари масаласи катта аҳамиятга эгадир. Юқорида номи зикр этилган қонун ушбу масалага қуйидагича эътибор беради.

Давлат қўриқхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари ҳамда табиат боғлари қуйидагилар ҳисобидан молиялаштирилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

табиатни муҳофаза қилиш фондлари маблағлари;

илмий-тадқиқот, табиатни муҳофаза қилиш, реклама-ноширлик ва маърифий фаолиятдан келадиган даромадлар;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга қаратилган тушумлар;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузганлик учун ундирилган жарима пуллари;

мусодара этилган овчилик қуроллари ва балиқчилик асбобларини реализация қилишдан, қонунга хилоф равишда қўлга киритилган ўлжа маҳсулотни сотишдан тушган пуллар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия ёрдамлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари ва табиат боғлари ихтиёрига юқорида кўрсатилган маблағлардан ташқари, фуқароларнинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга кириб чиқиши ва табиий ресурслардан фойдаланиш учун рухсатномалар беришдан, рекреация, туристик-экскурсия йўналишидаги ва қонун ҳужжатларида йўл қўйиладиган бошқа фаолиятдан келган даромадлар ҳам берилади.

Давлат буюртма қўриқхоналарини, давлат табиат ёдгорликларини ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш учун маблағлар мазкур муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар қайси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат органлари тасарруфида бўлса, шу маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат органлари томонидан ажратилади.

Хусусий буюртма қўриқхоналар ва табиий питомниклар қайси юридик ва жисмоний шахсларнинг тасарруфида бўлса, шу юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга қаратилган тушумлардан, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузганлик учун ундирилган жарима пулларидан, фуқароларнинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга кириб чиқиши ва табиий ресурслардан фойдаланиш учун рухсатномалар беришдан тушган маблағлардан, рекреация, туристик-экскурсия йўналишидаги ва бошқа фаолиятдан келган даромадлардан, юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия ёрдамларидан табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун фойдаланилади.

Илмий тадқиқотларни йўлга қўйиш ва ўтказиш учун давлат қўриқхоналари ўз илмий ходимлар штати билан таъминланади.

Илмий тадқиқотлар, шунингдек, чет илмий ташкилотларни ва айрим мутахассисларни жалб этиш йўли билан ҳам ўтказилиши мумкин. Давлат қўриқхоналарида олимлар кенгаши (илмий кенгаш) тузилади.

"Табиат солномаси" ни юритиш барча давлат қўриқхоналари учун мажбурийдир. Давлат қўриқхоналарининг илмий жамғармаларини сақлаш муддати чегараланмайди. Давлат қўриқхоналарига илмий асарларни нашр этиш ҳуқуқи берилади.

Давлат қўриқхоналарининг илмий тадқиқотларини Ўзбекистон Республикасининг Фанлар академияси мувофиқлаштириб боради.

***Б) табиат боғлари ва уларнинг ҳуқуқий тартиби***

Алоҳида экологик, маданий ва эстетик қимматга эга бўлган табиий объектлар ва мажмуаларни табиатни муҳофаза қилиш йўналишидаги, рекреация, илмий ва маданий мақсадларда сақлаб қолиш ҳамда улардан фойдаланиш учун мўлжалланган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар табиат боғлари ҳисобланади.

Табиат боғлари махсус ваколатли давлат органининг тақдимномасига биноан тегишинча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари билан давлат табиатни муҳофаза қилиш муассасаси шаклида ташкил этиладиган миллий табиат боғлари ва маҳаллий аҳамиятга молик табиат боғларига бўлинади.

Табиат боғлари бундай боғлар тўғрисидаги, улар қайси давлат органларининг тасарруфида бўлса, шу давлат органлари томонидан тасдиқланадиган низомлар асосида фаолият кўрсатади.

Табиат боғларининг ҳудуди табиат боғларига фойдаланишга бериб қўйиладиган ер участкаларида, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг табиат боғлари чегаралари доирасидаги ер участкаларида жойлашади.

Табиат боғлари ташкил этилаётганда уларнинг ҳудуди зоналарга бўлинади.

Табиат боғларининг ҳудудида қўриқхонага айлантирилган зоналар, рекреация, хўжалик мақсадида ва бошқа тарзда фойдаланиш зоналари ажратиб қўйилади.

Аҳолини соғломлаштириш учун шароит бўлган тақдирда табиат боғларида курорт табиий ҳудудлар учун назарда тутилган режимли курорт зоналар ажратиб қўйилади.

Табиат боғлари зоналарининг ўлчамлари ва чегараларини ўзгартириш, улар қайси давлат органларининг тасарруфида бўлса, шу органлар томонидан, давлат экология экспертизаси хулосасини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Табиат боғлари ҳудудида зоналарга бўлинишга мувофиқ табақалаштирилган режим ўрнатилади.

Табиат боғларининг қўриқхонага айлантирилган зоналарида давлат қўриқхоналари учун назарда тутилган режим ўрнатилади.

Табиат боғларининг рекреация зоналари табиий объектлар ва мажмуаларнинг ҳолатига қараб турли режимли участкаларга бўлиниши мумкин.

Табиат боғларининг хўжалик мақсадида ва бошқа тарзда фойдаланиш зоналарида аҳолининг истиқомат қилишига, юридик ва жисмоний шахсларнинг табиий объектлар ва мажмуаларга зарар етказмайдиган фаолиятига йўл қўйилади.

Ҳар бир зонанинг режими табиат боғлари тўғрисидаги низомларда белгиланади.

Табиат боғларининг ҳудудида қуйидагилар тақиқланади:

дарахт ва буталарни кесиш (парваришлаш йўсинидаги ва санитария мақсадидаги кесиш бундан мустасно);

гидрологик ва гидрогеологик режимни ўзгартирадиган ҳаракатлар;

тупроқ эрозиясини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг таназзулини келтириб чиқарувчи ҳаракатлар;

табиат боғларининг фаолияти билан боғлиқ бўлмаган йўл ва муҳандислик-коммуникация ишларини амалга ошириш;

чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш, оқава сувларни оқизиш;

тирик организмларнинг янги ва кенжа турларини иқлимлаштириш мақсадида жойлаштириш.

Табиат боғларида табиий объектлар ва мажмуаларга зарар етказиши мумкин бўлган фаолиятнинг бошқа турлари ҳам чекланиши ёки тақиқланиши мумкин.

Табиат боғларининг фаолият кўрсатиши учун йўллар, бошқа коммуникациялар ва иншоотлар қурилиши зарур бўлган ҳолларда бузилган

ерларни рекультивация қилиш, барча табиатни муҳофаза қилиш йўналишидаги тадбирларни амалга ошириш албатта назарда тутилади.

***В) Давлат табиат ёдгорликлари***

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси республика ҳудудида 400 дан ортиқ табиат ёдгорлигини ҳисобга олган. Булардан атиги 80 га яқини жонсиз табиат ёдгорликларидир. Жонсиз табиат ёдгорликлари орасида хилма-хил карст рельефи шакллари, шу жумладан, археологик аҳамиятга эга бўлган ғорлар ва унгурлар, шунингдек нодир булоқлар, шаршаралар, илмий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган қоялар ва геологик очилмаларни муҳофаза қилиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Айниқса ер ости ландшафтлари, уларнинг бетакрор, сеҳрли ва мафтункор манзаралари жиддий муҳофазага муҳтождир.

Шуниng учун ҳам, Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги қонунида VI-бўлим, 26-модда айнан ана шу масала, яъни табиат ёдгорликларининг ҳуқуқий-экологик аҳамияти ва уларни муҳофаза қилиш масаласига бағишланган.

Зеро, республикамиз ҳудудидаги табиат, тарихий ва археологик ёдгорликлар ҳозирги пайтда айнан муҳофаза қилинишга, тикланиш (реставрация)га жуда муҳтож.

Ноёб, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган, экологик, илмий, маданий ва эстетик жиҳатдан қимматли табиий объектлари бор муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат табиат ёдгорликлари ҳисобланади. Давлат табиат ёдгорликлари қуйидаги турларга бўлинади:

табиий сув объектларини сақлаб қолиш учун мўлжалланган гидрологик (ботқоқ, кўл, дарё ва бошқа) ёдгорликлар;

айрим ўсимликларни сақлаб қолиш учун мўлжалланган ботаник ёдгорликлар;

табиат яратган рельеф шаклларини сақлаб қолиш учун мўлжалланган геоморфологик ёдгорликлар;

қазилма объектларни сақлаб қолиш учун мўлжалланган палеонтологик ёдгорликлар;

геологик ва минералогик ҳосилаларни сақлаб қолиш учун мўлжалланган геологик ва минералогик ёдгорликлар.

Табиий объектлар махсус ваколатли давлат органининг тақдимномаси, шунингдек юридик ёки жисмоний шахсларнинг илтимосномаси бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан давлат табиат ёдгорликлари деб эълон қилинади.

Табиий объектларни улар жойлашган ер участкаларини олиб қўймаган ҳолда давлат табиат ёдгорликлари деб эълон қилишга йўл қўйилади.

Давлат табиат ёдгорликлари ҳудудида уларнинг асралишига хавф соладиган ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Давлат табиат ёдгорликлари қайси юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларида жойлашган бўлса, шу юридик ва жисмоний шахслар

зиммасига бундай ёдгорликларнинг режимини таъминлаш мажбуриятлари юклатилади.

Диний мақсадларда фойдаланиладиган давлат табиат ёдгорликлари диний ташкилотларга ёки жисмоний шахсларга бундай ёдгорликларни ободонлаштириш ва асраш ишларини амалга ошириш шарти билан фойдаланишга ёки ижарага берилиши мумкин.

### ***Д)Айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар***

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги қонунида мазкур масалага алоҳида эътибор берилиб, қонуннинг VII-бўлим, 29 – 34 моддалари айнан шу масалаларни ўз ичига олган.

Айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар буюртма қўриқхоналар, табиий питомниклар ва балиқ хўжалиги зоналари тариқасида ташкил этилади.

Айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ***буюртма қўриқхоналар*** ҳисобланади.

**Буюртма қўриқхоналар** қуйидаги турларга бўлинади:

ўсимликлар ва ҳайвонларнинг қимматли, ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган турларини, тирик организмларнинг кўчиб ўтиш йўлларини сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган биологик (ботаник, зоологик) буюртма қўриқхоналар;

айрим қазилма объектлар ва уларнинг мажмуаларини сақлаб қолиш учун мўлжалланган палеонтологик буюртма қўриқхоналар;

қимматли сув объектларини сақлаб қолиш учун мўлжалланган гидрологик (ботқоқ, кўл, дарё) буюртма қўриқхоналар;

нодир геологик ва минералогик ҳосилаларни сақлаб қолиш учун мўлжалланган геологик ва минералогик буюртма қўриқхоналар.

Буюртма қўриқхоналар умумдавлат ёки маҳаллий аҳамиятга молик бўлиши мумкин.

Умумдавлат аҳамиятига молик буюртма қўриқхоналар махсус ваколатли давлат органининг тақдимномаси, шунингдек юридик ёки жисмоний шахсларнинг илтимосномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилади.

Маҳаллий аҳамиятга молик буюртма қўриқхоналар махсус ваколатли давлат органининг тақдимномаси, шунингдек юридик ёки жисмоний шахсларнинг илтимосномасига биноан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан ташкил этилади.

Буюртма қўриқхоналар фаолият муддатлари кўрсатилмаган ҳолда (муддатсиз) ёки камида ўн йил муддатга ташкил этилади.

Буюртма қўриқхоналар давлатга қарашли ёки хусусий бўлиши, юридик шахс ташкил этган ҳолда ёки юридик шахс ташкил этмаган ҳолда бўлиши мумкин.

Хусусий буюртма қўриқхоналарни ва юридик шахс ташкил этган ҳолдаги давлат буюртма қўриқхоналарини ташкил этиш учун ер участкалари ва айрим табиий объектлар белгиланган тартибда берилади.

Буюртма қўриқхоналарнинг ҳудудида, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналарини истисно этганда, айрим табиий объектлар ва мажмуаларга зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолият доимий равишда ёки вақтинча чекланади ёки тугатилади.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги давлат буюртма қўриқхоналари жойлашган ҳудудлар ер эгаларининг, ердан фойдаланувчиларнинг, шунингдек ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг хўжалик мақсадидаги фойдаланишидан олиб қўйилмайди. Мазкур буюртма қўриқхоналар қайси юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларида ва (ёки) акватория участкаларида ташкил этилган бўлса, шу юридик ва жисмоний шахслар буюртма қўриқхоналарнинг белгиланган режимига риоя этишлари шарт.

Ҳар бир буюртма қўриқхона режимининг хусусиятлари, мазкур буюртма қўриқхона қайси давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар тасарруфида бўлса, шу давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

Ўсимликлар ва ҳайвонларнинг айрим турларига зарур шароит яратиш йўли билан уларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ***табиий питомниклар*** ҳисобланади.

**Табиий питомниклар** юридик ёки жисмоний шахсларнинг илтимосномасига биноан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан ташкил этилади.

Табиий питомниклар давлатга қарашли ёки хусусий, юридик шахс ташкил этган ҳолда ёки юридик шахс ташкил этмаган ҳолда бўлиши мумкин.

Хусусий табиий питомникларни ва юридик шахс ташкил этган ҳолдаги давлат табиий питомникларини ташкил қилиш учун ер участкалари ва айрим табиий объектлар белгиланган тартибда берилади.

Табиий питомник қайси ўсимликлар ва ҳайвонлар учун мўлжалланган бўлса, шу питомникнинг ҳудудида шу ўсимликлар ва ҳайвонларнинг сақлаб қолиниши, такрор кўпайтирилиши ва тикланишига хавф соладиган ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Сув объектларини ёки уларнинг қисмларини ўз ичига оладиган, ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган балиқлар ва бошқа сув организмлари турларини сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун, шунингдек балиқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ***балиқ хўжалиги зоналари*** ҳисобланади.

**Балиқ хўжалиги зоналари** табиатни муҳофаза қилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги органларининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилади.

Балиқ хўжалиги зоналарида балиқлар ва бошқа сув организмларининг сақлаб қолиниши, такрор кўпайтирилиши ва тикланишига хавф соладиган ҳар қандай фаолият тақиқланади.

### *Е)* Муҳофаза этиладиган ландшафтлар

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги қонунида мазкур масалага алоҳида эътибор берилиб, қонуннинг VIII-бўлим, 35 – 41 моддалари айнан шу масалаларни ўз ичига олган.

Курорт табиий ҳудудлар, рекреация зоналари, сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳилбўйи минтақалари, сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари, ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналари муҳофаза этиладиган ландшафтлар жумласига киради.

Даволаш ва соғломлаштириш хоссаларига, минерал манбаларга, шифобахш балчиқ қатламларига, қулай иқлим ва бошқа шароитларга эга, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ***курорт табиий ҳудудлар*** ҳисобланади.

**Курорт табиий ҳудудлар** умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик бўлиши мумкин.

Умумдавлат аҳамиятига молик курорт табиий ҳудудлар Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биргаликдаги тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилади.

Маҳаллий аҳамиятга молик курорт табиий ҳудудлар Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биргаликдаги тақдимномасига биноан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан ташкил этилади.

Курорт табиий ҳудудлар учта зонага бўлинади.

Биринчи зонага даволаш хоссаларига эга манбалар, шифобахш балчиқ қатламлари бор ҳудудлар киради. Бундай зонада ҳар қандай фаолият тақиқланади, даволаш хоссаларига эга манбалар ва балчиқ билан даволаш шифохоналарини ободонлаштириш учун зарур иншоотлар қуриш бундан мустасно.

Иккинчи зонага санаторийлар, пансионатлар ва дам олиш уйларининг ҳудудлари киради. Бу зонада даволаш ва дам олишни ташкил этиш учун зарур бўлган фаолиятни истисно этганда ҳар қандай фаолият, шунингдек бу ҳудудда вақтинча истиқомат қиладиган тиббиёт ходимлари ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари бошқа аҳолининг яшаши тақиқланади.

Учинчи зонага санаторийлар, пансионатлар ва дам олиш уйларига туташ ҳудудлар киради. Бу зонада даволаш манбаларига, шифобахш балчиқ қатламларига зарар етказмайдиган ва дам олиш ҳамда даволаниш

шароитларини ёмонлаштирмайдиган чекланган хўжалик фаолияти юритишга рухсат этилади.

Курорт табиий ҳудудлар доирасида қуйидагилар тақиқланади:

фойдали қазилмаларни қазиб олиш, минерал сувлар ва шифобахш балчиқ қазиб олиш бундан мустасно;

кимё, целлюлоза-қоғоз ва металлургия саноати корхоналарининг фаолияти;

дарахт ва буталарни кесиш (парваришлаш йўсинидаги ва санитария мақсадидаги кесиш бундан мустасно);

заҳарли кимёвий моддаларни қўлланиш;

ҳаром ўлган чорва моллар кўмиладиган жойларни ташкил этиш;

заҳарли кимёвий моддалар ва минерал ўғитлар омборларини қуриш;

чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш;

жойнинг гидрологик режимини ўзгартириш.

Туризм ва аҳолининг оммавий дам олишини ташкил этиш учун қулай жуғрофий ва иқлим шароитларига эга, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ***рекреация зоналари*** ҳисобланади.

**Рекреация зоналари** Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биргаликдаги тақдимномасига биноан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан ташкил этилади.

Рекреация зоналари табиий объектлар ва мажмуаларнинг ҳолатига қараб турли режимга эга участкаларга бўлиниши мумкин.

Рекреация зоналарида қуйидагилар тақиқланади:

кимё, целлюлоза-қоғоз ва металлургия саноати корхоналарининг фаолияти;

дарахт ва буталарни кесиш (парваришлаш йўсинидаги ва санитария мақсадидаги кесиш бундан мустасно);

заҳарли кимёвий моддаларни қўлланиш;

ҳаром ўлган чорва моллар кўмиладиган жойларни ташкил этиш;

чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш;

жойнинг гидрологик режимини ўзгартириш.

Дарёларнинг, кўлларнинг, сув омборларининг, каналларнинг, коллекторлар ҳамда бошқа сув объектларининг ўзанларига туташ муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ***сувни муҳофаза қилиш зоналари*** ҳисобланади. Бу зоналар ифлосланиш, булғаниш, саёзланишнинг ҳамда сув объектлари тупроқ эрозияси маҳсуллари бўлмиш лойқа билан тўлиб қолишининг олдини олиш мақсадида, шунингдек энг мақбул сув режимини сақлаб туриш учун ташкил этилади.

Қаттиқ режимга асосланган сувни муҳофаза қилиш зоналари доирасидаги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар соҳилбўйи минтақалари ҳисобланади.

Ичимлик, маиший ва даволаш-соғломлаштириш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган сув объектларига туташ, қаттиқ режим асосидаги

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари ҳисобланади.

Дарёларнинг уваларида, ёйилма конусларда, тоғ ёнбағирларининг этакларида ташкил қилинадиган, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналари ҳисобланади.

Сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳилбўйи минтақалари, сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари ҳамда ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналари тегишинча табиатни муҳофаза қилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги, санитария назорати органларининг, геология ташкилотларининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан ташкил этилади.

Сувни муҳофаза қилиш зоналари доирасида чекланган хўжалик фаолияти юритишга йўл қўйилади. Бундай зоналарда қуйидагилар тақиқланади:

дарахт ва буталарни кесиш (парваришлаш йўсинидаги ва санитария мақсадидаги кесиш бундан мустасно);

заҳарли кимёвий моддаларни қўлланиш;

заҳарли кимёвий моддалар ва минерал ўғитлар омборларини қуриш;

ҳаром ўлган чорва моллар кўмиладиган жойларни ташкил этиш;

чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш;

канализация-тозалаш иншоотлари ва оқава сувлар тўпланадиган иншоотлар қуриш;

чорвачилик ва паррандачилик мажмуаларини жойлаштириш, шунингдек суғориш учун "шарбат" (суюқ гўнг) ишлатиш;

автомобиль транспортини қўйиб туриш, уларга ёнилғи қуйиш, уларни ювиш ва таъмирлаш жойларини ташкил этиш;

нефть маҳсулотлари омборларини ташкил этиш;

зиғир, каноп ва тери ювиш.

Соҳилбўйи минтақаларида ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган чеклашлар ва тақиқлардан ташқари қуйидагилар тақиқланади:

минерал ва органик ўғитларни қўлланиш;

чорва молларни ўтлатиш;

ҳар қандай турдаги қурилиш, сув хўжалиги объектларини қуриш бундан мустасно;

белгиланмаган жойларда қайиқлар боғлаб қўйиладиган жойлар ташкил этиш.

Сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари турли режимли муҳофаза минтақаларига бўлинади.

Дарё ўзанларини ўзгартириш, фойдали қазилмалар қазиб олиш ва сув объектлари ҳолатига таъсир қиладиган бошқа ишларни бажаришга фақат табиатни муҳофаза қилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги органларининг, шунингдек геология ташкилотларининг рухсатномаси билан йўл қўйилади.

Аҳоли пунктлари ҳудудида хўжаликлараро ер тузиш ва режалаштириш ўтказилаётганда сувни муҳофаза қилиш зоналарининг, соҳилбўйи

минтақаларининг ва сув объектлари санитария муҳофазаси зоналарининг чегараларини ўзгартириш табиатни муҳофаза қилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги органлари ҳамда санитария назорати органлари билан келишиб олиниши лозим.

Сувни муҳофаза қилиш зоналари ва соҳилбўйи минтақалари режими ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналарига ҳам татбиқ этилади.

Сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳилбўйи минтақалари, сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари ҳамда ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналарини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби ҳамда шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### *Ё)* Айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги қонунида мазкур масалага алоҳида эътибор берилиб, қонуннинг IX-бўлим, 42 – 43 моддалари айнан шу масалаларни ўз ичига олган.

Ўрмон фондининг эрозияга қарши барпо этилган ўрмонлар, шаҳар ўрмонлари, шаҳарларнинг, бошқа аҳоли пунктлари ва саноат марказларининг яшил минтақалари атрофидаги ўрмонлар, алоҳида қимматли ўрмонлар, ёнғоқзорлар, мевали дарахтзорлар, илмий ёки тарихий аҳамиятга молик ўрмонлар эгаллаган ерлари, шунингдек овчилик хўжаликларининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан оқилона фойдаланиш учун мўлжалланган ер участкалари айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар жумласига киради.

Айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудларда тирик организмларнинг янги ва кенжа турларини иқлимлаштириш мақсадида жойлаштириш ҳамда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зарар етказиши мумкин бўлган бошқа фаолият тақиқланади.

Айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудларда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланишга йўл қўйилади.

Шунингдек, ҳудудларни барқарор иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш мақсадида ***давлат биосфера резерватлари*** - биологик ранг-барангликни сақлаш, табиий объектлар ва мажмуалардан оқилона фойдаланиш учун мўлжалланган, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этилиши мумкин. Давлат биосфера резерватлари халқаро биосфера резерватлари тармоғига қўшилиши ва атроф табиий муҳитнинг глобал мониторингида иштирок этиши мумкин.

Давлат биосфера резерватлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилади.

Давлат биосфера резерватларининг ҳудудлари давлат биосфера резерватларига фойдаланишга бериладиган ер участкаларида, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат биосфера резерватлари чегаралари доирасидаги ер участкаларида жойлашади.

Давлат биосфера резерватлари ҳудудида қуйидагилар ажратиб қўйилади:

табиий объектлар ва мажмуаларни асл ҳолатида сақлаб қолиш учун мўлжалланган, давлат қўриқхоналари учун назарда тутилган режимли қўриқхонага айлантирилган зона;

табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган, қўриқхонага айлантирилган зонага салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолият тақиқланадиган оралиқ зона;

давлат биосфера резерватларининг табиий объектлари ва мажмуаларига зарар етказмайдиган хўжалик мақсадидаги ва бошқа тарздаги фаолиятни амалга ошириш учун мўлжалланган зона.

Давлат биосфера резерватларининг режими бундай резерватлар тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган низомлар билан белгиланади.

Бундан ташқари, икки ва ундан ортиқ давлат ҳудудида жойлашган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ***давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар*** ҳисобланади.

Давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ташкил этилиши мумкин. Давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режими Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ белгиланади.

Давлат қўриқхоналари, буюртма қўриқхоналар ва давлат табиат ёдгорликлари билан чегарадош ҳудудлар ***қўриқланма зоналар*** ҳисобланади. Қўриқланма зоналарда ана шу муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга салбий таъсирнинг олдини олиш учун хўжалик мақсадидаги ва бошқа тарздаги фаолият чекланади ёки тақиқланади.

Қўриқланма зоналарнинг ўлчамлари ва режими, шунингдек ер участкаларини сақлаш вазифаси муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш билан бир вақтда белгиланади.

Давлат қўриқхонаси қўриқланма зонасининг бир қисми экологик туризмни ташкил этиш, мазкур ҳудуд учун хос бўлган ноёб ҳамда йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимликлар ва ҳайвонларнинг турларини кўпайтириш мақсадида табиий питомниклар барпо этиш учун ҳамда қўриқхонанинг бошқа эҳтиёжлари учун шу қўриқхонанинг ўзига топширилиши мумкин.

## *3§. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик.*

Ўзбекистон Республикаси қонунларида алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонунларни ўзгача тарзда бузганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланиши мумкин.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ўзга юридик ва жисмоний шахслар алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг иш тартибини бузиш орқали етказган зарарларнинг ўрнини қонунларда белгиланган ҳажмда ва тартибда қоплашга мажбурдирлар.

Умуман олганда, "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги қонун ва талабларни бузганлик учун интизомий, мулкий (фуқаролик), маъмурий ва жиноий жавобгарликлар қўлланилади.

<u>Интизомий жавобгарлик</u> - деярли кўпроқ ҳолатда меҳнат интизомини бузиш оқибатида "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги қонун ва талаблар бузилган пайтда қўлланиши мумкин.

Шунинг учун ҳам у асосан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 181-моддасига биноан:

1) хайфсан;

2) ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима.

Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг қирқ фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш ҳақидан жарима ушлаб қолиш ушбу Кодекснинг 164-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда иш берувчи томонидан амалга оширилади;

3) меҳнат шартномасини бекор қилиш (100-модда иккинчи қисмининг 3 ва 4 бандлари).

Ушбу моддада назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўллаш тақиқланади.

<u>Мулкий (фуқаролик)</u> жавобгарлик эса "Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги қонун ва талабларни бузганлик учун қўлланилади.

Унинг асосий хусусияти ҳам шундаки у асосан, етказилган зарарни қоплаш, тиклаш ва қайтариш билан кўпроқ боғлиқдир.

Яъни юқорида номи зикр этилган қонуннинг 38-моддасига асосан:

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳолатига зарарли таъсир ўтказаётган корхоналар, ташкилотлар, цехлар, қурилмаларнинг фаолияти зарарли таъсир кўрсатаётган манбалар, шу жумладан алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳамда уларнинг муҳофаза қўриқланма тегралари ташқарисидаги манбалар бартараф этилгунга қадар тўхтатиб турилади ёки чеклаб қўйилади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга етказилаётган зарарни бартараф этишнинг имкони бўлмаса, корхона, ташкилот, цех ва қурилмаларнинг фаолияти тўхтатилади ҳамда уларнинг фаолият йўналиши ўзгартирилганидан ва алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга зарарли таъсири албатта бартараф қилинганидан кейингина фаолиятлари амалдаги қонунларга мувофиқ қайта тикланиши мумкин.

Маъмурий жавобгарлик. Ушбу жавобгарлик тури Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодекснинг 82-моддасига кўра алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тартибини бузганлик учун қўлланилади.

Давлат миллий табиат боғлари, буюртма қўриқхоналари, табиат ёдгорликлари, сувни муҳофаза қилиш тегралари, курорт табиий ҳудудлари, ботаника боғлари, дендрология ва ҳайвонот боғлари, қўриқланма (оралиқ) тегралар, ўрмонларнинг тақиқланган минтақалари, балиқ хўжалиги тегралари ва алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга ҳудудлар тартибини бузиш-

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса - бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, -

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса - беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Жиноий жавобгарлик. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги қонун ва талабларни бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ушбу жавобгарлик турини қўлланилиши хусусияти шундан иборатки, у бошқа жавобгарлик турларидан кўра хавфли ва оғирроқ ҳолатда содир этилишидир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 204-моддасига асосан:

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тартибини бузиш кўп миқдорда зарар етказилиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёҳуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд ёки объектларни қасддан нобуд қилиш ёки уларга шикаст етказиш кўп миқдорда зарар етказилиши ёҳуд бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, -

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёҳуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг иш тартибини таъмин этиш масалаларига доир корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фуқаролар, давлат идоралари ўртасидаги низолар суд ёки хўжалик суди томонидан қараб чиқилади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардаги табиий захиралардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масалаларига доир низолар ер, сув, ўрмон тўғрисидаги қонунларда, ер ости бойликлари тўғрисидаги, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини

муҳофаза қилиши тўғрисидаги қонунларда белгиланган тартибда ҳал этилади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга доир муносабатлар билан боғлиқ мулкий низолар қонунларда белгиланган тартибда суд ёки хўжалик суди томонидан ҳал этилади.

# XVI-боб. Антропоген ўзгарган табиий муҳитни ҳуқуқий муҳофаза қилиш.

## *1§. Антропоген ўзгарган табиий муҳитни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тушунчаси, асосий турлари ва хусусиятлари.*

**Кўпгина юридик адабиётларда мутахассислар экология ҳуқуқининг объектини - табиий объектлар, табиий ресурслар ва табиий комплексларга[1] ёки интеграллашган, дифференциациялашган (табақалашган) ва алоҳида муҳофаза қилинадиган[2] ҳамда халқ хўжалиги бўйича тармоқлашган объектларга ажратадилар. Лекин ушбу муаллифларнинг ўзлари экология ҳуқуқининг объекти бўлиши учун атроф табиий муҳит элементи аввалам бор табиий келиб чиққан, экологик тизимнинг таркибига кирган, инсонларнинг иқтисодий, экологик, маданий, ижтимоий, сиёсий талабларини қондира ва яшаш муҳитини сифатини таъминлаб бера оладиган бўлиши керак деб тўғри таъриф берганлар. Яна уларнинг бир жиҳати - бу объектлар амалдаги қонунлар билан тартибга солина оладиган бўлиши керак[3]. Экология ҳуқуқи объектларига нисбатан берилган бундай юридик таъриф бизни ҳам қониқтиради ва бу тушунчадан келиб чиққан ҳолда табиатни муҳофаза қилиш ва уларни ҳуқуқий бошқариш тизимини халқ хўжалиги соҳалари бўйича ишлаб чиқиш табиат қонуниятларига, яъни экологик тизимларнинг "комплекслилик" хусусиятига мос тушмай қолади. Ундан ташқари, саноат, транспорт, энергетика ва бошқа халқ хўжалиги тармоқлари экологик қонунлар объекти эмас, балки экологик назорат ва экспертиза объекти бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам экологик қонунлар, анъанага кўра, аниқ бир экология ҳуқуқининг объектлари ёки уларнинг комплекслари бўйича ишлаб чиқилади ва жамиятдаги экологик муносабатлар ана шу объектлар бўйича тартибга солинади.**

**Юқорида таърифланиб берилган табиат ва жамият қонуниятларини инобатга олиб биз экология ҳуқуқининг алоҳида тартибга солиниши керак бўлган объектларидан бири қилиб антропоген ўзгарган табиий муҳитларни оламиз.**

---

[1] Ерофеев Б.В. Экологическое право России. -М.: Юристъ, 1996. -624 с.
[2] Петров В.В. Экологическое право России. -М.: Изд. БЕК, 1997. - 557 с.
[3] Нигматов А.Н. Экология хукуки. -Т.: Иктисод ва хукук дунёси, 1999, -148 бет.

*Антропоген* (грекчада anthropos -киши) ўзгарган табиий муҳит - кишиларнинг хўжалик фаолияти жараёнида маълум бир ҳудуд ёки теграларда тубдан ўзгарган атроф табиий муҳит ҳолати. Бу ҳудуд ёки теграларни келтириб чиқарувчи омиллар мажмуасига қараб - *шаҳар, саноат* ва *аграр* (қишлоқ хўжалиги) теграларига ажратиб олсак бўлади. Бу ҳудуд ва теграларда табиат элементлари (ер, сув, атмосфера ҳавоси...)нинг сон ва сифат кўрсатгичлари, морфологик (ташқи) ва морфометрик (ўлчамли) белгилари ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Масалан, атмосфера ҳавоси атропоген ўзгарган табиий ҳудудларда бошқа кам таъсирланган атроф табиий муҳитга нисбатан 10-15 баробар кўпроқ ифлосланган бўлади. Саноат теграларида ҳаво таркибида заҳарли ис гази (СО)нинг кўпайиши асосан металлургия (30-40%) ва химия саноати (15-20%), транспорт (10-15%) таъсирида юзага келса, шаҳарларда эса ис гази асосан транспорт (60-80%), оғир саноат (15-20%), химия саноати (5-10%) таъсирида юзага келади. Аграр теграларда тупроқларнинг морфологик (кўзга ташланадиган ташқи) кўриниши 1-1,5 метр чуқурликгача тубдан ўзгарган ва янги тур ҳосил қилган бўлади. Уларда тупроқ ифлосланиши пестицид, гербицид, азот, фосфор, турли тузлар; шаҳарларда - маиший аҳлат; саноат теграларида - саноат чиқиндилари ҳисобига амалга ошади. Саноат тегралари тоифасига кирувчи атом электростанциялари атрофидаги сув, тупроқ ва атмосфера ҳавосида радиоактив элементлар миқдори шаҳарларга нисбатан бир неча ўн баробар кўп бўлади, лекин ис газининг миқдори электростанция атрофида аграр теграларга тенглашган, шаҳарларга нисбатан эса бир неча ўнлаб баробар кам бўлади.

Юқоридаги мисоллардан келиб чиқадики турли хил антропоген ўзгарган муҳитларда экологик ҳолат ўзига хос бўлгани учун ҳам улардаги экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш турлича бўлишни талаб этади. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш меъёрлари ҳар бир антропоген ҳудуд бўйича алоҳида шаклланиши ва хўжалик юритишнинг экологик талаблари дифференциал тарзда амалга оширишни тақазо қилади. Ҳар бир антропоген ўзгарган табиий муҳит ҳолати ва унга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий меъёрлар ёки стандартлар турлича бўлиши керак. Чунки, шаҳарларда ис газининг миқдори атмосфера ҳавосида юқори даражада бўлгани учун ҳам автомобиллардан чиқаётган тутун таркибида СОнинг руҳсат этилган миқдори 1,5% эмас, балки ундан ҳам камроқ бўлиши, чўл ёки тоғли минтақаларда эса СО - 2,0 % гача руҳсат талаб қилади. Экологик нобоп шаҳарларда автомашиналардан чиқаётган тутунни нафақат СО кўрсатгичи бўйича, балки СН ва NO кўрсатгичлари бўйича ҳам олиш халқаро экологик талаблар доирасида бўлур эди.

Шаҳарларнинг катта-кичиклиги, ифлосланганлик даражаси, иқлим шароитларига қараб киши бошига тўғри келадиган яшил майдон юзаси, шаҳарларсозликнинг экологик талабларига биноан 5-10 $м^2$ дан то

25-30 $м^2$ гача ошириш - иссиқ иқлимли Ўзбекистон шароитида инсонларни тоза атроф муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлаб беради. 1998-1999 йиллар Тошкент шаҳри Юнусобод тумани ҳокимиятининг яшил майдонларни шаҳар кўркига мослаш бўйича чиқарган қарори ва амалий тадбирлари бундай экологик талабларга зид деб ўйлаймиз.

## *2§. Шаҳарларда атроф табиий муҳитни ҳуқуқий муҳофаза қилиш.*

**Инсоният илмий-техник инқилобининг оқибатларидан бири *урбанизация*дир (лотин тилида urbanus- шаҳарлик), яъни саноат ва аҳолини шаҳарларда мужассамлаша бориши. Айниқса бу жараён иқтисодий ривожланган мамлакатларга хос бўлиб, уларда аҳолининг 70-80% шаҳарларда истиқомат қилади. Натижада, аҳоли зич бўлган ҳудудларда атроф табиий муҳитга бўлган антропоген босим бошқа ҳудудларга нисбатан бир неча бор юқори бўлади.**

**Шаҳарларда атроф табиий муҳитнинг антропоген ўзгарганлик даражаси аввалам бор унинг катта ёки кичиклигига, саноатлашганлиги ва уларнинг фаолият йўналишларига, маиший хизмат кўрсатиш даражсига ва транспорт тармоқларининг инфраструктурасига кўпдан-кўп боғлиқдир.**

**Ер куррасида 170 дан ошиқ миллионер шаҳарлар (аҳолиси 1 млн. кишидан ортиқ бўлган) мавжуд. Аҳолишунослик фанининг қоидаларига биноан катта шаҳарларга аҳолиси 0,5 млн.дан ошиқ бўлган аҳоли пунктлари киришини инобатга олсак, йирик шаҳарларнинг сони 2-3 бароборга ошиб кетади. Ундан ташқари, катта шаҳарлар бирон бир ҳудудда ўзаро қўшилиб кетадиган бўлса *мегаполис* (грекчада megas- катта, polis- шаҳар)ларни ҳосил қилади. Масалан Нью-Йорк мегаполисида 17млн. киши, Мехико, Токио, Москва, қохира каби мегополисларда ҳам шунга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ўзбекистоннинг Тошкент ва унинг атрофидаги шаҳарларда 3 млн.га яқин аҳоли яшайди. Республикамизда шаҳарлар сони кейинги 60 йил ичида 120тага кўпайган ва уларда мамлакатимиз аҳолисининг 25%га яқини истиқомат қилади.**

**Аҳолининг шаҳарларда компакт ҳолда яшаши саноат тармоқларини ривожлантиришга ижобий таъсир қилиши билан бир қаторда атроф табиий муҳитнинг экологик хавфсизлик даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шаҳарларда тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, сув ва ер ости бойликларидан фойдаланиш ўта юқори даражада бўлгани учун ҳам уларда табиий объектларнинг ҳолати тўлиғича антропоген ўзгарган кўринишда бўлади. Улардаги экологик тизимларнинг ҳаракатланиш жараёни кишиларнинг хўжалик фаолияти билан узвий боғлангандир. Экологик тизимларда нафақат биологик ёки**

**химик, балки физик ўзгаришлар (электро-магнит майдон тебранишлари) ҳам ўта кучайган равишда намоён бўлади.**

**Илмий тадқиқот натижаларига кўра шаҳарларда қуёш радиацияси 15% гача камроқ ер юзасига етиб келади, ёмғир, дўл ва қорлар 10% гача кўпроқ ёғади, туман 30-100% гача кўпроқ тушади. Касалликлар, айниқса юқумликлари, шаҳарларда бошқа ҳудудларга нисбатан бир неча баробарга кўпроқ рўйхатга олингандир. Шаҳарларда атмосфера ҳавосини кескин ёмонлашуви ўпка раки касалликларини 40 баробаргача кўпроқ учрашига сабаб бўлган. қишлоқ аҳолисига нисбатан шаҳарликлар 2 баробар кўпроқ юқумли касалликлар билан хасталанадилар. Шаҳардаги шовқин асаб касалликларини қишлоқ аҳолисига нисбатан 75% гача кўпайтириб юборган. Н.К. Комилованинг маълумотларига кўра[1] Бухоро вилояти шаҳарларида аҳолининг қон ва қон томир, психик бузилиш, нерв тизими ва нафас олиш йўлларини хасталиклари қишлоқ жойлардаги аҳолига нисбатан 10-15% га юқоридир.**

**Шаҳарларда аҳолининг концентрациялашуви ва айниқса юқори малакали ишчи кучининг кўплиги у ерда саноатнинг барча турларини ривожланишига сабаб бўлади. АқШнинг Табиатни муҳофаза қилиш агентлиги шаҳарларда саноат тармоқларини экологик хавфсизлик даражаси бўйича 2 турга ажратади: *биринчига,* атмосфера ҳавосига йилига 100 тоннадан ортиқ ҳажмда чиқитларни чиқарувчи корхоналар - тоғ-кон бойитиш комбинатлари, кўмир бойитиш фабрикалари, кокс заводлари, қўнғир кўмир ишлаб чиқарувчи заводлар, нефть маҳсулотларини сақлаш ва ташиш (ҳажми 47,7 млн. литрдан кўп бўлса), химия, металлургия, мис ва алюмин заводлари, қўрғоши, цинк ва қоғоз-целлюлоза комбинатлари; *иккинчига,* кўпроқ сувларни ифлослантирувчи корхоналар - ёғочни қайта ишлаш; қоғоз ва целлюлоза комбинатлари, текстил, тери ошлаш ва неорганик (буёқ, сиёх, минерал ўғит) ва органик химия маҳсулотлари (пластмасс, сунъий материаллар, ёғ-совун, пестицид, гербицид) ишлаб чиқарувчи корхоналар, фармацевтика, резина, нефтни қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, машинасозлик ва металлургия саноати тармоқлари.**

**Шаҳарларда атроф муҳит ҳолатига сезирарли равишда таъсир қилувчи омиллардан бири маиший коммунал хизмати хўжалиги. Унинг атроф муҳитга экологик таъсири шаҳарларнинг канализация ва сув таъминоти, иситишнинг марказлашганлик даражасига тўғри пропорционал боғлиқликка эга. Марказлашган коммунал хизмат тармоқларининг йўқлиги табиий объектларни ифлосланишига ва оқибатда санитар -эпидемологик ҳолатнинг кучайишига сабаб бўлади. Маиший коммунал хизматининг яна бир экологик жиҳати қаттиқ турдаги ахлатларни йиғиш ва уларни утиллаштириш масаласини**

[1] Комилова Н.К. Сабаб ва окибат ёки ахолини саломатлигининг мустахкамлиги нималарни таказо килади// Узбекистон кишлок хужалиги, 19-сон, 1998. 51-53 -б.

**ечилганлигидадир. Ўзбекистон бўйича йилига 30 млн.$м^3$ маиший чиқитлар чиқади ва улар шаҳар атрофидаги резервуарларга ташланади. Лекин бу чиқитларнинг 1/10 қисми шаҳарларда қолиб кетмоқда. Ахлат ташлайдиган резервуарларнинг санитар ҳолати яхши деб бўлмайди[1]. Маиший чиқитларни ажратиш, навлаш, қайта ишлаш ва уларни ҳуқуқий тартибга солиш ҳанузгача йўлга қўйилмаган муаммолардан биридир. Бу масалани ижобий хал қилишда Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимлиги томонидан олиб борилаётган маиший аҳлатларни йиғиш шоҳобчаларини ташкил қилиш ва уларни сортлаштриш бўйича чора-тадбирлар мақтовга сазовордир.**

**Шаҳарларда атроф табиий муҳитга таъсир кўрсатиши бўйича транспорт соҳаси етакчи ўрин эгаллайди. Автомобиль транспортининг умумий транспорт воситалари (темир йўл, ҳаво транспорти, метрополитен...) ичидаги солмоғи Ўзбекистонда 70-85% ни ташкил этади. Экологик тоза ҳисобланган электротранспорт (троллейбус, трамвай, метрополитен, электровоз...) солмоғи умумий транспорт воситалари бўйича атиги 7-10%ни ташкил этади. Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавосини ифлосланишига катта таъсир кўрсатаётган транспорт тармоқларидан бири - авиация. Улар ҳавода углеводород, азот ва углерод оксидларини кескин кўпайишига сабаб бўлмоқда. Лекин кейинги пайтда А-300, "Боинг" тоифасидаги самолётлар орқали авиапаркларни тўлдириш бундай салбий ҳолатни анча мўътадиллаштирди.**

**Шундай қилиб шаҳарларда атроф табиий муҳитга антропоген омилларнинг таъсир даражаси ва тури бошқа антропоген ўзгарган теграларга нисбатан хос кўринишда намоён бўлади. Мутахассисларни фикрича шаҳарларда атроф табиий муҳитнинг муҳофаза қилиш талаблари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:**

**- санитар ва эпидемологик ҳолатни яхшилаш;**

**- хўжалик фаолиятини экологик хавфсизлик даражасини таъминлаш;**

**- ахлат ва маиший чиқитларни қатъий меъёрлаш ва уларни утиллаштириш;**

**- шавқинсизликни таъминлаш;**

**- кўкаламлаштириш ва ободонлаштиришни йўлга қўйиш;**

**- транспортда алтернатив энергия (электро, қуёш энергияси, водород ёқилғиси, моторсиз транспорт...) туридан кенг фойдаланиш;**

**- экологик технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш;**

**- яшил муҳофаза теграларини барпо қилиш;**

**- саноат ва энергетика корхоналари, аэропортларни шаҳар чеккасига олиб чиқиш;**

---

[1] Национальный доклад "О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов Республики Узбекистан". -Т., 1995-1998.

**- қурилиш ишларини табиий компонентларга кам таъсир этадиган қилиб олиб бориш ва рекультивация (қайта тиклаш) талабларига риоя этиш;**

**- маиший ва саноат сувларини тозалаш ва уларни иккиламчи ишлатиш чораларини жорий этиш;**

**- бино ва иншоотларни (айниқса ўта зарарли корхоналарда) жойнинг сейсмик талабларига қараб лойиҳалаш, қуриш ва ҳоказо.**

**Юқорида кўрсатиб ўтилган экологик талаблар шаҳарларда экологик хавфсизликни таъминлаш учун жуда катта ва ўзига хос ижтимоий-иқтисодий, маданий-маиший, сиёсий-оммавий, архитектура-қурилиш, хўжалик ишларини амалга оширишни, давлат ва жамоат органларининг экологик бошқарув ва назорат тизимини ишлаб чиқишни ва тадбиқ қилишни тақазо қилади. Шунинг учун ҳам** ***шаҳарлар ва аҳоли пунктларини экология ҳуқуқининг алоҳида бир объекти қилиб олиш мақсадга мувофиқдир.*** **Уларда экологик муносабатларни тартибга солишни замон талаби даражасига олиб чиқиш учун "Шаҳарларда экологик хавфсизликни таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.**

**Шу кунда Ўзбекистон шаҳарларида табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий талаблари Табиатни муҳофаза қилиш, Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, Ер кодекси, Сув ва сувдан фойдаланиш, Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, Ўсимлик ва Ҳайвонот дунёларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, Давлат санитария назорати, Автомобиль йўллари, Давлат ер кадастри, Аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш, Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ва қонун ости норматив ҳужжатларда ўз аксини топган ва улар орқали тартибга солиб турилади.**

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан бир қаторда қабул қилинган "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуннинг мақсадига айрим объектлар (жумладан шаҳарлар) табиатини муҳофаза қилиш, уларда яшайдиган фуқароларни қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлаш ҳам киради (1-модда). Бундай кафолатни шаҳарларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг Тошкент шаҳри, шаҳар қўмиталари, шаҳар ва шаҳар таркибига кирувчи туман маҳаллий давлат идоралари амалга оширадилар. Ушбу қонуннинг 9-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шаҳарларда табиатини муҳофаза қилишга доир ягона сиёсатни олиб боради, табиий ресурслардан фойдаланиш, уларни баҳолаш ва улардан фойдаланганлик ва ифлослантирганлик учун тўловларни ягона тартибини белгилайди, табиий офатлар ва йирик авариялар ёки экологик танг вазиятлардан аҳолини сақлаш ва уларни бартараф қилиш йўлларини ишлаб чиқади. Экологик ўқув, тарбия ва маориф тизимини яратади ва ушбу**

**йўналишдаги мамлакатимиз аҳамиятига молик экологик чора-тадбирларини олиб боради.**

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-моддаси ва Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 10-моддасига биноан маҳаллий давлат бошқарув органлари Тошкент шаҳри ва унинг туманлари, Республикамиз шаҳар тоифасига кирувчи аҳоли пунктлари ҳокимликлари: ўз ҳудудларида табиатни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларини белгилайдилар; табиий ресурсларни кадастрлаш, моддий-техника таъминотини амалга ошириш, субъектларни табиатдан фойдаланиш, уни ифлослантириш, унга чиқитларни чиқариш ва утиллаштириш тартибини белгилайдилар; улар фаолиятини чеклаш, ман қилиш, тўхтатиш, тўловларни ундириш ва бошқа қонунларда кўзда тутилган ваколатларни ҳам амалга оширадилар.**

**Шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмиталари Ўзбекистон Республикаси Давлат қўмитаси тизимидаги идора бўлиб, у Республика Давлат қўмитасининг "Тасдиқи" ва шаҳар ҳокимининг "Келишуви" билан қабул қилинган Низомига биноан фаолият юргазадилар ва шаҳар халқ депутатлари, бошқа маҳаллий идоралар билан мувофиқлашган тарзда иш олиб борадилар. Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмиталари ўз ваколат доирасида қабул қилган қарорлари ҳамма субъектлар учун мажбурий ҳисобланилади.**

**Шаҳарларда халқ хўжалик тармоқлари фаолиятининг атроф табиий муҳитга ва аҳолига салбий таъсирини камайтириш ҳамда табиий ресурсларни тиклаб боришни кафолатловчи нормативлар ва стандартлар билан белгилаб қўйиш жуда муҳим ҳуқуқий чора ҳисобланилади. Экологик нормативларни шаҳарларда маҳаллий табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Саноатда ишларни бехатар олиб боришни назорат қилиш ва кон назорати бўлинмалари ўзларига берилган ваколатларга мувофиқ олиб борадилар. Бу нормативларга биноан шаҳардаги корхона, ташкилот ва муассасалар, фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг атроф муҳитга салбий таъсир этиши мумкин бўлган энг юқори даражаси (ПДК, ПДВ, ПДС, ПДХВ...) аниқланилади. Бундай чегараланишлар шаҳарларда ПДК (заҳарли моддаларни концентрациялашувининг энг юқори кўрсатгичи) атмосфера ҳавоси ва сувлар учун олинади. Моддаларни атмосфера ҳавоси ёки сувда инсон организмида ҳеч қандай потологик ўзгаришларга олиб кела олмайдиган даражаси СН 245-71 рақамли Инструкцияда ПДК нинг санитар нормаларининг 160 хил модда ва 35 турдаги комбинацияларда атмосфера ҳавосини ифлосланиш даражасини руҳсат этилган меъёри бўйича белгиланган. Масалан, углерод оксиди бўйича ифлослантириш меъёри суткасига 1,0 мг/м$^3$, ҳаракатда бўлмаган объектлар учун - 20 мг/м$^3$ га тенгдир.**

**ПДВ - шаҳарларда маълум бир корхона ёки ташлаш манбаи бўлган субъектлар томонидан зарарли моддаларни чиқариш миқдори. У СН-**

**369-74 бўйича амалга оширилади ва ГОСТ 17.2.3.02-78 бўйича ҳисобланилади. Агарда маълум бир объектда 2 ва ундан ошиқ ташлагич манбалари (вентиляция ва энергетик қурилмадан...) бўлса бу корхона учун ПДВнинг умумий кўрсатгичлари белгиланади. Ҳар бир ПДВ бўйича ташлаш инвентаризацияси (паспорти) тузилади. Унда ташландиқларнинг сон ва сифат кўрсатгичлари бўйича маълумотлар чиқитларни тозалаш усуллари ва экологик технологияларни такомиллаштиришнинг йўллари берилган бўлади. Бу паспортларни ҳар 5 йилда алоҳида бир қабул қилинган шаклларни тўлдириш асосида қайта кўриб чиқилади. Худди шундай жараёнлар Давлат стандартлаштириш ва метрология бошқармаси томонидан ПДС, ПДХВ ва бошқа меъёрий кўрсатгичлар бўйича ишлаб чиқилади ва шаҳар санитария -эпидемология хизмати томонидан тасдиқланади.**

**Шаҳарларда алоҳида бир табиий объектлардан фойдаланиш дифференциал қонун, маҳаллий бошқарув ва назорат органларининг қабул қилган меъёрий ҳужжатлари орқали тартибга солинади.**

**Шаҳар ҳудудидаги ерлар Ер кодексининг 8-моддасига биноан, аҳоли пунктлари ерлари фондига киради. Шунинг учун ҳам уларни алоҳида муҳофаза этиш ва улардан фойдаланиш ўзига хос тартиботи бор. Ушбу қонуннинг 59-моддасига биноан шаҳар ерлари қуйидаги тоифаларга ажратилади: қурилиш; умумий фойдаланиш; қишлоқ хўжалиги; дарахтзорлар; саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадга мўлжалланган ерлар; алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар; сув фонди ерлари; захира ерлар.**

**Агарда аграр тегралардаги ерлардан самарали фойдаланиш деганда биз ушбу ерлардан юқори ҳосил олиш ва тупроқ унумдорлиги сақлашни тушунсак, *шаҳарлардаги ерлардан оқилона фойдаланиш деганда биз қурилиш ва ободонлаштириш ишларини илмий асосланган тарзда, жой планировка мажбуриятларига биноан олиб боришни тушунамиз*. Шаҳар ерлари шаҳарсозлик ва ер тузиш ҳужжатлари бўйича чегараланилади ва улардан мақсадли фойдаланиш учун руҳсатномалар берилади. Фойдаланувчилар эса ушбу қонуннинг 11-боб, 79-82-моддаларида белгиланган ерларни муҳофаза қилишнинг экологик талабларига риоя этишлари шарт:**

**- объектлар, иморатлар ва иншоотлар жойлаштириш, қуриш ва улардан фойдаланишда ерларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган янги технологияларни жорий этиш чоғида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси руҳсатномаларини олиш;**

**- ҳар бир хўжалик жараёнини экологик экспертизадан ўтказиш;**

**- яшил майдон, дов-дарахтларни иложи борича сақлаб қолиш;**

**- рекультивация қилиш;**

**- маиший ва саноат чиқитларини ташлайдиган резервуарлар ташкил этиш ва ҳ.қ.**

**Шаҳарларда уй-жой, корхона, иншоот ва бошқа объектларни лойиҳалаш, жойлаштириш, қуриш ва ишга тушириш мобайнида**

**аҳолининг ичимлик сувга бўлган ҳамда маиший эҳтиёжларини қондириш талабларини биринчи навбатда инобатга олиш шарти билан сувдан фойдаланишлари Ўзбекистон Республикаси "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 11-моддасида баён этилган. Ушбу қонун бўйича айланма ҳаракатдаги сувларнинг буғланиши, ифлосланиши ва камайиб кетишини олдини олиш, сув объектларининг бошқа табиий объектларга зарар етказишига йўл қўймаслик, шўрланиш, зах босиш ва қуриб қолишдан муҳофаза қилиш талаблари қўйилади.**

**Тоза ичимлик сувдан оқилона фойдаланиш мақсадида катта шаҳарларда, хусусан Тошкентда, маиший хизмат ва ичимлик сувидан фуқароларни фойдаланиш лимитлари "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 30-моддасида белгиланган. Унга биноан қабул қилинган меъёрларда шаҳар "Сувсоз" трестлари 1999 йил январига келиб жон бошига 9,9 $м^3$/ойига ёки 118,8 $м^3$/йилига сув сарфи меъёри белгиланган. Лимитдан ортиқча фойдаланган шахслардан сувнинг ҳар бир метр кубига 64 % устама нарҳлар тўлаш орқали амалга оширилади.**

**Сувдан ва умуман табиий ресурслардан фойдаланишни чеклаш бутун ривожланган мамлакатларда қабул қилинган меъёр бўлиб, бу тадбир табиий бойликларидан самарали фойдаланишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди Греция, Исроил каби мамлакатлар қонунчилигида сувлардан самарадорлик билан фойдаланиш ўта қаттиқ бошқарув ва назорат остига олинган тадбир бўлиб, у чучук сувнинг заҳираси, саноат тармоқлари ва аҳолининг зичлиги билан боғлиқ тарзда олиб бериладиган масалалар тоифасига киради.**

**Шаҳар ва аҳоли пунктларида, унинг атрофидаги яшил мудофаа теграларида "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 17-моддасига мувофиқ ер қаърининг айрим участкаларидан фойдаланиш чекланган ёки тақиқлангандир.**

**Шундай қилиб шаҳарларда экологик хавфсизликни таъминлаш ўзига хос ҳуқуқий бошқарув ва назорат тизимини шакллантиришни тақазо қилади.**

## *3§. Аграр теграларда атроф муҳитни ҳуқуқий муҳофаза қилиш.*

**Ўзбекистон Республикаси аграр мамлакат бўлиб, аҳолисининг 60%га яқини қишлоқ жойларда истиқомат қилади, ишлаб чиқариш салоҳиятининг 3/1 қисми ва ташки савдонинг 55% қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ. Ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолининг ҳар иккитасидан бири аграр саноатда банддир. Шунинг учун ҳам И.А.Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 8 феврал ҳисобот йиғилишида, Олий Мажлиснинг 1997 йил 25 декабр 1998 йил 30 апрел X-XI- сессияларида қишлоқ хўжалигида туб ислоҳотларни ўтказиш**

**зарурлиги, унинг натижаси эса мамлакатимиз ҳаётини белгиловчи қадам эканлигини ўқтириб ўтди.**

**Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон, қадимдан деҳқончилик қилиб келинадиган ўлка ҳисобланилади. Туб аҳолининг тирикчилиги ҳам, ташқи дунё билан ўзаро муносабатлари ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва улардан тайёрланган маҳсулотлар ҳисобига амалга оширилган. Чор Россияси ва Собиқ Иттифоқ даврида, яъни XIX асрнинг иккинчи ярмидан то шу кунгача, аграр соҳаси майда ва ўрта қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқаришдан йирик товар хўжалигига айлантирилди. Мустақиллик давригача Туркистон ўлкаси мустамлака ўлка бўлиб, СССРнинг Европа қисмидаги корхоналарга пахта, тери, ипак толаси, мева маҳсулотлари каби хом ашё маҳсулотлари етказиб берар эди. XX аср бошида Ўзбекистонда 1.7-1.8 млн.га суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерлар майдони шу асрнинг 80-йилларига келиб 4.3 млн.га етди. қишлоқ хўжалик мақсадларида ўзлаштирилаётган ерлар аввалига табиий -иқлим шароити ўта қулай бўлган ҳудудлар - Чирчиқ-Оҳонгарон, Зарафшон, Сурхон-Шеробод, қашқадарё, қуйи Амударё, ўрта Сирдарё воҳалари, Фарғона водийларида амалга оширилди. Аҳолининг энг зич бўлган майдонлари ҳам айнан шу аграр теграларда жойлашди.**

**Кундан-кунга кўпайиб бораётган аҳоли ва аграр саноат талаби қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини экстенсив тарзда ошириб боришга мажбур этди. Атроф табиий муҳитга, айниқса аграр ҳудудларда ерга бўлган антропоген босим даражаси жуда кучайиб кетди. қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг *экстенсив* усулини (экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига маҳсулот миқдорини ошириш) танлаган собиқ Иттифоқда табиий объектларнинг экологик ҳолати кескин ёмонлашиб кетди. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра[1] кейинги бир аср мобайнида шўрланган ерлар майдони 2 млн.гектарга, шамол ва сув эрозиясига учраган ерлар 3-3.5 млн.гектарга етди, кимёвий ифлосланиш бутун суғорма ер фондининг 75-80%ни ташкил қилди. 25-28 млрд.куб метрни ташкил қилаётган оқава ва ташландиқ сувлар Амударё ва Сирдарёларни, оҳир оқибатда эса Орол денгизи сувларининг шўрланганлик даражасини 2-3 баробарга, зарарли моддалар - пестицид, гербицид, азот, фосфор, калий элементларининг миқдорини рухсат этилган стандартдан (ПДК) 3-4 баробарга кўпайиб кетишига сабаб бўлди. Далаларни дорилашнинг "аэро" усули аграр тегралардаги ёввойи ёки маданий ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, атмосфера ҳавосининг сифатига, одам организми учун хавфли бўлган токсикан (зарарли) моддаларнинг сувларда кўпайишига олиб келди. Янги ўзлаштирилган типик бўз тупроқларда учрайдиган ва унинг унумдорлиги ҳақида морфологик кўрсатма берадиган ёмғир чувалчанги**

---

[1] Толипов Г.А. Земельные ресурсы Узбекистана и проблемы их рационального использования. - Т., 1992., Старцев Т.А., Козел Я.К. Итоги Советской ирригации в Средней Азии. -Т., 1934., Раззоков А. Сув ва хаёт. -Т.: Мехнат, 1991.

**миқдори тупроқнинг ҳар бир метр кубида 300-1200 дан 1-2 донагача тушиб кетди ёки умуман учрамайдиган бўлиб қолди.**

**Аграр тегараларда юзага келган салбий экологик ҳолат кишиларнинг ҳаёт даражасига кескин таъсир қилди. Ю. Шодиметовнинг маълумотларига кўра[2] пестицидлар кенг қўлланадиган ҳудудлардаги аҳоли орасида нафас олиш, эндокрин, юрак-қон томир, жигар касалликлари, камқонлик, ақлий етишмовчилиги бўлган болалар туғилиши, рак ва гинекология касалликлари бошқа ноаграр ҳудудлардагидан 2-3 маротаба кўп учрайдиган бўлди. қишлоқ жойларда 14 ёшгача бўлган болаларда темир моддаси етишмайдиган камқонлик, фаол сил касаллиги, вирусли гепатит (сариқ касаллик) ва юқори нафас йўлларига микроблар ўтирадиган касалликлар тез-тез кузатилиб турилди. 1980 йилларга келиб пестицидлардан 80 гача ўткир ва 60 гача сурункали заҳарланиш қайд этилган.**

**Умуман олганда, аграр тегараларда антропоген таъсирнинг кучайиши натижасида юзага келган салбий экологик ҳолатни 3 гуруҳга ажратсак бўлади.**

**Биринчи гуруҳга *қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқаришнинг негизи бўлган табиий объектларнинг бузилиши*: а)пахта яккоҳокимлиги ва алмашлаб экишни йўлга қўймилмаганлик оқибатида тупроқ унумдорлигини пасайиб кетиши; б) тупроқларнинг шўрланиши, эрозияга учраши (сувдан ювилиши), дефляциялашуви (шамол орқали учирилиши), ботқоқлашуви, ифлосланиши, агрохимик ва агрофизик кўрсатгичларининг ёмонлашуви, микроорганизмларнинг камайиб кетиши, химик таркибининг бузилиши; в) сув таъминотининг бузилиши ва суғорма сувларни кимёвий таркибининг ёмонлашуви; г) фойдали организмларнинг (чанглатадиган, зарарли хашорат кушандалари, санитар ҳайвонлар) қирилиб кетиши; д) табиий яйловлар ишлаб чиқариш қобилиятининг пасайиши; е) чўлланиш ва бошқа табиий геодинамик (сурилма, жарланиш, ўпирилиш, чўкиш, дегиш, солюфлюкция, абразия) жараёнларининг ортиб бориши.**

**Иккинчи *гуруҳга экологик салбий оқибатларнинг кучайиши*. Бу нафақат қишлоқ хўжалигида, балки атроф муҳитнинг бузилиши натижасида бошқа халқ хўжалиги соҳаларига зарар етиши. Мисол учун, гидрографик объектлар (кўл, дарё, сув омборлари, коллектор-дренажлар)нинг ифлосланиши ва улардаги ҳайвонот дунёсининг камайиши; ўрмон ва тўқайзорларнинг камайиб кетиши; ёввойи турдаги ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг яшаш муҳитини торайиб қолиши; атмосфера ҳавосининг таркибида туз, чанг, оғир металл каби кимёвий моддаларнинг кўпайиб кетиши; овчилик ва балиқчилик хўжалигининг оқсаб қолиши; қўриқхона ва буюртма қўриқхона сингари алоҳида муҳофаза талаб этадиган ҳудудларнинг муҳофаза тартибининг бузилиши ва ҳ.к.**

---

[2] Ю.Шодиметов. Ижтимоий экологияга кириш. -Т.: Укитувчи, 1994.

**Учинчи гуруҳ *оқибатларга инсонларнинг яшаш муҳитининг аграр теграларда ёмонлашувини ол*сак бўлади. Собиқ Иттифоқ даврида XX асрнинг 70-80 йилларига келиб қишлоқ аҳолисининг ўртача умр кўриш даври 3-5 йилга қисқарган.**

**Юқорида келтирилган салбий оқибатларнинг 3 гуруҳи давлатнинг аграр сиёсатидаги иқтисодий талаблар билан экологик талабларни ўзаро уйғунлашган ҳолда олиб боришни талаб этади. Шунинг учун ҳам И.А.Каримов ўзининг "қишлоқ хўжалиги тараққиёти - тўкин ҳаёт манбаи" деган асарида "Деҳқончилик маданиятини кўтариш тупроқ ҳолатининг яшиланиши ва атроф муҳитнинг ифлосланишини олдини олиши учун керак"[1] деб бекор айтмаганлар. Бу ўринда жамиятдаги аграр муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосини яратиш замон талабидир. Бу долзарб муаммонинг қонуний асоси апрел-май 1998 йил бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI-сессиясида қишлоқ хўжалигига оид қабул қилинган бир қатор қонунларда ўз аксини топди.**

**қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида экологик хавфсизлигини таъминлаш учун аввалам бор *аграр тегераларни Экология ҳуқуқининг алоҳида бир антропоген ўзгарган ва ўзига хос "объекти"* деб қарашни тақазо қилади. Аграр тегераларда жамиятдаги муносабатларни ҳуқуқий *бошқариш концепциясини* ишлаб чиқиш талаб қилинади ва ушбу қарашлар тизими давлатнинг миллий хавфсизлик концепциясининг асосий элементларидан бири бўлиб қолишини таъминлаш даркор.**

**Ш.Х. Файзиев[1] тадқиқотларида қишлоқ хўжалигида экологик хавфсизлик қоида ва талабларига асосланган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш давлат ва ҳуқуқнинг вазифаси деб қаралиши тўғри талаб этилгандир. Муаллиф қишлоқ хўжалигида экологик хавфсизлик талаблари Конституциямизнинг алоҳида бир "Давлатнинг экологик сиёсати" бўлимида акс этиши кераклигини ёқлаб чиққан. Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунида "қишлоқ хўжалигида экологик хавфсизлик талаблари" деган алоҳида бир модда киргазилиши жуда ҳам мақсадга мувофиқлигини тўғри кўрсатиб ўтгандир.**

**Аграр тегераларда табиатни муҳофаза қилишнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маърифий, сиёсий ва ҳуқуқий чорлари мавжуддир. Улардаги экологик хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий чораларини 2 гуруҳга ажратсак бўлади. *Биринчиси* хўжалик юргазишнинг экологик меъёрларини ишлаб чиқиш ва амалий тадбиқини таъминлаш; *Иккинчиси* - антропоген бузилган антропоген тегераларни соғломлаштирувчи меъёрларни ишлаб чиқиш ва уларни кенг тадбиқ қилиш.**

---

[1] 26 декабр 1997 й. Халк сузи

[1] Файзиев Ш.Х. Конституционные проблемы обеспечения экологической безопасности в Республике Узбекистан// Независимость и мировоззрение: реальность и философские проблемы возможностей развития. Часть -II. -Т.:Фан, 1993.

**Ҳар иккала ҳуқуқий гуруҳ чора-тадбирларининг аввалам бор конституциявий асосини яратиш керак бўлади. Хўжалик юргазишнинг салбий экологик оқибатларининг олдини олишнинг конституциявий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XI- боб 50-моддасида фуқароларнинг атроф табиий муҳитга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбуриятидан келиб чиқади. Бозор муносабатларига ўтиш даврида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида юзага келаётган барча турдаги мулкдорлар ўз мулкидан фойдаланишларида атроф муҳит ҳолатига зарар етказмасликлари шарти қўйилган (54-модда). Давлатга (55-модда), жумладан маҳаллий ҳокимиятларга (100-модданинг 5-банди) табиий заҳираларни умуммиллий бойлик сифатида муҳофаза қилиш мажбурияти юклатилади. Лекин жамиятнинг экологик хавфсизлигини, хусусан аграр теграларда экологик инқирозни олдини олишнинг конституциявий асослари Бош қомусимизнинг алоҳида бир "Давлатнинг экологик сиёсати" бобида акс этгани маъқул, деб мутахассислар фикр билдирмоқдалар[1]. Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунида эса "қишлоқ хўжалигида экологик хавфсизлик талаблари" деб номланган алоҳида бир модда киргазилиши жуда ҳам мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Акс ҳолда халқ хўжалигимизнинг етакчи соҳаси бўлган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида экологик талаблар етарли даражада намоён бўлмаслиги мумкин.**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 18 мартдаги Фармонига биноан тасдиқланган "1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш Дастури"да деҳқончилик тизимини ривожлантириш учун ердан оқилона фойдаланиш ва тупроқ унумдорлигини таъминлаш учун:**

**а) тупроқ унумдорлигини ошириш чора-тадбирларини қўллаш;**

**б) ердан фойдаланиш, сифатини аниқлаш ва баҳолашни тартибга солиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;**

**в) экин майдонлари тузилмасини мақбуллаштириш, туманларда қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришни ихтисослаштириш;**

**г) ноанъанавий қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш кўзда тутилган эди.**

**Бу дастурнинг қишлоқ хўжалигини кимёвийлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлимида ҳеч қандай экологик талаблар назарда тутилмагандир. Экологик хавфсиз қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқишнинг кимёвий чора-тадбирлари белгиланмагандир.**

***Ерларни ирригация ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш чора-тадбирларида*** **ҳам янги ерларни ўзлаштиришнинг экологик талаблари**

---

[1] Файзиев Ш.Х. Конституционные проблемы обеспечения экологической безопасности в Республике Узбекистан// Независимость и мировоззрение: реальность и философские проблемы возможностей развития. Часть -II. -Т.:Фан, 1993.

**ёки эски техноген бузилган ерларнинг илмий асосда қайта тиклаш талаблари баён этилмаган. Ваҳоланки ҳар йили қишлоқ хўжалигидаги суғорма ер фондидан бошқа халқ хўжалиги мақсадлари учун 15-20 минг гектар ер ажратилмоқда. Бундай йўқотувни ўрни қоплаш мақсадида шўрланган, ботқоқланган, эрозияга учраган аграр тегралардаги ташландиқ майдонларни ўзлаштириш ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Бизга маълумки[1] республикамизда 0,5 млн. гектардан ошиқ жарланган ва техноген бузилган ерларни қишлоқ хўжалик оборотига қайтарса бўлади. Лекин мелиоратив тадбирлар қонунчиликда ўзига хос мъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишни талаб қилади.**

**қишлоқ хўжалигида ўзаро молия ва кредит муносабатлари, ҳисобга олиш ва ҳисоботни такомиллаштириш бўлимида экологик чора тадбирлар учун қўшимча бюджет таъминоти ва имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилмаган. Экологик раҳбарлантиришнинг иқтисодий механизми кўрсатилмагандир.**

**қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда ортиқча меҳнат потенциалидан, қулай табиий - иқлим ва минерал хом ашё ресурсларидан нафақат иқтисодий, ижтимоий, маърифий, маданий, балки экологик-эстетик назардан унумли фойдаланиш кўрсатилмагандир.**

**Хулоса қилиб айтганда, 1999-2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодийислоҳатларни чуқурлаштириш дастури асосан аграр теграларда иқтисодий масалаларни ечимини топишга қаратилган бўлиб, Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг принципи - "Иқтисод билан экологик тадбирларни ўзаро уйғунлашган ҳолда олиб бориш"ни инобатга олмаган. Лекин қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларнинг мақсади[2] қишлоқ аҳолисининг яшаш фаровонлиги ва аграр саноатининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ошириш. Халқ фаровонлигининг энг асосий кўрсатгичларидан бири - экологик хавфсиз муҳитда, соғ-саломат яшашдир.**

**Юқорида айтиб ўтилган Дастур асосида қабул қилинган бир қатор қонун ҳужжатларида, хусусан Ер кодекси, қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги), Фермер, Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги, Давлат ер кадастри ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 299, 300 -сонли қарорларида табиий бойликлардан самарали фойдаланиш ва экологик талаблар қишлоқ хўжалик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига киргазилгандир.**

**1999 йил 30 апрел қабул қилинган "Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 12-моддаси 3-бандига мувофиқ ҳар бир тадбиркор (жумладан фермер ва деҳқон хўжалиги) ўз фаолиятида экологик талабларга риоя этишга**

[1] Нигматов А.Н. Овражная эрозия и техногенно-нарушенные земли Узбекистана: сельскохозяйственные, экологические и правовые аспекты их мелиорации. -Т.: Академия МВД, 1996.
[2] И.Каримов. Дехкончилик тараккиёти - фаровонлик манбаи. -Т.: Узбекистон, 1994.

мажбурдирлар, акс ҳолда уларнинг фаолияти тўхтатилиши (44-модда) ва улар жавобгарликка тортилишлари (46-модда) мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Агарда тадбиркорлар, жумладан қишлоқ хўжалигида фаолият юргазаётган субъектлар, ер ва сувдан самарали фойдалансалар давлат ва нодавлат ташкилотлар, маҳаллий ҳокимиятлар томонидан раҳбарлантириш меъёрлари (IV-боб) ҳам инобатга олинган. Бундай ижобий ҳуқуқий усулни қўллаш мамлакатимиз қонунчилигини экологиялаштиришга томон қўйилган катта қадамдир.

Афсуски, "Фермер хўжаликлари тўғрисида"ги қонундан фарқли "Деҳқон хўжаликлари тўғрисида"ги қонунда (27-модда), деҳқонларнинг ноэкологик ҳаракатлари, уларнинг фаолиятини тўхтатилишига асос бўлиши инобатга олинмаган. Биз биламиз, деҳқон хўжалиги майда қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқаришга ва унча катта бўлмаган (0,35 гектаргача) ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқларига эга. Лекин уларнинг сони ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида тутган солмоғи бўйича аграр саноатда етакчи ўринни эгаллашини инобатга оладиган бўлсак, деҳқон хўжаликларини тугатишга сабаб бўлиб ҳам атроф табиий муҳит ҳолатига салбий таъсири меъёри кўрсатилиши кераклиги юзага келади.

Аграр саноат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг принципларидан бири ерларни муҳофаза қилиш ва тупроқ унумдорлигини оширишни таъминлашдир. Шунинг учун бўлса керак 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжаликлари) тўғрисидаги қонунга мувофиқ экологик талаблар аграр теграларда фақатгина ерларгагина қўлланилади холос. Бу теграларда экологик талаблар ҳамма хўжалик фаолиятига ва ҳамма табиий объектлар бўйича бўлиши мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ҳам аграр тегралар бўйича ёки унга бевосита ёки билвосита таъсири этиш мумкин бўлган қонун ҳужжатларида экологик талабларни алоҳида боб ёки модда қилиб берилиши экологик хавфсизликни таъминлашда катта аҳамият касб этади деб ўйлаймиз.

1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ер кодексининг асосий мақсади - ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб ердан илмий асосланган тарзда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, табиий хусусиятларини асраш ва яхшилашдир. Ер эса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш воситасидир ва шунинг учун ҳам ундан аввалам бор қишлоқ хўжалигида фойдаланиш кўзда тутилган. Ушбу қонунинг 2-моддаси 6-бандига биноан, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий принципларидан бири - ерга ва бутун атроф табиий муҳитга зарар етказилишини олдини олиш ва экологик хавфсизликни таъминлашдир. Ушбу принцип Давлат бошқарув ва назорат органларининг ваколатлар доирасида ҳам акс этгандир. Масалан Вазирлар Маҳкамаси ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг ягона сиёсатини олиб боради, маҳаллий

**ҳокимиятлар ўз ҳудудларида экологик тадбирларни ишлаб чиқадилар ва уларни амалга оширилишини назорат қиладилар.**

**Ер кодексининг Ер тузиш, Ерга бўлган мулкчилик, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари ва мажбуриятларида экологик талаблар алоҳида банд сифатида берилган. Шу қонуннинг 6-бобида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтаришнинг асосий омилларидан бири ерни ҳақиқий эгаларига бўлиб бериш эканлиги аниқ қилиб кўрсатилган. Ерларни қишлоқ хўжалигида муҳофаза қилишнинг (11-боб) мазмуни ва тартиби (79-модда) ирригация, мелиорация ва бошқа қишлоқ хўжалик иншоотларини қуриш, лойиҳалаш ва улардан фойдаланишга оид экологик талаблар (80-81-модда) ва бу талабларни ўз муддатида бажарганлар учун иқтисодий раҳбарлантириш йўллари (82-модда) кўзда тутилган.**

**Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўрсатилганидек аграр теграларда фаолият юргазаётган субъектлар экологик хавфсиз муҳитга таъсир этувчи ноқонуний битимлар тузгани; унумдор ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш, турли саноат, маиший ва якка тартибда уй-жой қурганликлари; тупроқ унумдорлигини ёки кадастр маълумотларини кескин равишда ёмонлашиб кетишига сабаб бўлувчи ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар қилгани; атроф муҳит ва ерларни кимёвий ифлослантиргани ёки физик бузганликлари; заҳарли модда ва бирикмаларни сақлаш, ташиш ва қўллаш талабларини бузганликлари натижасида ерларни сифат кўрсатгичларини ёмонлаштириб юборганликлари учун Жиноят Кодексининг 193-197, 201, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 65-69, 8, 91, 95, 96, Фуқаролик кодексининг 111, 173, 214, 231, 516, 517, 541, 542, 551 ҳамда Ер кодексининг 90,91-моддаларига мувофиқ жавобгарликка тортилишлари кўзда тутилган.**

**Аграр теграларда ер ресурсларида ташқари зарар етказиш мумкин бўлган табиий объектларга - сув ресурслари, ёввойи турдаги ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ва уларнинг яшаш муҳити киради.**

**Сув ресурсларидан қишлоқ хўжалигида суғориш, чорва молларини ичимлик суви билан тъминлашда фойдаланилади. Фойдаланишдаги экологик талаблар сувларни камайиб кетиши, булғаниши ва ифлосланишини олдини олишга қаратилган бўлади. Шунинг учун ҳам 1993 йил 6 майда қабул қилинган "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг алоҳида бир XIII-бобига мувофиқ қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи субъектлари сувдан махсус фойдаланишлари мобайнида ер ости ва усти сувлардан фойдаланишнинг экологик талабларига қатъий риоя этишлари, сувларни суғориш, оқизиш давомида ортиқча сув ўтказувчанлиги (фильтрация) ва буғланишга йўл қўймаслик шартлари зикр этилган.**

**Аграр теграларда гидротехник, маиший, саноат, маданий ва бошқа иншоотларни қуриш мобайнида сувдан, айниқса чучук сувдан,**

фойдаланиш ўта самарадорлигини таъминлаш, уларни ифлосланиш, заҳарланиш ҳамда тупроқларни ювилиш, шўрланиш, ботқоқланишига сабабчи бўлувчи оқибатларни олдини олиш чораларини кўришлари шарт. Сув қонунчилиги Ўзбекистонда сув объектларини аграр тегараларда ифлослантириши, бузилиши ва ёмонлашувига олиб келиши мумкин бўлган объектларни лойиҳалаш, ишга тушириш, қуришни ман қилади. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг РД 118.00277 19.5-91 "Сув объектларига ташландиқ сувлар билан оқизиш меъёри лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва рўйхатлаш тартиби", РД 118.0027714.50095 "Чорвачилик комплексларида сувларни муҳофаза қилишнинг давлат назорати бўйича методик қўлланма", РД 118.0027714.6-92 "Сувлардан махсус фойдаланишга рухсат бериш ва келишиш тартиби" каби бошқарув ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Лекин бу бошқарув ҳужжатларнинг давлат стандарти қилиб ханузгача Собиқ Иттифоқ даврида ишлаб чиқилган ГОСТ 17.1.3.04-82 "Ер ости ва усти сувларини пестицидлардан ифлосланишини муҳофаза қилиш талаблари"; ГОСТ 17.1.3.11-84 "Минерал ўғитлардан ер ости ва усти сувларини ифлосланишини муҳофаза қилиш талаблари"; ГОСТ 17.1.3.13-86 "Ер усти сувларини ифлосланишидан муҳофаза қилишнинг умумий талаблари"; ГОСТ 17.4.3.05-86 "Суғориш ва ўғитлашда оқава сувлар ва уларни ётқизиқларига қўйиладиган талаблар", Сан П и Н № 4630 -88. "Ер усти сувларини ифлосланишидан муҳофаза қилишнинг санитар қоидалари ва меъёрлари" каби қонун ости ҳужжатлари амал қилмокда. Республика экологик комплекс бошқарув органларига бу меъёрий ҳужжатларни замон талабига ва аграр тегараларда юзга келган экологик шароитга қараб қайта кўриб чиқиш муддати келди деб ўйлаймиз.

Амалдаги экологик қонун ҳужжатларига мувофиқ чорвачилик комплексларининг катта-кичиклигига қараб, уларнинг атрофидаги санитар тегралар чегараси 3 километргача бўлган тегрaни камраб олади. Балиқчилик ҳавзалари атрофидаги ҳимоя тегралари эса қишлоқ хўжалиги минтақаларида 2 километргача бўлиши керак. Агарда бу тегараларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришлариладиган бўлса тупроқ ва маданий ўсимликларни ўғитлаш ёки кимёвий моддалар билан ишлаб чиқиш, ёғ-мой, органик ва минерал ўғит ёки бошқа кимёвий моддалар сақлаш учун омборлар қуриш, чорвачилик комплексларини барпо қилиш ва улардан чиқадиган органик ўғитларни сақлаш қатъиан ман қилинади.

Аграр тегараларда табиий турдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикаси "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунларида кўрсатилганидек ҳар бир субъектдан максимал даражада уларни генофондини сақлаб қолишга ҳаракат қилишларини талаб қилади. Мелиоратив иншоотлар қуришда балиқларни муҳофаза қилиш

**қурилмаларини ташкил этиш, шоли, буғдой, беда каби қишлоқ хўжалиги ўсимликларини йиғиштириб олиш даврида ёввойи турдаги қуш ва ҳайвонларни сақлаб қолиш чораларини кўриш кўзда тутилган.**

**Лекин, мутахассисларнинг маълумотларига кўра, аграр теграларда 30-70% табиий турдаги ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёси қишлоқ хўжалигини механизациялаш, мелиорациялаш ва маданий ўсимликлар етиштириш даврида нобуд бўлмоқда. Собиқ Иттифоқ даврида ҳосилни механизациялар ёрдамида йиғиштириб олиш пайтида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган эди. Бу тавсияларга биноан маданийлаштирилган ўсимликлар ҳосилини механизмлар ёрдамида йиғиштириб олишда ўришни дарё, ўрмон ёки табиий сақланган жойлардан бошламаслик ҳайвонларни шу томонларга кўчиб ўтиш имконини берар эди. Амалдаги экологик қонунчилик қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан табиатга етказилган зарарни қоплаш бўйича талабларни қўйсада, лекин ханузгача аниқ бир илмий асосланган бошқарув, назорат ва экспертиза ҳужжатларини йўқлиги ажабланарлик ҳолдир.**

**1981 йилда қабул қилинган "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонундан фарқли 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган шу номдаги миллий қонунимиз аввалам бор атмосферани табиий ресурс сифатида қараб, уни муҳофаза қилиш нафақат инсонлар, балки ҳимоясиз табиий турдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси учун кераклигини инобатга олингандир. Янги қонунга мувофиқ (18-модда) аграр теграларда кимёвий моддаларни, айниқса пестицид, герибицид, дефолантлар ва минерал ўғитларни самолётдан туриб сепиш ман қилинади. Уларни фақатгина ердан туриб ишлатиш мумкиндир. Бу эса атроф муҳитни аграр теграларда соғломлаштиришга томон қўйилган катта ҳуқуқий қадамидир.**

## *4§.Саноат теграларида атроф муҳитни муҳофаза қилиш.*

**Экологик ва иқтисодий талабларни маълум бир иқтисодий кенгликларда амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш ва амалий тадбиғини йўлга қўйиш жамиятдаги экологик муносабатларни тартибга солишнинг энг самарали воситасидир. Ана шундай иқтисодий кенгликлардан бири *саноат тегралари*дир. Саноат тегралари - маълум бир ҳудудларда ноқишлоқ хўжалик саноат тармоқларини жойлашуви ва уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини юргазиши. Бундай теграларга саноат тармоқлари ёки уларни мажмуасини, яъни машинасозлик ва металлургия корхоналари, нефть-газ саноати объектлари, енгил ва озиқ-овқат корхоналари, энергетика объектлари (АЭС, ГЭС, ГРЭС, ТЭС), тоғ-кон, химия, қурилиш саноатига қарашли завод, фабрика ва**

**корхоналарни аҳоли пунктларидан четга олиб чиқилган майдонлари киради.**

**Саноат теграларида, биз юқорида айтиб ўтганимиздек, атроф муҳитни ифлосланиши, бузилиши ва экологик хавфсизлик талаблари бошқа антропоген ўзгарган объектларга нисбатан ўзига хос бўлиб, уларда умумжаҳон экологик талаблари қўйидагилардан иборатдир:**

**- технологик жараёнларнинг камчиқитли ва чиқитсизлигини таъминлаш;**

**- ифлослантириш ва заҳарланишни камайтириш ва зарарли моддаларни нейтраллаштириш;**

**- энергияни альтернатив турларидан кенг фойдаланиш;**

**- экологик хавфсиз маҳсулотлар чиқариш;**

**- тозалагич технологияларини доимо такомиллаштириб бориш ва уларни давлат назоратида ушлаб туриш;**

**- илмий-технологик жараёнларни кенг тадбиқ қилиш ёки табиий ресурслардан жуда юқори даражада самарадорлик билан фойдаланишни йўлга қўйиш ва ҳ.к.**

**Бундай умумжаҳон экологик талаблар саноат теграларидаги корхоналарнинг ҳамма ишлаб чиқариш босқичларида қўллашни тақазо қилади: режалаш, лойиҳалаш, жойлаштириш, қуриш, ишга тушириш ва табиатга таъсири бўлган янги технологияларни жорий қилиш жараёни.**

**Саноат теграләри ёки уларда бирон бир саноат корхонасини жойлаштиришни *режалаштириш* халқ хўжалигининг соҳавий ёки умумий иқтисодий ривожлантириш дастурларида экологик хавфсизлик талабларини инобатга олиш билан бошланиши керак.**

**Саноат корхоналарини жойлаштиришнинг асосий назорат ҳужжатларидан бири бўлиб ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг Соҳавий, Ҳудудий ёки Бош схемалари ҳисобланилади. Бу схемалардан саноат корхоналарини *лойиҳалаш* ташкилотлари табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг рухсат этилган меъёрларини (ПДК, ПДВ, ПДХВ...) инобатга олган ҳолда фойдаланадилар. Агарда лойиҳаланаётган саноат корхонаси шу теградаги экологик меъёр талабларга жавоб бермаса, лойиҳалашни тўхтатиш керак[1].**

**Саноат корхоналарини *қуриш вақтида* қурилиш ташкилотлари лойиҳадаги экологик ва санитар талабларини билишлари ва уларга тўлиғича эътибор беришлари керак. Шу билан биргаликда, лойиҳачилар авторлик назоратини, қувурчилар эса қурилиш назоратини олиб боришлари, экологик хизматчилар эса санитар назоратни амалга оширишлари шарт. Агарда санитар ва экологик талаблар қурилиш давомида бузиладиган бўлса, давлат назорат органлари уларни бартараф этиш шартларини кўриб чиқиш ёки қурилиш ишларини тўхтатиб қўйиш ва экологик хавфсизликни**

[1] Справочник эколога - эксперта. Т.: Госкомприрода, 1997.

**таъминлаш бўйича лойиҳа ва қурилиш ишларини қайта кўриб чиқишни талаб қилишлари мумкин.**

**Кўпгина демократик мамлакатлар қонунчилигида саноат корхоналарини жойлаштириш ва қуришда жамоат бирлашмалари ва маҳаллий аҳолининг фикрларини инобатга олиш кўзда тутилган. Жамоатчилик талаби билан Европада шимолий дарёлар жанубга оқизилмайдиган бўлди, қримнинг курортлар теграсида қрим АЭС қурилиши тўхтатилди, Германия ва Бельгияда ТЭСларни қурилиши экологик инқирозли ҳудудларда тўхтатилиши бунга яққол мисол бўла олади.**

**Саноат объектларини қуриш жараёнида энг кўп учрайдиган ноэкологик ҳаракатлар лойиҳаларни қайта кўриб чиқиш ва қурилиш ишларини арзонлаштириш ёки инфляцион жараёнларга олдиндан белгилашга "смета" кўрсатгичларини тўғри келмаслиги оқибатида экологиялашган технологияларни ўрнатмасликдир.**

**Саноат теграларида корхоналарни *ишга туширишдан* аввал уларни экологик экспертизадан ўтказилиш шартлари Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг VI-бобида аниқ ифодаланмаган бўлсада, лекин ривожланган мамлакатларнинг экологик қонунчилигида аниқ акс эттирилган. Халқаро нормаларга мувофиқ саноат корхоналарининг ишга туширилиши экологик хавфсизликни таъминлаб бериш имкониятига эга бўлмаса, яъни лойиҳада кўзда тутилган тозаловчи ва чиқитларни зарарлантириш иншоотлари қонун ҳужжатларидаги меъёрларига тўғри келмаса, бундай саноат объекти ўз фаолиятини бошлай олмайди. Шунинг учун ҳам давлат, соҳа ёки буюртмачи томонидан тузилади саноат корхоналарини қабул қилиш комиссияси таркибида экологик назорат ва санитар-эпидемологик назорат органларини қатнашувини таъминлаш даркор. қабул қилиш комиссияси раиси ва унинг аъзолари экологик талаблар учун шахсий жавобгарликлари жиноий ва маъмурий кодексларида ҳам таъкидлаб ўтилган.**

**Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг X-боб 41-моддасида корхоналар, ташкилотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкциялаш, улардан фойдаланиш ва уларни тугатишга доир экологик талаблар белгиланган. Бу моддада ҳам хўжалик юргазиш вазифаси юклатилган саноат ёки бошқа турдаги корхоналарни ишга тушириш бўйича муҳим талаблар назарда тутилмаган.**

**Ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхоналарга экологик гувоҳномалар бериш Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 46-моддасига мувофиқ амалга оширилади. Экология ёки гигиена гувоҳномасига эга бўлмаган, шунингдек хўжалик юритиш давомида белгиланган экологик-санитар мезонларни бузган корхоналар хом ашё ва материаллардан фойдаланиши, технология жараёнларини жорий этиши ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариши ман этилади. Экологик**

**гувоҳномалар бериш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш Вазирлиги томонидан амалга оширилади.**

**Саноат теграларида табиий ресурслардан фойдаланиш лимитлари ва меъёрлари, атроф муҳитга етказилган зарарларни корхоналар томонидан қоплашнинг ҳуқуқий нормалари Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг IV, V, XI-бобларида келтирилган бир қатор моддалар билан тартибга солинади. Саноат тегараларида экологик талабларни хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қўпол равишда бузмаганларга аввалам бор иқтисодий жавобгарлик чораларини қўллаш (50-модда), бу ҳуқуқбузарликлар бир неча бор такрорланганда ёки бир маротаба қўпол равишда бузилса юридик жавобгарликнинг жиноий, маъмурий ёки фуқаровий турларини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.**

# XVII-боб. Атроф табиий муҳитни халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилиш.

## *1§. Атроф табиий муҳитни халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилш тушунчаси ва принциплари.*

**Ўзбекистон Республикаси "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасида аниқ қилиб кўрсатилган экологик принциплардан бири "Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида миллий, минтақалараро ва халқаро манфаатларни уйғунлаштириш"дир, чунки табиатда содир бўладиган жараёнлар ва ҳолатлар, жамиятдагидан фаркли, на маъмурий на табиий чегарани билади. қирғизистонда Сирдарё ирмоқларининг радиоактив моддалар билан ифлосланиши сўзсиз Ўзбекистон ва қозоғистон республикаларида экологик хавфсиз муҳитга ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қолмайди. Чернобил ёки Орол денгизи экологик фожиалари нафақат Шарқий Европа ёки Марказий Осиё, балки бутун Ер куррасидаги инсонларнинг "яшаш ҳуқуқи"нинг зарурий элементларидан бири бўлган экологик хавфсиз муҳит ҳолатига салбий таъсир этмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50-чи сессиясидаги маърузасида Орол муаммосини халқаро миқёсда ҳал қилишни таклиф этди ва унинг салбий оқибатлари нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё ҳамжамияти учун таҳдид солаётган долзарб масала қилиб кўрсатган эди.**

**Экология ҳуқуқи манбаларининг бошқа ҳуқуқ соҳасидаги манбалардан фарқи ёки ўзига хос томони - миллий экологик қонунларда халқаро-ҳуқуқий меъёрларни кўпроқ акс этганлигидадир.**

***Атроф табиий муҳитни халқаро муҳофаза қилиш*** **деб инсонларнинг экологик хавфсиз муҳити ва давлатларнинг бир меъёрда ривожланишини таъминловчи халқаро ҳуқуқ принциплари, нормалари ва муносабатлари йиғиндисига айтилади.**

**Атроф табиий муҳитни халқаро миқёсда муҳофаза қилиш XIX асрнинг бошларида юзага келди. Аввалига бу масала икки давлат ўртасидаги табиий объектлардан тенг ҳуқуқли фойдаланиш кўринишида намоён бўлган. Бундай экологик муносабатлар икки давлат ўртасида тузилган умумий шартномалар таркибидан жой олган. 1913 йил 17-19 ноябрда Швейцариянинг Берн шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференция экологик муаммоларни халқаро ҳуқуқнинг махсус масалалари тоифасига кўтарди.**

**Шундай бўлсада инсоният тарихида экологик муамолар XX асрнинг ўрталаригача маҳаллий ёки миллий масалалар доирасидан ўрин олган. Бу давргача давлат ва жамият хавфсизлигига ёки уларнинг бир меъёрда ривожланиши ва инсон ҳуқуқларига глобал таъсир қилувчи муаммолар туркумига фақатгина ҳарбий ва сиёсий масалалар кирган. XX асрнинг иккинчи ярмида, яъни иккинчи жаҳон уруши якунланиши ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тузилиши халқаро хавфсизликка таҳдид солаётган масалалар жумласига экологик муаммоларни ҳам киритди. Шу асрнинг 60-70 йилларида "совуқ уруш" оқибатида Ер куррасидаги инсонлар ҳаётига тажовуз солаётган уч муаммо - ядро тўқнашуви, ёппасига тарқалувчи касалликлар ва учинчи ўринда экологик муаммолар қўйилган бўлса, 90-йилларга келиб экологик муаммо ва уларни хал қилиш масаласи етакчи ўринни эгаллаб олди.**

**Ривожланиш ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича Бутунжаҳон Комиссияси (Брундтленд) маърузасида "хавфсизлик ғояси тубдан ўзгаргани, эндиликда давлатларнинг миллий суверенитетига хавф солаётган сиёсий ва ҳарбий масалалар тоифасига маҳаллий, миллий, регионал ва глобал миқёсда намоён бўлаётган экологик инқироз ҳисобига кенгайиши керак"[1] деб бежиз айтилмаган.**

**Халқаро миқёсда экологик хавфсизликни таъминлаш - атроф муҳит сифатини тирик организмлар учун етарли даражада ушлаб турадиган, қайта тиклайдиган ва ошириб борадиган халқаро муносабатларни шакллантиришни тақазо қилади. Ундан ташқари, экологик хавфсизликни таъминлаш учун албатта бутун дунё мамлакатлари ва халқларининг бир меъёрда ривожланиши, экологик сиёсат тизимида давлатларнинг интеграцияланишини тақазо қилади. Бу борада БМТ, давлатлараро ва нодавлат ташкилотларининг эгаллаган ўрни ва уларнинг экологик масалаларини ечимини топишдаги аҳамияти кундан кунга ўсиб бормоқда.**

---

[1] Иванченко Н.С. Природоохранительный аспект международно-правовой проблемы. -Л.: Изд-во ЛГУ, 1983. С.-14.

XXI аср бўсағасида инсонларнинг экологик онг ва тафаккурида кескин ўзгаришлар даври бўлди десак муболаға бўлмайди. Эндиликда экологик муаммо ҳар бир инсоннинг қалбида ва унинг ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги масъулият хиси уйғона бормоқда. Лекин бу хиссиёт амалда ўз ифодасини топа олмаяпти. Одамзоднинг ягона яшаш макони- Ер курраси эканлиги, атроф табиий муҳит эса унинг "ўтирган шохи" эканлиги, бу шохни инсоният ўз фаолияти натижасида секин асталик билан арралаётганлигини улар томонидан англаб олинишининг ўзи катта экологик қадамдир. Кейинги қадам эса халқаро-ҳуқуқий меъёрларга асосланган ҳолда экологик маданият ва маърифатни ўстириш, давлат бошқарув ва назорат тизимида экологик талабларни "бирламчи масалалар" туркуми даражасига кўтаришдир.

Инсониятнинг экологик тафаккурининг шаклланишига сабабчи бўлган "Экология" фанининг юзага келиши ва бу соҳадаги илмий изланишларнинг кенг қамровли олиб борилиш ҳамда атроф муҳит ҳолати бўйича кўпгина маълумотларни ошкора қилинишидир. Сўнги вақтлар халқаро "гранд" учрашувларида (Рио-де-Жанейро, 1992; Стамбул, 1999...) айнан инсон ҳуқуқлари ва уни таъминлаб берувчи асосий омиллардан бири бўлган - экологик хавфсизлик масаласи уларнинг кун тартибида асосий жойни олмоқда. Хатто 1999 йил октябр ойида АқШнинг Гавайи штатида бўлиб ўтган Халқаро ёшлар Конгрессида қабул қилинган қарорига биноан бутун дунё ёшлари олдига қўйилган 3 асосий долзарб вазифалардан бири - экологик муаммоларни хал қилшда фаол иштирок этиш бўлди. қолган икки вазифа - ўқиш ва миллий можароларни бартараф қилиш. Мустақил Ўзбекистон Республикаси номидан қатнашган ҳуқуқшунос талаба М. Муҳитдинов Орол ва Орол бўйи муаммоларини ҳуқуқий хал қилиш масаласида маъруза қилди ва бу инқирозли минтақа бўйича алоҳида бир миллий қонун кераклигини ёқлаб чиқди.

1972 йил БМТ нинг кишиларни ўраб турувчи атроф муҳит муаммоларига бағишланган махсус Стокгольм (Швеция) конференциясида халқаро экологик принциплар ва ҳаракатлар режасига доир Декларация қабул қилинди. Бу анжуманда БМТнинг атроф муҳит бўйича дастури - ЮНЕП ташкилоти тузилди ва Бош Ассамблеянинг резолюциясига биноан унинг Марказий қароргоҳи Кения пойтахти Найроби шаҳри этиб тайинланди. Стокгольм конференцияси халқаро-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг асосий кўринишларидан бир -регионал экологик ҳаракатларга асос солди.

Ҳозирги замон халқаро экологик ҳамкорлик уч йўналишда амалга оширилмоқда:

1) атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг давлатлараро ва миллатлараро ҳамкорлик ва улардаги ижобий тажрибаларни кенг тарғиб қилиш;

**2) маълум бир географик минтақа (регионда) ёки чекланган теграларда табиатни регионал муҳоза қилишнинг илмий асосланган чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларни амалий тадбиқ қилиш;**

**3) глобал экологик муаммоларни ечимини топишда БМТнинг идоралари, давлат ва нодавлат ташкилотлар орқали универсал йўлларни ишлатиш.**

**Умуман олганда, атроф муҳит муҳофазаси халқаро миқёсда нафақат экологик талаблар орқали амалга оширилади, балки улар ижтимоий, сиёсий, иқтисодий талабларни ҳам ўз ичига қамраб олган ҳолда шаклланади. Лекин, назарий жиҳатдан қараганда табиатни муҳофаза қилиш меъёрлари фақатгина халқаро экологик муносабатларни инобатга олиши керак. Чунки экологик муаммолар дунёвий муаммолар - инсон ҳуқуқлари, иқтисодий, энергетик, ядро уруши, озиқ-овқат, таълим кабилар муаамолар билан узвий боғлангандир. Ҳар бири экологик муносабатлар билан бевосита ёки билвосита алоқадорликда бўлгани учун ҳам маҳаллий, регионал, глобал масалалар қаторидаги ягона муаммо бўлиб қараб келинмоқда.**

**Биз юқорида таъкидлаганимиздек ҳар бир ҳуқуқ соҳаси жамиятдаги маълум бир муносабатларни тартибга солишда аниқ қоида-принципларга ёндошади. Миллий қонунчиликни ишлаб чиқиш ва шакллантиришда бу принциплар ҳар бир миллат ёки давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маърифий-маданий, миллий анъаналарига асосланган ҳолда белгиланса, халқаро ҳуқуқда эса икки ва ундан ошиқ миллат, халқ ёки давлатларнинг умумий манфаатларини ва энг аввало инсон ҳуқуқларига ёндошган тарзда белгиланиб олинади.**

**Халқаро принциплар - халқаро ҳуқуқ субъектлари ҳаракатларининг бошқарув қоидалари. Халқаро экологик принциплар эса халқаро ҳамкорлик иштирокчиларининг, яъни субъектларининг, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва халқаро ҳуқуқ объектларидан фойдаланиш борасидаги муносабат қоидалари. Бу қоидалар халқаро ҳуқуқ меъёрлари заминида ётиши ва ўзаро муносабатларни ҳуқуқий меъёрлаш ва механизмини ишлаб чиқишда йўналиш берувчи кўрсатма тарзида хизмат қилиши керак.**

**БМТ Низомининг 2-моддасида кўрсатиб ўтилган ва унинг ҳамма аъзолари учун мажбурий ҳисобланган халқаро муносабат принциплари халқаро экологик принциплар заминида ётади. Халқаро экологик принциплар БМТнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ўтказилган Стокгольм (1972) ва биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича ўтказилган Рио-де-Жанейро (1992) конференцияларида, Европада хавфсизликни таъминлашнинг якуний Хельсинки ҳужжатида (1975) ва Умумжаҳон табиат Хартиясида ўз аксини топган.**

**Халқаро экологик ҳуқуқий принциплар қўйидагилардан иборат:**

**1. *Табиий ресурсларга давлат суверенитетлиги*. Бу принцип БМТ Бош Ассамблеясининг 1962 йил 14 декабрдаги аввал "Табиий ресурсларга нисбатан ажралмас суверенитет" ва сўнгра, Стокгольм**

**(1972) конференциясининг декларацияларида ўз ифодасини топган. Бу принципга биноан ҳар бир халқаро ҳуқуқ субъекти халқаро муносабатларда ўз табиий бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни миллий қонунчилик асосида олиб бориш ҳуқуқига эга. Бу принципга биноан ҳар бир мустақил давлат табиий бойликларни нафақат эгаллаш, фойдаланиш, балки тасарруф қилиш ҳуқуқидан тўла фойдаланиш имконияти очиб берилди.**

**Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги - деб таъкидлаган эди И.А.Каримов, ўзининг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" деган асарида - аввалам бор жуда бой хом ашё ва табиий бойликларидан ўзи билганича фойдаланиш ҳуқуқини пайдо бўлишидадир. Бундай фойдаланиш Чор Россия, сўнгра Собиқ Иттифоқи давридаги экстенсив, яъни чала-партиш ва чала-ярим эмас, балки мустақиллик даврида интенсив тарзда, яъни юқори даражада самарадорлик билан амалга оширилмоқда. Миллий манфаатлар миллий қонунчилик асосида ҳимоя қилина бошланди ва техноген бузилган ландшафтларни қайта тиклаш талабларини кенг жорий қилиш имконини берди. Чунки ҳар бир давлатнинг табиий ресурсларга бўлган суверенитетлиги, унинг халқи ва фуқароларининг яшаш ҳуқуқини таъминлаш, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги буюк маъсулият-миллий экологик хавфсизликни таъминлаш хисини тадбиқ қилиш имконини берди. Туркистон ўлкаси, сўнгра Ўрта Осиё республикалари Чор Россияси ёки Собиқ Иттифоқнинг меҳнат тақсимоти ёки иқтисодий ривожланиш тизимидаги узлуксиз таъминот ва прогрессив ўсиш талабларини қондиришда табиий хом ашё ва арзон меҳнат ресурслари ўлкаси бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ҳам бу "чекка ўлка" XXI аср бўсағасида экологик инқирозли ҳудудлар тоифасига кириб қолган эди.**

**2. *Давлатлар ўз юридикциясидан ташқаридаги атроф муҳитга зарар етказмаслик.* Бу принцип 60-йилларда оддий бир халқаро ҳуқуқ меъёри сифатида ишлатилган бўлса, 1972 йил Стокгольм конференциясида халқаро экологик ҳамкорликнинг асосий қоидалари тоифасига киргазилди. БМТнинг Низомига биноан ҳар бир давлат ёки халқаро ҳуқуқ субъекти ўз ҳудуди ёки назорат доирасидаги ҳаракатлари ўзга ҳудуд ёки назорат доирасида турган давлатларга зарар етказмаслиги керак ва булар учун жавобгардир.**

**Афсуски маълум бир сиёсий ёки иқтисодий шароитларда бу қоида ўз кучини ўтказа олмаяпти. Бунга мисол қилиб Тожикистон Республикаси Турсунзода шаҳрида ишлаб турган Алюмин заводини олсак бўлади. Бу завод қўшни Тожикистон иқтисодиётига катта улуш қўшаётган ва республика учун валюта тушумини таъминловчи ягона корхона десак муболаға бўлмайди. Лекин унинг фаолияти қўшни Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлигига салбий таъсири 40 зиёд турдаги ифлослантирувчи моддаларнинг тарқалишида ифодаланмоқда.**

**Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси тупроқшунослик ва агрокимё институти маълумотларига кўра, Сурхандарё вилоятининг шимолий туманларида биргина фтор бирикмаларининг атмосфера ҳавоси ва тупроқларда тўплаганлик даражаси санитар нормалардан 7,2 баробарга кўпдир.**

**3. *Инсонларнинг экологик ҳуқуқининг афзаллиги.* Бу принцип бевосита инсон ҳуқуқларидан биридир. Чунки Ер юзидаги барча инсонлар, уларнинг ирқий, миллий, диний, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, яшаш ҳуқуқига эгадирлар. Яшаш ҳуқуқи эса инсон ҳуқуқларининг бирламчи омилидир. БМТ Низомининг 3-хат боши 1-моддасига биноан халқаро ҳамкорликни давлатлар "инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилишлари ва уларни раҳбарлантиришни ривожлантиришлари" асосида олиб боришлари керак[1].**

**4. *Ҳамма босқичда экологик назоратлаш принципи* юқорида санаб ўтилган халқаро-ҳуқуқий қоидаларни амалий тадбиғини кузатиб бориш ва кафилловчи институтлар тизимини яратишни талаб қилади. Агарда халқаро экологик ҳамкорлик меъёрларини амалий тадбиқи унинг қатнашчилари ёки учинчи бир ваколатли идоралар томонидан назорат қилинмаса, ҳар қандай халқаро ҳужжат декларатив кўринишда бўлади ва улар қоғозда қолиб кетади. Бундай халқаро назорат институтини универсал тарзда БМТнинг ЭКОСОС, ЮНЕП, ЮНЕСКО, ТМХИ, ЖССТ, ХДК ҳамда МАГАТЭ каби умумий ёки махсус масалалар бўйича тузилган ташкилотлар ёки регионал тарздаги - ОБСЕ, АДА, АБТ, АДТ, АСЕАН каби ташкилотлар олиб бориши мақсадга мувофиқ бўлади.**

**Бизнинг фикримизча Марказий Осиё минтақасида махсус ваколатли давлатлараро экологик ташкилотни тузиш (масалан, "Туркистон бизнинг уйимиз", "Турк эко назорат", "Туркистонда экологик хавфсизлик") ва унинг қошида қатнашувчи давлатлардан назорат, тергов ва суд органларини барпо этиш замон талабидир.**

**5. *Экологик ахборот алмашувни эркинлиги принципи* халқаро ҳамкорлик қатнашчиларидан ўз миллий чегараларида юз бераётган атроф табиий муҳитнинг салбий ўзгаришлари ҳақида вақтида ахборот бериб боришни назарда тутади. Чунки экологик жараёнлар маъмурий чегарани "тан олмайди" ва улар қўшни мамлакатнинг экологик хавфсизлик даражасига салбий таъсир этиши мумкинлигини эътироф этади. Ўз пайтида ва тезкор олинган ахборот экологик хавфни олдини олиш ва уни биргаликда ёки халқаро ҳамжамият ёрдамида бартараф қилиш имконини беради.**

**6. *Ўзаро экологик консультациялаш принципи* бундан олдини ахборотлаш принципини давоми десак бўлади. Консультациялаш ёки маслаҳатлаш принципи-юзага келган экологик инқироз ҳолатини кенг ёйилишини олдини олиш ва уни бартараф қилишнинг халқаро стратегик мақсад ва тактик вазифаларини аниқлаб олиш, унга қарши**

[1] Международное право в документах. -М.:Юриздат, 1982.

курашишнинг чора-тадбирлар қўлами ва йўлларини аниқлаштиришга имкон беради.

7. *Экологик инқирозли ҳолатда давлатларнинг ўзаро ёрдам кўрсатиш принципи* давлатларнинг ўзаро гуманитар ёрдам кўрсатиш ва оқибатда ўз миллий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳаракатлар тоифасига киради. Марказий Осиёда вужудга келган "Орол муаммоси"ни хал қилишда 100дан зиёд давлат ёки нодавлат ташкилотларнинг иштирок этиши ва кейинги 10 йил мобайнида уларнинг юз миллионлаб АқШ доллари миқдорида бизларга моддий ёрдам кўрсатишлари бундай олижаноб принципни амалда қўлланилаётганига аниқ бир мисол бўла олади.

8. *Ҳуқуқий-экологик низоларни тинчлик билан хал қилиш принципи* халқаро ҳуқуқ субъектлари орасида ушбу низолар орқали атроф табиий муҳитга янада кўпроқ зарар етказувчи "совуқ уруш"ларни ёки ҳарбий тўқнашувларни олдини олишга қаратилгандир. Замон талаби ҳар қандай салбий жараёнларни дипломатик воситалар орқали хал қилиш ва давлатларнинг бутун кучини ҳар қандай урушларга эмас, балки инсонларга хавф солаётган экологик инқирозларга сарф қилишларини даъват қилади.

## *2§.Атроф табиий муҳитни халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилиш манбалари.*

Атроф табиий муҳитни халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилиш манбалари *моддий нуқтаи назардан* бутун дунё ҳамжамияти аъзоларининг атроф табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишдаги ҳохиш ва иродалари тушунилади.

*Расман* эса атроф табиий муҳитни халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилиш манбаи деб халқаро экологик муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар йиғиндисига айтилади.

*Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга* - шартнома, келишув, конвенция, резолюция, хартия, декларация, қарор (протокол)лар киради. Айрим ҳолларда халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга давлатларнинг ички қонунларини ҳам киргазадилар, қачонки миллий қонунлар халқаро-ҳуқуқ меъёрларига нисбатан атроф табиий муҳит муҳофазаси кўпроқ таъминлаб бера оладиган бўлса. Нима бўлганда ҳам миллий қонунчилик, бизнинг фикримизча, тўлиғича халқаро-ҳуқуқий манба бўла олмайди. Фақатгина маълум бир халқаро ҳуқуқ субъекти бўлмиш давлатлар ҳудудида экологик талабларга кўпроқ жавоб берадиган нормалар қўлланиши мантиқан тўғри деб топилгандир.

Атроф табиий муҳитни халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилишда марказий ўринни *резолюциялар* эгаллайди. Чунки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси резолюцияларида давлатларнинг халқаро ҳамкорликдаги экологияга оид асосий принциплари ва ҳаракат қоидалари акс этган. "Резолюция" лотин

**тилида "хал қилиш", яъни маълум бир йиғин (съезд, комитет, конференция, симпозиум...)ларнинг хулосаловчи ёки хал қилувчи қарорлари.**

**БМТ Бош Ассамблеясининг 1962 йил 18 декабр "Иқтисодий ривожланиш ва табиат муҳофазаси", 1968 йил 3 декабр "Инсонларнинг экологик ҳуқуқлари", 1980 йил 20 сентябр "Ҳозирги ва келажак авлодлар олдида давлатларнинг Ер табиатини муҳофаза қилишдаги жавобгарлиги тўғрисида"ги резолюцияларида табиатни муҳофаза қилишнинг бир бутунлиги, яъни унинг таркибий қисмлари (компонентлари)нинг ажралмаслиги, табиатни муҳофаза қилиш инсонларни ўраб турувчи атроф муҳитни муҳофаза қилиш билан ягона маънони англатиши эътироф қилинди. Ундан ташқари, ушбу анжуман резолюцияларида иқтисодий ривожланиш табиатни муҳофаза қилиш билан ўзаро уйғунлашган ҳолда бўлиши, инсон ҳуқуқларидан бири экологик хавфсиз муҳитда яшаш ҳуқуқи эканлиги, қуролланишни камайтириш орқали давлатларнинг табиатни муҳофаза қилишга бўлган эътиборини кучайтириш кераклиги каби қарорлари ўз ўрнини топган.**

**Халқаро-экологик муносабатларда кўпинча "хартия" сўзи ишлатилади. *Хартия* - грекчада "қоғоз", яъни қоғозга битилган оммавий ва сиёсий ҳужжат маъносида ишлатилади. 1982 йил 28 октябрда БМТ Бош Ассамблеяси 37-сессиясида қабул қилинган "Умумжаҳон табиатни муҳофаза қилиш хартияси"да халқаро экологик ҳуқуқнинг 24 принципи қабул қилинган ва унга биноан БМТга аъзо мамлакатлар ўзининг миллий экологик қонунларини уларга мослаштиришлари керак.**

**Халқаро ҳуқуқда амалдаги миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқ талабларига мослаштиришни "имплементация" дейилади. БМТнинг мустақил субъекти бўлмиш Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятга дадил қадамлар билан кириб борар экан, ҳуқуқ соҳасида унинг олдида 3 катта вазифа туради: 1) мамлакатда демократик жамиятни барпо этиш ва мўътадил иқтисодий ривожланишни таъминлаб берувчи ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш; 2) миллий қонунчиликни нафақат Конституцияга, балки халқаро принципларга ҳам мослаштириш; 3) албатта, ушбу такомиллашган қонун меъёрларини ҳаётга тадбиқ қилиш механизмини яратиш.**

**Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасида кўрсатиб ўтилган: фуқароларнинг ҳаёти учун қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида миллий, регионал ва халқаро манфаатларни уйғунлаштириш; инсоннинг яшаш муҳити бўлмиш биосфера ва экологик тизимларнинг барқарорлигини сақлаб қолиш принциплари табиат хартиясида кўрсатиб ўтилган халқаро қоидаларга мос тушади.**

**1990 йил 21 ноябр "Янги Европа учун Париж хартияси"да (1993 йил 27 ноябрдан Ўзбекистон Республикаси ҳам қўшилган) инсонларни**

**яшаш ҳуқуқи элементи бўлган экологик хавфсиз муҳитни яратиш ҳар бир иштирокчи мамлакатнинг бурчи эканлиги алоҳида таъкидланган.**

***Шартнома*** **- сиёсий аҳамият касб этувчи ва бошқа сиёсий, иқтисодий, маърифий-маданий масалалар қатори атроф муҳит муҳофазасини ҳам оид халқаро меъёрларни ўзида акс эттирувчи ҳужжат. Шартномалар ХХ асрнинг иккинчи ярмида кенг тарқалган халқаро ҳуқуқ манбаи бўлиб, улар умумий, регионал ва икки томонлама тузилиши мумкин.**

**Дунёда 300 дан зиёд экологик муносабатларни ўзида қамраб олган халқаро шартномалар тузилган бўлиб, уларнинг ичида энг салоҳиятликлари** ***умумий*** **турдаги "Европа хавфсизликни таъминлашнинг якуний шартномаси" (Хельсинки, 1975 йил), "Атмосфера, космик фазо ва сувда ядер қуролларини синашни тўхтатиш тўғрисида" (1963 йил), "Ядер қуролини тарқатмаслик тўғрисида" (1968 йил) каби шартномалар бўлиб, улар бутун дунё мамлакатлари учун таалуқлидир.**

***Регионал*** **турдаги шартнома Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида 1992-2000 йиллар ичида тузилган бир қатор ўзаро ҳамкорлик шартномалари мисол бўла олади.**

***Икки томонлама*** **Ўзбекистон - қозоғистон, Ўзбекистон-Тожикистон, Ўзбекистон-қирғизистон, Ўзбекистон-Туркманистон республикалари ўртасида тузилган шартномалар атроф муҳитни биргаликда муҳофаза қилиш ва айниқса уларнинг ҳудудларида оқиб ўтадиган сув ресурсларидан унумли фойдаланиш ва уларнинг ифлосланишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш каби халқаро ҳуқуқий меъёрлар белгиланиб олинган.**

**Агарда шартнома маълум бир турдаги халқаро муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлса, у "К*онвенция*" деб аталади. Конвенция - лотин тилида "шартнома", "шарт", "келишув" деган маънони англатади. Конвенция икки ва ундан ортиқ халқаро табиий объектларни муҳофазалаш ёки улардан биргаликда фойдаланишни назарда тутса** ***комплекс-экологик*****, маълум бир турдаги халқаро табиий объектдан фойдаланишни назарда тутса** ***ресурс-экологик*** **деб аталади.**

**Комплекс-экологик -конвенцияларга БМТнинг ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан 1972-1973 йилларда қабул қилинган "Бутунжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш" ва "Йўқолиш хавфида турган ёввойи турдаги фауна ва флора турларини савдо қилиш" конвенциялари киради.**

**Ресурс-экологик конвенцияларга 1979 йили Бонида қабул қилинган "Кўчиб юрувчи ёввойи ҳайвонларни муҳофаза қилиш", 1985 йили Венада қабул қилинган "Озон қатламини ҳимоя қилиш" каби экологик шартномалар киради.**

**Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятнинг мустақил субъекти сифатида қуйидаги экологик конвенцияларга қўшилган:**

**1993 йил 14 майдан "Иқлимга таъсир этишни чегаралаш".**

**1995 йил 13 октябрдан "Сахроланишга қарши кураш".**

**1995 йил 15 июндан "Африка-Осиё қитъаларида кўчиб юрувчи қушларини муҳофаза қилиш".**

**1996 йил 7 майдан "Биологик хилма-хиллик".**

**1996 йил 7 майдан "Хавфли чиқитларни ташиш ва уларни йўқотиш" Базель конвенцияси.**

**қабул қилинган конвенцияларни амалий тадбиқ қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан қуйидаги тадбирлар ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда:**

**- озон қатламига салбий таъсир этувчи моддаларни инвентаризация қилиш;**

**- Вена конвенцияси ва Монреал қарори бўйича "Озон қатламини муҳофаза қилишнинг Миллий Дастурини тайёрлаш";**

**- Биологик хилма-хилликни сақлаш конвенцияси бўйича Миллий Дастур ишлаб чиқиш ва ҳ.к.**

**Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш масаласида мустақил республикамиз дипломатик муносабатларда кўпроқ икки ва кўп томонлама келишувлар қўлланилмоқда.**

**1996 йил 8 майда Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ва 1997 йил 11 декабрда Хитой Халқ Республикаси ўртасида табиатни муҳофаза қилишга доир келишувларга имзо чекилган. Худди шундай масаладаги келишувлар Ўзбекистон-Германия, Ўзбекистон-Нидерландия қироллиги, Ўзбекистон-Венгрия, Ўзбекистон-Словакия, Ўзбекистон -Исроил, Ўзбекистон-Люксембург ва Ўзбекистон-Европа Иттифоқи билан имзоланган.**

**Ҳамдўстлик мамлакатлари -Украина, қозоғистон, Белорусь, қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Грузия республикалари билан ҳам Ўзбекистон Республикаси икки томонлама экологик масалалар бўйича келишувларга эга. қирғизистон, қозоғистон ва Ўзбекистон республикалари ўртасида кўп томонлама атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш борасида келишув мавжуд.**

**1992 йил 8 феврал Москвада қабул қилинган МДҲ мамлакатлари орасидаги келишувга биноан (2-модда) Олий даражадаги томонлар қатнашчилари (Озарбайжон, Армонистон, Белорусь, қозоғистон, қирғизистон, Молдова, Россия Федерацияси, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон республикалари) ўз ҳудудларида:**

**- атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича қонун ҳужжатларини, экологик ҳуқуқий меъёрларни ва стандартларни ишлаб чиқади ва қабул қилади;**

**- табиий ресурслар ва улардан оқилона фойдаланишнинг сон ва сифат кўрсатгичларини ҳисобини олади ва экологик мониорингни олиб беради;**

**- атроф табиий муҳит ва ресурслар ҳолати, уларни ўзгариб бориши ҳақида самарали давлат назоратини ўрнатади;**

**- жонли ресурсларни такрор ишлаб чиқариш, биологик хилма-хилликни сақлаш ва уларни тиклаш бўйича тадбирлар қабул қилади;**

**- қўриқхоналар, буюртма қўриқхоналар, миллий боғлар ва бошқа алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд ва комплексларни ривожлантиради ва улар атрофидаги теграларда хўжалик ва бошқа инсон фаолиятини чеклайди;**

**- ўз ҳудудларида хўжалик ва бошқа фаолиятларни экологик оқибатларини ҳар томонлама баҳолаб боради;**

**- табиий офат, экологик фалокат ва инқирозларни олдини олиш учун керакли бўладиган махсус кучларни ва воситаларни ташкил қилади ва уларнинг фаолиятини ушлаб туради.**

**Халқаро экологик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда "Декларация" (лотин тилида - эълон қилиш, тушунтириш), яъни маълум бир ташкилот, давлат ёки партияларнинг асосий принцип ва меъёрларини тантанали равишда эълон қилиш ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Уларга мисол қилиб 1986 йил 4 октябрда БМТ томонидан қабул қилинган "Ривожланиш ҳуқуқи тўғрисида", 1969 йил 11 декабр "Ижтимоий ривожланиш ва тараққиёт", 1975 йил 10 ноябр "Илмий - техник ривожланишдан тинчлик ва инсон фаровонлиги йўлида фойдаланиш" каби декларацияларни келтириш мумкин.**

**Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга доир халқаро муносабатларни тартибга солишда меморандиум (лотин тилида - нимани тушунтирмоқ керак, яъни дипломатик мулоҳазалар предмети бўлган масалаларни акс эттирувчи ҳужжат), қайднома (асосий шартномага қўшимча қилинадиган ҳужжат)ларни ҳам жуда катта экологик аҳамияти бор.**

## *3§. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг халқаро-ҳуқуқий объектлари.*

***Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг халқаро-ҳуқуқий объекти* деб халқаро-ҳуқуқ субъектларининг экологик муносабатлар предмети бўлган табиий объектлар, яъни ўзининг хусусияти, жойланиши ва аҳамияти нуқтаи назардан бирон бир давлат юридикциясига кирмайдиган ва шунинг учун ҳам икки ва ундан ортиқ мамлакатлар ёки халқаро-ҳуқуқ субъектлари мулки бўлган табиий объектлардир. Мисол тариқасида Амударё ва Сирдарёларни олсак бўлади. Улар ўз табиий хусусиятига ва аҳамиятига кўра экология ҳуқуқининг объектидир. Лекин улардан ҳуқуқий фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш фақатгина Ўзбекистон Республикаси томонидан амалга ошира олинмайди. Чунки бу икки буюк дарё қирғизистон, Тожикистон, Афғанистон республикаларидан бошланади ва қўшни**

**қозоғистон ва Туркманистон республикаларидан оқиб ўтади. Бу дарёларнинг юқори қисмидаги сувларни ифлослантириш ёки сув режимини ўзгартириш албатта улар оқиб ўтадиган давлатларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳам бундай объектлардан фойдаланиш ва муҳофа қилиш халқаро ҳуқуқ манбалари орқали тартибга солиб турилади.**

**Халқаро экологик-ҳуқуқий объектларнинг икки тури: халқаро-ҳуқуқий муҳофазалаш объектлари ва халқаро-ҳуқуқий табиий объектлар мавжуд.**

***Халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилиш объектига*** **- ҳаво бассейни, фазо, дунё океани, Антарктика, кўчиб юрувчи ҳайвонлар ва қушлар киради.**

**Халқаро-ҳуқуқий табиий объектига - имплементация қилинган миллий қонунлар асосида муҳофаза қилинадиган ва улардан фойдаланадиган табиий объектлар киради. Икки ва ундан ошиқ мамлакатлар ҳудудларида жойлашган дарёлар, кўллар, денгизлар ҳамда халқаро қизил китобига киргазилган ноёб ва йўқ бўлиб кетаётган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси турлари киради.**

***Ҳаво бассейни*** **ўз ичига Ернинг атмосфера қатламини қамраб олади. Гарчанд унинг муҳофазаси миллий қонунлар билан ҳам тартибга солинсада, лекин атмосфера қатламидаги иқлим ресурслари доимо циркуляция (айланма ҳаракат)да бўлгани учун ҳам бу қатламдаги барча жараёнлар ҳеч қандай маъмурий чегарага бўйсинмайди.**

**Ҳаво бассейнининг халқаро муҳофазаси асосан 4 йўналишда амалга оширилади:**

**1) иқлим ва об-ҳавога салбий таъсирнинг олдини олиш;**

**2) атмосфера ҳавосини ифлослантиришни давлатлараро тарқалишини олдини олиш ва бартараф қилиш;**

**3) озон қатламини емирилишдан муҳофазалаш;**

**4) атмосфера ҳавосини назоратлаш ва тозалаш борасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.**

**Глобал миқёсда ҳаво бассейнини муҳофаза қилишда 1977 йилда қабул қилинган "Табиий муҳитга ҳарбий ва бошқа ҳар қандай адоватли таъсир қилувчи мақсадларда фойдаланишни тақиқлаш" ҳамда 1985 йилги Вена ва 1989 йилги Базель конвенцияларини келтириб ўтиш жоиздир.**

***Фазо*** **ҳаво бассейнидан фарқли, бирон бир давлат юридикциясига кирмайдиган халқаро-ҳуқуқ объекти ҳисобланилади. Бу ўринда 1963 йил БМТ Бош Ассамблеясининг "Космик кенгликдан фойдаланишда давлатлар фаолиятининг ҳуқуқий принциплари Декларацияси" ва 1967 йилдаги "Фазо Кенглиги, Ой ва бошқа осмон жиналаридан фойдаланиш ва уларни тадқиқ қилишда давлатлар фаолиятининг принциплари тўғрисида"ги келишувларни мисол қилиб олсак бўлади. Бу халқаро меъёрий ҳужжатларга мувофиқ Фазо-умум инсоният бойлиги ва ундан фойдаланишни фақатгина тинчлик йўлида амалга оширилиши ҳамда уларни ифлослантириш ва унга салбий таъсир кўрсатишга йўл**

қўйилмайди. Аммо ҳозирги кунда фазони "забт этган" мамлакатлар ундан миллитаристик йўлда фойдаланишни тўхтатаётганлари йўқ. Фазода минглаб ҳарбий -шпион фазо кемалари учиб юрибди. 3,5 млн.дан ошиқ турли кўринишдаги фазовий чиқитлар мавжуд ва улар эркин ҳаракатдир.

*Дунё океанлари* Ер шарининг 3/2 қисмини банд этган ҳолда, бутун сувларнинг 97% ўзида мужассамлаштирган. Улар нафақат арзон ва қулай транспорт йўли , балки озиқ-овқат маскани ҳамда Ердаги ҳаётни ушлаб турувчи етакчи омил ҳамдир. Чунки атмосфера ҳавосидаги 70% кислород океанлардаги фитопланктонларнинг фотосинтез жараёнларида қатнашуви орқали юзага келади. Дунё океани сувнинг экологик тизимдаги катта айланиши жараёнида фаол қатнашади ва у "тозаловчи фильтр" бўлиб хизмат қилади. Дунё океанларидан фойдаланиш хеч қайси давлатнинг юридикциясига кирмайди ва шунинг учун ҳам унинг муҳофазаси халқаро ҳуқуқий меъёрларнинг амалий самарадорлигига тўғридан тўғри боғликдир.

Дунё океанларини ҳуқуқий муҳофазалаш шу кунда қўйидаги йўналишларда олиб борилмокда:

- химик ва радиоактив моддалардан, нефть ва нефть маҳсулотларидан ифлосланишини олдини олиш;
- ҳарбий мақсадларда океанлардан фойдаланишни тўхтатиш;
- океан фаунаси ва флорасини сақлаб қолиш, қайта тиклаш ва такрорий ишлаб чиқариш;
- океан ресурсларидан ўта самарадорлик билан фойдаланиш ва ҳоказо.

1963 йилда қабул қилинган "Атом қуролини синовдан ўтказишни уч сферада тақиқлаш тўғрисида"ги шартномага бино ҳеч қайси бир давлат океанда ўз қуролларини синашлари мумкин эмас. 1954, 1962, 1969, 1971, 1972 йилларда қабул қилинган Дунё океанини муҳофаза қилишга қаратилган бир қатор Конвенция ва қайдномаларга биноан кемалардан инсон ва жонли мавжудга таъсир қилувчи нефть ва бошқа маҳсулотларини оқизиш, ташлаш қатъиан ман қилинади ва уларга етказилган моддий ва маънавий зарар учун жавобгарлик белгиланган. Келтирилган зарарни иқтисодий қоплаш мақсадида ҳар бир кема ва компаниялар суғурталаниши ва молиявий ҳужжатга эга бўлиши керак.

1990 йилдан бошлаб АқШ портларига фақатгина икки қаватли корпусга эга бўлган нефть танкерларининг киришига рухсат берилади. Чунки денгиз ва океанларнинг ифлосланишида нефть танкерларининг "хизмати" жуда катта. Масалан, 1973 йили талофатга учраган "Амоко Казус" супертанкеридан 220 минг тонна, 1989 йили Испания супертанкеридан 217 минг тонна нефть океанга оқизилган. 1989 йил Аляска қирғоқларида денгиз рифларига урилган "Экасон Валдиз" кемасидан оқизилган нефтни тозалаш учун 2 млрд. америка доллари сарф қилинган. 1967 йилда Либерия танкери фалокати Англия ва

**Франция давлатларининг 180 километрлик масофада қирғоқ бўйини ифлослантирган.**

**Океанлар учун яна бир катта хавф тўғдираётган ифлосланиш омили - радиоактив чиқитларни океанларга ташлаш ва жойлаштириш. Атом флоти ва атом саноатини йўлга қўйилган мамлакатлар томонидан йилига минглаб тонна миқдорида ўта хавфли бўлган радиоактив чиқитлар дунё океанларига ташланмоқда.**

***Антарктика* - ҳеч қайси бир давлат юридикциясида кирмайдиган ва халқаро-ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солиб туриладиган Ер куррасидаги энг совуқ, олтинчи қитъа. Бу қитъани муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш Антарктика тўғрисидаги шартномага кўра (1959 йил) олиб борилади. Шартномага кўра Антарктикадан илмий мақсадларда эркин фойдаланилади; ва ҳарбий йўналишдаги ҳар қандай ҳаракатлар бу қитъада ман қилинади, улардаги денгиз ва қуруқлик ҳайвонларидан фойдаланиш ва уларни муҳофазасига доир махсус "Антарктика ҳавзасидаги ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги конвенцияга мувофиқ амалга оширилади. БМТ нинг ЮНЕП ташкилоти Антарктикадаги экологик муносабатларни тартибга солишни кузатиб боради.**

***Халқаро қизил китоб* - 1972 йили ноябр ойида бўлиб ўтган БМТ ЮНЕСКО ташкилотининг конференциясида қабул қилинган "Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги конвенцияга мувофиқ тузилди. Унда Ер куррасида ноёб ва йўқолиш хавфи остида турган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси турларининг биологияси, тарқалиши, йўқолиб кетиш сабаблари ва муҳофаза қилиш чоралари кўрсатиб ўтилган.**

**Халқаро табиатни қўриқлаш иттифоқи қизил китоб учун маълумотларни 1949 йилдан бери тўплайди ва 1966 йили "Red Data Book" номи билан инглиз тилида чоп этди. XX асрнинг 80-йилларнинг бошига келиб сут эмизувчиларнинг 236, қушларнинг 485, судралиб юрувчиларнинг - 141, балиқларнинг- 194 турлари қизил китобга киритилди. Ҳозирги кунда уларнинг сони 2 каррагача кўпайган.**

**Халқаро қизил китобга киритилган флора ва фауна дунёси турлари қайси бир мамлакат ҳудудида яшашидан қатъий назар улар муҳофаза қилинишлари ва халқаро ташкилотлар томонидан назорат остида бўлишлари керак. Кўчиб юрувчи ҳайвонлар ва қушларнинг вақтинчалик яшаш макони бўлган ботқоқ, кўл, дарё ёки ландшафтлар алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий объектлар тоифасига киргазилишини халқаро ҳуқуқий нормалар талаб қилади. ЮНЕСКОнинг "Кишилар ва биосфера" халқаро дастурида мувофиқ Ўзбекистонда янги кўринишдаги - биосфера қўриқхонаси ташкил этилди.**

**Бўлинадиган табиий ресурсларга доимо ёки вақтинчалик икки ва ундан ошиқ мамлакатлар ҳудудларида жойлашган денгиз (Болтик,**

**Охота, Хитой), дарё (Дунай, Сирдарё, Амударё), кўллар (Буюк кўллар, Каспий, Орол) киради.**

**Бўлинадиган табиий ресурсларни ҳуқуқий тартибга солиш асосан ундан манфаатдор мамлакатлар ўртасидаги манбаларга таянган ҳолда амалга оширилади. Бу меъёрий ҳужжатларда улардан фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, уларга оид низоларни хал қилиш, тўловлар, такрорий ишлаб чиқариш масалалари акс этади. Бошқарув органи сифатида турли шаклдаги экологик комиссия ёки комитетлар тузилади. Масалан, Орол кўли ва унинг ҳавзаси бўйича Марказий Осиё давлатларининг "Оролни қутқариш" доимий комиссияси ишлаб турибди. 1995 йил БМТнинг Орол ҳавзасига бағишланган махсус халқаро конференциясида Нукус декларацияси, 1997 йил 28 февралида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Алмати учрашувида Алмати декларацияси қабул қилинди. "Орол денгизини қутқариш" халқаро жамғармаси ташкил этилди ва қатнашувчи мамлакатлар (Ўзбекистон, қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон республикалари) йиллик бадаллари мамлакат бюджетидан 0,3 % миқдорида белгиланди.**

**Орол денгизи сувини тўйинтириб турувчи икки дарё - Амударё ва Сирдарёлар ҳам халқаро -ҳуқуқ объекти ҳисобланилади. Улардан фойдаланишни тартибга солишни "Бассейнлар бўйича комиссиялар" кўриб чиқадилар ва ҳар йили, шароитга қараб, халқаро ҳуқуқ субъектларининг фойдаланиш бўйича аниқ бир меъёрий ҳужжатларни қабул қиладилар.**

## *4§. Халқаро экологик ташкилотлар, конференциялар ва жамғармалар.*

**Умуминсоният қадриятларидан бири бўлмиш Ер куррасидаги атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва халқаро табиий ресурсларидан самарали фойдаланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экологик ташкилотлар, муассасалар ва идоралар ўзларининг фаолият доирасига кўра универсал ва регионал (минтақаий) турларга ажратиладилар.**

***Универсал*, яъни фаолият доирасига кўра турли тоифадаги, сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш йўналишидаги ҳамда дунёнинг барча минтақалардаги давлатларнинг экологик муносабатларига қаратилган халқаро ташкилотларга БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари киради.**

**БМТ 1945 йил 25 октябрдан буён фаолият юргазиб келаётган энг нуфузли халқаро давлатаро ташкилот бўлиб, ўз олдига давлатлар ўртасида тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, мустаҳкамлаш ва ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадини қўяди. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш масаласи БМТнинг Низомидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.**

***Бош Ассамблея*** **- БМТнинг энг юқори тоифадаги органларидан бўлиб, у халқаро масалаларга доир ҳамма долзарб масалаларни кун тартибига киргазади. Кейинги 20-30 йил мобайнида Бош Ассамблеянинг кун тартибига кўпинча экологик масалалар ҳам киргазилдиган бўлиб қолди. Бош Ассамблея атроф муҳит муҳофазасига доир муаммолар юзасидан унга аъзо давлатлар ва Хавфсизлик Кенгашига тегишли тавсиялар беришга ҳақлидир. Шунинг учун ҳам Бош Ассамблея сессияларида йирик жамоат, давлат ва сиёсий арбобларнинг маърузаси тингланади ва унга мувофиқ хулосалар қилинади.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48 ва 50-сессияларида сўзлаган нутқларида жаҳон ҳамжамиятининг диққат эътиборини Орол денгизининг қуриб бораётганлигига ва унинг оқибатида келиб чиқаётган экологик инқирозли ҳолатга қаратди. Натижада 1995 йил 18-20 сентябрда БМТ раҳбарлигида Орол муаммоларига бағишланган халқаро конференция ўтказилди.**

**БМТ нинг экологик тадбирлари, унинг асосий органлари ёки ёрдамчи идоралари орқали амалга оширилади. Бош Ассамблея қошидаги БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ЭКОСОС) маълум бир турдаги аниқ вазифаларни бажаради. Улар тоифасига экологик масалалар ҳам киради. Экологик масалалар унинг раҳбарлиги остидаги қўмита ва комиссиялар вазифасига юклатилган. Улардан бири Табиий бойликлар қўмитаси-экологик вазифаларни бажаришда алоҳида ўрин тутади. ЭКОСОС ўзининг қўмита ва комиссиялар фаолиятини умумлаштириб Бош Ассамблеяга тавсияномалар беради ва конвенциялар тайёрлайди, ўз ҳуқуқ доирасида халқаро экологик конференциялар чақиради, ихтисослаштирилган ташкилотлар билан биргаликда экологик битимлар тузади.**

**Аниқ бир турдаги экологик масалаларни БМТнинг ихтисослаштирилган ташкилотлари олиб боради. Ихтисослаштирилган ташкилотлар БМТ Низомининг 57-моддасига мувофиқ давлатлараро тузилган битимлар орқали ташкил этилади ва ўзларининг таъсис ҳужжатларига биноан бевосита ёки билвосита экологик масалалар билан 63-моддасида кўрсатиб ўтилган қоидаларга асосланган ҳолда шуғулланадилар. БМТ қошида фаолият кўрсатаётган 16 дан зиёд ихтисослашган ташкилотидан қуйидагилари атроф табиий муҳит муҳофазасига доир масалалар билан бевосита шуғулланадилар.**

***ЮНЕП*** **- БМТнинг атроф муҳит бўйича дастури 1972 йил 15 декабрда ташкил топган бўлиб, у Африка қитъасидаги Кения давлатининг пойтахти Найроби шаҳрида бош штаби жойлашган. Бош Ассамблея резолюциясига мувофиқ ташкил этилган. ЮНЕП нинг учта бўлими - бошқарувчилар Кенгаши, атроф муҳит муҳофазасини мувофиқлаштирувчи Кенгаш ва атроф муҳит Жамғармаси мавжуд. Хал қилувчи масалалар бошқарувчилар Кенгаши томонидан кўриб**

**чиқилади ва амалга оширилади. Шу кунда унинг кун тартибига 8 йўналиш бўйича экологик масалалар киргазилган:**

**- атроф муҳит санитарияси, аҳоли пунктлари ва кишилар саломатлиги;**

**- ер ва сув муҳофазаси, сахроланишни олдини олиш;**

**- океанларни муҳофаза қилиш;**

**- табиат, ёввойи ҳайвонлар ва генетик ресурслар муҳофазаси;**

**- энергетик муаммолар;**

**- экологик ўқув ва мутахассисларни тайёрлаш;**

**- табиий ресурслар савдоси, иқтисоди ва технологиялар;**

**- халқаро ва миллий қонунчиликни кодификациялаш ва унификациялаш.**

**ЮНЕП ва айрим ривожланган мамлакатлар ёрдамида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлашнинг миллий дастури ва 10 дан зиёд миллий экологик қонунлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистонда экологик ахборот тизими ЮНЕП/ГРИД - АРЕНДАЛ (Норвегия) лойиҳаси тайёрланди.**

**Ўзининг экологик функциялари билан ЮНЕП га яқин бўлган БМТ ташкилотларидан бири *ЮНЕСКО*, яъни маданият, фан ва моариф масалалари бўйича ташкилот. ЮНЕСКО 1948 йил ташкил топган ва унинг Низомига мувофиқ атроф табиий муҳит муҳофазасига доир қуйидаги масалаларни хал қилишда фаолият юргазади:**

**- 100дан ортиқ мамлакатлар иштирок этадиган халқаро экологик дастурларга раҳбарлик қилиш. Шулар қаторида Ўзбекистон Республикасида фаолият юргазиб келаётган "Инсон ва биосфера" (МАБ), Табиат муҳофазасига доир халқаро маориф дастури, Халқаро гидрологик дастур (1995 йилдан буён ЮНЕСКО ва Германия фан ва технологиялар вазирлиги лойиҳасига биноан Орол денгизи атрофидаги ер усти ва ости сувларини баҳолаш ва моделлаштириш ишлари олиб борилмоқда) ва ҳаказо;**

**- табиий объектлар муҳофазасини ҳисобга олиш ва ташкил этиш. Шунга асосан Ер куррасининг турли бурчакларида биосфера қўриқхоналари ташкил этилган. Биосфера қўриқхоналарини ташкил қилиш, уларда атроф муҳитга инсон фаолиятининг таъсир этиш даражасининг мониторингини олиб бориш ЮНЕСКОнинг универсал дастури асосида амалга оширилади. Ўзбекистон ҳудудида 1995 йилдан буён Чотқол тоғ-ўрмон биосфера қўриқхонаси ягона биосфера қўриқхоналар тизимида иштирок этиб келмоқда. Аммо унинг фаолияти ЮНЕСКО дастурининг 3 табақали тегралаш бўйича қўриқхона ишини ташкил қилиш талабига ханузгача жавоб бермайди. Биосфера қўриқхонаси- қўриқхона, буфер (ҳимоя) ва ядро теграларига ажратилмаган. қўриқхонадаги бундай ташкилий ишларни амалга ошириш маълум даражадаги молиявий қуллаб қувватлашни тақазо қилади, албатта.**

*Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)* энг биринчилар қатори тузилган (1946 йил) БМТ нинг ташкилоти бўлиб, у атроф табиий муҳитнинг салбий ўзгариши натижасида инсонлар саломатлиги ҳолати, уни сақлаш ва мустаҳкамлашга ўз фаолиятини қаратади. ЖССТ қуйидаги экологик вазифаларни амалга оширади:

- атроф табиий муҳитнинг санитар-эпидемологик мониторингини олиб бориш;
- атроф муҳит ҳолатига қараб кишиларда касалликларни келиб чиқиши ва тарқалиши бўйича маълумотлар тўплаш ва уларни умумлаштириш;
- атроф муҳитнинг санитар-гигиеник экспертизасини олиб бориш ва унинг сифатига баҳо бериш;
- шаҳарларда инсон саломатлиги масалаларини тадқиқ қилиш;
- рекреацион табиий минтақалар ва уларда аҳолини хордиқ чиқариш чора-тадбирларини олиб бориш.

*ФАО-озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти* 1945 йилда тузилган бўлиб, унинг қароргоҳи Рим шаҳрида ФАОнинг экологик фаолияти халқаро табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш орқали Ер юзида кундан кунга кўпайиб бораётган аҳолини озиқ-овқатга бўлган талабини қондириш. ФАОнинг сайл ҳаракати орқали "Дунё тупроқ харитаси" тузилган, "Умумжаҳон тупроқ хартияси" қабул қилинган, аҳолини жойлаштириш, озиқ-овқат муаммолари, сахроланишга қарши кураш, сув ресурсларини тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш мавзусидаги бир қатор халқаро анжуманлар ўтказмоқда.

*Ҳукуматлараро денгиз кенгаши ташкилоти (ХДК)* 1948 йилда тузилган бўлиб, унинг қароргоҳи Лондон шаҳрида. ХДК дунё океани ва денгизларда сув транспортидан фойдаланишнинг экологик хавфсизлик даражасини таъминлаб беришда фаол иштирок этмоқда ҳамда уларнинг ифлосланишига қарши кураш бўйича бир қатор конвенциялар ишлаб чиққан. Бу ташкилот ўз таркибига 100дан зиёд мамлакатларни бирлаштириб, денгиз сувларини муҳофазасига доир асосий халқаро принциплар ва унинг сиёсатини олиб боради.

*ЖМТ-Жаҳон метеорологик ташкилот* 1947 йилда тузилган бўлиб, унинг қароргоҳи Женева шаҳрида. ЖМТнинг мақсади инсонларнинг хўжалик фаолиятини планетамиз иқлимига таъсир кўрсатиш даражасини тадқиқ қилади ва уларга оид материаллар тўплайди. У атроф муҳитнинг глобал мониторинг тизими (АМГМТ) бўйича ЖМТ, ЖССТ, ФАО, ЮНЕСКО ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият юргазади. Бу тизимни ЮНЕП ташкилоти мувофиқлаштириб туради.

АМГМТ ҳаракатдаги 5 дастурни мувофиқлаштириб туради:

- атмосфера ҳавоси ҳолатининг мониторинги;
- ифлослантирувчи моддаларнинг узоқ масофаларга кўчириш;
- инсон саломатлиги;
- Дунё океанлари;

**- қуруқликдаги ресурсларни тиклаш.**

**Ўзбекистон Республикаси АМГМТ дастури бўйича тузилган "Иқлимни ўзгариши тўғрисидаги Конвенция"га 1993 йилдан бошлаб аъзо. Ҳозирги кунда ушбу Конвенцияни 59 мамлакат ратификация қилган. 1996 йил 12-14 ноябрда Тошкент шаҳрида ўтказилган ушбу Конвенция бўйича семинар йиғилишида қуйидаги масалалар кўриб чиқилди:**

**- иқлимни ўзгариши тўғрисидаги Конвенция билан Марказий Осиё давлатлари ва нодавлат ташкилотларини таништириш;**

**- Конвенцияга қўшилмаган мамлакатларни жалб қилиш;**

**- Марказий Осиё давлатларига БМТ, хусусан ЮНЕП нинг ёрдам кўрсатиш йўлларини аниқлаш;**

**- Узбошгидромет ва бошқа республикалар гидрометеорологик хизматларидан арид (қуруқ) иқлим шароитларида иқлимга саноат таъсирини аниқлаш методикаларини такомиллаштириш.**

**БМТнинг *Табиий офатларни бартараф этишга ёрдам кўрсатиш бўйича бюроси - (ЮНДРО)* турли давлатлар ва ташкилотларга табиий офат натижасида юзага келган экологик инқироз ҳолатида ёрдам кўрсатишни ташкиллаштиради ва олиб боради. Бюро Ер юзасида содир бўлаётган табии офатлар бўйича маълумотлар банкига ва ҳар бир салбий экологик жараённи олдини олишнинг аниқ тадбирларини қўллаш тавсияномаларига эга.**

**1948 йилда ташкил топган *Табиатни ва табиий ресурсларни муҳофазалаш халқаро иттифоқи (ТМХИ)* нодавлат ташкилоти 100дан зиёд давлат ва 500 дан зиёд нодавлат ташкилотларни аъзо қилиб олган. ТМХИнинг асосий вазифаси унга аъзо бўлиб кирган мамлакатлар ва уларда фаолият юргазаётган ташкилот, бирлашма, уюшма ва фуқароларнинг экологик ҳамкорлигини янада ривожлантириш.**

**Бу ташкилот қуйидаги масалалар бўйича фаолият юргазади:**

**- табиий ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда экотизимларни сақлаб қолиш;**

**- ноёб ва йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси турларни ҳамда табиий ёдгорликларни сақлаб қолиш;**

**- қўриқхона, резервация, миллий табиий боғларни ташкил қилиш;**

**- экологик ўқувни ташкиллаштириш.**

**ТМХИ ташаббуси билан Ер шарида ноёб, йўқ бўлиб кетаётган ёки уни хавфи бор ўсимлик ва ҳайвон турлари бўйича "қизил китоб" тузилган ва унга доимо қўшимчалар киритилиб борилади. "Табиатни муҳофаза қилишнинг Бутунжаҳон стратегияси" дастури ишлаб чиқилган ва бунга асосан Ўзбекистонда "Биологик хилма-хилликни сақлаб қолишнинг миллий стратегияси ва режаси" ишлаб чиқилган.**

***МАГАТЭ - атом энергияси бўйича халқаро агентлик* 1957 йилда, атом энергиясидан ҳарбий ва бошқа халқ хўжалиги мақсадларида кенг фойдаланишни болаш босқичида ташкил этилган давлатлараро ташкилот. Агентликнинг Низомига биноан, унинг мақсади атом**

энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишга эришишга кўмаклашиш ва уни назорат қилиш МАГАТЭ 34 мамлакатдан иборат бошқарувчилар Кенгаши орқали қуйидаги экологик масалаларни кўриб чиқади:

- атом электростанцияларни қуриш ва ишлатиш қоидаларини ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқариш ёки лойиҳадаги атом электростанцияларни экологик хавфсизлигини экспертиза қилиш;
- атом қурилмалари ва материалларини атроф муҳитга таъсирини баҳолаш;
- радиацион хавфсизлик меъёрларини белгилаш;
- турли атом қуролларини синаш, унга тайёрлаш ёки лаборатория синовларини ўтказиш бўйича мониторингни олиб бориш.

МАГАТЭ талабларига итоат этмаслик БМТ Бош Ассамблеяси Хавфсизлик Кенгаши қарорига биноан Ироқ ва Эронга нисбатан қўлланилган ёки қўлланилаётган санкциялар орқали қарши кураш чорасини тадбиқ этиши мумкин.

Атроф табиий муҳитни халқаро ҳуқуқий муҳофаза қилишда *минтақавий (регионал)* ташкилотларнинг аҳамияти жуда катта. Чунки улар ҳар бир минтақанинг конкрет экологик ҳолатини, миллатларнинг азалий яқинлигини, экологик инқирозларни бир-бирларига жуда тезлик билан таъсир қилишини, диний, маърифий ва маданий яқинликни инобатга олади.

Регионал ташкилотларга Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ОБСЕ), Араб давлатлари лигаси (АДЛ), Африка бирлиги ташкилоти (АБТ), Америка давлатлари ташкилоти (АДТ), Жанубий - Шаркий Осиё давлатлари ассоциацияси (АСЕАН), Давлатлараро экологик Кенгаш (ДЭК), Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича кенгаш ва шу каби минтақавий ташкилотлар киради.

*ОБСЕ*га барча Европа мамлакатлари, АқШ, Канада ва МДҲ аъзолари унинг ишида иштирок этадилар. Ушбу нуфузли регионал ташкилот 1972-1975 йилларда Хельсинки шаҳрида бўлиб ўтган уч босқичли учрашувлар ва музокаралар натижасида 1975 йил 1 августдан фаолият юргаза бошлаган ташкилот. ОБСЕнинг мақсадларидан бири унга аъзо мамлакатлар доирасидаги ҳудудларда экологик хавфсизликни таъминлаш ва бу соҳада улар ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш. Хельсинкида имзоланган Якуний ҳужжатга мувофиқ ҳар қандай глобал масалалар бўйича унинг қоидаларини бажаришни назоратлаш ва мухокама қилиш мақсадида учрашувлар ўтказилиб турилади.

1995 йил 10-14 ноябрда Тошкент-Ургенч шаҳарларида ОБСЕ нинг атроф муҳитни тиклаш бўйича семинари бўлиб ўтди. Бу семинарда БМТнинг ЮНЕП, ПРООН, ЖССТ, МАГАТЭ, МДҲ, Жаҳон банки ҳамда ОБСЕга аъзо 20 та мамлакат,жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳам қатнашди. Бу семинар қарорида Марказий Осиё республикаларида инсонларни яшаш ҳуқуқининг асосий элементларидан бири бўлган

**экологик хавфсизликни тўлақонли таъминлаш бўйича олиб борилиши керак бўлган тадбирлар белгиланиб олинди.**

***Араб давлатлари лигаси (АДЛ)*** **- 1945 йилда ташкил қилинган бўлиб, 21 араб мамлакатлари ва Фаластин Озодлик ташкилотининг табиий ресурслардан (айниқса нефтдан) келишган ҳолда фойдаланиш ва соғлиқни сақлашнинг экологик масалаларини кўриб чиқади.**

***Африка бирлиги ташкилоти (АБТ)*** **- 1963 йилда Аддис-Абебада бўлиб ўтган конференцияда ташкил этилган. Ушбу регионал ташкилот 50дан зиёд Африка қитъасидаги мамлакатларни ижтимоий, иқтисодий, маърифий, маданий, ҳарбий масалаларда бирлаштириб туради. Экологик муаммолардан ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг ранг-баранглигини сақлаб қолиш бўйича миллий боғлар ташкиллаштириш ва уларни муҳофаза қилишнинг ягона режаси ишлаб чиқилган.**

***Америка давлатлари ташкилоти (АДТ)*** **- 1947 йили Рио-де-Жанейрода ташкил топган бўлиб, 27та Лотин Америкаси давлатлари ва АқШ киради. Унинг таркибида атроф муҳит муҳофазасига доир ихтисослашган ташкилот мавжуд бўлиб, унинг асосий мақсади Америка қитъасидаги биологик хилма-хилликни сақлашдир.**

***Жанубий-Шаркий Осиё давлатлари Ассоциацияси (АСЕАН)*** **- шу кунда ўзининг таркибида еттита мамлакатни бирлаштиради. Бали шаҳрида имзоланган Низомга мувофиқ экологик ва санитар ҳолатни соғломлаштириш бўйича ҳамкорлик қилиш йўлларини топиш ва уларни амалий тадбиқини жорий қилиш унинг асосий экологик мақсадидир.**

***Давлатлараро экологик кенгаш (ДЭК)*** **- 1992 йил 8 февралда мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) раҳбарларининг Москвада бўлиб ўтган кенгашида тасдиқланган. Ўзбекистон унинг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида Собиқ Иттифоқ мамлакатлари билан атроф муҳитни муҳофаза қилишни келишиб олинган, мувофиқлаштирилган саъй ҳаракатларини кўзлаб фаолият юргазади.**

**ДЭК ка аъзо 10 давлат раҳбарлари томонидан имзоланган Келишувга мувофиқ (1-модда) унинг аъзолари ўз ҳудудлари учун атроф муҳитни муҳофаза қилиш дастурларини ишлаб чиқадилар ва шу асосда ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, молиявий база яратадилар ҳамда ўзаро ҳамкорлик қиладилар.**

**1993 йил март ойида қозоғистоннинг қизилўрда шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиёдаги беш давлатнинг Олий даражадаги учрашувида Орол денгизи муаммолари бўйича Давлатлараро Кенгаш ва унинг Ижроия қўмитаси ҳамда Оролни қутқариш Халқаро фонди ташкил этилди.**

**1994 йил Нукус, Ташҳовуз 1995 ва 1997 йилларда Олмати шаҳарларида БМТнинг иштирокида бўлиб ўтган учрашувларда Нукус ва Олмати декларациялари қабул қилинди. Ушбу учрашувларда Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш режаларини ишлаб чи-қилди. 1998**

**йилни ушбу Кенгаш БМТнинг шафелигида атроф муҳитни муҳофаза қилиш йили деб эълон қилишни ҳам таклиф қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг таклифига биноан Марказий Осиё минтақаси экологик ва ядровий хавфсизлик минтақаси деб эълон қилинди ва бу регион ядро қуролидан ҳоли тегра деб эътироф қилинди.**

**Атроф табиий муҳит муҳофазасига доир фаолият юргазаётган ташкилотлардан ташқари доимий равишда экологик йўналиш бўйича фаолият юргазиб келаётган ва ўзининг экологик ҳаракатига кўпгина давлатларни жалб қилаётган *халқаро конференция*ларнинг атроф муҳит муҳофазасидаги аҳамияти жуда каттадир. Улар орасида 1972 йил атроф муҳит бўйича БМТнинг Стокгольм конференцияси, 1975 йил Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгаши, 1986 йил ОБСЕ давлатлари бошлиқларининг Вена учрашуви, 1992 йил БМТнинг атроф муҳит ва ривожланиш бўйича Рио-де-Жанейро конференцияси, 1999 йил ЕХҲТнинг Истамбул саммити алоҳида ўринда туради.**

***Халқаро экологик жамғармалар (фондлар)* - табиатни муҳофаза қилиш, атроф муҳитни санитар ва гигиеник ҳолатини яхшилаш ва экологик дастурларни молиявий таъминлаш каби мақсадларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экологик жамғармалар. Фаолият юргазиш ва амалий ҳаракат қилиш кўламига кўра улар умумжаҳон, регионал ва регионаларо турларга ажратадилар.**

***Умумжаҳон экологик жамғармаларга* БМТнинг ЮНЕП ташкилоти қошидаги "Атроф муҳит жамғармаси"ни олсак бўлади. Бу жамғарма ўзининг пул маблағларини БМТга аъзо давлатларнинг бадал тўловларидан, халқаро табиий объектлардан давлатларнинг махсус фойдаланганлик учун йиғилган тўловларидан, халқаро Гаага суди қарорига биноан атроф муҳитга етказилган зарарларни халқаро экология ҳуқуқи субъектлари томонидан иқтисодий қоплаш бўйича тўловлардан, юридик ва жисмоний шахслардан тушган хайриялардан ва турли туман лотерея, шоу, спорт ўйинлари каби тадбирлардан тушган пул йиғимларидан тўлдириб боради. Унинг маблағлари фақатгина атроф муҳит муҳофазаси ва санитар-эпидемиологик ҳолатини яхшилашга йўналтирилади. Бу жамғарма орқали Марказий Осиё мамлакатларига 1994-2000 йилларда бир неча юзлаб миллионлик АҚШ долларида Оролни қутқариш бўйича молиявий ва моддий ёрдам кўрсатилган.**

***Регионлараро экологик жамғармалар* турига Минск шаҳрида қароргоҳи бўлган МДҲ мамлакатлари орасида ташкил қилинган ва Халқаро Иқтисодий Кенгаш (ХИК) давлатларининг бадал тўловлари асосида ташкил қилинган "*Халқаро экологик жамғарма*" киради. Унинг низом капитали 60 млн. рублдан иборат. Йилига унга аъзо мамлакатлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси, ялпи миллий даромаднинг 0,05% миқдорида пул маблағларини ўтказиб турадилар. Жамғарма ХИК давлатларининг ўзаро Келишувига биноан (1-модда) тузилган Миллий экологик дастурларини молиялаб туради.**

**ХИКнинг кейинги йилларда ўтказган Олий даражадаги учрашувларида халқаро экологик жамғарма томонидан молиявий ёрдам кўрсатиш керак бўлган қуйидаги объектлар аниқланди: Чернобиль теграси, Амударё ва Днепр ҳавзалари, Балхаш кўли, қора, Азов, Каспий денгизлари, Орол бўйи теграси.**

**Марказий Осиё минтақасида жуда фаол ҳаракат юргазаётган регионал жамғарма-халқаро "*Экосан*" жамғармаси. Нодавлат нотижорат Экосан ташкилоти 1992 йил Тошкент шаҳрида тузилган бўлиб, ҳозирги кунда унинг 3 миллиондан ошиқ аъзоси, 34 та мамлакатда 63 бўлинма ва ваколатхоналари бор. Президиум раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор Шодиметов Юсуп Шодиметович.**

**Экосан - грекча тилидаги "экос" ва "санос" сўзлар йиғиндисидан ташкил топган бўлиб, экология ва саломатлик деган маънони англатади. Унинг вазифалари Марказий Осиё давлатларида долзарб ижтимоий-экологик муаммоларни тадқиқ қилиш, илмий концепцияларни ишлаб чиқиш ва даставвал бажарилиши керак бўлган муаммоларга тадқиқотларни йўналтириш, илмий асослаган экологик сиёсатни ишлаб чиқиш, экологик хавфсизликни ягона тизимини яратиш, экологик, ўқув онг ва маданиятни шакллантириш, ягона регион учун иқтисодий-экологик тизимни тузиш борасида давлат, нодавлат ва халқаро ташкилотлар, олимлар ва мутахассисларнинг сайл ҳаракатларини бирлаштиришдир.**

**Экосан қошида машҳур Рим клубининг филиали Тошкент клуби ишлаб турибди. Унинг аъзолари дунёга машҳур олимлар, артистлар, мутахассислар ва давлат арбоблари.**

**1992 йилдан буён 100 дан ошиқ дастурлар ва лойиҳалар (ДАН - ЭКОСАН, СЭС-ЭКОСАН, Аспера...), конференциялар ва мунозара - мажлислар (Ҳуқуқ, экология ва саломатлик; Транспорт, экология ва саломатлик; Ёшларни экологик ўқитиш муаммолари...), халқаро учрашувлар ва миссиялар (Новрўз, экология ва саломатлик; Буюк Темир, табиат ва инсон; Орол бўйи, Фарғона, Навоий, Сурхандарё вилоятларига миссиялар...) халқаро ҳамкорлик ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш (ПРООН, ЮНЕП, ЮНЕСКО, ЭСКАТО ташкилотлари; Аденауэр ва А.Эберт жамғармалари, Ўрта Осиё мамлкатларида аккредитацияланган чет эл давлатларининг элчихоналари; МЕФА, АБАКО, Азия трейдинг каби компаниялар; "ЭКОЛОТ" ўзбек-греция қўшма корхонаси...) каби фаолиятлари ҳаммага маълум.**

**Марказий Осиё давлат раҳбарларини қизилўрда учрашувида 1993 йил 4 январда Тошкент шаҳрида *Оролни қутқариш халқаро жамғармаси* ташкил қилинди. Жамғарма давлатлараро ташкилот бўлиб, унинг маблағи иштирокчилари (Ўзбекистон, қирғизистон, қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон республикалари)нинг йиллик бадал тўловлари орқали ташкил қилинади. Бадал тўлови ҳар бир иштирокчи мамлакат учун бюджетнинг 0,3 % миқдорида белгиланган. Унинг**

**ижроия қўмитаси тузилган бўлиб, жамғарма раиси уч йиллик муддатга, кетма-кетлик асосда, бирон бир давлат Бош вазирнинг биринчи ўринбосари даражасида сайланади. Жамғарма президенти эса 1 йиллик муддатга давлат раҳбарларидан сайланади. 1997-98 йилларда Ўзбекистон Президенти И.Каримов сайланди.**

**Оролни қутқариш халқаро жамғарманинг асосий мақсади Орол денгизи атрофидаги экологик инқирозли ҳолатни юмшатиш ва аҳолининг санитар-гигиеник ҳаёт тарзини яхшилаш.**

## *5§. Халқаро экологик-ҳуқуқий жавобгарлик.*

***Халқаро экологик-ҳуқуқий жавобгарлик*** **- халқаро ҳуқуқ субъектлари (давлатлар, хлқаро ташкилотлар ва трансмиллий корпорациялар)нинг атроф муҳитга етказадиган зарарини олдини олиш ёки етказилган зарарни қоплаш юзасидан келиб чиқадиган халқаро-ҳуқуқий меъёрлар ва уларга монанд равишдаги ҳуқуқий муносабатларнинг иқтисодий-ҳуқуқий комплекси.**

**Халқаро ҳуқуқ субъектларининг экологик зарарли ёки хилоф ҳаракатлари, уларнинг ўз иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий, технологик, рекрацион ва шу каби хўжалик фаолиятлари натижасида келиб чиқадиган атроф муҳит муҳофазасига зид бўлган ҳаракат ёки ҳаракатсизликлари.**

**Агарда давлатлар, халқаро ташкилотлар ва трансмиллий корпорациялар фаолиятлари БМТ ва унинг ихтисослашган ташкилотлари ёки регионал экологик ташкилотлар томонидан белгиланган атроф табиий муҳит ҳолатининг ҳуқуқий меъёрлар доирасида бўлса, бу ҳолат ушбу субъектларнинг Ер табиати олдидаги иқтисодий-экологик жавобгарлигини пайдо қилади. Буни уларнинг табиат ва қолаверса келажак авлодлар олдидаги моддий ва маънавий жавобгарлиги дейиш мумкин. Бундай жавобгарликни В.В. Петров (1995, 1997), А.Н. Нигматов (1999) иқтисодий-экологик жавобгарлик деб номлашган.**

***Иқтисодий-экологик жавобгарлик*** **она табиатга етказилган зарарни қоплаш юзасидан амалга ошириладиган иқтисодий тадбир бўлиб, унинг иштирокчи субъектлари умумжаҳон, регионал ёки субрегионал турдаги экологик жамғармаларга мунтазам равишда тўланадиган бадал тўловлари орқали ундириб олинади. Лекин ҳеч қандай ҳолларда ва ҳеч қандай сабаб-оқибатларда бундай экологик бадал тўловлари умумий иқтисодий ёки ижтимоий кўринишдаги жамғармалар орқали амалга оширилмаслиги керак. Чунки умумий "қозонга" тушган ош "экологик чўмичга" илинмай қолиши мумкин.**

**Ўзбекистон Республикаси, биз юқорида айтиб ўтганимиздек иқтисодий-экологик жавобгарлик бўйича бадал тўловларини БМТ қошидаги халқаро экологик жамғармасига, МДҲнинг халқаро экологик**

жамғармасига ҳамда Марказий Осиё давлатларининг Оролни қутқариш жамғармасига маълум бир белгиланган фоиз асосида ўтказиб туради ва бу билан атроф табиий муҳитга етказилган меъёрий зарарни қоплаб боради.

Айрим космик фазони ўзлаштиришга оид дастурларни бажарувчи давлатлар, бирлашмалар ва халқаро ташкилотлар 1972 йилда қабул қилинган "Космик кемалар орқали зарар етказиш Конвенцияси"нинг 2-моддасига биноан табиатга етказилган зарарни қоплашлари керак.

*Экологик-ҳуқуқий жавобгарлик* - халқаро экологик объектлардан универсал, регионал ва икки давлат ўртасида белгиланган халқаро ҳуқуқий меъёрлардан ошириб фойдаланиш ёки уларни бузиш орқали атроф муҳитга етказилган зарарни қоплаш орқали келиб чиқадиган ва халқаро-ҳуқуқ субъектларига қўлланиладиган ноқулай моддий ва сиёсий шароитларни мажбурий кечинмаси ёки уларни юридик жавобгарликка тортилиши.

Юридик жавобгарликнинг ноқулай моддий кечинмаси ёки моддий жавобгарлиги экологик зиён кўрган давлатларга ёки давлатлар юридикциясида бўлмаган экологик объектларга (халқаро экологик ташкилотлар орқали) етказилган зарарни молиявий (репарация), натурал ҳолда (рестутиция) ёки алмаштириш (субституция) орқали қоплашга тушунамиз.

Халқаро экологик-ҳуқуқий жавобгарликнинг моддий қопланиши "ресторация" усулини, яъни маълум бир табиий объектни ёки моддий объектни ҳуқуқбузар субъект томонидан тўлиқ тиклаб берилишини, қўллаш ҳам мумкин. Масалан, тупроқ унумдорлигини, сув тозалигини ёки эрозия оқибатида бузилган уйни халқаро субъект томонидан тиклаб бериш.

Миллий экологик жавобгарликдан халқаро экологик жавобгарликнинг асосий фарқи уларда қўлланиладиган санкциялардадир. Халқаро ҳуқуқ субъектларини озодликдан маҳрум қилиш, кам иш ҳақи тўланадиган даражага тушириб қўйиш, мол-мулкини мусодара қилиш, маъмурий жазо турларига тортиш имконияти йўқлиги жазо санкцияларини бошқача турларини қўллашни тақазо қилади.

Халқаро экологик-ҳуқуқий жавобгарликда айбдорларга нисбатан *ноқулай сиёсий кечинмаларни қўллаш* санкцияси мавжуд. Бундай жазо тури халқаро ташкилотлар ёки уларнинг судлов органларининг қарорларига мувофиқ амалга оширилади. Натижада айбдор деб топилган халқаро субъект халқаро ташкилотлар сафидан чиқарилади ва уларга нисбатан турли кўринишдаги ёки шаклдаги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий, ҳарбий, экологик "бойкот" эълон қилинади. Бунга яққол мисол қилиб БМТнинг Ироқ республикасига нисбатан бир неча йилдан бери қўллаётган иқтисодий "бойкот"ини олсак бўлади. Россия Федерациясига қарашли 2000 йил феврал ойида "Волга-Дон" мазут ташувчи дарё кемаси Босфор бўғозида Ироқ хом-ашёсини олиб

кетаётганда ушланди ва ёқилғи конфискация қилинди ҳамда кема қарашли компанияга катта жарима солинди. Ироқ Республикаси урушни тарғиб қилиш ва ядро қуролини яратиш орқали табиатга ва инсон ҳаётига тажовуз солаётган ҳаракатлари учун халқаро Гаага суди қарори билан сиёсий санкцияга тортилди. Аммо юриспруденцияда қўлланиладиган асосий принциплардан бири "Ҳуқуқбузарликлар учун жазонинг муқаррорлиги" халқаро-экологик жавобгарликда ҳаназгача тўлиғича қўлланилмаяпти десак бўлади.

Энг нуфузли халқаро судлов органи - БМТ нинг халқаро Гаага суди 1945 йил БМТ билан бир вақтда фаолият юргаза бошлади. Унинг аъзолари Бош Ассамблея томонидан 5 йил муддатга сайланадилар. БМТ Низомининг 99-моддасига биноан Гаага суди Хавфсизлик Кенгашига халқаро экологик масалаларга доир ва экологик хавфсизликни сақлаш бўйича ҳар қандай масалаларни хал қилиш доир таклифлар билан чиқишга ҳуқуқлидир.

Лекин, халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, Ер куррасида давлатлар ёки трансконтинентал компаниялар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни бор йўғи 7-8% халқаро судлов органлари томонидан кўриб чиқилмоқда. Ваҳоланки, уларнинг ҳаммаси ҳам етарлича жавобгарликка тортилмаяптилар, табиатга етказилган зарарни қоплаш эса узоқ муддатга чўзилиб кетмоқда.

Гаага судидан ташқари бир қанча регионал ва субрегионал тоифадаги халқаро судлар мавжуд бўлиб, улар 200 дан зиёд икки ва кўп томонлама имзоланган шартнома ва келишувларга биноан халқаро экологик жавобгарлик санкцияларини ишлатсалар бўлади. Бунда давлатлар ўзларининг миллий қонун меъёрларини ёки халқаро ташкилотларнинг Низомларини "рўкач" қилиб кўрсатишлари асло инобатга олинмаслиги керак. Чунки, халқаро экологик ҳуқуқ принципига биноан, атроф табиатни муҳофаза қилишда халқаро ҳуқуқий-меъёрий нормалар миллий ёки ихтисослашган ички нормаларга нисбатан устуворликка эгадир. Ундан ташқари халқаро шартнома ва келишувларда экологик-ҳуқуқий жавобгарлик умуман инобатга олинмаган, агар олинган бўлса ҳам давлатларнинг у ёки бу табиий объектларни муҳофазасига қаратилган холос. Шунинг учун ҳам бундай жавобгарлик меъёрлари бирламчи меъёрлар тоифасига кириб, ҳуқуқбузарларни юридик жавобгарликка тортиш учун етарли асос бўла олмайди.

МДҲ ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида тузилган бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда юридик жавобгарликни қўллаш тури аниқ бир табиий майдон ёки макон бўйича меъёри кўрсатиб ўтилмаган. Ханузгача экологик-ҳуқуқий манба сифатида улар орасида жавобгарлик Конвенциялари имзоланган. Моддий ва сиёсий санкциялар тури, миқдори ва уларни ундириш ёки ишлатиш механзми йўқ. Уларни амалга оширувчи назорат, инспекция ва судлов органларини тузиш шу куннинг кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифалардан биридир.

**Хулоса қилиб айтганда инсонларнинг ягона яшаш макони бўлган Ер шарининг экологик хавфсизлигини таъминлаш бирон бир давлат, ташкилот ёки уюшмаларнинг сайл-ҳаракатларидан бошланадиган, лекин бутун дунё ҳамжамиятининг биргаликдаги изчил экологик сиёсатни олиб боришига иқтисодий ва ҳуқуқий механизмни ишлаб чиқишига, ижтимоий ва маданий муҳитни ярата олишига боғлиқ бўлган масалалар тоифасига кирадиган долзарб муаммодир.**